

А. Зуяров

БАНКХУКУКИ



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМ МАРКАЗИ

ТОШКЕНТ БАНК КОЛЛЕЖИ

А.ЗУЛЯРОВ

БАНК ҲУҚУҚИ

(Ўқув қўлланма)

**«ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ»
2001**

67,4
3-937

А. Зуларов.

Банк хукуки: (Ўкув қўлланма)// Масъул мухаррир:
Й.А.Жўраев/-Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёти,
2001. - 184 б.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида банклар фаолиятида катта узгаришлар юз бермокда. Ушбу ўкув қўлланмада республикамиздаги банк тизими, укинг таркибий тузилиши, банкларда тезкор хисоб ишларини ташкил этилишининг хукукий асослари ёритилган. Муаллиф меъёрий хужжатлар асосида банк тизимининг хукукий масалаларини баён этган.

Қўлланмадан олий ўкув юртлари, колледж талабалари, молия ва банк тизими ходимлари фойдаланиший мумкин.

ББК 67.404.2я73

Масъул мухаррир Й.А.ЖЎРАЕВ — юридик фанлари доктори.

Тақризчилар: Б.И.ИБРАТОВ — юридик фанлари доктори, профессор, Й.Т.ТУРСУНОВ — хукукшунос, катта ўқитувчи.

Мухаррир: И.УСМОНОВ

*Китоб Тошкент банк коллекси буюртмасига асосан
чоп этилди*

3 0605010204-7 2001
00072(04)

СЎЗ БОШИ ЎРНИДА

Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигига эришиши тўғридан-тўғри бозор муносабатларига ўтиш, иктисадий-ижтимоий ва маънавий янгиланишнинг бекиёс истиқболларини очиб берди. Ўзбекистон Республикаси хукукий давлат қурилишининг муҳим тамойиллари, демократик хукукий давлатга хос хусусиятлари, конституция ва конунларнинг устунлиги, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов таклиф килган беш ҳал қилювчи тамойил асос қилиб олинган ҳолда яратилган ушбу китоб банкларда ишловчи кадрлар корпусининг хукукий билимини ошириш ва чукурлаштиришга ёрдам беришга каратилган.

Маълумки, 1980 йили Х.А. Раҳмонқулов, Э. Игамбердиев, А. Зуляров, Т.В. Кочергина биргаликда «Мажбуриятни бузганлик учун жавобгарлик» хамда 1987 йили И. Жалилов, А. Зуляров, Н.Р. Носироваларнинг «Кишлек хўжалигига хўжаликлиаро корхоналарнинг хукукий муаммолари» китоби «Фан» нашриётида рус тилида чоп этилган эди. Аммо уларда муаллифларнинг шахсий интеллектуал фикрларини имконият даражасида баён килишга йўл берилмаганди.

Ўзбекистон иктисадий ва сиёсий мустақиллигининг кўлга киритилиши, давлатимизнинг ҳалкаро майдонда ўз ўрни ва обрў-эътиборини белгилаб берди. Инсон хукуклари, фуқаролик муносабатлари, хусусан муаллифлик хукукининг ахамиятига катта эътибор берилмокда. Бунинг исботи сифатида А. Зуляров томонидан банклар билан боғлик «Декон хўжалиги банк хукуки субъекти сифатида», «Банкларга оид хукукий муносабатлар», «Валютага оид хукукий муносабатлар» каби ўнлаб илмий мақолалар 1993—1999 йилларда «Иктисад ва хисобот», «Экономика и статистика» журналларида чоп этилган. Зоро, А. Зуляров кўп йиллардан бери банклар фаолияти бўйича илмий изланишлар олиб бориши натижасида «Корхоналарро хўжаликларни ривожлантиришда банк кредитининг тутган ўрни» мавзууда фан номзоди диссертациясини ёклаган.

Ўзбек тилида чоп этишга тайёрланган мазкур услубий ва амалий кўлланма Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

SamIST
Inv № 438559

Маҳкамасининг «Ёшларнинг хукукий таълимини такомиллаштиришнинг комплекс дастури тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хукукий тарбияни яхшилаш, ахолининг хукукий маданияти даражасини юксалтириш, хукуқшунос кадрларни тайёрлаш тизими ни такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ичи ни яхшилаш тўғрисида»ги Фармонига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Конуни талаблари асосида ёзилган.

Ўзбекистон давлат суверенитетининг жорий этилиши акционерлик-тижорат, хусусий, кўшма банк муассасаларининг ташкил этилиши ҳамда мамлакатимизда монетар ва фискал сиёсатни мустаҳкамлашда ушбу услугий ва амалий ўкув қўлланманинг аҳамияти каттадир. Шу сабабли А. Зулевровнинг «Банк хукуки» китоби Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни муваффакиятли бажаришга ҳамда юқори малакали банк ходимлари тайёрлашга муҳим хисса қўшади, деб ўйлайман.

Т.САҶДУЛЛАЕВ,
*Тошкент Давлат Иқтисодиёт университети
«Хукуқшунослик» кафедраси мудири, профессор*

КИРИШ

1991 йилнинг 31 августида Ўзбекистон Олий Кенгаши томонидан Ватанимиз иктисадий ва сиёсий мустақиллиги эълон қилинди. Шу йилнинг 21 декабрида Мустакил Давлатлар Ҳамдўстлиги хукумат раҳбарлари томонидан СССРнинг тугатилиши тўғрисида Олмаота Декларациясининг қабул қилиниши ва ушбу хуқукий хужжатларнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан тан олиниши туфайли 1992 йилнинг 2 марта мамлакатимизнинг БМТ аъзолигига қабул қилинганлиги, Ўзбекистон Республикасининг халқаро ҳамкорлик фаолиятининг тўла хукукли субъекти сифатида жаҳон бозорига чиқишига хуқукий асос яратди. Ўзбекистон учун дунё эшигининг очилиши муносабати билан ҳозирги кунда мамлакатимизни 165 давлат тан олган. Дунёдаги 120 дан ортиқ мамлақат билан расмий дипломатик муносабатлар ўрнатилиб, 35 дан зиёд чет эл элчихоналари, 88 га яқин Энг Йирик банк, молия нодавлат ташкилотлари билан яқиндан ҳамкорлик қилинмоқда*.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитларида ҳамда тижорат ишлари кайта тикланадиган бир пайтда банкларнинг фаолиятида катта ўзгаришлар юз бермоқда. Ҳўжалик ташкилотлари ўртасидаги асосан кисқа ва узок муддатли кредитларни тақсимловчи муассасалар ичida банклар муҳим вазифаларни бажариш билан бирга, бозор муносабатларини ривожлантириш билан боғлиқ бошка кенг кўламдаги операцияларни бажарувчи бозор структурасига айланиб бораётир. Ҳозирги даврда банкларнинг фаолияти жуда хилмадидир. Банклар пул муомаласи ва кредит муносабатларини ташкил қилишдан ташкири, халқ хўжалигини маблағ билан таъминлаш, сурурта операциялари, кимматли коғозлар олди-сотдиси, айрим холларда воситачиликни ва мулк-

* И.А. Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, баркарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари. Т., «Ўзбекистон». 1997, 296-бет.

ни бошқаришни амалга оширади. Шунингдек, маслаҳатчи сифатида халқ хўжалик дастурларини мухокама килишда иштирок этади, статистикани олиб боради.

Банк ҳар қандай корхона сингари мустакил хўжалик субъекти сифатида юридик шахс хуқукларига эга бўлиб, маҳсулот реализация килади, хизмат кўрсатиш билан шуғулланади, хўжалик хисоби принциплағрига асосан фаолият кўрсатади. Бир сўз билан айтганда, банк корхона сифатида қонун ва банк устави асосида хўжалик фаолиятининг ҳар қандай турларини амалга ошириши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг банк тизимига — Республика Марказий банки ва унга тобе бўлган муассасалар, Республика Ташки иқтисодий фаолият Миллий банки, Республика акцияли тижорат саноат-курилиш банки, Республика акцияли тижорат агросаноат банки, Республика Мехнат жамғармалари ва ахолига кредитлар бериш давлат тижорат банки, кооператив ва хусусий банклар киради. Тижорат, кооператив ва хусусий банклар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва бошқа банклар билан ўзаро муносабатларини шартнома асосида куради.

Ўзбекистоннинг кўпгина тижорат банклари, масалан, «Пахтабанк», Ташки иқтисодий фаолият Миллий банки каби катор банклар Германиянинг «Дойче банк», «ДГ-банк», «Берлиннер байк», Англиянинг «Мидлендбанк», Туркиянинг «Зироат банки», Швецариянинг «Кредит свис банк», Нидерландиянинг «ИНГ банк», Россиянинг «Менатеп банк», «Агропром банк», Туркия билан ҳамкорликда ташкил этилган «Ўт-банк», Голландия билан ҳамкорликда тузилган «Приватбанк», Жанубий Корея билан тузилган «Асакабанк» каби кўплаб банклар билан ўқиндан иқтисодий алоқалар бўйича биргаликда харакат килишмокда.

Мамлақатимизда бундай банклар тизимининг шаклланиши хорижий сармоялар олиб келиш, энг муҳими, банклар ўртасидаги пул, кредит, валюта, қимматли қоғозлар билан бўладиган иқтисодий муносабатларда тенглик, эркинлик ва мулкий мустақиллик принциплари асосида шерикчилик қилиш, соғлом ракобатни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади. Шу кунларда Ўзбекистон халқаро ҳамкорликнинг тўла хуқукли субъекти сифатида жаҳоннинг энг обрўли ва нуфузли ташкилотлари таркибиға кирган бўлиб, барча қитъалардаги ўнлаб мамлақатлар билан экспорт - импорт, савдо муносабатлари кун сайин ривожланиб бормокда.

Ўзбекистоннинг мустакил давлат сифатида ташкил этилиши тўғридан-тўғри, боскичма-боскич бозор шароитларига ўтиш, давлат мулкини хусусийлаштириш, монополистик фаолиятни чеклаш, тижорат хусусий, инвестиция, кўшма, чет эл банклари ва суғурта банкларининг ташкил этилиши туфайли мамлакатимиз хуқуқ тизимида банк хукукининг вужудга келиши учун имконият яратилди. Конституциямизнинг 122, 124-моддаларига, Ўзбекистон Республикасининг «Марказий банк тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Конунларига асосланган ҳолда ёзилган мазкур ўкув қўлланма банк хукуки фани асосларидан дастлабки маълумотлар беради. Унда банк хукукининг, умуман, хукуқ тизимидағи мустакил фан сифатида тутган ўрни, пул, кредит, валюта, дебитор, кредитор карзларни амалга ошириш тартиби, банк субъектларининг хукукий манфаатларини химоя килиш, чет эллик инвесторлар ва банкларнинг хукуларини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошка меъёрий хужжатларга мувофиқлиги, ҳалкаро хукуқ нормалари эътиборга олинган ҳолда амалга оширишни ўрганишни ҳамда замон талабларига жавоб берадиган банк ходимларини тайёрлашни мақсад қилиб қўяди.

I БОБ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БАНК ХУКУКИ ТУШУНЧАСИ, ПРИНЦИПЛАРИ ВА УНИНГ ТИЗИМИ

1 - §. Ўзбекистон банк хукуки тушунчаси ва унинг мақсади

Ўзбекистон — суверен демократик республикасининг вужудга келиши, ёш мустакил давлатимизнинг халкаро хукукнинг умумэътироф этилган қоидалари устунлигини тан олган холда инсонпарвар ва фукароларнинг муносабиҳи хаёт кечиришларини таъминлашга интилиб, замон талабларига жавоб берадиган давлат (конституциявий) хукуки, маъмурӣ хукуки, фукаролик, хўжалик, меҳнат ва катор бошқа хукук тизими барпо этилди. Ана шундай хукук тизимининг муҳим тармори хисобланган банк хукуки, бозор иқтисодиётини янада ривожлантиришга, уни шакллантиришга, чукурлаштиришга, бозор инфраструктурасини яратишга, замон тараккиёти талабларига жавоб берадиган товарлар, маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарни жорий этиш, кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш, уларнинг фаолиятини молиявий жихатдан кўллаб-куватлаш, пул, кредит, кимматли қоғозлар ҳамда валюта муносабатларига оид операцияларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Ватанимиз мустакиллигининг дастлабки босқичларида Олий Кенгаш томонидан 1991 йил 19 ноябрда «Давлат тасаруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Конуннинг кабул килиниши халқ хўжалигида бўлганидек, банк муассасаларида ҳам иқтисодий ислохотларни жорий этишга, хусусийлаштиришга кенг йўл очиб, тўла хўжалик хисоби ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш, меҳнат санарадорлигини ошириш, банк операцияларини янги замонавий техника - технология ускуналари ва хаёт талабларига жавоб берадиган банк муассасаларида хизмат кўрсатадиган кадрларни тайёрлаш, умуман молия, банк, пул-кредит соҳасида муҳим қадам бўлди.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига тўғридан-тўғри ўтиш, мулкни давлат тасарруфидан чикариш, банк муассасалари-ни ислоҳ килишда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов томонидан эълон қилинган беш тамойил асосида амалга оширилиши, хусусан банк муассасаларини жамоат, кооператив ва акциядорлик жамиятларига ўтказиш пайтида давлат бош ислохотчи бўлиб, қонунлар устуворлигига қатъий риоя этиш кўзда тутилган. Умуман, бозор иқтисодиёти асосида иш юритиш, бозор механизмини шакллантиришга оид муносабатлар Вазирлар Мажхамасининг 1992 йил 23 сентябрдаги карорига биноан кичик корхоналарни хусусийлаштириш бошланди. Натижада халқ хўжалигининг 53902 иншооти янги мулк шаклига айлантирилди. Жумладан, уларнинг 10638 тасини савдо, 12561 тасини майший хизмат кўрсатиш, 24316 тасини матлубот кооперацияси, 4753 тасини тайёрлов соҳасидаги корхоналар ташкил этади*.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигидаги давлат тасарруфида бўлиб келган корхоналарнинг кўпчилиги 1993 йили хўжалик юритувчи жамоа, кооператив ва хусусий хўжаликларга айлантирилди. Масалан, 734 та давлат хўжалиги негизида 322 та жамоа хўжалиги, 313 та ширкат, 99 та ижара ва бошка хўжаликларнинг ташкил этилиши натижасида бошкарув ходимлари сони 7 минг кишига камайгани боис хар ойда меҳнатта ҳақ тўлаш борасида 170 миллион сўм тежалди**.

Оммавий хусусийлаштириш дастурига кўра, 1994 йили 5127 иншоотни давлат тасарруфидан чикариш режалаштирилган эди. Амалда эса 9744 корхона хусусийлаштирилди. Давлат мулкини сотиб олиш истагини билдирган меҳнат жамоаларининг хоҳишига мувофик, кўпгина кичик ва ўрта корхоналар «дастурдан ташқари» хусусийлаштирилди. 1996 йилда хусусийлаштирилган корхоналар давлат тасарруфида колган корхоналарга кўра 7-8 фоиз юкорирок фойда олди***. Энг асосийси, кичик ва ўрта корхоналар ҳозирнинг ўзидаёқ амалда ўзини кўрсатди. 1997 йил бошига келиб, хусусий ва кичик корхоналар сони 100 мингдан ошиб кетди. Бундан ташқари, 19,5 мингдан ортиқ деҳкон (фермер) хўжалиги ташкил өтилди. Кичик ва ўрта корхоналар харакатини ривожлантириш учун уларга пул, кредит, кимматли қофоз-

* В.А.Чжен. Хусусийлаштириш асослари. «Иқтисод ва хукук дунёси» нашриёт уйи. Т., 1996, 8-бет.

** «Халқ сўзи» газетаси, 1994 йил 22 январ.

*** В.А. Чжен. Хусусийлаштириш асослари. 9-бет.

лар, валюта операцияларидағи хисоб-китоб муносабатларыда хизмат күрсатувчи құшма ва тижорат, хусусий банклар фаллиятини давлат томонидан құллаб-куватлаш ҳозирги бозор талабларидан биридир. Жахон иктисадиёти таражиётига жавоб берадиган Ўзбекистон ҳудудида тижорат банклари тизимини вужудга келтириш ва унда хизмат киладиган кадрлар корпусини тайёрлаш жараёни мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов таклиф килган модел заминида амалға оширишта имкониятлар яратилди.

Чинакам миллий, ўзига хосликка мутаносиб хусусийлаштириш, давлат тасарруфидаги банкларга нисбатан иктиносидий ислохотлар ўтказиш моделини рўёбга чикариш имконияти конунлар асосида шаклланмокда. Бу мазкур модел ҳозирданоқ амалда ўзини оклаётгани туфайли «Ўзбек модели» деб номлаш хакикатга айланди. Юртбошимиз томонидан таклиф этилган давлат мулкини хусусийлаштириш ва иктиносидий ислохотларни боскичма-боскич ўтказиш моделининг беш асосий принциплари куйидагилардан иборатdir:

- иқтисодий ислоҳотлар ҳеч қачон сиёсатнинг таъсири остида бўлмаслиги, бирон-бир мағкурага бўйсундирилмаслиги;
 - давлат бош ислоҳотчилир, шунинг учун хусусийлаштириш ва ислоҳотлар жараёни давлат сиёсати билан бошкарилиши;
 - қонуннинг устуворлиги, факат давлатгина, қонуний асосда сайланган ҳокимиятгина асосий ислоҳотчи бўлиши;
 - ахолининг кам таъминланган катламларини ижтимоий қўллаб-куватлаш, ахоли ўсишини хисобга олиш, астасекин ижтимоий кафолатлар тизимига ўтишини ўз ичига олувчи хусусийлаштиришнинг тармоқлар бўйича йўналтирилиши;
 - хусусийлаштириш чукур ўйлаб, жаҳон тажрибаси хисобга олинган ҳолда ёшма-шошарликсиз, босқичмабосқич амалга оширилмоғи лозим.

Бозор иқтисодетига ўтиш, хусусийлаштириш ва испо-
хотларни режали усулларда амалга ошириш даврида шу нар-
саны алохида таъкидламок лозимки, танлаб олғанда йўлнинг
асосий мақсади ва мазмуни сохта инкилобий сакрашлар-
сиз, кўшни мамлакатларнинг айрим сиёсатдонлари тутган
йўлга асло ўхшамайди. Аҳолига керакли шароитлар яратил-
масдан, уларни турмушда жиддий ўзгаришларга руҳан тай-
ёрламасдан туриб, бозор муносабатларини жорий этишни

тезлаштириш тескари натижаларга олиб келиши, хусусий-лаштириш ва ислоҳотлар сиёсатини мушкуллаштириши мумкин. Оммавий хусусийлаштириш дастурини ишлаб чи-кишда Жаҳон банки мамлакатимизга катта ёрдам кўрсатди. Чунончи, унинг мутахассислари тавсиясига кўра, банкларни акциядорликка ўтказиш принциплари муҳим ахамият касб этади. Ушбу тамойиллар иктиносидий вазиятни баркарорлаштириш ва банклар тизимидағи ислоҳотлар борасида бекиёс имкониятлар яратди. Миллий валютанинг жорий этилиши билан хўжалик юритувчи юридик ҳамда жисмоний шахслар ўргасидаги тўлов муносабатлари кескин яхшиланди. Ўзбекистон ҳукумати чет зл валютасининг расмий ва тижорат қийматини якинлаштириш ҳамда ундан фойдаланиш ҳукукини либераллаштириш борасида муҳим қадамлар кўйди. Мустаҳкам бюджет, молия ва кредит сиёсатининг амалга оширилиши ҳам кўп жихатдан баркарорликка эришилишига хизмат қилди.

Мамлакатимизнинг молиявий ҳамда банклар тизими фаолиятини тиклаш ва ривожлантиришда чет эл инвестицияларининг иктиносидий ахамияти ниҳоятда катталигини зътиборга олган ҳолда Ўзбекистон ҳукумати 1996 йил 12 февралда республикада хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш, давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларнинг фаолияти тартибини такомиллаштириш тўғрисидаги карори муҳим ахамият касб этади. Мазкур ҳукукӣ хужжатга мувофик, тадбиркорлик ва бошка турдаги фаолият объектларига чет эллик инвесторлар кўшадитан барча турдаги мулкий, молиявий, интеллектуал бойликлар хорижий деб тушунилади.

Бундай бойликлар:

- пул маблағлари, аниқ максадли банк омонатлари, улушлар, акциялар, суғурта объектлари, кимматли коғозлар;
- кўчар ва кўчмас мол-мулк (бинолар, ишофтлар, асбоб-ускуналар ва бошка моддий бойликлар);
- муаллифлик ҳукукларидан келиб чиқадиган мулкий ҳамда мулкка оид бўлмаган ҳукуклар ва бошка интеллектуал бойликлардан иборатdir.

Ўзбекистоннинг барча худудларидаги тижорат банклари, банк операцияларини амалга ошириш билан боғлик қарорларни кабул килиш вактида давлат ҳокимияти ва бошкарув идораларга бўйсунмаслиги, чет эл банклари ва чет эл капитал иштирокидаги банкларни ташкил этиш вактида хорижий муассасаларнинг бири банк бўлиши кераклиги,

уларнинг мулкий мустакиллиги, харакатдаги солик қонунларига мувофик солик тўлашлари, мулкий жавобгарлиги хакидаги қоидалар Ўзбекистон Республикасининг қатор хукукий хужжатларида, Ўзбекистоннинг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунида ҳам ватандошларимизнинг тижорат ишларига кенг ёрдам бериш, улар фаолиятини химоялаш кўзда тутилган.

Банкларнинг молиявий жихатдан бу мустакиллигини таъминлаш ва унинг мижозлари манфаатларини химоя килиш, улар билан хушмуомалада бўлиш мухим аҳамиятга эга бўлиши билан бир қаторда, Ўзбекистон банкларига оид иқтисодий ислоҳотлар дастурининг изчил амалта оширилиши халқаро молия институтлари билан ҳамкорликни кучайтиришга ижобий туртки бўлди. Республикализнинг асосий ҳамкорлари таркибига кирувчи халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Осиё тараккиёти банки, Европа тикланиш ва тараккиёт банки каби нуфузли ташкилотлар, шунингдек АҚШдаги «Эксимбанк»и, Япониянинг «Эксимбанк»и ва кўпгина бошка хорижий банклар билан алокаларнинг вужудга келиши фукароларимизнинг моддий манфаат имкониятларини кенгайтиришга, ўзида ишлаб чиқарган маҳсулотларни жаҳон бозорида сотишга, экспорт-импортта оид савдо муносабатларининг ривожланишига, меҳнаткаш омманинг турмуш ва маданият савиясини оширишга ёрдам беради.

Республикамиз бозор муносабатларининг иккинчи боскичига ўтиши, ўзининг иқтисодий-ижтимоий, хукукий ва бошка муаммоларини ҳал этиши, уни мустахкамлаш учун дадил қадамлар кўйган ҳолда жаҳон ҳамжамияти билан хўжалик, хукукий, молиявий муносабатлари ўрнатилди. Иқтисодий муносабатлар мажмуи ҳар қандай жамиятнинг асосини ташкил этса, мафкура, ахлоқий, маданий, диний ва хукукий фаолият мазкур жамиятнинг усткурмаси ёки ёрдамчи назифасини амалга ошириб, ана шу иқтисодий базисда ривожланади. Шунинг учун ҳам иқтисод (базис) бирламчи, усткурма эса иккиласи үринга эга. Замон талабларига жавоб берадиган маҳсулотларни ишлаб чиқарадиган корхоналарни қуришда инвестиция маблағларидан кенг фойдаланиш учун Кўшма банклар ҳамда тижорат хусусий банкларини ташкил этиш, уларда хизмат қиласидиган кадрларни тайёрлаб бериш банк хукуки тушунчасини, мақсадини ва назифаларини ўзида тўлиқ акс эттиради. Чунки, хўжалик юритувчи юридик ва жисмоний шахсларнинг ўзаро икти-

содий муносабатларидан келиб чикадиган хисоб-китоб, дебиторлик, кредиторлик ва кассага оид бухгалтерия операциялари факат банклар иштирокида амалга оширилади.

Мустакил мамлакатимизда амалга оширилаётган туб, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ўзгаришлар кишилар ҳётида Конституция ва қонунлар устунлиги принциплари, эркинлик, тенглик, мулкий хукукни қарор топтириб, банк хизматларидан кенг фойдаланишнинг қонуний асосини яратади. Мустакилликка Эришилгандан кейинги ўтган киска тарихий давр—Ўзбекистонда миллий давлатчилигимизни қарор топтириш ва уни ривожлантиришда мухим боскич бўлиб қолди. 1992 йил 8 декабрда қабул килинган Ўзбекистон Республикасининг Асосий Қонуни—Конституцияда мустакиллик мустаҳкамланган ҳолда демократик хукукий давлат қуришнинг баркарор сиёсий-хукукий асослари белгилаб берилган. Шунингдек кейинги йилларда ҳўжалик, маъмурий, жиноий, фуқаролик, молия, банк, бухгалтерия, касса, пул, эркин иқтисодий зоналар, дежкон ҳўжалиги, кооператив (ширкат), ер, қимматли қоғозлар, истеъмолчиларнинг хукукларини химоя қилиш, кўп укладли иқтисодиёт манфаатларини, асосий демократик принципларни, инсон эркин ва хукукларини химоя қилувчи ҳозиржавоб қонунлар қабул килинди. Бундай хукукий ҳужжатларнинг асл моҳияти Ўзбекистон фуқароларининг хукукий, сиёсий тафаккурини янада бойитишга хизмат қиласди.

2-§. Ўзбекистон Республикаси банк хукуки принциплари

Банк хукуки муносабатларининг принциплари, Ўзбекистон иқтисодий сиёсатини амалга оширишнинг мухим во-ситаси сифатида, бозор иқтисоди ислохотларини кенг жорий этишда, мазкур ислохотларни давлат томонидан ишлаб чиқилган ва меҳнаткашлар оммаси томонидан қўллаб-куватлаган режаларга мувофиқ ҳамда демократик усуllerда олиб боришини кўзда тутади. Ўзбекистон банк хукуки принципларига мувофиқ республика ҳудудидаги барча банклар ўзларининг келиб чиқишидан, номланишидан ва қаерда жойлашишидан катъи назар, тўла ҳўжалик юритувчи субъект, тўла ҳўжалик хисоби ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш ҳамда ўзининг мулкий мустакиллигини кенг жорий этиш усуllibарida фаолият кўрсатади. Банкларда ишлаш

тартиби, ижтимоий фаолияти, ички тартиб қоидалари ҳамда меҳнатга ҳак тўлаш, мижозлардан пул қабул қилиш, кредитлар бериш, фоиз ставкалари кўрсатилган ҳолда субъектлар ўртасида тузилган шартнома (контракт)га асосан амалга оширишда тенглик, эркинлик, мулкий мустакиллик принципларига амал қилиши лозим.

Банк билан хўжалик юритувчи жисмоний ёки юридик шахс ўртасида тузилган шартнома қоидаларига кўра юклар, товарлар етказиб бериш, хизматлар кўрсатиш ва улар учун тўланадиган пулларнинг хисоб-китоб ракамлари, маблағ ўтказиш тартиби ва муддати, уларнинг ҳукуклари, мажбуриятларини амалга оширишда банк ходимларининг сир саклаши талаб қилинади. Сертификат бериш қоидалари амалдаги конуний ҳужжатлар ва банкларнинг уставларида кўзда тутилиб, демократик принциплар асосида кўриб чиқилади. Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Конунининг 38-моддасида банк мижозларининг манфаатларини химоя қилиш банк сири эканлиги баён этилган. Мазкур конун-коидаларга кўра, банклар ўз мизожлари ва вакилларининг пул, кредит, валюта опрациялари, хисоб вараклари ҳамда жамғармаларига доир маълумотлар сир сакланишига кафолат беради. Юридик шахслар ва ташкилотларнинг молиявий опрациялари ҳамда хисоб варакларига доир маълумотномалар ана шу ташкилотларнинг ўзига, прокуратура ва судларга, жиной иш кўзғатилган бўлса, суриштирув ва тергов органларига тақдим этилади.

Жисмоний шахсларнинг хисоб вараклари ва омонатларига доир маълумотномалар мижозларнинг ўзига ва уларнинг конуний вакилларига, судларга, прокуратурага, мижозларнинг хисоб нараклари ва омонатларида турган пул маблағлари ҳамда бошқа қимматбаҳо бойликлар уларга ундирун каратилиши ёки мол-мулк мусодара этилган ҳолларда юритилаётган ишлар бўйича суриштирув ва тергов органларига берилиши мумкин. Хисоб вараклари омонатнинг эгалари вафот этганида амалдаги ҳукуқий ҳужжатларга мувофик, хисоб вараклари ҳамда омонатга доир маълумотномалар мазкур хисоб вараги ёки омонат эгаси банкка топширган насиятномасида кўрсатилган шахсга, вафот этган омонатчиларнинг жамғармаларига доир мерос ишларини юритаётган давлат нотариал идораларига, чет эл фукароларига доир маълумотномалар эса хорижий давлатлар консуллик мусасаларига берилади. Хизмат бурчи юзасидан банк ахборотидан хабардор бўлган шахслар хизмат сирини ошкор килганилиги учун конуний жавобгарликка тортилади.

Ўзбекистон банк хукуки принципларига асосан ягона монетар (пул-кредит) сиёсати юритилиб, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва ахолига касса, хисоб-китоблар бўйича хизматлар кўрсатишни яхшилаш, шунингдек банклар фаолиятини хар томонлама ривожлантириш, банклар ичидаги ноконуний харакатларга йўл кўйилмайди. Жумладан, шартномада кўрсатилган муддатда ёки муддатларда пулни, кредитни кайтармаслик, шу сабабли корхона, ташкilot ёки хўжалик юритувчи жисмоний шахс белгиланган режасининг бузилишига, хўжалик юритувчи юридик шахсларнинг чорак, йиллик иш тартибининг барбод бўлишига йўл кўйиб бўлмайди.

Демократик принцип шуни тақозо этадики, яъни барча банк муассасалари, шу билан бир каторда корхоналар, ташкилотлар ва бошка банк иштирокчилари (мамлакатимиз фуқаролари, чет эллик фуқаролар ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслар) Ўзбекистон Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис ва бошка ҳокимият, бошкарув органдари томонидан кабул килинган банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги норматив актларни бажариш ва уларга сўзсиз амал қилиши кўзда тутилади. Шунинг учун ҳам демократик принцип бу хукуқ ва мажбуриятларнинг бир хилда бажарилишини ўзида акс эттиради.

Ўзбекистон худудидаги барча банклар ўртасида, улар билан корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, кичик ва ўрта тадбиркорлар, бизнесчилар, дехкон хўжаликлари ва фуқаролар ўртасидаги пул, кредит, қимматли коғозлар (акциялар, векселлар) хилма-хил хисоб-китоб операциялари, жумладан, товарлар етказиб бериш, хизматлар кўрсатиш, касса хизматлари каби иктисодий муносабатлари «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Конун билан ҳамда бошка шу соҳага оид норматив актлар асосида амалга оширилади. Банк иштирокчилари (субъектлари) конунларга хилоф бўлмаган ҳолда ва банкларнинг, юридик шахсларнинг низомларида кўзда тутилган барча операцияларни бажаришлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасида таъкидланганидек, «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг хаёти, зеркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошка дахлсиз хукуклари олий кадрият хисобланади. Демократик хукуқ ва эркинликлар Конституция ва конунлар билан химоя қилинади». Мазкур конун-коидалар банк иштирокчиларининг барча субъектлари учун бир хилда ўз таъсирини кўрсатади.

Ўзбекистон халқ хўжалигининг барча тармоклари каби банк тизими фаолиятида ҳам қонунлар устуворлилиги принципи жорий килинди. Давлат ҳокимиятининг барча органларида бўлганидек, банклар фаолиятида ҳам пастдан юкорига бўйсуниш принцили қўлланилди. Демократик централизм (марказдан) бошкариш усули ягона раҳбарликни амалга оширишда жойлардаги ташаббускорлик ва иходий активлигига ҳар хил давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг топширилган иш учун масъул эканлигига банк тизимида ҳам амал килинади. Банкларга оид ҳукукий муносабатлар анча мураккаб иқтисодий муаммодир. Зеро, товар — пул, яъни эквивалентли хусусиятга эга бўлиб, ҳак бараварига ҳамда фоиз олишга асосланган иқтисодий ва ҳукукий категория сифатида корхоналар, ташкилотлар, бирлашмалар ва фуқаролар билан чамбарчас боғланувчи хилма-хил операцияларни ҳукуқ принциплари асосида жорий этилиши амалдаги қонунларда кўзда тутилган.

Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган мамлакатимиз иқтисодиётининг негизи хилма-хил мулк шаклларини ташкил этади. Мана шундай мулк шаклларидан бири банк муассасаларининг мулкидир. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тасарруфидан чикириш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Қонунининг З-моддасида таъкидлаб ўтилганидек, давлат тасарруфидан чикириш ва хусусийлаштиришнинг асосий принциплари куйидагилар ҳисобланади:

- давлат тасарруфидан чикириш ва хусусийлаштириш вактида мулкни пулли ва пулсиз топширишни қўшиб олиб бориш;
- пулсиз ва пулли хусусийлаштириладиган мулкдан улуш олишда фуқароларнинг ҳукуклари тенглиги;
- давлат тасарруфидан чикириш ва хусусийлаштириш шароитида барча фуқароларнинг ижтимоий химоя килинишини таъминлаш;
- давлат тасарруфидан чикириш ва хусусийлаштириш тадбирларини амалга ошириш устидан давлат ва жамоат назоратини йўлга қўйиш;
- монополияга карши қонун талабларига риоя этиш каби принципларга кўра хусусийлаштирилган тижорат банклари ташкил этиш.

Ўзбекистон худудидаги ижтимоий-иктисодий, чунончи пул, кредит, кимматли қоғозлар бозоридаги ва банклараро тузиладиган турли-туман шартномалар, ҳисоб-китоб опе-

рациялари ўзбек тилида тузилиши лозимлиги Конституциямизнинг 4-моддасида баён этилган. Шу билан бир каторда Ўзбекистон Республикаси худудида истиқомат килувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари хурмат килинишини таъминлаш, уларнинг ривожланиши учун шароит яратилиши Ўзбекистон Конституциясининг ушбу моддасида кўрсатилган. Шу сабабли тилларга оид принципиал муносабатлар ҳам Ўзбекистоннинг хукукий ҳужжатлари билан тартибга солинмокда.

Мустакил Ўзбекистоннинг банк қукуки эса тўғридан-тўғри бозор муносабатларига ўтишда, хўжалик юритувчи юридик ва жисмоний шахсларнинг накд ва хисоблардаги пуллари, кредитлари, валюталари бўйича бухгалтерия хизматини кўрсатиш, барча банк операцияларини мижозлар ёки уларнинг субъектлари конуний манфаатларига мувафиқ амалга ошириш ҳамда жисмоний ва юридик шахсларга банк хизматларини кўрсатишда ўзаро ракобатни кучайтиришни тақозо этади. Бозор шароитида пул, кредит, валюта операциялари билан бир каторда қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш, шакллантириш ва чукурлаштириш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар юридик ва жисмоний шахсларнинг қимматли қоғозлар бозорида фаолият кўрсатиши ва уни бошқариш билан боғлиқ муносабатлар амалдаги конунчилликка асосан банклар томонидан амалга ошириб борилади. Ўзбекистон Республикаси «Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида»ги Конунининг II-моддасига кўра инвесторларнинг пул маблағларини ишга солиш мақсадида акциялар сотиб оладиган ва чикарадиган ҳамда маблағларини фонд номидан қимматли қоғозларга, банклардаги ҳисоб варактига ва омонатларга кўядиган юридик шахс инвестиция фондидир.

Инвестиция маблағларини кўйиш билан боғлиқ таакалчилик, бу маблағларнинг бозордаги ўзгаришидан келадиган даромад ва кўриладиган зарар тўла-тўқис ушбу фонд эгалари (акциядорлари) хисобига ўтказилади ва улар томонидан фонд акцияларининг жорий нархлари ўзгариши хисобига реализация қилинади. Қимматли қоғозлар эгаси, у вакил килган шахснинг топшириғи билан ёки унинг номидан қимматли қоғозлар юзасидан битимлар тузувчи банклар, депозитарийлар (инвестиция фонди акцияларидан ташкири), инвестиция институтлари қимматли қоғозларни номинал сакловчилар бўлиши мумкин. Банклар ва сугурта

SamTS

№ 438559

компаниялари, қимматли қоғозлар бозорида савдо қилишнинг асосий принципларига кўра, акцияларни олди-сотди муносабатларида саклаш, ўтказиш бўйича бухгалтерия хизматини кўрсатиш, банк сири каби барча ишларни амалга оширишлари мумкин. Лекин банклар ва сугурта компаниялари инвестиция фондлари бўла олмайди.

Ўзбекистон Республикасининг «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Конунига асосан эркин иқтисодий зонани шакллантириш ва чукурлаштириш босқичида кредитлар бериш ёки ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктура обьектларини тўғридан-тўғри инвестициялаш тарзида республика бюджети ва маҳаллий бюджетдан маблағлар жалб этиш хам банк оркали амалга оширилади. Қимматли қоғозлар бозорида кўпинча депозитарий фаолият банклари оркали амалга оширилади. «Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида»ги Конуннинг асосий принциплари куйидагилардан иборат:

- барча потенциал инвесторлар ўз маблағларини фойдали тарзда жойлаштиришлари учун уларга шарт-шароитлар яратиб бериш;
- қимматли қоғозлар бозорида тузиладиган битимларнинг ихтиёрийлиги;
- эркин ракобат йўлидаги тўсикларни бартараф этиш;
- нархларни реал таркиб топадиган талаб ва таклиф асосида белгилаш;
- қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги меъёрий хужжатларга барча қатнашчиларнинг катъий риоя этиши;
- биржа ва биржадан ташқари операциялар, копировкалар, эмитентларнинг молиявий ҳолати тўғрисидаги ахборот ошкор этилишининг шартлари;
- ўз фаолиятини меъёрий хужжатларга мувофик амалга ошираётган барча инвесторлар ва эмитентлар учун бозордан фойдаланиш мумкинлиги;
- қимматли қоғозлар ва уларнинг эмитентларига доир ахборотнинг тўла ошкор этилишини, ошкораликни ва бу ахборотдан барча қатнашчилар фойдалана олишини таъминлаш;
- инвесторлар ва эмитентларнинг манфаатларини химоя килиш;
- қимматли қоғозлар бозорида товламачилик ва бошка ноқонуний фаолиятни тақиқлаш.

Қимматли қоғозлар бозорида савдонинг асосий принципларига риоя этилиши давлат томонидан тартибга со-

линишига оид чора-тадбирлар билан бирга фонд биржалари ва кимматли қоғозлар бозори катнашчиларининг бирлашмалари (уюшмалари) ишлаб чиккан савдо қоидалари ни уйгуналтириш асосида таъминланади. Кимматли қоғозлар бозорида савдонинг лицензия асосида иш олиб борадиган фонд биржалари ва инвестиция институтларининг кимматли қоғозларга доир хисоб-китоб ҳамда бухгалтерия операциялари банклар иштирокида ва банк қизматлари билан амалга оширилади.

Банк иштирокчилари ва субъектларнинг пул, кредит, валюта, кимматли қоғозлар каби иқтисодий муносабалари амалдаги ҳуқукий ҳужжатларга мувофиқ олиб борилали. Шу туфайли банк ҳуқуки қуйилаги ҳуқукий принципларга асосланади:

1. Банк ҳуқуки субъектларининг банклардаги маблағлари сир сакланади.

2. Мулк шаклларидан катъи назар, мулк згаларининг ҳуқуклари давлат томонидан мол-мулкка эгалик килиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишда бир хилда муҳофаза қилинади.

3. Мулк згаларининг мулкий ва шахсий ҳуқукларининг дахлизилиги таъминланади.

4. Барча банк ҳуқуки субъектлари ёки иштирокчилари ҳуқукларининг тенглигига эришилади.

5. Банк иштирокчилари учун тенг шарт-шароит яратилиши, уларнинг мулкий ва шахсий ҳуқуки ҳамда мажбуриятлари факат конунлар асосида амалга оширилади.

6. Амалдаги конунларга мувофиқ барча тижорат ва бошқа банклар тизими марказлаштирилган асосда Ўзбекистон Марказий банки томонидан халқаро конвенция коидала рига асосланган демократик ҳуқукий давлатга хос принциплар асосида бошқарилади.

3-§. Ўзбекистон банк ҳуқукининг молия ҳуқуқидан фарқи

Давлат мустақиллигини кўлга киритган Ўзбекистон учун иқтисодий-ижтимоий тараккиётнинг янги боскичи хисобланган бозор муносабатларига ўтиш, ривожлантириш, чукурлаштириш, хусусий мулкини химоя килиш, бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш асосида кичик ва ўрта ҳусусий мулкдорлар фаолиятини яратиш ҳамда уларнинг мул-

кий мустакиллигини шакллантириш учун тижорат ва хусусий банкларни ташкил этиш ҳозирги замон талабларидан биридир. Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Конунида тижорат банкларига атрофлича таъриф берилган. Жумладан, банк — тижорат ташкилоти бўлиб, куйидаги фаолият турлари мажмuinи амалга оширадиган юридик шахсdir:

- юридик ва жисмоний шахслардан омонатлар қабул қилиш ҳамда қабул қилинган маблағлардан таваккал қилиб, кредит бериш ёки инвестициялаш учун фойдаланади;
- тўловларни амалга оширади.

Омонат (депозит) деб талаб қилиниши биланоқ ёки тўловни амалга оширувчи шахс билан тўловни олувчи шахс, уларнинг конуний вакиллари ўртасида келишилган муддатда фоизлар ёки устама ҳақ тўлаган ҳолда ёхуд бундай тўловларсиз ҳаммасини қайташиб бериш шарти билан топшириладиган пул суммасига айтилади. Чет эл банки — ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси худудида амалга оширадиган хорижий банкнинг шўйба ташкилоти бўлиб, унинг устав капитали шу банк томонидан тўланиши Конунда кўрсатиб ўтилган. Юқорида баён этилган муҳим масалаларни ҳал этиш, уларни рўёбга чиқариш учун соғлом банк тизимини жорий қилиш, банк фаолиятидаги барча хукукий хужжатларни ўзида акс эttiрувчи ягона қоида банк хукукини вужудга келтириш ҳозирги замон талабларидан биридир.

Маълумки, собиқ Иттифоқ даврида банклар фаолиятига етарли даражада аҳамият берилмасди. Чунки барча банк муассасалари давлатнинг мутлак тасарруфида эди. 1917 йillardagi Октябр инқилобидан сўнг барча хусусий банклар мажбуран тортиб олиниб, номигагина умумхалқ мулкига айлантирилди. Банк эгалари (мулкдорлар) мулкидан маҳрум қилиниб, жазога тортилди. Шу сабгбли ҳам «Банк хукуки» фани тан олинмади. Қизил империянинг «Банк хукуки»га нисбатан эътиборсизлигига қарамасдан, профессорлар М.М. Агарков, И.С. Гуревич ва бошқа олимлар томонидан қатор ўкув адабиётлари чоп этилган.

«Молия хукуки» — давлат бюджети, унинг даромадлари ва чиқим харажатларининг асосий томонларини аниклаш, давлат солик сиёсатини амалга ошириш, солик турларини аниклаш, солик муносабатларининг субъектларини ва объектларини хукукий ҳаракатларга мувофик тартибга солиш, рўйхатдан ўtkазиш, фаолиятни лицензиялаш, патент-

лар бериш, давлат солик органлари, давлат божи муносабатларини тартибга солиш, хукукий асосларини аниклаш ва амалга ошириш, суғуртага оид хукукий муносабатларни тартибга солиш, суғурта турлари, унинг субъектлари ва объектларини аниклаш, давлат бюджетини тақсимлашни режалашибтириш, уни тақсимлаш, бюджет тизимини аниклаш ҳамда давлат кредити масалаларини ҳал этади. «Молия хукуки»-нинг манбай солик сиёсати оркали белгиланади. Олий Мажлис томонидан 1997 йилнинг 24 апрелида қабул килинган ва 1998 йилнинг 1 январидан эътиборан амалга киритилган Ўзбекистон Республикасининг Солик кодекси давлат бюджетини ривожлантиришда муҳим ахамият касб этади.

Давлат бюджетини щакллантиришга оид солик тўғрисидаги қонунларнинг асосий принциплари, умумдавлат соликлари ҳамда маҳаллий соликлар ва йиғимларга асосланади.

Умумдавлат соликлари:

- юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғи;
- жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;
- кўшилган қиймат солиғи;
- акциз солиғи;
- ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солик;
- экология солиғи;
- сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик.

Солик кодексининг 6-моддасига мувофик умумдавлат соликлари хар йили қонуний тартибда белгиланадиган нормативлар бўйича тегишли бюджетлар ўртасида тақсимлашиши баён этилган. Маҳаллий соликлар ва йиғимларга мазкур кодексининг 7-моддасига кўра қўйидағилар киради:

- мол-мулк солиғи;
- ер солиғи;
- реклама солиғи;
- автотранспорт воситаларини олиб сотганлик учун солик;
- савдо-сотик қилиш хукуки учун йиғим, шу жумладан айrim турлардаги товарларни сотиш хукукини берувчи лицензия йиғимлари;
- юридик шахсларни, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни рўйхатга олганлик учун йиғим;
- автотранспорт тўхташ жойидан фойдаланганлик учун йиғим;

- оболончилик ишлари учун йигим.

Мазкур вазифаларни амалга оширувчи давлат солик идора органлари тизими, уларнинг хукук ҳамда асосий вазифаларини ўз ичига олади. Шунинг учун ҳам юкорила баён этилган ва хукукий меъёрлар асосида тартибга солинадиган катор институтлар, уларнинг принциплари маъбалари, тизими ва бошка хусусиятлари «Молия хукуки» билан тартибга солиниб, «Банк хукуки»дан тубдан фарқ килади.

4-8. Бозор шароитида Ўзбекистон банклари тизимининг хукукий масалалари

Маъмурий-буйруқбозликка асосланган собиқ Иттифокнинг емирилиши туфайли жаҳон жуғрофий-сиёсий харитасининг Ўрта Осиё монтакасида вужудга келган мустақил давлатимизнинг монетар сиёсатини, ички ва ташки дунёда ривожлантириш ҳамда уни янада чукурлаштириш учун давлатнинг асосий белгилари ҳисобланган молия, пул, кредит, валюта, кимматли қоғозлар, касса, ҳисоб-китоб, дебиторлик ва кредиторлик қарзлар каби бухгалтерия операциялари бўйича халқаро талабларга жавоб берадиган соғлом банк тизимини жорий этиш, Ўзбекистон хукуматининг энг муҳим мақсал ва вазифаларидан биридир. Мамлакатимизнинг ҳали ёш ва ўзи эндиғина оёққа туриб келаётган айни пайтда қатор банклар фаолиятига оид муҳим вазифалар, чунончи, бозор шароитларига жавоб берадиган миллий тижорат банклар тизимини вужудга келтириш, Ўзбекистон Марказий банк тизимини ташкил этиш, хусусий банклар тизимини шакллантириш, миллий валютани жорий килиш билан бир қаторда МДҲ давлатлари билан ўзаро тўловларни амалга оширишни ташкил этиш ҳам зарур муаммолардан бири эди.

Шунинг учун ҳам, айрим объектив сабабларга кўра, 1993 йилга кадар банклар тизимидағи тўловларга оид ўзаро иқтисодий муносабатлар Москва орқали ҳал килиб келинди. Чунки 70 йилдан ортиқ вақт давомида барча давлат банклари собиқ Иттифок тасарруфида эканлиги, уларга тегишчи мулкка нисбатан даъво муддатларининг қўлланилмаслиги мазкур масалани тўғридан-тўғри ҳал этишга имконият бермасди. Шуни таъкидлаш лозимки, барча собиқ Иттифок тасарруfidаги банкларни 1930-1932 ва 1989-1990 йилларда ислоҳ килиш оқибатлари хеч кандай ижобий на-

тижасиз якунланди. Зоро, мазкур банклар фаолияти тоталитар маъмурий-буйрукбозлик тузуми ихтиёрида эди.

Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари тизимини барпо қилиш, хозирги кунда ўз кучини тўлик йўқотган «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Конуннинг қабул килиниши билан бошланди. Мазкур конунга кўра, Ўзбекистондаги банк тизими:

- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва унга тобе бўлган муассасалар;
- Ўзбекистон Республикаси Ташки иқтисодий фаолият Миллий банки;
- Республика акцияли-тижорат саноат-курилиш банки;
- Республика акцияли-тижорат агросаноат банки;
- Ўзбекистон Республикаси Мехнат жамғармалари ва аҳолига кредитлар бериш халқ тижорат банки;
- пай, акция асосида, шунингдек, чет эл капитали иштирокида тузилган тижорат банклари, уларнинг филиаллари ва ваколатхоналари;
- кооператив ва хусусий банклардан ташкил топган эми.

Ўзбекистон Республикаси парламенти томонидан 1991 йил 15 февралда қабул қилинган «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Конун мустақилликнинг дастлабки даврида, яъни бозор иқтисодига ўтиш, давлат мулкини хусусийлаштириш, давлат тасарруфидаги банкларни ислоҳ қилиш, Ўзбекистон банк тизимини мустахкамлашда муҳим аҳамият касб этганлиги Президент И. А. Каримовнинг Олий Мажлис тўққизинчи сессиясида сўзлаган нуткида ўз аксни топди ва мазкур конунга ижобий баҳо берилди.

Юртбошнимизнинг «ҳар бир инсон ўз давлати тарихини яхши билишлари керак», деган фикрларини асос қилиб олган ҳолда Ўзбекистон банк тизими тарихига ҳамда хозирги кунда ўз кучини йўқотган «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Конунга тўхталиб ўтишимиз зарур. Ушбу Конун саккиз бўлим ва 51 моддадан иборат бўлиб, унда банк тушунчаси, унинг умумий қоидлари, принциплари, мижозларнинг асосий хуқуqlари, банк операциялари ва касса хизматлари тартиби кўрсатилган. Унинг иккинчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси банк тизими, учинчи бўлимида эса Ўзбекистон Марказий банкининг асосий хуқук ва вазифалари, тўртичинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Ташки иқтисодий фаолият Миллий банкининг хуқук ва вази-

фалари, бешинчи-олтинчи бўлимларида эса тижорат банкларининг вазифалари, хукуклари, мижозларнинг хукуклари химоя қилиниши ва еттинчи-саккизинчи бўлимларида Ўзбекистон Республикасида жамғарма ишлари, тижорат банкларининг хисобот бериши, уларнинг фаолиятини назорат килиш ва аудит текширувлар тартиби берилган*.

Олий Мажлиснинг биринчи чакирик тўртинчи сессиясида «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Конуннинг қабул қилиниши банклар тизимини яна-да мустахкамлаш ва икки погонали банкларнинг ривожла-нишига хукукий асослар солинди. Биринчи — давлат тасарруфидаги банклар ва иккинчиси тижорат, хусусий, қўшма ва чет эл банклари фаолиятидан иборат.

Ўзбекистон банк тизимида илк бор шундай тижорат банклари ташкил бўла бошладики, улар айни пайтда банк тизимининг асосий бўғинларига айланишган. Булар жумласига «Ўзсаноат-курилиш» акциядорлик тижорат банки, «Пахтабанк» акциядорлик тижорат банки, Ташки иқтисодий фаолият Миллий банки, «Фаллабанк» акциядорлик тижорат банки, «Ўзсавдогарбанк» акциядорлик тижорат банки ва бошқа кўпгина банкларни киритиш мумкин. Иккинчи даражали банк тизимининг яратилиши иқтисодиётда таркибий ёки туб ўзгаришларга эришган ҳолда иқтисодий ислохотларнинг мустакил, ўзига хос моделини ҳаётга татбик этиш учун молиявий негизни барпо этди. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 30 дан ортиқ тижорат банки мавжуд бўлиб, шулардан 4 таси чет эл капитали иштирокида, 4 таси эса хусусий капиталда ицилаб турибли**. Шуни таъкидлаш лозимки, замонавий миллий тижорат банклар тизимида чет эл банклари билан ҳамкорликда қўшма банклар ташкил этилмоқда. Буни республикамиз хукуматининг ташки иқтисодий фаолиятини ривожлантириш ва чет эл инвестицияларини жалб қилиш борасидаги очик монетар сиёсати дейиш мумкин. Туркия билан ҳамкорликда ташкил этилган «Ўт-банк», Голландия билан ҳамкорликда тузилган «Приватбанк», Ўзбекистон - Жанубий Кореяning «Асакабанк»и шулар жумласидандир.

* Ўзбекистон Республикаси Конун ва Фармонлари. Т., «Ўзбекистон», 1992, 100-126-бетлар.

** Ф.Мулдашонов. «Бозор, пул ва кредит» журнали. 1998 йил январ.

«Банк хукуки» тизими умумий ва маҳсус қисмлардан иборат. Умумий қисмда Ўзбекистон Республикаси «Банк хукуки» тушунчаси, предмети, мақсади, вазифалари, молия хукувидан фарки, тарафларнинг тенглик, эркинлик, мулкий муносабатлик, банк сири каби принципларидан фойдаланиш хукуклари, Ўзбекистон монетар сиёсатининг асосий йўналишлари, «Банк хукуки» манбалари ва уларнинг турлари, уларни қабул қилишда Ўзбекистон Президентининг, Олий Мажлиснинг, Вазирлар Махкамасининг, маҳаллий давлат ҳокимияти ва хукумат органлари ва Марказий банкнинг асосий хукуқ ҳамда вазифалари, банк хукуки фаолиятини амалга оширишда суд, прокуратура, таргов органларининг хукуқ ҳамда вазифалари, нихоят гаров, лизинг, кредит ва хисоб-китоб бўйича шартнома тузиш тартиби ва уларни бузганлиги учун тарафларнинг жавобгарликларини ўз ичиға олади.

Маҳсус қисмда эса «Банк хукуки» субъектлари, уларнинг иштирокчилари, «Банк хукуки» объектлари ва турлари, Марказий банк тизими, Марказий банк бошқаруви, унинг таркиби, ишлаш тартиби, Марказий банк раисини тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш тартиби, унинг асосий хукуқ ҳамда мажбуриятлари, Марказий банкнинг пул-кредит (монетар) сиёсатининг асосий йўналишлари, Марказий банкнинг очик бозордаги операциялари, хисоб ва кредит операцияларининг фоиз ставкаларининг Марказий банк томонидан назорат этиш тартиби, Марказий банк томонидан мажбурий резерв талабларининг амалга оширилиши ҳамда тижорат, хусусий, қўшма ва чет эл банкларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини тутатиш тартиби, банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш, пул тизими ҳамда пул муомаласини ташкил этиш, валютани тартибга солиш ва халқаро резервларни бошқариш, банклар билан мижозлар ўртасидаги муносабатлар, банкларга воситачилик килиш, банклараро операцияларни амалга оширишда бухгалтерия хисоб-китоб килиш тартиби, банклар аудитининг хукуқ ҳамда вазифалари, банклар фаолиятида халқаро ҳамкорлик, бақларни назорат қилиш, кимматли қоғозлар бозорини шакллантириш каби катор институтларни ўзидага акс эттиради.

II БОБ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ МОНЕТАР ВА ФИКСАЛ СИЁСАТИ. БАНК ҲУКУКИ МАНБАЛАРИ ҲАМДА УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ

1 - §. Монетар ва фиксал сиёсатининг хукукий асослари

Ўзбекистоннинг бозор иқтисодига боскичма-боскич ўтиш даврида пул, кредит, валюта, кимматли қоғозлар операцияларини шакллантириш ва мустахкамлаш асосида кичик ва ўрта хусусий тадбиркорлик фаолиятини кўллаб-куватлашда монетар ва фиксал сиёсати муҳим ахамият касб этади. Мамлакатимизнинг Асосий Конуни хисобланган Конституциянинг 122 ва 124-моддаларида монетар ва фиксал сиёсатни кенг амалга ошириш, банк ҳамда молия тизимини мустэҳкамлаш, хўжалик юритувчи субъектнинг пул, кредит, валюта ва кимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операцияларни шакллантиришда банк муассасаларининг хизмат фаолияти катта ахамиятга эга эканлиги кўрсатилиган.

Хозирги бозор шароити даврида мустакил хўжалик юритувчи кичик ва ўрта хусусий бизнес фаолиятини янада чукурлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ихтисослаштирилган акционерлик тижорат банкларини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 13 июлдаги «Банк тизимини ривожлантиришни молиявий кўллаб-куватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 362-сон хукукий хужжатлари хукуматга тегишли банк муассасаларини хусусийлаштириш, банк тизимида кенг иқтисодий ислохотларни жорий этишда давлат бош ислохотчи ва раҳбарлик фаолиятини амалга оширувчи орган эканлиги таъкидланган.

Маълумки, Ўзбекистон халқ хўжалигининг барча гармоқлари каби мулкни хусусийлаштириш тамойиллари банк

тизимида ҳам кенг жорий эгилмокда Ҳозирги кунда 30 дан ортиқ турли тижорат-ихтисослаштирилган ва тижорат-хуссий банклар ташкил этилиб, уларнинг мулкий мустакиллигини давлат йўли билан химоялаш, мустаҳкамлаш ва шаклантириш монетар ва фиксал сиёсатининг асосий вазифаларидан биридир Монетар ва фиксал сиёсатини амалга оширишда «Марказий банк тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Конунлар мухим ахамият касб этади. Чунки банк тизимини мустаҳкамлаш, банк субъектларининг мулкий мустакиллигини химоя килиш, тижорат, хуссий, қўйма ва чет эл банкларини очиш, уларни рўйхатга олиш, лицензия бериш, уларнинг фаолияти устидан назорат килиш, иш фаолиятини тўхтатиш каби катор харакатлар мазкур ҳукукий хужжатларга асосан амалга оширилиши кўзда тутилган.

Ҳўжалик юритувчи субъектлар ўргасида маҳсулотлар, товарлар етказиб бериш, товарлар ишлаб чиқариш, уларни саклаш, жўнатиш, хизматлар кўрсатиш, кредиторлик, дебиторлик қарзларини амалга оширишлан келиб чикадиган пул, кредит, кимматли қоғозлар, касса ва хисоб-китоб муносабатларидаги операцияларни амалга оширишда банк монетар сиёсатини янада шаклантириш ҳамда чукурлаштириш, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг банклар билан амалга ошириладиган пул, кредит, кимматли қоғозлар ва валюга операциялари билан боғлик касса, хисоб-китобларга оид банк хизматларини мустаҳкамлаш максадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хуссий тижорат банкларини ташкил килишини рағбатлантириш чора-талбирлари тўғрисида»ги Фармони кабул килинган. Мазкур Фармонга кўра, мулкчиликнинг ҳар қандай шакли асосида акциядорлик жамияти тарзида юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл фукаролари банк муассасалари бўлиши мумкин.

«Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Конуннинг 7-моддасида ҳар бир акциядорнинг иштирок хиссаси Устав капиталининг 35 фойздан ошмаслиги кўрсатилган. Бундай чеклов банкларнинг Устав капиталидаги давлат хиссасига ва чет эл банкларига татбиқ этилмаслиги баён этилган. Банкларга оид Конунга мувофик ҳўжалик юритувчи юридик ёки жисмоний шахс ёхуд ўзаро келишув асосида ёки бир-бiriнинг мулкини назорат килувчи бир гурух юридик ва жисмоний шахслар битимлар асосида банк акцияларининг беш фойздан зиёдини олиш учун эса Марказий банк томонидан розилик берилиши талаб этилади.

«Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Конунга кўра, банк муассасалари банк акциядорлари таркибидан рўйхатга олинган кундан бошлаб бир йил мобайнида чикиб кетиш хукукига эга эмас. Алоҳида-алоҳида қонун хужжатлирига мувофик банкнинг Устав капиталини шакллантириш учун бюджет маблағларидан фойдаланишга йўл қўйилади. Лекин кредитга ва гаровга олинган маблағлардан ҳамда бошка жалб этилган маблағлардан банкнинг Устав капиталини шакллантириш учун фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Банклар фаолияти Марказий банкда рўйхатга олиш билан бир вактда банк операцияларини амалга ошириш хукукини берувчи лицензия олинган пайтдан бошлаб юридик шахс макомига эга бўлиши билан бошланади. Монетар сиёсатининг асосий йўналишларидан бири Ўзбекистон худудида чет эл банклари ваколатхоналарини очишга катта имкониятлар яратишдан иборат бўлиб, у «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Конуннинг I ва 16-моддалари ҳамда Марказий банк бошқаруви ҳарори билан 1996 йил 20 июнда тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси худудида чет эл банклари ваколатхоналари очиш, рўйхатдан ўтказиш ва аккредитациялаш тартиби тўғрисида»ги Низомга мувофик амалга оширилади.

Хозирги иқтисодий ислоҳотларни шакллантириш, пул, кредит ва валюта бозорига оид монетар сиёсатни ривожлантириш ва чукурлаштиришда Марказий банк Молия вазирлиги билан келишилган шартларда иш тутиб, Ўзбекистон Республикаси хукумати ва давлат органларининг фиксал агенти сифатида:

- Молия вазирлиги ва бошка давлат органлари чикарган карз мажбуриятларини жойлаштириш, жойлаштиришчарни рўйхатга олиш ва уларни топширишда агент ролини бажариш;
- кўрсатиб ўтилган кимматли қоғозлар кийматини, улар бўйича фоизлар ва бошка тўловларни тўлаш;
- кўрсатиб ўтилган кимматли қоғозлар бўйича хисобваракалари юритиш ва уларга доир тўлов операцияларини бажариш;
- кўрсатиб ўтилган кимматли қоғозлар бўйича операцияларни амалга ошириш борасида фаолият кўрсатиши мумкин.

Марказий банк Молия вазирлигига давлатнинг кимматли қоғозларини чиқариш ва давлат қарзини қайтариш жадвали ҳамда хажми масалалари юзасидан уларнинг банк ти-

зими ликвидлигига таъсири ва монетар сиёсатининг устувор йўналишларини хисобга олган ҳолда маслаҳат беради. Амалдаги хуқукий хужжатларга мувофик Марказий банк Ўзбекистон Республикаси хукуматининг банкири, маслаҳатчиси ва фиксал агенти (хазина вакили) сифатида иш тутиши билан бир қаторда хукуматга кредит беради. Бу хукумат ва Марказий банк ўртасида алоҳида кредит шартномаси тузиш билан расмийлаштирилади. Унда кредитнинг микдори, кайтариш муддатлари, тўланадиган фоизлари меъёри ва ссудани узиш тартиби келишиб олинади. Хукуматга кредит бериш тартиби Олий Мажлис тасдиқланган микдорда эркин муомалада бўлалиган ва олти ойлик муддатда қиймати тўланадиган карз мажбуриятларини тўлашда тасдиқланган давлат кимматли қоғозлари гаровга қўйилиши шарти билан берилади. Бунда кимматли қоғозлар Молия вазирлиги томонидан чиқарилади, бозор ставкаси бўйича тўланадиган даромад манбаига эга бўлади ва Марказий банка топширилади. Кредит муддатлари эркин муомаладаги карз мажбуриятларини тўлаш муддатларига мувофик келтирилиши лозим.

Марказий банкнинг мол-мулки унинг пул ва бошка моддий бойликлари бўйича ўзига мустақиллар. Шунинг учун ҳам давлат Марказий банк мажбуриятлари юзасидан, Марказий банк эса давлатнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, башарти, улаф ўз зинмаларига бундай мажбуриятларни олмаган бўлсалар ёки конунлардан бошка коида назарда тутилган бўлса. «Марказий банк тўғрисида»-ги Конуннинг 9-моддасига кўра, Марказий банк Ўзбекистон Республикаси монетар сиёсатининг асосий йўналишларини ишлаб чиқиши, депозитарий ва кассир вазифаларини бажариш, банклар фаолияти устидан назорат килиш ва чет эл, халқаро банклар билан тўғридан-тўғри иктисодий муносабатларни амалга ошириш, кредитлар олиш ёки бериш, кредиторлик, дебиторлик карз мажбуриятларини тўлаш ёки талаб килиш хукукига эгадир.

Ўзбекистон Конституциясининг 17-моддасида мамлакатимиз халқаро муносабатларнинг тўла хукукли субъекти эканлиги, унинг ташки сиёсати, давлатларнинг суверен тентлиги баён этилган. Шунинг учун ҳам Ватанимизнинг пул кредит сиёсатини Марказий банк амалга оширади. Ушбу хуқукий хужжатга асосланган ҳолда Ўзбекистон Президентининг 1994 йил 20 апрелдаги «Экспорт-импорт операциялари бўйича валюта назоратини таъминлаш тадбирлари

тўғрисида»ги Фармони чет эллар билан бўладиган иктисодий муносабатларда хўжалик юритувчи юридик ва жисмоний шахстар Конституция ҳамда Конунга мувофиқ харакат килишлари белгиланиб, улар устидан валюта назоратиди мустаҳкамлаш кўзда тутилган.

Хўжалик юритувчи хар бир юридик ҳамда жисмоний шахс ва банк муассасалари ўз Уставларида кўрсатилган фаолиятни амалга оширишда Конуннинг устунлигини сўзсиз тан олиш уларнинг асосий вазифаларидан биридир. Хўжалик юритувчи субъектларнинг товар ишлаб чиқариш, маҳсулот етказиб бериш, хизмат кўрсатиш пайтларида, улар учун тўловларни шартнома шартларига мувофиқ ўз вактида тўламаслик, бунинг натижасида кредиторлик, дебиторлик карзларнинг кслиб чиқишига сабаб бўлади.

Одатда, корхона, ташкилот, хўжалик юритувчи субъектнинг айби, бу борада юридик шахс хисобланган раҳбарнинг айби хисобланади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Президентининг 1998 йил ноябр ойида Самарқанд ва Навоий вилоятларининг навбатдан ташкари бўлиб ўтган ҳалк депутатлари сессияларида сўзлаган нуткларида мансабдор шахсларнинг фаолиятига алоҳида эътибор берилиб, қатор банк раҳбарлари ўз лавозимларидан озод этилди.

Конун, фармон, қарор каби хукукий хужжатларни тан олиш ва уларга риоя килиш, фукаролик, маъмурий, меҳнат, молия, банк ва бошка хукуқ тизими актларида бу — интизом дейилади. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 24 январдаги «Тўлов интизомини ва ўзаро хисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлаш тадбирлари тўғрисида»ги Фармони пул, кредит, валюта, дебиторлик, кредиторлик жарzlарини ўз вактида тўлашни тартибга солиш интизомини мустаҳкамлашга қаратилган хукукий хужжат хисобланади. Хўжалик юритувчи юридик ва жисмоний шахслар ўртасида келиб чикадиган пул, кредит, валюта, дебиторлик, кредиторлик жарzlарни тўлаш, маҳсулотлар, товарлар етказиб бериш, хизматлар кўрсатиш каби хилма-хил иктисолий муносабатлар бўйича хисоб-китоб операциялари, фаолиятни амалга ошириш тартиби, муддатлари ва мажбуриятни бузганлик учун тарафларнинг жавобгарлиги, субъектлараро гузилган шартномада батафсил баён этилади. Чунки шартнома ҳам хукукий хужжат хисобланиб, конун-коидаларга мувофиқ тузилади.

Халкаро фукаролик жамиятида бозор муносабатларининг самарадорлигини яхшилашда демократик цивилиза-

цияга хос хизмат кўрсатувчи тижорат, хусусий банклар ва мазкур банкларда хизмат килувчи ходимларнинг хукукий маданиятини чукурлантириш максадида Ўзбекистон хукумати банк кадрларини тайёрлаш учун АҚШ, Япония, Франция, Германия каби давлатлар билан шартномалар тузган. Шу асосда ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

2-8. Банклар фаолиятида Конституция ва қонунларнинг тутган ўрни

Ўзбекистон корхоналааро, ташкилотларо ва фуқаролар билан бўладиган иқтисодий категорияга оид пул, кредит, валюта, қимматли қоғозлар, дебиторлик, кредиторлик қарзлардан келиб чиқадиган муносабатларнинг барчаси банк муассасаларнинг хизматлар кўрсатиши туфайли вужудга келади. Ушбу хўжалик юритувчи жисмоний ва юридик шахсларнинг барча фойдали харакатлари Конституциясига мувофиқ амалга оширилади.

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Конституцияси принципларига кўра, Ўзбекистон – суверен демократик республика эканлиги, давлатнинг «Ўзбекистон Республикаси» ва «Ўзбекистон» номлари бир маънони англатади дейилиши, давлат ҳалқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қиласди, давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар, сўзлари Ўзбекистон демократик хукукий давлат эканлигини ўзида акс эттиради. Бозор муносабатларини шакллантиришга ва мустахкамлашга қаратилгай; Ўзбекистон сиёсатининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Ана шундай мулк шаклларига кирувчи акциядорлар, кооперативлар ҳамда бошка юридик ва жисмоний шахслар томонидан ташкил этилган, Марказий банкдан лицензия олиниб, рўйхатдан ўтилган тижорат, хусусий, кўшма ҳамда чет эл банкларининг мулклари кўзда тутилади. Конституциянинг 36 ва 53-моддаларида ҳар бир шахс мулкдор бўлишлиги, давлат истеъмолчиларнинг хукуқ устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат килиш эркинлигини, барча мулк эгаларининг тенг хукуклиги ва хукукий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилиши кафолатланади. Хусусий мулк бошка мулк шакллари каби дахлиз ва давлат химоясидадир. Мулкдор факат қонунда на-

зарда тутилган холларда ва тартибдагина мулкдан маҳрум этилиши мумкин.

Мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик килади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдан фойдаланиш экологик мухитга зарар сўказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар давлат хукукларини ҳамда қонун билан кўрикли надиган манфаатларини бузмаслиги шартлиги Конституциянинг 54-моддасида баён этилган. Шунинг учун ҳам Асосий Қонун банк хукукининг асоси билангина чекланиб колмасдан, балки мамлакатимиз хукук тизимининг мухим манбаидир. Шу сабабли барча хукукий хужжатлар Конституцияга мос келиши шарт. Чунки Конституция Ўзбекистон Республикаси Қонунларининг негизидир.

Ўзбекистон Республикасининг дунёга келиши билан биринчи Конституциямизни қабул килишга, демократик хукукий давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятини мустақил ташкил этишга, уларнинг хукук ҳамда вазифаларини аник белгилаш, суверен молия ва банк тизимини вужудга келтиришга хукукий асос солинди. Хукукий демократик давлат деганда факат қонунларнинг назарий томонидан эмас, балки амалий нуқтаи назаридан бир хилда бажарилиши, қонунларнинг бошқа хукукий хужжатлардан устунлиги, қабул килинган қонунларнинг фуқаролар, хукукий шахслар, давлат ҳокимият ва ҳукумат идора органлари ва мансабдор шахслар томонидан бир хилда бажарилишининг мажбурийлиги тўғрисида умумий қоидалар Конституциянинг қатор моддаларида баён этилган.

Конституция ва қонуннинг устунлиги принципларини тан олмаслик ёки давлатчилик фаолиятида ушбу хукукий хужжатларнинг қоидаларини бажармаслик, уюштан жиноятчиликнинг олдини олмаслик, жиноятчилик билан аёвсиз курашмаслик, унга имкониятлар яратиб бериш, унга карши курашишнинг факат назарий йўли билангина чекланиб келиш каби муносабатлар хукукий давлат принципларига зид, шунинг учун бундай давлатни хукукий давлат, деб айтиш мумкин эмас. Хукукий давлат — бу ҳаракатдаги қонунларга мувофиқ ниҳоят каттиқ интизом хукмрон бўлмоғи лозим. Асосий Қонуннинг 15-16-моддаларида Ўзбекистон Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўэсиз тан олинишлиги, давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўришлари мажбурийлиги баён этилган. Шунинг учун ҳам

асосий конунлар йиғиндиси хисобланган Конституциянинг бирор бир қоидасига зид бўлган хукукий хужжат ёки хужжатлар хақиқий хисобланмайди.

Конституциянинг йигирма бешинчи бобидаги катор моддаларда мустакил Ватанимизнинг ўз молия ва пул-кредит ҳамда банк тизимиning бозор шароитларига мос кичик ва ўрта тадбиркор ҳамда бизнес фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахсларнинг пул, кредит, валюта, кимматли қоғозлар бозорини шакллантириш, уларга молиявий ёрдам кўрсатиш, хисоб-китоб операциялари бўйича хилма-хил иқтисодий хизматлар кўрсатадиган тижорат ва хусусий банкларни жорий этишни Марказий банк зиммасига юкланганилиги кўрсатилган.

Маълумки, Мустакил Давлатлар Ҳамдўстлиги вакилларининг 1991-1994 йилларда Бишкек, Ашхабод, Тошкент, Олмаота ва Москвада бўлиб ўтган учрашувларидан асосий мақсади бир-бирларига иқтисодий ёрдам кўрсатиш ва ҳамкорликни ривожлантириш, хукукий Эркинликларни ўзартсан олиш ва ҳурмат килиш, кафолатли банкларга оид иқтисодий, хукукий муносабатларни ҳар томонлама ривожлантириш сиёсати, атроф-мухитни соғломлаштириш, стандартлаш, патентчилик, метрология, божхона муносабатларини ва бошка ҳалқ ҳўжалиги учун зарур бўлган муаммоларни ҳал этишга қаратилгандир. Узбекистон иқтисодий ва сиёсий мустакиллигининг эълон килиниши конун нуктаи назаридан қаралганда, юридик факт хисобланади. Юридик фактларга СССРнинг емирилиши, Ўзбекистон Мустакил давлатининг ташкил этилиши, Олий Мажлис томонидан 150 дан ортиқ ҳалқ ҳўжалигининг барча тармокларига тааллукли конунларнинг қабул килиниши, шулар жумласига киради. Чунки ушбу хукукий хужжатлар фуқаролар, корхоналар, ташкилотлар, давлат ҳокимияти ва хукумат органлари учун ҳар хил ҳукуқ ҳамда мажбуриятларни вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор килиш имконини беради.

Ўзбекистон ҳалқ ҳўжалигининг барча тармоклари каби банклар ва банк фаолиятида ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Конунларига мувофиқ банклар тизимида ҳам иқтисодий ислоҳотлар кенг ривожланиб, чуқурлашиб, бозор иқтисоди конунларига амал килган ҳолларда шаклланмокда. Амалдаги конунларга асосланган ҳолда бозор иқтисодига ўтиш, бозор механизмини тартибга солиб бориш, ижтимоий-иктисодий муносабатларни бошкариш Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов так-

лиф этган беш тамойил асосида шакллантириш ва бунда давлат бош ислоҳотчи бўлиши кўзда туттилган. Хукуматнинг бош ислоҳотчилик фаолиятини жорий этишда ер юзидағи энг тараккӣ этган давлатларидан бирига айлантириш, мустақилликнинг иқтисодий-маънавий асосларини барпо этиш учун жаҳондаги иқтисодий муносабатларни чукурлаштириш ва мамлакатимиз халқ хўжаликларининг барча соҳаларидаги чет эл инвестицияларини кенг жалб қилишнинг хукукий асослари йил сайин мустаҳкамланиб бормокда.

«Банк хукуки»нинг манбаи хисобланган «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Конун 6 бўлим, 41 моддани ўз ичига олади. Биринчи бўлимда тижорат банкларининг умумий коидалари, банк фаолиятининг субъектлари, банк операциялари, банк фаолиятини лицензиялаш тартиби, фирма номи, хукуқ принциплари берилган бўлса, иккинчи бўлимда банк муассасалари банк устави, унинг устав капитали, банкларни рўйхатта олиш тартиби, банк очиш учун олдиндан Марказий банкнинг рухсатномасини олиш асослари ва муддатлари, чет эл капитали иштирокида банклар таъсис этиши ва уларнинг фаолиятига нисбатан қўйиладиган қўшимча талаблар, банкларнинг филиал ҳамда ваколатхоналарини очиш коидалари, банкларнинг иттифоқлари ва уюшмалари, банклар фаолиятини тўхтатиш ва уларни тугатиш и福德аланган. Банклар фаолиятини тартибга солиш, уларнинг хукуқ ва бурчлари кўрсатилган. Учинчи бўлимда банкларнинг мустақиллиги, давлат ва банкларнинг масъулияти чекланиб қўйилиши, бошқарув органлари, банкларнинг фондлари, уларнинг пул маблағларини захиралаш борасидаги бурчлари, банк субъектларининг битимлар тузиш тартиби, давлат бюджетининг касса ижросига доир операцияларни бажариш тартиби, кредит ставкалари ва воситачилик хақи микдорини белгилаш хукуклари, банклар ва мижозлар ўртасидаги муносабатлар, банкларнинг хисоб-китоб қилиш тартиби, кредитларнинг қайтарилишини таъминлаш коидалири, қарздорларни тўловга қобилиятсиз, деб эълон қилиш баён этилган. Тўртинчи бўлим банкларга воситачилик қилишга бағищланган. Унда васийликни тайинлаш, унинг ваколатлари тўғрисида алоҳида баён этилган. Бешинчи бўлим банк мижозларининг манфаатларини химоя қилишга қаратилган. Унда банк сири, банкларнинг ўз мижозлари олдидағи жавобгарлиги ва монополияга карши коидалар келтирилган. Олтинчи бўлим банкларда хисоб юритиш ва хисобот, уларни эълон қилиш, банклар аудити ва банкларни назорат

қилиш тартибини баён этади. Конуннинг тузилиши унинг биринчидан, демократик хукукий давлат принциплари асосида амал қилиши, иккинчидан, банк субъектларининг тенглиги, эркинлиги, мулкий мустакиллиги, учинчидан, вассийлик ваколатларидан, кредиторлардан кенг фойдаланиш ва банк сирига қаратилган йўналишни янада мустахкамлайди.

Бозор муносабатларининг тўхтовсиз ривожланиши ва шакланиши ҳамда янада чукурлашуви банк тизимида пул, кредит, кимматли қоғозлар бозорини шакллантириш, валюта, ҳисоб-китоб, касса операцияларини мустахкамлаш, тўри йўлга қўйиш, ҳалкаро клиринг ва тўлов битимлари, ҳалкаро резервлар, чет эл валютасидаги операциялар, банклар устидан умумий раҳбарлик қилиш, тижорат банклари учун мажбурий бўлган пул резерларини тўлаш, банк субъектларининг хукук фаолиятини мустахкамлаш, банкларни янги техника, технология, асбоб-ускуналар билан ҳамда қадрлар билан таъминлашда кўмаклашувидаги умумий қоидалар Марказий банк, банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги Конунга мувофиқ тартибга солиниб борилади.

«Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Конуннинг кабул қилиниши давлат билан банкларнинг маъсулияти конун билан чегараланиб қўйилган. Мазкур Конуннинг 21-моддасида тижорат банклари давлатнинг мажбуриятлари бўйича, давлат эса банкларнинг мажбуриятлари бўйича жавобгар эмаслиги, фақат конун хужожатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустаснолиги баён этилган. Ушбу қонун-қоидаларга мувофиқ банкларнинг мулкий мустакиллиги, мулкчиликнинг ҳар қандай шакли асосида акциядорлик жамияти тарзида ташкил этилиши, «банк» атамаси ёки мазкур атама қўшиб ёзилган сўз бирикмалари ни Конунга мувофиқ банк операцияларини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган ташкилотлар ўз фирма номида ёки реклама мақсадларида ишлатишлари мумкин. Конун талабини бузиш белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш учун сабаб бўлади. Шунингдек, барча банк субъектларининг тенглик, эркинлик, мулкий мустакиллик, банклар билан мижозлар ўртасидаги мулкий муносабатларнинг битимлар асосида амалга оширилиши, мижозлар исталган банкда ҳисоб-китоб варакларини очишга ҳаклилиги, банклар бошқарув органларининг асосий хукук ҳамда вазифалари қонуннинг қатор моддаларида баён этилган. Банкларнинг бошқарув органлари деганда, акциядорларнинг уму-

мий йиғилиши, банк кенгаши ва бошқаруви банкнинг бошқарув органлари хисобланиб, ўзларининг устав қоидалари га кўра ўз фаолиятини амалга ошириши мумкин. Амалдаги Конунга мувофиқ банк кенгашининг бурчлари қуидаги-лардан иборат:

- омонатлар ва акцияларни химоя қилиш мақсадида банк фаолиятини, шу жумладан кредитлаш ва маблағларни инвестициялашнинг тўғрилигини назорат қилиш;
- банк раҳбарларини ишга тайинлаш ва ишдан бўша-тиш;
- банк капиталининг бир текис ўсиб боришини таъ-минлаб туриш;
- банк сиёсатини ишлаб чиқиш;
- Конун хужжатларига риоя қилишни таъминлаш кўзда тутилади.

Банк кенгаши аъзолари камида беш кишидан иборат бўлиши мумкин. Акциядорлардан ташқари банк соҳаси олимлари ва мутахассисларини ҳам банк кенгашига аъзоси бўлиши мумкинлиги «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Конунда баён этилган. Банкка оператив раҳбарлик килувчи ва унинг фаолияти учун жавоб берувчи банк бошқарув кенгаши акциядорлар умумий йиғилиши олдида хисоб беради. Банклар фойдаларидан конун хужжатларида белги-ланган тартибда турли фондлар ташкил этишлари билан бир каторда Марказий банкда мажбурий захираларни саклашлари шартлиги, мажбурий захиралар микдори ёки меъёри Марказий банк томонидан белгиланиши Конун-нинг 24-моддасида кўрсатилган.

Ўзбекистон фуқароларининг, мамлакатимиздаги чет эл-лик фуқароларнинг, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳамда хўжалик фаолиятини амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахсларнинг пул, кредит, валюта каби иктисо-дий муносабатлари факат «Банклар ва банк фаолияти тўғ-рисида»ги Конун билан чекланиб қолмасдан, балки Ўзбе-кистоннинг бошка Конунлари билан, жумладан «Акциядор-лик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини химоя қилиш тўғрисида»ги, «Давлат уй-жой сиёсатининг асосла-ри тўғрисида»ги Конунлар билан бир каторда Ўзбекистон-нинг Фуқаролик кодексининг 759-831-моддаларида ҳамда бошка хукукий хужжатларда баён этилган. Шунингдек, Олий Мажлиснинг фуқароларга хўжалик юритувчи юридик ва жисмоний шахсларга ҳамда банкларга оид қарори мухим

ахамиятта эга. Ушбу хукукий хужжат Конуннинг кучга кириш муддатини, унга зид бўлган меъёрий хужжатларни кайта кўриб чиқиш ва бекор килишлари учун қеракли давлат органларига топширилади ва муддатларни белгилайди.

3-§. Ўзбекистон худудидаги банкларга оид Фармонлар ва қарорлар тушунчаси

Аҳолининг товарларга бўлган эҳтиёжини қондириш ва улар билан ички бозорни тўлдириш, шунингдек республика савдо тармоғи фаолиятини молиявий жиҳатдан кўллаб-куватлаш ва янада ривожлантиришни таъминлаш мақсадида савдога ва тижоратта кўмаклашувчи «Савдогар» ихтинослаштирилган акционерлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 18 мартағи Фармони банклар тизимида катта ахамиятта эга бўлди. Савдога ва тижоратта кўмаклашувчи «Савдогар» ихтинослаштирилган акционерлик тижорат банкининг ташкил этилганлиги ва унинг асосий вазифалари қилиб республиканинг савдо ташкилотларига банк хизмати кўрсатиш, савдо ташкилотлари билан халқ хўжалигининг бошқа тармоклари ўртасидаги савдо-харид муносабатларидан келиб чиқадиган карз, кредит, гаров, валюта, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳамда товарлар, маҳсулотлар, хизматлар кўрсатиш борасидаги ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга ошириш унинг асосий фаолияти қилиб белгилана-ди. Ушбу хукукий хужжат иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, товар иштаб чиқарувчиларнинг, истеъмолчиларнинг, савдодаги кичик бизнес билан шуғулланувчи тадбиркорларнинг товар ресурслари бозорида эркин ҳамда тенг хукукли хўжалик субъектлари тарзида кенг иштирок этиши учун ва уларнинг фаолиятини ривожлантириш мақсадида ихтинослаштирилган тижорат банклари ёки зарур тармоклар мажмуини вужудга келтириш ҳозирги замон талабларидан келиб чиқади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий тадбиркорлик кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбири тўғрисида»ги Фармонига бюджетдан ташқари фонdlарни кичик ва ўрта бизнес корхоналарига кредит бериш бўйича барча операциялар тижорат банклари, жумладан «Тадбиркорбанк» ва «Замин» банки ҳамда бошқа тижорат банклари ўртасида тузилган бош битимлар асосида кредит

йўлари очиш оркали амалга оширилиши кўзда тутилган. Мазкур Фармоннинг б-бандига кўра, фермер ва дехкон хўжаликларининг ташкилий фаолиятини яхшилаш мақсадида фемер ва дехкон хўжаликларини кўллаб-кувватловчи шахсий ёрдамчи ва дехкон хўжалик уюшмасини дехкон ва фермер хўжаликлари уюшмасига айлантириш, айни вактда шахсий ёрдамчи ва дехкон хўжаликларини кўллаб-кувватлаш фонди, деб аташ Вазирлар Махкамаси томонидан маъкулланди. Шу бандга кўра, «Замин» банки дехкон ва фермер хўжаликлари уюшмаси фаолиятида унинг аъзоси сифатида иштирок Этиши кўрсатиб ўтилди.

Европа таъминлаш ва тараккىёт банкининг дехкон ва фермер хўжаликларини кўллаб-кувватлаш учун 20 мингдан 125 минг АҚШ доллари гача микдордаги ўрта муддатли микро ва кичик кредитларга асосланган кредит йўналиши ажратиш борасидаги таклифлари Вазирлар Махкамаси томонидан қабул килинди. Кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантиришни кўллаб - кувватлаш механизмини такомиллаштириш тўғрисидаги Фармон коидаларини амалга ошириш Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банкка, Давлат мулк қўмитаси, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси дехкон ва фермер хўжаликлари уюшмаси ва бошка ташкилотлар зиммасига юклатилган.

Мустакил юртимизни жаҳоннинг энг тараккий этган давлатларидан бирига айлантириш, фукароларнинг иқтисодий ҳам маънавий асосларини барпё этиш, демократик хукукий давлат сари янада ривожланиш ва чукурлашишни кенгайтириш, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги корхоналарни шаҳарлар ва аҳоли гавжум яшайдиган жойларда бўлишини назарда тутиш ва уларга имкониятлар яратиб бериш мақсадида Вазирлар Махкамаси 1995 йил 4 ноябрда «Ўзжамғармабанк»ни Узбекистон Республикаси Халқ банкига айлантириш тўғрисида маҳсус карор қабул қилди. Мазкур хукукий хужжатнинг асосий мақсади аҳолига кўрсатилаётган банк хизматларининг кенг кўламли фаолиятини яратиш, эркин пул маблағларининг ошириш, аҳолига кредит бериш йўли билан кишилар фаровонлитини кўллаб-кувватлашга қаратилгандир. Халқ-хўжаянгининг барча тармокларини ривожлантиришга йўналтираётган кредит-инвестиция ресурсларини кўпайтириш мақсадида, ҳар бир хўжалик худудида банк инфраструктурасининг жорий этилиши, республикада яшовчи ҳар бир фукаро банк хизматидан кенг фой-

даланиши учун жаҳон цивилизация андозалари даражасига кўтаришга хукукий асослар яратилди.

Иқтисодий ислохотларни кенгайтириш, маъмурий-буйрукбозлик тизимида барҳам бериш, монополияга қарши қоидаларга риоя қилиш, пул, кредит, молия, валюта, кимматли қоғозлар бозорини мустаҳкамлаш ва давлатнинг монеттар сиёсатини амалга оширишда Вазирлар Маҳкамасининг банк тизимини шакллантиришга қаратилган қарори алоҳида аҳамиятга эгадир. Хукуматимизнинг 1994 йил 13 июлдаги банк тизимини ривожлантириш, молиявий қўллаб-куватлашга қаратилган ва бошка хукукий актларига асосан мамлакатимизда иқтисослашган акционерлик тижорат, жумладан «Фаллабанк», «Тадбиркорбанк», «Пахтабанк» каби қатор банклар ташкил этилган.

Ижтимоий ҳаётда, иқтисодиётда, сиёсатда хукукий демократик давлатни бунёд этиш, инсон қадриятларини жойига кўйиш, ижтимоий, сиёсий, маданий ва иқтисодий тараккиёт йўлларини белгилашда хукукий нормалар катта рол ўйнайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Акциядорлик тижорат банклари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1998 йил 2 октябрдаги Фармонини бажариш юзасидан ҳамда банк тизимида баркарорликни таъминлаш, банклар ресурсларини сафарбар этиш, иқтисодиётни кредит билан таъминлашда банкларнинг иштирокини кенгайтириш, шунингдек, банк хизматлари соҳасида ракобат муҳитини ривожлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг «Банклар тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1999 йил 15 январдаги қарори муҳим аҳамият касб этади. Ушбу хукукий ҳужжат қоидаларига биноан Марказий банкнинг янги ташкил этилаётган банклар устав сармоясининг энг кам микдорини босқичма-босқич кўпайтириш, уни 2000 йил 1 январдан бошлаб:

- Тошкент шаҳрида очилаётган тижорат банклари учун сўмлардаги эквивалентда 2,5 миллион АҚШ долларигача;
- бошка аҳоли яшаш пунктларида очилаётган тижорат банклари учун сўмлардаги эквивалентда 1,25 миллион АҚШ долларигача етказиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинди.

Мазкур қарорга мувоғиқ хорижий сармоя иштирокидаги банклар энг кам устав сармояси бўйича белгиланган талаблар сўм эквивалентида 5 миллион АҚШ доллари мидорида, хусусий банклар бўйича — сўм эквивалентида 0,3 миллион АҚШ долларида сақланиб колишига рухсат этил-

ди. Юкорида баён этилган хукукий хужжатда 16 акциядорлик - тижорат банки акциядорларининг умумий йигилишларида устав сармоялари ҳажмини 15 миллиард сўмга етказиш учун қўшимча маблағлар жалб қилиш маълумот учун қабул этилган.

Банк тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирларига кўра, банклар устав сармояси ҳажмини кўпайтириш, биринчи навбатда хорижий инвесторлар маблағларини жалб этиш, шунингдек, акциядорларнинг бўш маблағларини жалб этиш хисобига амалга оширилиб бормоқда. Амалдаги қоидаларга асосан бир акциядорнинг тижорат банки устав сармоясидаги улуши 2000 йил 1 январдан бошлаб устав сармоясининг умумий микдори 20 фоиздан, 2001 йил 1 январдан — 13 фоиздан ҳамда 2002 йил 1 январдан 7 фоиздан ортиқ бўлиши мумкин эмас (давлат улуши шунингдек, хорижий сармоя иштирокидаги банклар ва хусусий банклар бундан мустасно).

Вазирлар Махкамасининг «Банк тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1999 йил 15 январ карорига кўра, банк тизимини ислоҳ қилиш бўйича республика комиссияси ташкил этилиши кўзда тутилган ва қуидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгиланади:

- банк тизимини ислоҳ қилиш, банк хизматлари соҳасида ракобат мухитини шакллантириш, банклар активларини ва муассасалар фаолиятини фаоллаштириш хисобига уларнинг баркарорлигини ошириш юзасидан аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш;
- банклар устав сармояларидаги давлат улушкини камайтириш натижасида тижорат банкларини хусусийлаштириш ва акциялаштиришни таъминлаш;
- банклар устав сармояларига қўшимча маблағлар, шу жумладан, хорижий инвестициялар маблағларини, шунингдек, улар доирасини кенгайтириш хисобига бошқа муассасалар маблағларини жалб этишга кўмаклашиш;
- иқтисодиётнинг реал секторига хизмат кўрсатиш ва кредит билан таъминлашда банклар ролини ошириш, инвестиция дастурлари ва лойиҳаларини амалга оширишда улар фаолиятини фаоллаштириш, банклар билан уларнинг мижозлари муносабатларида ҳамкорлик механизмини тақомиллаштириш;
- тижорат банклари кредит портфелларини шакллантириш сиёсатини тақомиллаштириш, берилган кредитлар бўйича қарзларнинг таркибини ўзгартириш, берилган кре-

дитларни ўз вактида кайтарилишини таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чишиш.

Қарорнинг олтинчи бандига биноан республика худудида жойлашган юридик шахсларга:

— ишловчилар сони 1000 кишидан ортик бўлган корхоналарга 1999 йил 1 июндан бошлаб;

— ишловчилар сони 2000 кишидан ортик бўлган корхоналарга 1999 йил 1 декабрдан бошлаб;

— бошка юридик шахсларга 2000 йил 1 июндан бошлаб солик тўлаш жойидаги солик органларини хабардор қилган ҳолда банкда бир нечта счёtlар очиш хукуки берилган.

Халк хўжалигининг барча тармоқлари каби қишлоқ хўжалигига мева-сабзавот маҳсулотларини ривожлантириш мева-сабзавот хўжалиги ва уни қайта ишловчи саноатнинг ишлаши ҳамда янада шаклланишини молиявий кўллаб-куватлаш максадида Вазирлар Маҳкамаси «Мевасабзавотбанк» ихтисослашган акционерлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида маҳсус қарор кабул қилди. Мазкур хукукий хужжатга мувофик, ушбу банкнинг асосий вазифалари мева-сабзавот хўжалиги корхоналари ва ташкилотларига, савдо, тайёрлов ва қурилиш ташкилотларининг қайта ишловчи корхоналарига кредит ҳисоб-китоб хизматини кўрсатиш белгилаб қўйилган. Қарорга кўра, «Мевасабзавотбанк» таъсисчилари томонидан устав фонди 5 млн. сўм микдорида эълон қилинган ва уларнинг ҳар бирининг улуши, шу жумладан, «Ўзмевасабзавотузумсаноат» 2 млн. сўм, «Ўзозиковкатсаноат» 2 млн. сўм ва Молия вазирлиги 1 млн. сўмдан иборат қилиб белгиланган. «Мевасабзавотбанк»нинг устав фонди банк акцияларини сотишдан олинадиган маблағлар ҳисобига шакллантириш лозимлигини ҳисобга олиб, банк кенгаши акциялар чиқариш ва улар акционерлар ўртасида таксимланиши кўрсатилган.

4-§. Банк устави хукуқ манбай сифатида

Бозор шароитида банкларга оид пул, кредит, валюта, қимматли қофозлар билан бўладиган иктисолий-ижтимоий муносабатларни ҳисоб-китоб, касса операциялари усулида амалга ошириш, ривожлантириш, шакллантириш ва чухурлаштиришда, банк устави асосий хукуқ манбай ҳисобланади. Ўзбекистон худудида ташкил этилган тижорат ёки хусу-

сий банклари ўз уставида тўлиқ ва кискача номи, хукукий мақоми, манзилгоҳи, муҳри ва бошқа зарур реквизитлари ўзбек, рус ва инглиз тилларидан аниқ ёзилиши шарт.

Республикамиз банк тизимида «Пахтабанк» муҳим аҳамиятга эга. Банк фаолиятининг асосий мақсади сифатида уставнинг 2-моддасида куйидагилар баён этилган:

1. Банк қишлоқда иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш, пахтачилик ва у билан боғлиқ тармокда банк хизмати кўрсатишни яхшилаш, ҳисоб-китобларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;

2. Банк пахта етиштирувчи хўжаликларга, пахта заводларига, пахтачилик билан боғлиқ бошқа корхона ва ташкилотларга комплекс равишда валюта — инвестиция хизматини кўрсатиш;

3. Банк фаолиятини пахта етиштирувчи хўжаликларни ва кайта ишлаш билан боғлиқ бўлган, ишлаб чикариш ташкилотларини ривожлантиришда молиявий маблағларни ошириш ва жамғаришга йўналтириш;

4. Пахта етиштириш, уни кайта ишлаш, саклаш ва сотиш билан боғлиқ хўжаликлар ва ташкилотларга битимлар тузиш орқали келгуси ҳосил ҳисобидан аванс беришга кўмаклашиш;

5. Хўжаликларда белгиланган тартибда банкнинг бўлимларини ташкил этиш йўли билан мижозларга хизмат кўрсатишни мустаҳкамлаш.

Банк уставининг яна муҳим ҳусусиятларидан бири, мулкларининг мустақиллиги, фондлари ва устав фонди, уни шакллантириш ва ўзгартириш тартиби таъсисчилар қўшган маблағлар ва акциялар сотилишидан тушган тушумлар ҳисобидан ташкил топади. Шу асосда банк 3,9 млрд. сўм микдорида устав фондига эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Акциядортижорат банклари фаолиятини янада қўллаб-куватлаш тўғрисида»ги 1998 йил 2 октябр Фармонида банкларнинг устав капиталини ривожлантириш басн этилган. Ушбу хукукий хужжат талабига кўра, «Пахтабанк»нинг устав капитали 1999 йил кўрсатмаларига асосан кимматли коғозлар чикариш ва уни сотиш усулида 6,4 млрд.ни ташкил этди*.

Ўзбекистоннинг баркарор ва истиқболли банкларидан яна бири акциядорлик биржа «Трастбанк»и 1994 йил 21

* Қаранг: «Рынок, деньги и кредит», Ежемесячный деловой журнал. 1999, № 4.

июлда Ўзбекистон Марказий банки томонидан рўйхатга олинган ва 1996 йил 7 августда кайта рўйхатдан ўтказилди. Унинг устав фонди — 112 мян. сўмдан иборат. Банкнинг уставида фондлар ва уларни тақсимлаш, акционерларнинг асосий хукуқ ва мажбуриятлари, таъсисчиларнинг банкдан чиқиш тартиби, бошқарув органлари, уларнинг хукуқ ҳамда вазифалари, умумий йигилиш ўтказиш тартиби, банк кенгаши аъзоларининг сони, шунингдек тафтиш комиссияси аъзоларининг бошқарув раисини сайлаш, тайинлаш ва чиқариш тартиби каби қатор масалалар акс этган.

Умумий қоидаларга кўра, тижорат ёки хусусий, қўшма банкларнинг устави асосий фаолиятини кўрсатиб берувчи хукукий хужжат хисобланади. Чунки мазкур қўлланма Президентнинг Фармонлари, қонунлар ва қарорларга мувофик тузилган бўлади. Юкорида баён этилган «Банк хукуки» манбаларига маҳаллий органлар томонидан қабул килинган қарорлар, Марказий банкнинг жами хукукий актлари ҳам киради.

ИИБОБ

БАНКЛАР ФАОЛИЯТИНИ ШАКЛЛАНГИРИШДА ШАРТНОМАЛАРНИНГ АХАМЕЯТИ

1 - §. Шартномаларнинг умумий коидалари

Хар кандай жамият тарихий ривожланиш тараккиёти негизида ишлаб чиқарилган товарлар, маҳсулотлар, кўрса-тилган хизматлар каби турли-туман иқтисодий муносабатлар асосида вужудга келади. Талаб ва таклифларга кўра, жорий этилган меҳнат фаолияти фуқаролараро, корхоналараро, ташкилотлараро, тузилган ва ўз навбатида тарафлар ўртасида хукуқ ва мажбуриятни ўзида акс эттирувчи икки ёки кўп томонлама шартномаларда акс этади.

Хусусан, ҳозирги бозор шароитига тўғридан-тўғри ўтиш, иқтисодий ислохотларни чукурлангтириш, ҳалк хўжалиги-нинг бошқа соҳалари каби банк тизимида ҳам давлат мулканини хукукий принципларига мувофиқ хусусийлаштиришни амалга ошириш, мамлакатимиз ичкарисида ва хорижий давлатлар билан иқтисодий, техника-технология, савдо, чет зэллик инвестиция фаолиятини ривожлантириш, ички бозорларни товарлар ва маҳсулотлар билан тўлдириш хўжалик кўрсатувчи субъектлар билан ҳамда уларга банк хизматлари кўра амалга оширилади. Мазкур шартнома тарафларнинг тенглиги, эркинлиги, мулкий мустақиллиги ва ихтиёрий асосида тузилган бўлиши керак.

Маълумки, икки ёки кўп томонлама тузилган шартномалар одатда битимлар, деб ҳам юритилади. Чунки, бундай битимлар ҳарвакт тарафлар ўртасида бир хил хукуқ ва мажбуриятларни келтириб чиқаради, ўзгартиради ва бекор килилади. Фуқаролик хукукий муносабатларга оид васиятнома, меросдан воз кечиш, ишонч коғозини бериш ёки кайтариб олиш каби катор битимлар факат бир шахснинг хукуқ фаолиятини амалга оширишга каратилганлиги учун бир то-

монлама битимга киради. Шунинг учун ҳам ҳар қандай шартнома битим бўла олади, лекин ҳар қандай битим шартнома бўла олмайди.

Умуман, шартномалар (битимлар) ўзининг мазмуни ва аҳамиятига кўра олиш-сотиш, карз, маҳсулот етказиб бериш, юк ва йўловчилар ташиш, кишлок хўжалиги маҳсулотлари ни давлат йўли билан харид килиш (контрактация), сугурта, пудрат, божхоналар ташкил этиш, инвестиция муносабатларини жорий этиш, савдо, молия-кредит, банк, кимматли қоғозлар, лизинг, ссуда, хисоб-китоб каби қатор шартномалар мамлакат ва жаҳон миқёсида Ватанимиз мустақиллигининг обрў-эътиборини кун сайн ошиб боришига хизмат килувчи хукукий хужжатлардир. Ҳозирги кунда Ўзбекистондаги қатор банклар 1961, 1963-йиллардаги дипломатия, консулийк муносабатларини шакллантириш тўғрисидаги Вена конвенциялари коидаларига асосланган ҳолда жаҳоннинг масалан, Германиянинг АГ «Дойче банк», АГ «Берлин банк», АҚШнинг «Чейз Менхеттен банк» каби обрўли банклари билан икгисодий алоқалар шартномалар асосида амалга оширилмоқда. Ўзбекистон ҳудудида фаолият кўрсатувчи чет эл банк ваколатхоналарини асосий вазифалари ҳам шартномата мувофиқ хорижий инвестицияларга хизмат кўрсатишдан иборатдир. Республикаизда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш, давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларнинг фаолияти тартибини такомиллаштириш тўғрисидаги Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 12 феврал қарорида банклар фаолиятига алоҳида эътибор берилган.

1993 йилнинг октябрида Ўзбекистон билан Франция ўртасидаги «Сармоядорларни ўзаро рағбатлантириш ҳамда уларнинг мулкий ва шахсий хукукларини ҳимоялаш тўғрисида»ги Парижда имзоланган икки томонлама битим ёки 1996 йилнинг 14 ноябрида Брюсселда Ўзбекистон билан Бельгия ўртасидаги икки томонлама шартнома ҳам инвесторларнинг мулкий ҳамда шахсий хукукларини бир хилда ҳимоя қилишга қаратилгандир. Ўзбекистон жаҳондаги кўплаб мамлакатлар билан ташки иктисадий алоқаларни турли соҳалар бўйича тузилган шартномаларга кўра кенгайтириб, мустахкамлаб бормокда. Республикаиз жаҳон бозорида тобора нуфузли ва ишончли шерик, дунёдаги хўжалик муносабатлари тизимида фаол қатнашчига гайланәтириб. Бунинг учун барча зарур хукукий ва амалий шарт-шароитлар яратилгандир. 1998 йил 30 апрелда бўлиб ўтган Олий

Мажлиснинг ўн биринчи сессиясида «Чет эл инвестициялари тўғрисида» ва «Чет эл инвестициялари хукукларини кафолатлари ва уларни химоя килиш чоралари тўғрисида»-ги икки янги Конун қабул килиниши, жахоннинг 80 дан ортиқ мамлакати билан савдо иктисоди ҳамкорлигига қулагай шарт-шароит яратиб бериш тўғрисида битим имзолангани, Вашингтонда Ўзбекистон—Америка ҳайъатининг биринчи мажлиси ўтказилгани, АҚШ, Япония, Истроил каби бир канча мамлакатларда катор конференциялар ва бизнес-семинарлар ташкил этилгани ёркин мисол бўла олади.

Ўзбекистон Президенти 1998 йил 23 июлдаги Вазирлар Махкамаси мажлисида сўзлаган нутқида Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Халқаро молия корпорацияси, Европа ҳамкорлик бўйича комиссияси, Осиё банки каби бир неча халқаро молия ташкилотлари билан ҳамкорлигимиз сезиларли даражада мустаҳкамланганлигини баён килади. Шуни айтиб ўтиш лозимки, факат 1998 йилнинг ўзида Жаҳон банкининг директорлар кенгаши корхоналарни ташкилий ўзгартириш ва хусусийлаштиришдан сўнг кўллаб-куватлаш лойихаси бўйича 28 миллион долларлик маблағ ажратиш битимини имзолади. Осиё ривожланиш банки транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш, маориф ва қишлоқ хўжалиги соҳаларини ривожлантириш келишувлари имзоланди. Умумтаълим мактаблари учун дарслик ва ўқув адабиётлари чиқариш тизимини такомиллаштириш бўйича 40 миллион долларлик имтиёзли кредит ҳақида шартномалар кабул килинди. Ташки савдо фаолиятида, шартномаларга кўра, экспорт ва импорт тизимида рўй берадиган ижобий силжишлар факат мустакиллик шарофатидир. 1998 йилнинг биринчи ярим йилида ташки савдолар оборотининг сальдо колдиги ижобий бўлиб, у 200 миллион АҚШ долларидан ортди. Айни вактда олтин — валюта захираларни саклаб қолинди. Мамлакатимизнинг тўлов баланси мустаҳкамланди*.

Халқаро инвестиция муносабатларига асосланган шароитларга мувофик, инвестиция фаолиятини кенгайтириш хисобидан иктисодиётда таркибий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Факат 1998 йилнинг биринчи ярим йилида иктиносидиётта етказилган капитал маблағларнинг умумий ҳажми 12 фоизга ортди ва 150 миллиард сўмга етди. Бу ялпиички маҳсулотнинг учдан бирига тенгdir. Сармояларнинг

* И.А. Каримов. Халқ фаровонлиги фаолиятимиз мезони. «Халқ сўзи» газетаси. 1998 йил 24 июл.

55 фоизидан ортиги ишлаб чиқариш соҳаларини, айниқса, транспорт ва алоқа, ёнилғи-энергетика мажмуи, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат саноатини ривожлантиришта йўналтирилди. Ушбу инвестиция ютуклари шартномалар асосида вужудга келди.

2-§. Тижорат банклари билан ижара шартномаси тузиш тартиби

Маълумки, тоталитар тузум томонидан тортиб олинган ва мажбурий усулларда давлат тасарруфига ўтказилган хилма-хил турдаги тижорат банклари Узбекистон мустақиллигининг кўлга киритилиши биланок, уларни хусусийлаштириш, бозор иқтисодига ўтиш, иқтисодий ислоҳотларни кенг амалга ошириш жараёнларининг хукукий асослари яратилди. Узбекистон Республикасининг 1991 йилда кабул қилинган «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги ва унга ўзгартиришлар ва кўшимчалар киритиш ҳакидаги 1993 йил 7 май Конунларига кўра, 1992 йилнинг охирида ташкил этилган Давлат мулки ва тадбиркорликни юллаб-куватлаш қўмитаси (Давмулккўм) республика хукумати билан биргаликда хусусийлаштиришнинг стратегияси ва тактикасини белгилаб чиқди. Факат 1991-1992 йилларда давлат тасарруфидаги мулк объектларидан икки мингта якини бошқа мулкчилик шаклларига айлантирилди. Шу муносабат билан кўпгина Давлат банклари тижорат, акционерлик банклари мақомини олди. Олий Кенгащ томонидан 1992 йил 2 июлда кабул қилинган қарорнинг 1-иловасида Давлат тасарруфидан чиқарилиши, хусусийлаштирилиши, солиб олиниши ва ижарага топширилиши мумкин бўлмаган мулк турлари ҳамда гурухларининг 33 та обьекти берилган. Шулар жумласига, Узбекистон Республикасининг давлат хазинаси, республика Давлат бюджети, валюта захиралари, Марказий банк маблағлари, шунингдек республика олтин захираси каби мулк обьектларини киритиш мумкин.

Бозор иқтисодига ўтиш, уни тартибга солиб боришни хукукий хужжатларга асосланган ҳолда бошқаришда шартномаларнинг аҳамияти мамлакат ва халкаро шароитда ниҳоятда каттадир. Хусусан, банклар фаолиятига оид иқтисодий муносабатлар, чунончи, пул, кредит, валюта, кимматли қоғозлар, касса, кредиторлик ва дебиторлик карзлардан келиб чиқадиган турли-туман операциялар хўжалик юритув-

чи субъектларнинг иш фаолияти факт шартномалар тузиш йўли билан вужудга келади. Шундай шартномалардан бири бу ижара битимиdir. Марказий банк бошқаруви томонидан 1996 йил 20 июлда тижорат банклари билан ижара шартномаси тузиш тартиби тўғрисида кабул килинган коидага мувофик, ижара битими Марказий банкнинг Бош бошқармалари, тижорат банкларининг вилоятлар, Тошкент шаҳри ва Коракалпогистон Республикасидаги бошқармалари ўртасида тузилади. Марказий банк Бош бошқармалари ижара тўловлари ўз вактида тушишини назорат қилишлари ҳамда пулнинг қадрсизланишини ҳисобга олиб, ижара тўлови ставкаларига кечиктирмай ўзгаришлар киритишлири керак. Бундай ўзгаришилар киритилиши шартномада таъкидлаб ўтилган бўлиши лозим.

Бинолар, хоналар, асбоб-анжомлар ва машина-ускуналар ижараси учун тўловлар ҳар ойда ўтказиб турилиши керак. Уларнинг ижараси учун нархлар «Ижара тўғрисида»ги Конунга мувофик, томонлар келишувига кўра, шартномавий асосда белгиланаётган ижара суммаси иқтисодий асосланган бўлиши ҳамда томонлар манфаатларига жавоб бериши зарур. Сумма белгиланаётганда маҳаллий Давлат мулки бошқармаси белгилаган ижара нархлари асос сифатида мўлжал қилиб олиниши мумкин. Бундай холларда Марказий банк манфаатларига жавоб берадиган шартномавий ижара ҳаки ставкаси (микдори) тўғрилигига Марказий банк Бош бошқармаларининг бошликлари масъулдир.

Бинолар, иншоотлар, хоналар турлари бўйича ижара ҳаки ставкаларини оширувчи коэффициентлар (бу коэффициентлар ижара ҳаки ҳисобланаётганда кўпайтирилади) куйидагилар: а) алоҳида курилаётган - 2; б) кўшимча курилган - 1,5. Ижарага олинган бинолар, иншоотлар, хоналар қарерда (шахар маркази, аҳоли зич туман, микрорайон, шаҳобча, йўллар мавжудлиги) жойлашганлигига қараб, 2 гача бўлган оширувчи коэффициент қўлланилади. Масалан: ижарага олинган бинонинг умумий майдони 900 кв.м.ни ташкил этади (кўп қаватли биноларда хоналарнинг умумий майдони ҳар бир қават бўйича ҳисобга олинади). Уни тижорат банки ижарага олайпти. Банк учун ставка, йилига ҳар бир 1 кв.м. учун 500 сўм қилиб белгиланган. Шунингдек кўшимча курилган бинолари ҳам бор. Бунда оширувчи коэффициент 1,5 га тенг бўлади. Ижара ҳаки куйидагича ҳисобланади: $900 \times 500 = 450\,000$ сўм. $450\,000 \times 1,5 = 675\,000$ сўм. Шундай қилиб, йиллик ижара ҳаки 675 000 сўмни ташкил этади.

Тижорат банклари билан ижара шартномаси тузиш тартиби тўғрисидаги 1996 йил 20 июлда Ўзбекистон Марказий банки бошқаруви томонидан тасдикланган коидага кўра:

а) фойдаланиш харажатлари, шунингдек коммунал хизматлардан фойдаланганлик, биноларни саклаш учун харажатларни ижарачилар ижара ҳакидан ташқари тўлайдилар;

б) ўзлаштирилаётган хоналар, шунингдек уй ичидағи мухандислик коммуникацияларни тиклаш билан боғлиқ тузатиш ишлари ҳамда таъмирлаш (қайта режалаш) учун харажат талаб қиласиган хоналарга нисбатан, агар бу ишлар ижара маблағлари хисобидан амалга ошириладиган бўлса, сарф-харажатларга караб, 4 гача бўлган пасайтириш коэффициенти кўлланиши мумкин.

Бундай ҳолларда юкорида айтилган хоналарнинг ахволини баҳолаш учун комиссия ташкил этилиши ва тузилган далолатнома ижара шартномасига илова қилиниши зарур. Темир кутилар, касса столлари, моддий бойликлар ташиладиган аравачалар ва бошқа анжомлар ҳамда машина-ускуналар канча вакт фойдаланилгани ҳамда канчалик ишдан чикканига караб, қолдик баланс қиймати бўйича ижарага берилади.

Шартномада қуйидагилар кўзда тутилади:

- ижарага берилётган мулк таркиби ва қиймати;
- ижара муддати;
- ижара тўлови шартлари ва ҳажми, уни тўлаш муддатлари;
- мулкнинг ахволи;
- ижарачининг мулкдан фойдаланиш шартлари;
- мулк амортизацияси тўлиқ чикканидан кейин у кимга тегишли бўлишлиги билан боғлиқ шартлар;
- томонларнинг мажбуриятлари.

Юкорида айтилган машина-ускуналар учун ижара ҳаки суммаси қуйидаги формула бўйича хисобланади: $S_a = 0 \text{ см} \times \text{коэффициент } 25$, бунда S_a — ижара ҳаки суммаси, 0 см — қиймат қолдиги, 25 — фойдаланилётган коэффициент. Мисол: темир кутининг қолдик қиймати 250 сўм. Ижара ҳаки йилига 6250 сўмни ташкил этади, яъни $250 \text{ сўм} \times 25$ (фойданилётган коэффициент) = йилига 6250 сўм.

Бинолар, хоналар, темир кутилар, столлар, аравачалар ҳамда бошқа машина-ускуналар юкараси тўғрисидаги шартнома нусхалари Марказий банкнинг молия бошкармасига такдим этилиши зарур.

3-§. Бозорни ривожлантиришда гаров шартномасининг аҳамияти

Иқтисодий муносабатларнинг амалга оширилиши, миллий валютанинг мустаҳкамланишига ва унинг эркин муоммадаги қувватини оширишга, истеъмол бозорини керакли моллар билан тўлдиришга, ахолининг эҳтиёжларини кондирадиган ва хориждан келтирилаётган моллар билан ракобат кила оладиган ўз маҳсулотини ишлаб чиқаришга, иқтисодиётимизга янги технологиялар ва материаллар асосида замонавий корхоналарни ташкил этишга, тижорат банклари тизимини, сурурта компанияларини, аудиторлик хизматларини, коммуникацияларнинг зарур тизимларини жадаллик билан шакллантиришга ва экспорт бозорини яна-да кенгайтиришда гаров шартномаси муҳим аҳамият касб этади. Уни амалга ошириш учун корхоналар, ташкилотлар, муассасаларнинг ўзаро тўланмаган маблағларни, дебитор ва кредитор манбаи ҳамда бошқа сабаблари билан боғлиқ молиявий интизомни яхшилаш, банкротликка учраган хўжалик юритиш субъектларини тутатиш ва гаров муносабатларини шакллантирмоқ лозим. Чунки гаров мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усуllibаридан бири хисобланади. Гаров тушунчаси кредитор (гаровга олувчи)-нинг карздорга нисбатан мулкий ишончни кондирувчи ёки карздор мажбуриятларни бажармаган тақдирда, гаровга ўйган мол-мулк қийматидан ундириш кўзда тутилади.

Маълумки, мулкдорлар синфининг шаклланишида, пултовар ва қимматбаҳо қофозлар бозорининг ривожланишида гаров муносабатлари муҳим иқтисодий аҳамиятга эгадир. Чунки гаровнинг моҳияти шундан иборатки, агар мажбурият карздор томонидан ўз вактида бажарилмаган бўлса, кредитор ўзининг талабини гаровга қўйилган мол-мулк хисобидан ундириш хукуқига эгадир. Гаровнинг юзага келиш сабаблари ва унинг хукукий манбалари Ўзбекистон Республикасининг «Гаров тўғрисида»ги Конуни ва кейинчалик унга ўзгартиришлар ҳамда қўшимчалар киритиш хусусидаги катор хукукий хужжатлар билан тартибга солиб борилмокда.

Гаровга ҳар қандай мулк қўйилиши мумкин. Масалан, ашёлар, қимматбаҳо қофозлар, пул маблағлари, шахсий хусусиятта эга бўлган талаблар. Шунингдек конуний тақиқлаб қўйилган ашёлардан ташқари барча мол-мулк ва мулкий хукуклар гаровга қўйилиши мумкин. «Гаров тўғрисида»ги

Конуннинг 4-моддасида гаров нарсаси бўлиши мумкин бўлмаган объектлар, жумладан тарихий, маданий ёки ўзга киммати туфайли ёхуд давлат хавфсизлиги нуктаи назардан гаров қўлланиши мумкин бўлмаган объектлар рўйхати Вазирлар Махкамаси томонидан белгилаб қўйилганлиги баён этилган.

Кредиторнинг талаблари гаров билан таъминланадиган ҳолатларда шундан иборатки, агар шартнома ёки конунларда назарда тутилмаган бўлса, гаровни ҳақиқатда қондириш пайтида бўлган хажмдаги талабни қондиради. Фоизлар, ижрони кечиктириб юбориш оқибатида етказилган зарарларни қоплаш, неустойкани тўлаш, гаровга қўйилган мол-мулкни саклаб туришга кетадиган зарар чикимлари, шунингдек ундириб олиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш шулар жумласига киради. «Гаров тўғрисида»ги Конунга асосан, тузилган шартномага кўра асосий мажбурият юзасидан кредитор ҳисобланган юридик ёки жисмоний шахснинг талаблари қондирилгандан сўнггина, гаровга қўйилган мулкни сотишдан хосил бўлган суммадан қолгани бошқа кредиторларнинг талабларини қондиришга сарфланиши мумкин.

Гаровга қўювчи ва гаровга слувчи юридик ёки жисмоний шахслар бир хил ҳукуклардан фойдаланишади. Амалдаги ҳукукий хужжатларга мувофиқ, мол-мулкнинг эгаси ашёни гаровга қўйишдан олдин уни суғурта килиши керак. Агар гаровга қўйилаётган мол-мулк унинг эгаси томонидан суғурталанмаган бўлса, Конун ва шартномага кўра, гаровга олувчи зиммасига тасарруфига берилган гаровдаги мол-мулкни суғурта қилиш мажбурияти юкланиши мумкин. Гаровга оид мулкий муносабатларни амалга оширишдаги шартноманинг мазмуни, унинг шакли ва вужудга келиш пайти муҳим ҳукукий аҳамиятта моликдир. Чунки гаров шартномасида томонларнинг тўлик номи, жойлашган манзили, гаров тури, гаров билан таъминланадиган талабнинг мөхијати, унинг микдори, мажбурияти, исро этиш муддатлари, гаровдаги мол-мулкнинг рўйхати, қиймати, турган жойи кайд этилиши лозим. Шунингдек, гаров шартномаси ёзма шаклда тузилиши, Конунда назарда тутилган ҳолларда унинг нотариал йўл билан тасдикланиши ва шунлай рўйхатни юритувчи давлат идорасида кайд этилиши ҳамда имзоланган пайтдан эътиборан вужудга келади. Мана шу конуний талабларга риоя этилмаган ҳолларда гаров тўғрисида тузилган шартнома ҳакиқий эмас, деб ҳисобланади.

Иқтисодий муносабатларни гаров шартномаси асосида амалга ошириш даврида, гаровга кўйилган мол-мулк учинчи шахс кўлига ўтиши хам мумкин. Бундай ҳолларда мулкий ҳукуқ тўлиқ хўжалик тасарруфи ёки бевосита бошкаруви гаровга кўювчидан учинчи шахсга ўтган такдирда ўз кучини саклаб қолади. Масалан, банкка қарздор бўлган фукаро олинган ссуда хисобига курилган уй-жойни сотса, бу ҳолда банк уй-жойни гаровга олган шахс сифатида мазкур уй-жой хисобидан ўз ҳақини янги эгасидан хам ундириб олиши мумкин. Гаровга кўювчи юридик ёки жисмоний шахс ҳар бир гаровга олувчига жами аввалги ва кейинги гаровлар ҳакида, шунингдек бу гаровлар билан таъминланган мажбуриятларнинг хусусияти ва микдори тўғрисида маълум қилиши шарт. Гаровга кўювчи, гаровга олувчиларнинг ҳар биридан ўз мажбуриятини бажармаслиги оқибатида пайдо бўладиган заарни қоплаши шарт.

Депозитга пул ўтказиш йўли билан гаровни тўхтатишда мулкни гаров билан таъминланган пул мажбурияти ижросини қабул қилишдан ва кечганидан тегишли пул нотариал идора ёки банкнинг депозитига ўтказилади. Депозитга ўтказилган пул қарзни тўлик қопласа, гаров шартномаси ўз кучини йўқотган ҳисобланади. Амалдаги ҳукукий хужжатларга мувофик қарздор томонидан кредитор олдидаги мажбурият бажарилмаган такдирда, қарздорнинг мажбуриятларни таъминлашга шартномага кўра, гаровга берган учинчи шахс (карздорнинг мулкий вакили) ўз зиммасига олган мажбуриятни бажаришга ҳаклидир. Агар Қонунда бошкача коидалар назарда тутилган бўлса, қарздор гаров билан таъминланган мажбуриятни бажармаган такдирда кредитор талабини гаровга кўйилган мол-мулк кийматидан қонлириш суд, хўжалик судининг қарорига биноан амалга оширилади.

Қонунларда назарда тутилган ҳолларда ундирувчи гаровга кўйилган мол-мулкка эътибор қаратиш суднинг халқилувчи қарорига кўра, суд ижрочиси томонилан, суд берган ижро варакаси ёхуд хўжалик судининг қарори ёки нотариуснинг ижро этиш ёзуви асосида ким сиди савдоси (очик савдо)да хамда воситачилик дўконлари оркали амалга оширилиши лозим. Амалдаги қонуний ажулларга мувофик, агар гаров нарсасини сотишдан тушган пул гаров олувчининг талабларини қоплашга етмаса, шартномада ёки қонунда ўзга коидалар йўқ бўлган такдирда стишмаёттан пулни гаровга олувчи қарздорнинг бошка мол-мулкидан қонунларда назарда тутилган тартибда олиш ҳукукига эга.

Агар гаров нарсасини сотишдан тушган пул кредиторнинг гаров билан таъминланган мажбурияти бўйича талаблари микдоридан ортиқ бўлса, кредитор бир ойлик муддат ичида қарздорга фаркни тўлаши «Гаров тўғрисида»ги Конун қоидаларида шарт килиб белгиланган. Гаровга кўювчи билан гаровга олувчи ўртасидаги шартномага асосан, икки ўргада турган мол-мulkни гаровга олувчи мустақил равища сотиши мумкин. Зеро, мол-мulkни гаровга олувчи қасдан арzon баҳода сотилганлиги учун жавоб беришини гаровга кўювчи талаб қилишга ҳакли. Гаров нарсасини воситачилик асосида, бозорда ёки ким ошди савдосида сотиш гаровга олувчини арzon баҳода сотища айби йўқлигининг шартидир.

Гаровни рўйхатга олиш ва уни узайтириш, рўйхатта олиш тўғрисидаги гувохномаларни бериш, шунингдек, рўйхат да-лолатномаларидан кўчирмалар юбориш учун бож тўлаши билан бир каторда, олувчи гаровга кўювчидан гаровни рўйхатдан ўтказишга доир белгиланган муддатларни бузганлик учун жарима ундиришга ҳамда муддатни ўтказиб юбориш оқибатида етказилган заарнинг тавон билан қопланишини талаб қилиши ёки унинг микдори шартнома билан белгиланиши каби қоидалар Конунда баён этилган. Рўйхатта олиш тўғрисидаги гувохнома ариза берувчининг талабига биноан гаровни рўйхатдан ўтказган идора томонидан берилади. Гаровни рўйхатта олиш 5 йил мобайнида амал килади ва яна 5 йил муддатта узайтирилиши мумкин.

Агар гаровни рўйхатга олишнинг амал қилиш муддати қарздор (гаровга кўювчи) корхонани тутатиш масаласи судда иш кўришга қадар тутаса, рўйхатта олиш якунланган пайдан бошлаб олтмиш кун мобайнида ва тутатиш учун белгиланган муддат ўтганга қадар ўз кучини саклаб қолади. Гаровни рўйхатта олишнинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза рўйхатта олишнинг 5 йиллик муддати тугашига камида олти ой колганда жўнатилиши лозим. Гаровларни рўйхатта олиш хусусидаги маълумотларни йўллаш билан боғлиқ хизматларга ариза берувчи томонидан ҳак тўлаш микдори ва тартиби Вазирлар Махкамаси томонидан белгиланади. Манфаатдор шахс гаровни рўйхатта олишни рад этса ёки файриконуний равища рўйхатта олинса, шу ердаги судга шикоят аризаси беришга ҳаклидир. Жойлардаги давлат ҳокимияти ёки давлат бошқаруви идорасининг Конунларга номувофиқ равища чиқарган қарори натижасида гаровга олувчининг гаров нарсасига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этишга доир хукуклари бузилган такдирда, бундай хужжат гаровга олувчининг

даъвосига биноан суд ёки хўжалик суди томонидан хаки-
кий эмас деб топилиши ва гаровга олувчига етказилган
моддий зарар киймати тегишли давлат хокимияти ёки дав-
лат бошқарув идорасидан тўлиқ ҳажмда ундириб олиниши
мумкин.

Халқаро муомаладаги гаров муносабатлари давлатлара-
ро шартномаларга мувофик, тарафлар ўртасида бир хил хукук
ва мажбуриятлар келтириб чиқариш принципларига асос-
ланган ҳолда амалга оширилади ва гаров шартномасини
тузиш чоғида томонларнинг ўзи танлаган мамлакатнинг
конунлари билан ёхуд томонларнинг ўзаро келишувига би-
ноан белгиланади. Гаров тўғрисидаги халқаро шартномага
кўра, томонларнинг гаровга нисбатан хукуқ кўллаш бора-
сида хеч кандай битим бўлмаган тақдирда, гаровга қўювчи
кайси мамлакатда таъсис этилган бўлса, ўз турар жойига
ёки фаолият жойига эта бўлса, ана шу мамлакат конунла-
рига амал килинади.

Гаров тўғрисидаги ташки савдо шартномасида томон-
лар гаров тўғрисидаги битимни имзолашда ёки кейин ке-
лишиб олиш асосида гаровга кўйилган мол-мулкни Ўзбе-
кистон Республикасидан ташкари ким ошди савдосида со-
тишни белгилаб кўйишга ҳаклидир. Гаровга кўйилган
мол-мулкни ким ошди савдоси тарзида сотиш тартибини
ким ошди савдоси қаерда ўтказиладиган бўлса, ана шу дав-
лат конунлари билан белгиланиши мумкин. Мустакил Ўзбе-
кистонда бозор иқтисодига тўғридан-тўғри ўтиш, иқтисо-
дий ислохотларни кенг жорий килиш, давлат мулкини ху-
сусийлаштириш, пул, кредит, валюта каби бухгалтерия
операцияларини амалга оширишда, хусусан, кўчмас мол-
мулкларни гаровга кўйишга хукукий асослар яратилди.

4-§. Банклар фаолиятида лизинг шартномаси

Шартнома бўйича лизинг берувчи (ижарага берувчи)
бир тараф, лизинг олувчи (ижарага олувчи) иккинчи та-
рафнинг топшириғига биноан ишлаб чиқарувчи (сотувчи)
учинчи тараф билан ундан ўз маблағи хисобига лизинг олув-
чи учун мол-мулк сотиб олиш ҳақида келишиш мажбурия-
тини олади, лизинг олувчи эса, бунинг учун лизинг берув-
чига лизинг тўловларини (молия ижарасини) тўлаш маж-
буриятини олади. Молиялашнинг анъанавий усули бўлган

лизинг шартномаси бир вактнинг ўзида молиялаш ва янги технологияларни харид қилиш масалаларини ҳал этиш, айланма маблағларни тўлдириш ҳамда бошка эхтиёжлар учун маблағларни озод қилиш имконини берувчи муҳим воситалардан биридир. Молия ижарасига оид лизинг шартномаси банклар фаолиятида кент қўлланиб борилаётган воситалардан биридир. Халкаро молиявий лизинг тўғрисидаги Конвенцияда лизинг битимларининг ўзига хос қуидаги хусусиятлари белгиланган:

- мижоз лизинг ускуналарини етказиб берувчи субъектни ўзи мустақил танлайди;
- лизинг объектлари (техника, технология, ускуна ва жиҳозлар) лизинг мулкини сотувчига маълум бўлган ҳолда тузилган ёхуд тузилаётган лизинг шартномаси асосида сотиб олинади;
- лизингта берилаётган ускунанинг жами қиймати ёки унинг катта қисми амортизациясини хисобга олувчи лизинг шартномаси асосида даврий тўловлар амалга оширилади.

Жаҳон тажрибасидан келиб чиккан ҳолда хуоса қилиш мумкинки, банк капитали лизинг бизнесида ҳам бевосита (агар банкларнинг ўзи лизинг операцияларини амалга оширса) ҳамда билвосита, яъни банклар лизинг компанияларини кредит ёки инвестиция маблағлари билан таъминлаши оркали ҳам иштирок этиши мумкин. 1996 йилнинг 29 августида кабул қилинган ва 1997 йилнинг 1 мартадан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 587-599- моддаларида лизинг шартномаси, унинг объектлари, субъектлари, лизинг тўлови, лизинг берувчининг ва олувчининг хукуқлари, мажбурияти ва уларнинг жавобгарликлари тўла-тўқис баён этилган.

Тижорат банклари Марказий банк бошқарувининг 1997 йил 29 мартағи 11-баёни билан тасдиқланган 327-сонли «Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан лизинг операцияларини ўтказиш тартиби тўғрисида»ги йўрикномасига амал қиласди. Ушбу тартиб лизинг операцияларини ўтказиш жараёнида банк билан лизинг берувчи, шунингдек олувчи билан лизинг объектларини ишлаб чиқарувчи, етказиб берувчи, субъект ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солади. Мазкур тартиб лизинг берувчи банкни лизинг объектларини ўз шахсий маблағлари (сармояси) хисобига сотиб олинишини назарда тутади. Ваҳоланки, бу банкларга лизинг операциялари хажмини жалб қилинган маблағлар хисобига кўпайтириш имконини беради. Шу нар-

сани таъкидлаб ўтиш лозимки, қиммат лойихаларни амалга татбик этишда кўп томонлама молиялаш билан боғлик бўлган лизинг операциялари хам шартномалар асосида амалга оширилади.

5-§. Кредит шартномаси тушунчаси ва унинг мақсади

Ўзбекистон иқтисодий мустақиллигининг муҳим белгиларидан бири хисобланган янги пул-кредит, молия ва банк тизимиning вужудга келиши давлат мулкини хусусийлаштиришга, иқтисодий ислоҳотларни шакллантириш ва чукурлаштириш хамда ҳалқ хўжалигининг барча тармокларини ривожлантиришда кредит капиталидан кенг фойдаланишга йўл очилди ва хукукий асос яратилди. Мустақиллик шарофати билан меҳнаткаш ҳалқимиз ўзининг кундалик ҳаётидаги турли-туман иқтисодий муносабатларни амалга ошириш жараёнларида давлат кредитидан, банк кредитидан ҳар томонлама ва кенг фойдаланиш имкониятлари вужудга келди. Ўзбекистон Президенти И.А. Каримовнинг 1998 йилнинг 23 июляда Вазирлар Маҳкамаси мажлисида таъкидлагандек, «Тижорат банклари фаолиятида, улар ўтказаётган кредит сиёсатида ҳам силжишлар кўзга ташланмокда. Якиняқинда банклар ажратган маблағларнинг 90 фоизини киска муддатли тижорат кредитлари ташкил этар эди. Бугунги кунда кредит ресурсларининг ярмидан ортиғи узок муддатли, иқтисодиётнинг устувор тармокларидаги инвестиция тойихаларини молиялашга сарфланмокда. Айни вактда банкларнинг устама фоизлари барқарорлигича — ойига 3 фоиз микдорда сакланиб турибди»*.

Хусусан, ҳозирги бозор шароитида кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш, мулкдорлар синфини мустаҳкамлаш ва қўллаб-кувватлаш жараёнларини амалга оширишда кредит шартномаси муҳим аҳамият касб этмоқда. Кредит шартномаси бўйича бир тараф банк ёки бошқа кредит ташкилоти (кредитор) иккинчи тарафга (карз олувчиға) шартномада назарда тутилган микдорда ва шартлар асосида пул маблағлари (кредит) бериш, ссуда олувчи эса олинган суммани шартномада белгиланган муддатда қайтариш

* И.А. Каримов. Ҳалқ фаровонлиги — фаолиятимиз мезони, «Гошкен оқшоми» газетаси, 1998 йил 24 июл.

ва унинг учун фоизлар тўлаш ҳамда битимда кўрсатилган мақсадларда фойдаланиш мажбуриятини олади. Айни вактда кредит баъзи шахсий истеъмол нарсаларнинг фукаролар томонидан сотиб олишда савдо ва бошка ташкилотлар ёрдамида амалга оширилиши кўзда тутилади. Банкларга оид хукукий хужжатларга асосан кредит шартномаси ёзма шаклда тузилиши шарт. Ёзма шаклга риоя қиласлик кредит шартномасининг ҳакиқий бўлмаслигига олиб келади. Бундай шартнома ўз-ўзидан хукукий бўлмайди.

Тижорат банки (кредитор) қарз оловчини тўловга қобилиятсиз деб хисобласа, қарз оловчи кредитни таъминлаш мажбуриятини бажармаса, шартномада назарда тутилган кредитдан аник мақсадда фойдаланиш мажбуриятини бузса ва шунингдек, бошка холларда қарз оловчига кредит шартномасида назарда тутилган кредитни беришдан бутунлай ёки қисман бош тортишга ҳакли.

Умуман коидаларга кўра, жисмоний ёки юридик шахслар кредит ресурсларидан ихтиёрий принциплар асосида кент фойдаланишлари мумкин. Шунинг учун ҳам қарз оловчи кредит олишдан бутунлай ёки қисман бош тортишга ҳакли. Агар конунларда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қарз оловчи бу холда кредиторни (банкни) кредит шартномасида белгилаб қўйилган кредит бериш муддатига қадар хабардор қилиши шарт. Қарз оловчи, кредит шартномасида назарда тутилган кредитдан аник мақсадда фойдаланиш мажбуриятини бузган такдирда, кредитор шартнома бўйича қарз оловчини бундан бусн кредитлашни тўхтатишга ҳаклидир. Шундай қилиб, кредит шартномаси Ўзбекистон Республикаси Конунларига мувофик, икки ёки кўп томонлама шартномалар каторига кириб, тарафлар ўртасида бир хил хукуқ ва мажбуриятларни келтириб чиқарувчи юридик факт хисобланиб, ҳак бараварига мувофик жорий этилади ҳамда кредит олиш билан боғлиқ фоиз ставкалари тарафларнинг келишувига кўра белгиланади.

IV БОБ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ ФАОЛИЯТИ

1 – §. Марказий банк тушунчаси

Мустакилликка эришиб, дунё бизни, биз дунёни танимокдамиз. Суверенликни кўлга киритган хар бир давлат халкаро хукукнинг тўла субъекти сифатида ҳамда ички ва ташки фаолиятини юритишда мустакиллик белгиларидан энг зарурлари — бу пул, кредит, молия муҳим аҳамиятта эга. Жамият таракқиёти ҳамда ривожланган давлатлар Япония, Франция, АҚШ каби мамлакатларда бозор муносабатларини ривожлантириш ва шакллантиришда пул, кредит тизимини мустаҳкамлашга қаратилган сиёsat уларнинг Марказий банки зинмасига юқлатилган.

1894 йили ташкил этилган Англияning Марказий банки акционерлар компанияси томонидан жорий этилган бўлиб, белгиланган жавобгарлик асосида Буюк Британия пул-кредит тизимини ушбу эмиссия банки раҳбарлигига амалга оширади. 1946 йили у қимматли қоғозларни давлат томонидан сотиб олиниши натижасида миллий тижорат банкига айлантирилди. Марказий банк жорий счётининг 3 фоиз активини давлат фонди ташкил этади. Англияning миллий банки 14 минг тижорат банкларига раҳбарлик килади*.

Маълумки, 1907 йилда Америка Кўшма Штатларида «Бозор механизми»ни шакллантириш бўйича барча университет ва институтларда маркетинг маҳсус фан сифатида ўқитилиши билан бир каторда пул-кредит тизимини ривожлантиришга ҳам катта эътибор берилган. АҚШ пул-кредит сиёsatини мустаҳкамлаш юзасидан 24 та кўзга кўринган банкларни бирлаштириб, 12 та иттифок резерв банклардан иборат (ФРС — бошқарувини) жорий этган. Мазкур

* Б. Эркаев, Р. Ҳакимов. Международное банковское дело. Т., «Ўзбекистон», 1993. 5-бет.

банк бошқаруви 7 кишидан иборат бўлиб, Президент томонидан 14 йилга тайинланиб, сенат томонидан тасдикланган федерал резерв кенгаши банкларни бошқарувчи давлат органи хисобланади*.

Мамлакатимиз давлат ҳокимиятининг 1995 йил 21 декабрдаги биринчи чакириқ тўртинчи сессиясида Ўзбекистон Республикасининг «Марказий банк тўғрисида»ги Конуннинг қабул қилиниши Ватанимиз Конституциясининг 122 ва 124-моддаларида кўрсатилган молия, пул-кредит ва банк тизимини шакллантиришга асосланади. Амалдаги ҳукукий ҳужжатга мувофиқ, Ўзбекистон Марказий банкининг ҳукукий мақоми ваколатлари ташкил этилиши ва фаолияти, тижорат, хусусий, чет эл ва қўшма банклар ташкил этиш ҳамда уларнинг фаолиятини тўхтатиш ёки тугатишга оид барча коидалар «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Конуннинг 12-19-моддаларида кўрсатилган асосларга мувофиқ ҳамда «Марказий банк тўғрисида»ги Конун билан амалга оширилади. Марказий банкининг ташкилий тузилиши ягона марказлаштирилган бошқарув тизимидан ташкил этиб, унинг зиммасига юқлатилган вазифаларни бажариш учун тегишли хизматлар ва муассасалар, Қоракалпогистон Республикаси, вилоят марказлари ва Тошкент шаҳрида юридик шахс мақомига эга бўлмаган бош бошкармалардан ташкил этилган ва ушбу давлат органлари орқали барча банклар бошқарилади.

Ўзбекистон Марказий банкининг ташкилий тузилиш механизми куйидаги институтларда:

- Марказий банк бошқаруви;
- Марказий банк раиси;
- раис котибияти;
- хавфсизлик ва ахборотларни муҳофазалаш департаменти;
- ички аудит департаменти;
- тижорат банкларига лицензия бериш ва уларнинг фаолиятини таҳлил килиш департаменти;
- молия департаменти;
- тижорат банклари фаолиятини назорат килиш департаменти;
- капитал қурилиш бошкармаси;
- пул-кредит сиёсати департаменти;
- валютани тартибга солиш ва ташки алокалар департаменти;

* Б.Эркаев, Р.Ҳакимов. Международное банковские дело. Т., «Ўзбекистон», 1993, 7-бет.

- тўлов тизимлари департаменти;
- бухгалтерия хисоби ва хисобот департаменти;
- ахборотлаштириш департаменти;
- кимматли қоғозлар департаменти;
- иқтисодий таҳлил ва статистика департаментидан иборатдир.

Марказий банкнинг олий органи унинг бошқарувидир. Бошқарув Марказий банк сиёсати ва фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаб беради ҳамда банкларни бошқаради. Бошқарув ўн бир аъзодан иборат бўлиб, унинг таркибига Марказий банк раиси, унинг ўринбосарлари, шунингдек унинг асосий бўлимларининг раҳбарлари киради. Ўзбекистон Марказий банк раиси Бошқарув раҳбари хисобланиб, уни Ўзбекистон Президентининг тавсиясига кўра, 5 йил муддатга тайинланган шахс томонидан бошқарилади. Бошқарув аъзоларини Марказий банк раисининг тақдимномасига кўра, Олий Мажлиснинг кенгаши тасдиқлайди.

Марказий банк бошқаруви куйидаги ваколатларга эга:

- монетар сиёсатининг асосий йўналишларини, шу жумладан Марказий банкнинг очик бозордаги операциялари кўлами, Марказий банкнинг хисоб ва ссуда (кредит) беришдаги фоиз ставкалари ҳамда банкларнинг Марказий банкдаги мажбурий резервлар нормасини белгилаш;
- Марказий банкнинг Халкаро ташкилотлардаги иштироки масаласини ҳал килиш;
- банкнотлар ва тангаларнинг номинал қиймати ва на муналарини, шунингдек, пул белгиларини муомалага чиқариш шартларини белгилаш;
- хукуматга бериладиган ссудалар миқдори ва шартларини тасдиқлаш;
- банклар учун иқтисодий нормативларни тасдиқлаш ва уларга риоя этилишини кузатиб бориш;
- банк фаолияти билан шуғулланиш учун лицензиялар бериш ва уларни қайтариб олиш тўғрисида қарорлар қабул килиш;
- Марказий банкнинг ташкилий тузилмасини белгилаш;
- Марказий банк муассасалари ҳамда корхоналарини ташкил этиш, қайта тузиш ва тутатиш;
- Марказий банк харажатлари ва даромадлари сметасини тасдиқлаш;
- Марказий банкнинг йиллик ва молия хисоботларини кўриб чиқиш;

- Марказий банкнинг таркибий бўлинмалари, муассасалари ва корхоналари раҳбарларини тасдиқлаш;
- Марказий банк таркибий бўлинмалари, унинг муассасалари ва ташкилотлари раҳбарларининг хисоботлари хамда маърузаларини тинглаш;
- Марказий банк ходимларини ишга ёллаш, ишдан бўшатиш, уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш шартларини, шунингдек, уларнинг кредитлар олиши ва акциялар сотиб олиши тартибини Конун хужжатларига мувофиқ белгилаш;
- Марказий банк ваколати доирасидаги бошқа масалаларни ҳал қилиш хуқуқига эгадир.

«Марказий банк тўғрисида»ги Конуннинг 18-моддасидаги коидаларга кўра, Марказий банк Бошқарувининг зарур масалалари унинг мажлисида кўрилиб, тўхтам қарори шаклида қабул қилинади. Бошқарувнинг мажлислари ойига камида бир марта унинг раиси томонидан чакирилиб, бошқарув аъзоларининг камида учдан икки қисми қатнашган Бошқарув мажлиси ҳакиқий ҳисобланади. Алоҳида холларда Бошқарув мажлиси унинг камида З нафар аъзосининг талабномаси бўйича чакирилиши ҳам мумкин. Бошқарув раҳбари бўлмаган пайтда мажлис унинг ўринбосарларидан бири раислигида ўтказилади. Бошқарув қарорлари кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Овозлар тенг келган тақдирда Марказий банк раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланиб, мажлис ёпиқ тарзда ўтказилади.

Ўзбекистон Конституцияси 93-моддасининг 10-бандига асосан, Марказий банк бошқарувининг раиси Президент томонидан белгиланиб, бошқарув, департаментлар, бошқармалар, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар фаолиятига раҳбарлик қиласи. Банкнинг фондларини тасарруф этади ва Марказий банк зиммасига юклатилган вазифалар бажарилиши учун жавобгар бўлади. Марказий банк фаолияти масалаларини ҳал қиласи, Конунга биноан бошқарув ваколатига киритилган бу муассасалар бундан мустасно. Шунингдек:

- Бошқарув қарорларини имзолайди, буйруклар ва фармойишлар чикаради;
- Марказий банк фаолияти ва жорий операцияларни оператив тарзда бошқариш бўйича харакатларни амалга оширади;
- Олий Мажлисда, хукуматда, вазирликлар ва идораларда, судларда, банклар ва муассасаларда, ҳалкаро ва чет эл ташкилотларида банк фаолиятига доир барча масалалар бўйича Марказий банк номидан иш кўради;

— айрим масалаларни хал қилишни ўзининг ўринбосарларига, марказий аппарат таркибий бўлинмаларининг раҳбарларига, худудий муассасаларнинг раҳбарларига топширади.

Марказий банк раиси қуидаги асослар бўйича:

- ваколат муддати тугаганда;
- истеъфога чиқиши сўраб, сабабларини кўрсатган ҳолда ёзган шахсий аризасига кўра;
- жиноят содир қилишда Конунда белгиланган тартибда айбдор деб топилганда;
- ўзининг хизмат вазифаларини саломатлигига кўра бажара олмаганда (давлат тиббий комиссиясининг ҳолосаси асосида);
- эгаллаб турган лавозимида муносиб бўлмаган хатти-харакатлар қилганида, шу жумтадан Конунни кўпол равиша бузганида ва Марказий банк манфаатларига катта заар етказганда эгаллаб турган лавозимидан озод қилиниши мумкин. Марказий банк раиси Конун хужжатларида назарда тутилган асосларга кўра, эгаллаб турган лавозимидан Президент томонидан озод қилиниши кўзда тутилган.

Марказий банк ўз ваколатлари доирасида қарорлар қабул қилиш борасида мустакиллар. Марказий банкнинг норматив хужжатлари, агар хужжатнинг ўзида ўзга қоида назарда тутилмаган бўлса, эълон қилинган кундан бошлаб кучга кириб, Ўзбекистон худудида барча хўжалик юритувчи юридик, жисмоний ва фуқароларнинг ижро этиши мажбурдирлар.

«Марказий банк тўғрисида»ги Конуннинг 6-моддасига мувофиқ, Давлат Марказий Банк мажбуриятлари юзасидан, Марказий банк эса Давлат мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди. Башарти, улар ўз зиммаларига бундай мажбуриятларни олмаган бўлсалар ёки Конунларда бошка қоида назарда тутилмаган бўлса.

2-§. Марказий банкнинг мулкий дахлсизлиги, мақсади ва асосий вазифалари

Олий Кенгашининг 1992 йил 2 июлдаги карорига (1-илюва) мувофиқ, давлат тасарруфидан чиқарилиши, хусусий-лаштирилиши, сотиб олиниши ва ижарага топширилиши мумкин бўлмаган корхоналар ва мол-мулк турлари ҳамда гурухларнинг 33 та обьект рўйхатига:

1. Ер ости бойликлари, ички сувлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, республика худуди доирасидаги ҳаво ҳавзаси;

2. Тарихий-маданий ва табиий мерос объектлари, бадиий кадриятлар (тарихий ва маданий ёдгорликлар, кино, фото ва фотохужжатлардан иборат давлат фондлари, илмий тадқиқот муассасаларининг архивлари ва фондлари);

3. Республиkaning давлат ҳазинаси, республика давлат бюджетининг, валюта захирасининг, пенсия жамғармаларининг, давлат бюджетидан ташқари жамғармаларнинг, Марказий банкнинг маблағлари, шунингдек, республиkaning олтин захираси;

4. Пул муомаласи соҳасида хизмат кўрсатувчи банклар ва бошқа муассасалар, пул белгиларини, давлат ҳазинаси билетларини, акциялар, облигациялар ва бошқа қимматли коғозларни, орденлар, медаллар ва почта тўлови белгиларини чиқаришни тақдим этувчи давлат тамғаси корхоналари, муассасалари кабилар киритилган.

Шунинг учун ҳам Марказий банкнинг мулкий мустақиллиги, унинг мол-мулки даҳлсизлиги, мол-мулкига дъволарнинг татбик этилмаслиги, Марказий банкнинг мол-мулки унинг пул ва бошқа моддий бойликлардан иборат бўлиб, уларнинг қиймати Марказий банк балансида акс эттирилиб, бинолари ҳамда иншоотлари, шунингдек, улар жойлашган ер майдонлари давлатнинг мутлак мулкидир.

Марказий банк ва унинг муассасалари Ўзбекистон Республикасининг Давлат Герби тасвири туширилган ва ўзноми ёзилган муҳрига, ўз сарф-харажатларини ўзининг даромадлари ҳисобидан амалга оширувчи, иқтисодий жиҳатдан юридик шахс ҳисобланган муассасадир.

Марказий банкнинг бош мақсади миллий валютани баркарорланишини таъминлашдан иборат. Асосий вазифалари:

— Ўзбекистон Республикасининг монетар (пул-кредит) ҳамда валюталарини тартибга солиш соҳасидаги сиёсатини шакллантириш, қабул килиш ва Ўзбекистон Республикасида ҳисоб-китобнинг самарали тизимини ташкил этиш ва таъминлаш;

— Банклар фаолиятини тартибга солиш ва банкларни назорат килиш;

— Ўзбекистон Республикасининг расмий олтин валюта резервларини, шу жумладан, келишув бўйича хукумат резервларини саклаш ва тасарруф этиш;

— Давлат бюджетининг касса ижросини Молия вазирлиги билан биргаликда ташкил этишдан иборатdir.

- кимматли қоғозларни ишлаб чиқаришни, сотилишини, сотиб олишини, давлат зәёмларининг ўйналишини ва берилаётган тўлов фоизларини назорат қилиш;
- чет давлатлар карзларининг тижорат банклари томонидан бажарилишини назорат қилиб бориш;
- иктисадий конъюнктуранинг таҳдили ва истиқбол кўрсаткичларини белгилаш;
- муомалада бўлган пул массасининг иктисадий жихатидан асосланган чегараларини аниқлаш;
- пул массаси йиллик ўсиш суръатининг аник мақсадли кўрсаткичларини, шу жумладан Марказий банк ички активларининг ўзгаришини ҳисобга олиб бориш;
- хорижий давлатларда ваколатхоналар очишга, Ўзбекистонда чет эл банкларининг ваколатхоналарини очиши ташвиқт қилишга ҳақлидир.

Марказий банк ва унинг муассасалари резерв тизими вазифасини бажариш натижасида ҳосил бўладиган фойдалан олинадиган солиқлардан, йигимлар ҳамда давлат божларидан озод қилиниши «Марказий банк тўғрисида»ги Конунда айтиб ўтилган. Амалдаги қонун-қоидаларига кўра, Марказий банк пул, кредит, соҳасидаги мавжуд вазият ва монетар сиёсатнинг асосий ўйналишлари тўғрисида ҳар йили матбуотда маъруза эълон қилиши кўзда тутилади.

Бозор иктисади шароитида пул, кредит, кимматли қоғозлар, валюта инвестицияси, эмиссия, касса, кредиторлик, дебиторлик қарзлар бўйича ҳисоб-китоб операцияларининг қонунларга мувофиқ амалга оширилишини назорат қилиши билан бир қаторда, Марказий банк ўзи чиқарган давлатнинг кимматли қоғозларини, шунингдек қарз мажбуриятларини очиқ бозорда харид қилиши ва сотиши мумкин. Марказий банк ҳар қандай даражадаги бюджетларни молиявий таъминлаш учун очиқ бозордаги операциялардан фойдаланиши, шунингдек давлат кимматли қоғозлари бирламчи жойлаштирилганда уларни сотиб олиши мумкин эмаслиги «Марказий банк тўғрисида»ги Конунда баён этилган.

Марказий банк ўз ҳудудидаги турли-туман соҳаларда хизмат қилувчи тижорат ва хусусий банкларининг фаолиятига раҳбарлик қилиш ҳамда назоратни амалга ошириш билан бир қаторда уларнинг ривожланши, шаклланиши учун уларга тўловли кредит ресурсларини бериши ҳам кўзда тутади. Марказий банкнинг ҳукуқ фаолияти, унинг бошқаруви, раиси, раиснинг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари, Марказий банк бошқаруви аъзоларининг, департамент директорлари-

нинг хамда Коракалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги Марказий банкнинг Бош бошқармалар раҳбарлари хуқукий ҳужжатларда белгиланган ваколатларига мувофик ўз фаолиятларини амалга оширади.

Марказий банкнинг хорижий банклар ва кредит муасасалари билан ўзаро иқтисодиётга оид муносабатлари мамлакатимизнинг ҳалқаро шартномаларига, шунингдек банклараро битимларга мувофик амалга оширилади.

3-§. Марказий банкнинг банк операцияларини амалга ошириш борасидаги фаолияти

Мамлакатимизда кун сайин ривожланиб, чуқурлашиб, шаклланиб бораётган бозор муносабатларида пул, кимматли коғозлар ва валюта операцияларини тартибга солиш, кредиторлик ва дебиторлик тўлов интизомини мустаҳкамлаш мақсадида Марказий банк республикадаги пул-кредит, молия, валюта ва нарх муносабатларининг ахволига асосланаб, муомаладаги пул массасининг бир ёки бир қанча кўрсаткичлари ўзгаришининг аниқ мақсадли мўлжалларини белгилаши мумкин. Марказий банкнинг очик бозордаги операциялар лимитини бошқарув тасдиқлаши билан бир каторда векселлар бозорига ҳам ўз эътиборини жорий этиб, Марказий банк қиймати тўланишини банклар кафолатланган қиска муддатли хазина векселлари, шунингдек тижорат векселлари хисобини юритиши мумкин.

Марказий банк хисоб операцияларини ўтказиш коидаларини ва шартларини, шу жумладан, хисоб-китоблар ўтказиш муддатларини хамда кредит операциялари бўйича ставкаларни мустакил равишда ўзи белгилайди. Марказий банк ўзи белгилаган энг кам микдорда резервлар саклаш тўғрисида банкларга кўрсатма беради. Марказий банкда депозитга ўтказиладиган мажбурий резервларнинг энг кам микдори Марказий банкнинг норматив ҳужжатлари билан белгиланиб, у омонатларнинг ҳажми, тури, муддати банктарнинг бошка мажбуриятларига боғлиқ бўлади. Мажбурий резервларнинг микдорлари жалб этилган маблағлар ва омонатларнинг хар бир тоифаси бўйича барча банклар учун бир хилдир.

Мажбурий резервлар Марказий банкда накд пул ёки омонатлар кўринишида, Марказий банк белгилайдиган тартиб-

да депозитга ўтказилиши лозим. Мажбурий резерв талабларининг нормативлари ёки таркиби белгиланган ёки ўзгартирилган тўғрисидаги кўрсатмалар камида бир ойлик муддатда кўрсатилади, резервларнинг таркиби ёки микдорига доир янги нормативларни банклар ана шу муддатгача бажаришлари шарт килиб белгиланган. Марказий банк мажбурий резервлар бўйича фоизларни тўлаш тўғрисида қарор қабул килиши кўзда тутилади. Агар бирор банк мажбурий резерв талабларини энг кам микдорини саклаб туриш тўғрисидаги «Марказий банк тўғрисида»ги Конуннинг 28-моддасида кўрсатилган талабларни бажармаса, Марказий банк қатъий тартибда бу банкдан етишмаётган маблағ суммасини, шунингдек қайта молиявий таҳсимлашнинг икки ставкасидан ошмайдиган микдорда жарима ундириб олади.

Марказий банк ўзи мустақил равишда белгиланган шартларда банкларга уч ойгача бўлган муддатга кредит беришга ҳақли. Бунда қуйидаги активлар гаровга қўйилиши мумкин:

- олтин, чет эл валютаси, халкаро резервлар тоифасига кирувчи валюта бойликлари ва бошка бойликлар;
- давлат қарз мажбуриятлари ва хукумат кафолатлаган бошка қарз воситалари;
- Марказий банкда депозитга ўтказилган ва унинг депозитарийси учун мақбул бўлган, харид қилиниши ва сотилишига рухсат берилган ёки Марказий банк улар билан хукукий хужжатлар доирасида бошка хил операциялар ўтказиши мумкин бўлган активлар;
- тўланишига банклар кафолат берган тижорат векселлари;
- конун-коидаларга мувофик, Марказий банк ўзининг қайта молиявий таъминлаш тизимида банкларнинг иштирок этиш шартларини эълон қилиши кўзда тутилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Конуннинг 36-37-моддаларига мувофик, яъни васийност ваколатлари тўғрисидаги коидаларга кўра, васий исталган пайтда фуқароларнинг депозитлари ва инвестициялари бир йилдан кўп бўлмаган муддатга қисман ёки тўла тўхтатиб қўйилганлигини эълон қилиши мумкин, бунда депозитлар ва инвестицияларнинг тахминий қийматини саклаб қоладиган чоралар қўрилиши шарт. Башарти, гасийлик вактида ёки гасийлик даврининг охирида банкни согломлаштиришнинг иложи йўклиги Марказий банк томонидан аникланса, у лицензияни чакириб олади ва белгиланган тартибда банк фаолиятини тугатади.

Марказий банк конун хужжатларида назарда тутилган тартибда ва шартларда давлат ҳокимияти ва бошқарув органдари, уларнинг муассасалари ҳамда ташкилотлари, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий ҳавфсизлик хизмати, шунингдек Марказий банкка қарашли корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг асосий хисоб варакларига хизмат кўрсатиш бўйича банк операцияларини амалга ошириши кўзда тутилади ҳамда ушбу органлар ва идораларнинг ҳар ойда олинидиган нақд иш ҳаки пулларининг кунлик жадвали асосида амалга оширилади.

У Б О Б

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА БАНКЛАР ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТУТАТИШ ТАРТИБИ

1 – §. Банклар ташкил этишининг хукукий асослари

Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Конунига мувофик банклар, қоида тариқасида, мулкчиликнинг ҳар қандай шакли асосида акциядорлик жамияти тарзида пай, кооператив ва хусусий тижорат шаклида ташкил этилиши мумкин. Ушбу Конун қоидаларига кўра, юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан чет эллик юридик ва жисмоний шахслар банк муассасалари бўлиши мумкин. Башарти, Конунда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса. Давлат ҳокимият органлари, жамоат бирлашмалари ва жамоат фондлари бундан мустасно.

Юртимизда иқтисодий, сиёсий мустакилликнинг вужудга келиши Ватанимизни жаҳоннинг энг тараккий этган давлатлардан бирига айлантириш, иқтисодий, маданий ва мънавий асосларини барпо этиш, демократик хукукий давлатни шакллантириш, фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ва банкларнинг мулкий мустакиллигини давлат йўли билан кўллаб-куватлаш, мулкдорларнинг хукуқларини, хусусан банкларни ташкил этишда ҳар қандай ғайриқонуний харатлардан химоя килиш, уларнинг фаолияти билан боғлиқ ислоҳотларни амалга ошириш ҳозирги энг зарурӣ муаммолардан биридир. Ўзбекистон Республикасининг банклар ва банк фаолиятига оид мулкий муносабатлар юзасидан, асосан банклар ташкил этиш даврида ҳар бир акциядорнинг иштирокчилик хиссаси устав капиталининг ўттиз беш фоизидан ошмаслиги кўзда тутилади. Бундай чеклов банкларнинг устав капиталидаги давлат хиссасига ва чет эл банкларига татбиқ этилмаслиги «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Конунла баён этилган.

Амалдаги норматив хужжатларга кўра тижорат, хусусий ёки чет эл банки, Ўзбекистон худудида ўз фаолиятини

Марказий банк томонидан бериладиган лицензия асосида амалга оширади. Лицензиясиз амалга ошириладиган банк фаолияти ғайриқонуний, деб хисобланади ва бундай фаолият натижасида олинган даромад давлат бюджетига мажбурий олиб кўйилади. Банк муассасалари «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Конун қоидаларига мувофик, банк акциядорлари таркибидан у рўйхатга олинган кундан бошлаб бир йил мобайнида чикиб кетиш ҳукукига эга эмаслар. Ўзбекистон Президентининг 1994 йил 21 январдаги «Иктиносидий ислохотларни янада чукурлаштириш, ҳусусий мулк манфаатларини химоя килиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони мамлакатимиз худудида ҳусусий тадбиркорликни шакллантиришга хизмат кўрсатувчи хилма-хил банкларни ташкил этишига асос солди. Ўзбекистонда тижорат банклари фаолиятини бошқаришда акциядорликнинг ролини ошириш, банк ходимларини ишга ёллашнинг шартнома тизимиға ўтказиш, кредитлар бериш ҳамда уларнинг кайтарилишини таъминлаш учун банкнинг раҳбар ва ижроия органлари жавобгарликни ошириш, шунингдек ҳусусий банклар ташкил этиш жарабёнини рағбатлантириш максадида 1998 йилнинг 2 октябрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Акциядорлик тижорат банклари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди.

Мазкур ҳукукий хужжатда акциядорлик тижорат банки тўғрисидаги намунавий низомни Марказий банк Молий вазирлиги билан биргаликда тасдиқланган намунавий низомга мувофик акциядорлик тижорат банкларининг кенгашлари тузилишини таъминлаш кўзда тутилади. Фармонда банкларнинг молиявий мустақиллигини кенгайтиришга ҳамда акциядорлар сармоясини кўшимча равишда ташкил этишга, банкларнинг фаолиятини бошқаришда акциядорларнинг роли ва масъулиятини оширишга, банкларнинг ходимларини ишга ёллашнинг шартнома тизимиға ўтказишга эътибор қаратилишига асосланади. Ушбу муносабатларни амалга ошириш учун Марказий банкка маҳсус комиссия тузиш тавсия этилган. Ушбу ҳукукий хужжат қоидаларига мувофик, банкнинг устав капиталида давлатга тегишли акциялар пакети 25 фоиздан ошган холларда банк Кенгаши таркибига Марказий банкдан ишончли вакиль киритилади, унинг зиммасига мазкур акциялар пакетини бошқариш вазифаси юкланди.

Ўзбекистон Президентининг 1998 йил 2 октябрдаги Фармонига кўра, акциядорлик тижорат банки Кенгаши:

— банк филиалларининг бошқаруви ва раҳбарлари билан биргалиқда банкни самарали бошқаришни ташкил этиш, намунавий низом ҳамда бошка қонун хужжатларининг талабларига мувофик кредитлар берилиши ва уларнинг ўз вақтида қайтарилиши учун жавобгар бўлиши;

— банк бошқаруви раиси билан меҳнат шартномаси тузиш каби катор масалаларни ўз ичига олиши билан бир каторда тижорат банкларининг мулкий мустақиллигини қонун хужжатлари асосида давлат томонидан химоялаш кўзда тутилган.

Бозор механизми самарали ишлаш учун тегишли шарт-шароитларни таъминлаш, республика хаётининг барча соҳаларида иқтисодий ислоҳотларни жорий этиш, кичик ва ўрта тадбиркор бизнес фаолияти жараёнларини шакллантириш ва чукурлаштиришда ихтисослаштирилган ҳамда хусусий банклар томонидан уларни пул, кредит бозорига ёки иқтисодий манфаатларни кўллаб-куватловчи эквивалент товарларнинг шаклланишига имкониятлар яратилди. Шу нарсани эътиборга олиш керакки, яъни кредитта ва гаровга олинган маблағлардан ҳамда бошка жалб этилган маблағлардан банкнинг устав капиталини шакллантириш учун фойдаланишга йўл кўйилмайди. Лекин алоҳида ҳолларда амалдаги Қонун хужжатларига мувофик, банкнинг устав капиталини шакллантириш учун бюджет маблағларидан фойдаланиш мумкин.

Президент Фармонига кўра, хусусий тижорат банкларини ташкил қилиш ва уларнинг фаолият кўрсатици учун қулай шарт-шароитларини яратиш, хусусий сармояни жалб этиш ва ундан хўжалик оборотида самарали фойдаланиш хозирги бозор иқтисоди талабидир. Мамлакатимизда хусусий тижорат банкларини ривожлантиришнинг асосий максади фукаролар ва юридик шахсларнинг иқтисодий муносабатларини яхшилаш, уларнинг ишлаб чиқаришда ва савдо фаолиятини осонлаштириш, шакллантириш ва кўмаклашишдан иборатдир. Хозирги кунда жаҳон иқтисодий бозорига келсак, масалан, гарб мамлакатларида юз минг кишига 10-15 банк тўғри келади. Шунинг учун ҳам хукуматимиз хусусий тижорат банкларини ҳар томонлама шакллантиришга, улар фаолиятини кўллаб-куватлашга муҳим эътиборни каратмокда.

Ўзбекистон фукаролари хусусий тижорат банклари ташкия этиш учун устав капиталига маблағларни ўз даромадлари тўғрисидаги декларацияни тақдим этмасдан кўшиш-

лари «Хусусий тижорат банкларининг ташкил килинишини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Президентининг 1997 йил 24 апрелдаги Фармонида баён этилган. Ушбу Фармонга мувофик, хусусий тижорат банклари ташкил этилган пайтдан бошлаб, 2 йил мобайнида бюджетта даромад солиги тўлашдан озод килинади. Ундан бўшатилган маблағлар уларнинг моддий-техника базасини мустахкамлашга ва инфраструктурани ривожлантиришга йўналтирилади, дейилган. Мазкур хукукий хужжатга кўра, хусусий тижорат банки устав капиталининг энг оз миқдори 250 минг ЭКЮга тенг суммада белгиланади ва банк фаолиятини дастлабки 3 йил давомида ўзгартирмай саклаб турилади.

Баён этилган хукукий акт коидаларига мувофик, хусусий тижорат банки ўз фаолиятини бошлаганидан кейин олти ой ўтгач, хусусий тижорат банкига хорижий валютада операцияларни амалга ошириш учун лицензия берилиши мумкин.

2-§. Банкларни рўйхатга олиш ва уларнинг фаолиятини лицензиялаш тартиби

Пул, кредит, кимматли коғозлар ва валютага оид иктисолий муносабатларни давлат ичкарисида ҳамда жаҳон миқёсида факат банк операциялари асосида амалга оширилади. Шунинг учун ҳам ҳар бир товар ишлаб чиқарувчи ташкилот, корхона фаолияти унга хизмат кўрсатувчи банк билан чамбарчас боғлангандир. Амалдаги Конун хужжатларига асосан товар, пул бозорида фукароларга, корхоналарга, ташкилотларга, муассасаларга, ҳисоб-китоб, касса, дебиторлик ва кредиторлик қарзлар каби иқтисодий операцияларни амалга ошириш учун банк хизматлари алоҳида аҳамият касб этади. Мазкур фаолиятни амалга ошириш учун банк ўзининг мустақил мулкига, бинолар, иншоот, ускуналари, устав фонди, захира фонди ва бошқа воситаларга эга бўлган такдирда Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Конунга асосан, Марказий банкда рўйхатга олинган пайтдан бошлаб, юридик шахс макомига эга бўлади.

Тижорат ва хусусий тижорат банкларини ташкил килишда, уларни рўйхатга олиш тартиби ва шартларини рўйхат-

га олиш билан бир вактда банкларга банк операцияларини амалга ошириш хукукини берувчи лицензия топширилиши лозим. Банкларни рўйхатга олиш ва уларга лицензия бериш тартиби «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Конунга қўра ҳақ тўлаш эвазига амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасининг банкларга оид қонун қоидаларига асосан, банк муассасасини очиш учун олдиндан Марказий банкнинг рухсатномасини олиш, шунингдек фаолият максади, мулк обьектлари Марказий банк томонидан ўрганиб чикилиши кўзда тутилади. Лицензия беришдан олдин Марказий банк аризачиларга банк ташкил этиш борасидағи фаолиятларини давом эттириш имконини берадиган дастлабки рухсатномани беради. Банкларнинг филиаллари Марказий банкда рўйхатга олинади ва ўз фаолиятларини уларни ташкил этган банкка берилган лицензия асосида амалга оширилади. Дастлабки рухсатномани бериш тўғрисидаги қарор, ариза ва у билан бирга барча зарур хужжатлар тақдим этилган кундан бошлаб кўни билан уч сий ичида қабул қилинади ва муассисларнинг молиявий имкониятлари ҳамда обрўини, банк раҳбарлигига тақлиф этилаётганларнинг касб малакалариғи, бизнес - режани, молиявий режани, капиталнинг тузилишини, тегишли банк бинолари ва ускуналар билан таъминлаш имкониятларини баҳолашга асосланади.

Банкни рўйхатга олиш ва унга лицензия бериш учун муассислар дастлабки рухсатнома олинган кундан бошлаб, узоги билан олти ой муддатда Конунда белгиланган талабларни бажаришлари керак. Банкни рўйхатга олиш ва унга лицензия бериш ҳакидаги қарор Марказий банк талаблари бажарилган кундан кўпич билан бир ойлик муддатда чиқарилади.

Мустақиллик арафасида Ўзбекистон ҳудудида Марказий банк томонидан берилган лицензия асосида ташкил этилган ва ҳалқ хўжалигининг турли соҳаларида ихтисослаштирилган хилма-хил тижорат, хусусий, чет эл ва қўшма банклар корхоналарга, ташкилотларга, фирмаларга, фукароларга кредитлар бериш, янги техника ва технология, асбоб-ускуналар, ҳисоб-китоб, касса хизматлари кўрсатиб, ўз фаолиятини мувваффақиятли амалга ошириб келмоқда. Ўзбекистон ҳудудида замон талабларига жавоб берадиган банк муассасаларини ташкил этишнинг асосий сабаби, максади бошка ташкилотлар ва корхоналар каби меҳнаткаш ҳалқимизга пул, кредит, валюта, кимматли қоғозлар бўйича хизматлар кўрсатиш кўзда тутилади.

3-§. Ўзбекистонда чет эл банкларини рўйхатдан ўтказишинг хукукий асослари

Мустакил Ўзбекистон Республикаси ҳозирги кунда жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари билан тўғрилан-тўғри ташки иқтисодий алокаларни кенгайтириб, мустаҳкамлаб бормокда. Республикаиз жаҳон бозорида тобора нуфузли ва ишончли иқтисодий, сиёсий субъект сифатида қатор халқаро ташқилотларга аъзо бўлиб, импорт-экспорт, савдо, молия ва банк тизимларини шакллантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Дунё миқёсида хўжалик муносабатлари тизимини щакллантирувчи ва уларнинг иқтисодий фаолиятини амалга оширувчи чет эл банклари билан фаол қатнашишга барча субъектив ва объектив шарт-шароитлар, барча зарур хукукий ва амалий имкониятлар яратилди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон ҳудудидаги чет эл инвесторларининг иқтисодий фаолиятини амалга оширувчи чет эл инвесторлари билан бўладиган валюта, кредит, савдо, қимматли қоғозлар, транспорт, алоқа хизматлар кўрсатиш каби хилма-хил иқтисодий муносабатлардан келиб чикадиган касса, хисоб-китобларга оид фаолиятлар мазкур банк ваколатхоналари иштироқида амалга оширилади.

Жаҳон цивилизацияси тараккиётида рўй берадиган ижтимоий, иқтисодий жараёнлардан келиб чикадиган чет эл инвесторларининг фаолияти вакил килинган банк ваколатхоналари ёрдамида олиб борилади. Ватанимиз ҳудудида чет эл банкларини очиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17-моддасига кўра, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Конуннинг 16-моддасида ва Марказий банки бошкарувининг 1996 йил 20 июлдаги карори асосида тасдикланган. У «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл банклари ваколатхоналарини очиш, рўйхатдан ўтказиш ва аккредитациялаш тартиби тўғрисида»ги Низом билан амалга оширилади. Мазкур Низом қоидаларига кўра, Ўзбекистон ҳудудида ўз ваколатхонасини рўйхатдан ўтказиш ва аккредитациялаш учун чет эл банки куйидаги хужжатларни топширади:

1. Ваколатхона ташкил этиш зарурати асослари берилган, мўлжалдаги фаолият дастури ҳамда Ўзбекистон Республикасида банк томонидан иш юритиш ваколати берилган шахслар кўрсатилган илтимоснома;

2. Чет эл банкининг белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг чет эл банки жойлашган хорижий мамлакатдаги элчихонасида ёхуд банк резидент бўлган давлатнинг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонасида тасдикланган устави;

3. Банкнинг охирги молия йили учун эълон қилинган ва аудиторлар тасдиклаган ҳисоботлари;

4. Чет эл банки ваколатли органнинг ваколатхона тўғрисидаги қарори;

5. Банк ваколатли орган тасдиклаган ваколатнома очиш тўғрисидаги Низом;

6. Ваколатхона бошлиғи ва чет эллик ходимлари тўғрисидаги маълумотлар;

7. Бино ижарага олиниши тўғрисидаги шартнома ёки карорга кўра бино берилиши тўғрисидаги кафолат хати. Бу хужжатлар рўйхатга олиш жойига қарайдиган хокимиётнинг одам яшамайдиган бинолар бошқармаси билан келишилган бўлиши лозим;

8. Аризачи банк фаолияти билан шуғулланиш учун тегишли лицензияга эга эканлиги тўғрисида тегишли давлат банк назорати органи берган ёзма тасдикнома.

Низомга мувофиқ чет эл банклари ваколатхоналарини ташкил этиш билан боелик хужжатлар Марказий банкка инглиз, ўзбек ва рус тилларида такдим этилади. Марказий банк рўйхатга олиш ва аккредитациялаш тўғрисидаги масалани хужжатлар қабул қилинган вактдан бошлаб бир ой ичида ҳал этади. Ваколатхона хужжатларида камчиликларни бартараф этиш ва уларни Низом талабларига мослаш учун кетадиган вакт бу муддатга кирмайди. Шуни тъкидлаш лозимки, очилган ваколатхона юридик шахс ҳисобланмайди ва ўз фаолиятини уни ташкил этган банк номидан ваколатхона тўғрисидаги Низомда белгиланган ваколатлар доирасида олиб боради.

Чет эл банкларини Ўзбекистон худудида аккредитацияланган ваколатхоналари рўйхатга олиш дафтарида кайд этилиши лозим. Унда хорижий давлатлар худудида рўйхатта олинган (норезидент банклар) ва ўзлари жойлашган ҳамда рўйхатга олинган жойга қаровчи назорат органларидан лицензия олган банкларнинг ваколатлари ҳисобланниб, чет эл банкининг у жойлашган ердан бошка жойга очилган алоҳида бўлинмаси банк ва бошка тижорат фаолияти билан шуғулланиш ҳукукига эга эмас. У бош банк манфаатларини кўзлаб иш олиб боради. Ўз фаолиятини амалга ошириш учун ваколатхона Ўзбекистон худудидаги банк муассасаларидан

бирида ваколатли шахс ҳисоб варагини очади. Ваколатхона иш бошлаган кундан бошлаб бир ой ичида Ўзбекистон Молия вазирлигига ҳамда Давлат солик қўмитасига иш бошлагани, ваколатхона қаерда жойлашгани, шунингдек ходимлар таркиби тўғрисида билдирувнома юбориши шарт. Бундай билдирувнома ваколатхона жойлашган манзил, ходимлар таркиби ўзгарган ёки фаолиятини тўхтатган холларда ҳам юборилади. Ваколатхонага унинг бошлиғи раҳбарлик қиласи. Ваколатхона бошлиғи ўзига карайдиган банкнинг тегишли расмийлаштирилган ишончномаси ҳамда Марказий банкнинг аккредитациялаш гувохномаси асосида ицлайди.

Ўзбекистон Республикаси худудида чет эл банклари ваколатхоналарини очиш, рўйхатдан ўтказиш ва аккредитациялаш тартиби тўғрисидаги Марказий банк Низомига асосан ваколатхона рўйхатга олингани ва аккредитациялангани ҳамда ваколатхона бошлиғи аккредитациялангани учун 2000 АҚШ доллари ундирилади. Агар кейинчалик ваколатхона бошлиғи ўзгарадиган бўлса, унинг ўзгарганлиги муносабати билан янгидан аккредитациялаш учун ундан АҚШ доллари асосида Низомга мувофик ҳак ундирилади. Ушбу Низом қоидаларига кўра, ваколатхона кўпи билан 3 йил муддатга аккредитацияланади. Аккредитациялаш муддатини узайтириш зарурати туғилиб қолса, ваколатхона Марказий банкка аккредитация амал қилиш муддати тугашига бир ой қолганда хабар бериши керак.

Марказий банк чет эл банклари ваколатхоналарининг рўйхатга олиш дафтарини очиш билан бир қаторда, уларни рўйхатта олганликлари, аккредитацияланганлиги ва фаолияти тўхтатилгани тўғрисида маълумотлар эълон қилиб борилади. Марказий банк ваколатхона банкини унинг фаолияти мазкур Низом ҳамда амалдаги қонунларга мувофиқлигини, шунингдек ваколатхона вараги (ҳисоб вараклари) юзасидан операциялар тўғри ўтказилаётганини назорат қилиши билан бир қаторда уларнинг фаолиятига тааллукли ахборогни талаб қилиш ҳамда шу билан боғлиқ далолатномалар чикариш хукукига эга.

Куйидаги холларда чет эл банк ваколатхоналари фаолияти тўхтатилади:

1. Ваколатхонани ташкил этган банк ваколатли органининг қарорига кўра, шундай карор кабул қилингани тўғрисида Ўзбекистон Марказий банкига хабар бериши билан.

2. Аккредитация муддати тугаганда, агар банк бу муддатни узайтириш тўғрисида илтимос билан Ўзбекистон Марказий банкига мурожаат килмаган бўлса.

Куйидаги холларда ваколатхона фаолияти учун берилган рухсатнома қайтариб олинниши мумкин:

- рухсатнома берилишда асос бўлган маълумотларнинг нотўғрилиги аникланса;
- Ўзбекистон Республикаси Конунлари бузилса;
- банк операциялари ва тасдиқланган Низомда кўзда тутилмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланса;
- ваколатхона бош банки лицензияси қайтариб олинса ва ёпилса, чет эл банк ваколатхона фаолияти тўхтатилганда Ўзбекистон Марказий банки рўйхатта олиш дафтиридаги ёзувни бекор қиласи ва шундан кейин бу хақда матбуотда эълон беради.

4-§. Ўзбекистон Республикасининг Ташки иқтисодий фаолият Миллий банки тушунчаси ва унинг мақсади

Мамлакатимизда сиёсий хамда иқтисодий мустакиллик кўлга киритилгач, шахдам қадамлар билан халқ хўжалигининг барча тармокларида тўғридан-тўғри ва босқичма-босқич бозор муносабатларига ўтиш, давлат мулкини хусусийлаштириш, кичик хамда ўрта бизнес фаолиятини шаклантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур муносабатларни ривожлантириш учун, энг аввало, пул, кредит, молия ва банк тизимини янгидан ташкил этиш ушбу соҳаларда иқтисодий ислоҳотларни ўтказиш, давлат томонидан ишлаб чиқилган режалар асосида амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17-моддасига кўра, ташки иқтисодий алокаларни мустаҳкамлаш ва чукурлаштириш замон талабларидан биридир.

Суверен Ўзбекистон хукумати ички бозорлар билан бир каторда ташки бозорларда ҳам кеңг иқтисодий фаолиятни амалга оширишни ўзига бирдан бир вазифа килиб кўймоқда. Ана шу мақсадда Ўзбекистон Президентининг 1991 йил 7 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Ташки иқтисодий фаолият Миллий банкини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони муҳим аҳамият касб этади. Ушбу хукукий хужжат асосида ташкил этилган мазкур банк Ўзбекистон Республикасининг маҳсуслаштирилган муассасаси бўлиб, чет эл банклари билан тўғридан-тўғри иқтисодий муносабатларни амалга ошириш, Ўзбекистон хукумати номидан ўз фаолиятини ривожлантириш ва янада чукурлаштиришга ка-

ратилган. Чунки ушбу банкнинг мулки бевосита давлат та-
сарруфидадир. Ташки иқтисодий фаолият Миллий банки
юридик шахс ҳисобланиб, Вазирлар Махкамаси томонидан
1993 йил 21 январда қўшимчалар ва ўзгартиришлар асоси-
да тасдикланган Низомга мувофик иш юритади.

Ташки иқтисодий фаолият Миллий банкининг асосий
вазифаси Ўзбекистоннинг монетар сиёсатини амалга оши-
риш, чет дачлатлар банклари билан иқтисодий алоқалар
боғлаш, товарлар етказиб бериш, хизматлар кўрсатишда эк-
спорт ва импорт товарлар юзасидан ҳисоб-китоб муносабатларини амалга ошириш, Ўзбекистон миллий валютаси-
нинг қадрини кўтариш каби ишларни шакллантириш ва
тукурлаштиришга қаратилгандир. Умуман, ташки иқтисодий
фаолият деяканда, Ўзбекистон Республикаси давлат идо-
раларининг, юридик ва жисмоний шахсларнинг хорижий
давлатлар, уларнинг юридик ва жисмоний шахслари, ҳалка-
ро ташкилотлар билан ўзаро фойдали ҳамкорлик ўрнатиши-
га, бундай ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган жами
амалий харакатларни ташки иқтисодий фаолият Миллий
банки томонидан амалга оширилиши кўзда тутилади ва
бундай муносабатларни тижорат усулида бажарилади.

Ташки иқтисодий фаолият Миллий банкининг 1993 йил
21 январда тасдикланган Низомига мувофик, унинг мулк-
ларига кўра бинолар, иншоотлар, транспорт воситалари, уст-
ав капитали, ҳазина бойликлари ва бошқа фондлари кира-
ди. Банкнинг устав капитали АҚШ доллари асосида 4 мил-
лион сўмдан иборатdir. Амалдаги хукукий ҳужжатларга
мувофик, Ташки иқтисодий фаолият Миллий банкининг
олий ижро этувчи органи унинг бошқарувидир. Бошқарув
органи аъзолари сони ва ишлаш тартибини унинг раиси
белгилайди. Раиси эса Ўзбекистон Президенти томонидан
тайинланади. Ташки иқтисодий фаолият Миллий банки
Низомининг бешинчи бўлимига асосан, мазкур банк Ва-
зирлар Махкамасига бўйсунади ва унга ҳисоб бериб туради.

Ташки иқтисодий фаолият Миллий банки бошқарувин-
нинг раиси раҳбарлигида чет эл валюталари билан бўлади-
ган иқтисодий, кредит, ҳисоб-китоб операциялари, товарлар,
маҳсулотлар етказиб бериш, хизматлар кўрсатишда экспорт
ва импорт муносабатлари, жойларда мазкур муносабатлар-
ни амалта оширувчи филиаллар (шўъбалар) очиш ёки улар-
нинг фаолиятини тўхтатиш каби катор масалаларни хал-
килади. Миллий банк раиси амалдаги хукукий ҳужжатларга
кўра, ишончномасиз ўзининг хукук фаолиятини амалга

ошириб, Ўзбекистон ҳукумати номидан ҳаракат қилиш ва-
колатига эгадир. Чунки бу Низомга мувофиқ, ташки иқти-
содий фаолият Миллий банки раисига берилган ҳукуклир.
Ушбу масала бўйича у олий мансабдор шахс хисобланади.

«Ўзбекистон Республикасининг ташки иқтисодий фао-
лияти тўғрисида»ги Конуннинг 8-моддасига мувофиқ, мул-
кчилик шакллари ва ташки иқтисодий фаолиятнинг турла-
ридан қатъи назар, ташки иқтисодий фаолиятнинг барча
субъектлари пул, кредит, кимматли коғозлар, валюта муно-
сабатлари билан боғлиқ ташки иқтисодий фаолиятнинг хар
бир субъекти амал қилиб турган ҳукукий хужжатлар дои-
расида, ташки иқтисодий муносабатларни, чунончи товар-
ларнинг микдори, шакллари, муддати, тартиби йўналишла-
рини мустакил равишда ўзи белгилаши, ўз хохишига кўра
ташки иқтисодий фаолиятини ёки унинг қонуний вакил-
лари амалга ошириш учун зарур бўлган ҳолларда юридик
ва жисмоний шахсларни белгиланган тартибда шартнома
асосида жалб этиш мумкин. Ташки иқтисодий фаолиятнинг
хар бир субъекти Ўзбекистон Республикаси Конунларига
мувофиқ, ташки иқтисодий фаолият натижаларига, шу жум-
ладан, чет эл валютасидаги даромадга эгалик қилиш, улар-
дан фойдаланиш ва уларни тасарруф этишга хаклидир. Унинг
карорига кўра, ташки иқтисодий фаолиятнинг натижала-
рига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни муста-
кил тасарруф этиш ҳуқуклари Конунларда белгиланган тар-
тибда бошқа юридик ва жисмоний шахсларга ўтказилиши
ёхуд уларга ишониб толширилиши мумкин.

Кун сайин Ўзбекистоннинг ташки иқтисодий фаолия-
ти ривожланиб бормокда. Республика худудида рўйхатдан
ўтказилган хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар сони
борган сари ошиб бораётир. Мамлакатимизда дунёнинг 25
дан ортиқ мамлакатларига қарашли хорижий фирма, банк
ва компанияларнинг 166 та ваколатхонаси ишлаб турибди.
Ўзбекистон Ташки иқтисодий фаолият Миллий банки дунё-
нинг 80 та йирик банкида вакиллик хисобини очган. Таш-
ки иқтисодий фаолият Миллий банки Ўзбекистоннинг хал-
каро иқтисодий муносабатлар соҳасидаги сиёсатини рўёбга
чикарувчи, ташки иқтисодий фаолиятга хизмат кўрсатиши
ни таъминловчи ва валюта маблағларини жамловчи ихти-
сослаштирилган банк муассасасидир.

Ташки иқтисодий фаолият Миллий банки Марказий
банк ва ҳукуматининг топшириғига биноан:

— экспорт товарлари ишлаб чиқарищни ташкил этиш
ва ривожлантириш учун чет эл валютасида кредитлар бе-

ради, Ўзбекистон Республикасига чет эл валютасида етказиб берилаётган ва республика чет эл валютасида олаётган давлат заёмлари ва кредитларига хизмат кўрсатади, улар юзасидан хисоб олиб боради;

— халқаро валюта кредит бозорларида операциялар бајаради;

— контракт (шартлар)ни бажариш вактида чет эл банклари, концернлари, фирмалари ва бошқа шериклар айби билан олинмай қолган маблағларни ундиришга кўмаклашади;

— ҳукуматлараро битимларнинг тўлов шартларини ишлаб чикишда қатнашади;

— Низомда назарда тутилган бошқа вазифаларни хам бажаради.

Ташки иқтисодий фаолият Миллий банки Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан тасдиқланадиган ва Марказий банк томонидан рўйхатга олинадиган Низом асосида ўз фаолиятини амалга оширади.

5-§. Банклар фаолиятини тўхтатиш ва уларни тугатишининг умумий қоидалари

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 124-моддаси, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Конуннинг 14 ва 19-моддаларига хамда Марказий банк бошкарувининг «Банкларни тугатиш тартиби тўғрисида»ги карорига мувофик, қабул килинган Низом қоидалари асосида тартибга солиниб борилади. Амалдаги банкларга оид ҳукукий хужжатларга кўра қуидагилар банклар фаолиятини тўхтатиш ва уларни тугатиш учун асос бўлади:

а) «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Конуннинг 14-моддасида кўзда тутилган асосларга биноан банк операцияларини юритиш, бажариш (олиб бориш) учун берилган лицензияни қайтариб олиш ёки суд карорига мувофик мазкур банк муассасасини банкрот деб эълон қилиниши;

б) Ўзбекистон Марказий банки розилиги бўлса, акциядорлар умумий йиғилишининг банк муассасасини ихтиёрий равишда тугатиш тўғрисидаги карорига кўра амалга оширилади.

Низом қоидаларига асосан, банк операцияларини бажариш учун лицензияни қайтариб олиш тўғрисида Марказий банк бошкарви қарор чиқарган кундан эътиборан, банк-

да тугатиш жараёни бошланган хисобланади. Марказий банк бошқарувининг лицензияни қайтариб олиш тўғрисидаги қарорини тасдиқловчи хужжат шу карор қабул қилинган куни банк раҳбариятига топширилади ва бу ҳакда тилхат олинади. Ушбу Низомга кўра, Марказий банк мазкур банкнинг тугатилиши жараёнини назорат қилиши шарт. Щу мақсадда Марказий банк банк активларини хисоблаш, бу активларни тугатиш ҳамда даромад билан кредитлар ўртасида таксимланишининг бориши тўғрисида мунтазам хисботлар олиб туради. Тугатиш жараёнига таалукли маълумотни тўлароқ олиш мақсадида Марказий банк кредиторлар комиссияси йиғилишларида қатнашиши мумкин. Тугатувчи Марказий банк бошқарувининг банк фаолиятини олиб бориш учун лицензияни қайтариб олиш тўғрисидаги қарори билан юридик (аудиторлик, консалтинг юридик фирмалар) ёки жисмоний шахслар ёхуд Марказий банк мутахассислари орасидан тайинланади. Тугатувчи кредиторлар қўмитаси томонидан маъкулланиши керак. Тугатувчи кредиторлар йиғилиши ишонч билдирган шахс хисобланади. Банк акциялари, жумладан банк билан боғлик шахслар тугатувчи — ишончли шахс қилиб тайинланиши «Банкларни тугатиш тартиби тўғрисида»ги Низомга кўра мумкин эмас.

Тугатиш жараёнида қатнашадиган тугатувчи экспортлар ва бошқа шахслар фаолияти учун иш ҳаки тўлаш шартлари тугатувчи ишлаб чикадиган тугатиш режасида акс эттирилади ҳамда Конунда белгиланган тартибда кредиторлар билан келишилади. Ушбу банкни тугатиш билан боғлик барча харажатлар мазкур банк хисобидан амалга оширилади. Банкни тугатиш билан боғлик чикимлар Марказий банк томонидан молияланиши мазкур Низомга кўра тақиқланади. Умумий қоидаларга мувофик, тугатилаётган банк мажбуриятлари юзасидан хисоб-китоб қилинаётганда тугатиш ишлари билан боғлик харажатлар пули биринчи навбатда тўланади. Агар тугатувчининг хатти-харакатлари коникарсиз бўлса, Марказий банк кредиторлар қўмитаси билан келишиб, бошқа тугатувчини тайинлашга ҳакли.

«Банкларни тугатиш тартиби тўғрисида»ги Низомга кўра, Марказий банк кредитор карзлари узилишини назорат қилиши лозим. Тугатиш жараёни якунлангунча банк Марказий банкнинг назоратида бўлади ва Марказий банк тугатилаётган банкда текширув ўтказиши мумкин. Банк операцияларни бажариш учун лицензия қайтариб олиниши тўғрисидаги қарор қабул қилингандан кейин бир хафта,

ичида Марказий банк кредиторлар умумий йиғилишини чакиради. Кредиторлар умумий йиғилишида амалдаги коңунларга мувофик кредиторлар күмитаси сайланади. Бу күмита кредиторлар йиғилишининг оператив органи хисобланади. Кредиторлар күмитаси Марказий банк тақлиф этган тугатувчи номзодини маъқуллайди Кредиторлар күмитаси Марказий банк тақлиф эттан тугатувчининг номзодини маъқул топмаса, кредиторлар күмитаси Конунларда белгиланган муддат ичидан Марказий банк билан келишиш учун ўз номзодини кўрсатиши керак. Акс ҳолда Марказий банк тайинлаган номзод тугатувчи бўлиб қолаверади. Кредиторлар умумий йиғилишининг карорига кўра, уларнинг кўмитаси қайта сайланиши мумкин.

Тугатувчи тугатилаётган банк номидан иш олиб бориш фаолияти тайинлаган вактдан бошлаб амалга оширилиши билан бир каторда банкни тугатиш режасини тайёрлаши ва уни кредиторлар кўмитаси билан келишиб олиши лозим. Агар ушбу кўмита тугатувчи томонидан банкни тугатиш тўғрисидаги режасини маъқулламаса, у ҳолда, мазкур кўмита белгиланган муддатда ўз тугатиш режасини тақдим этиши керак. Акс ҳолда Марказий банк тугатувчи тақлиф этган режани тасдиклайди, банк тугатилганда эса суд, хўжалик судининг карорига кўра иш тутилади.

Низомга мувофик тугатувчи зиммасига куйидаги вазифалар юклатилади:

- банк актив ва пассивларини тўла назорат қилиш;
- банк ишларини бошкариш учун жавобгарлик;
- банк активларини кредиторлар талаблари максимал қондирилишини таъминлайдиган нархларда сотиш;
- ҳар уч ойда камидан бир марта мунтазам ҳисботлар тузиш, уларда тугатиш жараёнини батафсил акс эттириш, жумладан сотилаётган активлар тўғрисида маълумот бериш ва бу ҳисботларни Марказий банкка ҳамда кредиторлар кўмитасига тақдим этиб туриш ва тугатиш банкка етказилган зарар учун амалдаги Конунларда белгиланган тартибда жавоб беради, факат зарар нормал ишлаб чиқариш — хўжалик хатари тоифасига кирадиган ҳолатлар бундан мустасно. Амалдаги хукукий хужжатларга мувофик тугатувчи куйидаги хукукларга эга:

- мулкдор ва банк олий органи ваколатлари доирасида уни тугатиш мақсадларини ҳисобга олган ҳолда банк активларини аниклаш ҳамда бунинг барча активларини тасарруф этиш;

- тугатиш ва банк фаолиятини якунлаш мақсадларига мувофик, банк номидан унинг раҳбарлик вазифаларини бажариш;
- банк активлари ва мулкини резервлаш, шунингдек, бу мулкни сотиш;
- банк хужжатлари ва мулки, шунингдек гаров таъминоти сифатида берилган бошқа мулк бут сакланишини таъминлашга доир чора-тадбирлар қўриш;
- тугатиш жараёнини амалга ошириш учун мустакил мутахассислардан, шунингдек банк ходимларидан ўзи хоҳлаганларини шартнома бўйича ишга олиш (банк акциядорлари ходим сифатида ишга жалб этилиши мумкин эмас);
- тугатилаётган банкнинг молиявий ахволини ҳисобга олиб, унинг ходимларига тўланадиган иш ҳаки микдорини белгилаш;
- тугатиш жараёнида қатнашмаётган банк ходимларини амалдаги меҳнат қонунчилигига мувофик ишдан бўшатиш;
- тугатилаётган банк номидан судда сўзлаш;
- тугатиш жараёнини бошлаш учун маблағ етмаса, тугатувчи кредиторлар қўмитаси билан келишиб, мулкнинг бир кисмини сотишга ҳакли;
- банк номидан талаблар билдириш, банк кредиторлари талаблари тўғрилигини белгилаш ҳамда конуний деб топилган талабларни қондиришдан иборатдир.

Марказий банкнинг «Банкларни тугатиш тартиби тўғрисида»ги Низомига кўра тугатилиши лозим бўлган банклар икки усулда амалга оширилади: биринчиси — ихтиёрий ва иккинчиси эса мажбурий асосда. Банкни ихтиёрий асосда тугатиш учун шу банк акциядорларининг умумий йиғилишини чакириб, унда банкни тугатишнинг асосий мақсади ва сабаби тўлалигича мухокама этилиб, акциядорлар умумий йиғилишининг карори асосида уни тугатиш учун рухсатнома беришни сўраб, Марказий банкка мурожаат килишга ҳаклицидир. Ихтиёрий асосда тугатиш учун рухсатнома бериш тўғрисидаги илтимосномага акциядорлар умумий йиғилишида шундай ваколат олган шахс имзоси билан Марказий банкка қуйидаги хужжатлар тақдим этилади:

- акциядорлар умумий йиғилиши кредиторлар билан бирга банкни тугатиш тўғрисида қабул килинган ва тугатиш сабаблари кўрсатилган қарор;
- ихтиёрий асосда тугатиш тўғрисидаги илтимоснома билан Марказий банкка мурожаат килинган вактдаги ҳолатта кўра тузилган, банк ўз мажбуриятлари юзасидан ҳисоб-ки-

тоб қилиб бўлгани кўрсатилган ва шу мустакил аудитор тасдиклаган баланс ҳисоботи;

— акциядорлар умумий йигилиши тасдиклаган тутатиш режаси.

Марказий банк илтимоснома олинган кундан бошлаб, икки ой ичida банкни ихтиёрий тутатиш учун розилик бериш тўғрисида қарор қабул қиласи. Марказий банк илтимоснома топширган банк ихтиёрий асосда тутатилишига розилик бермаслиги мумкин. Банк ихтиёрий асосда тутатилишига розилик берилмаслиги тўғрисидаги асосий қарорни Марказий банк илтимоснома берган банк раҳбарияти ва акциядорларга етказади.

Марказий банкдан ихтиёрий асосда тутатилиш учун розилик олинса, банк бу ҳақдаги маълумотни уч кун ичida камида икки марказий газетада зълон қилиб, унда кредиторлар ўз талаблари билан мурожаат килишлари мумкин бўлган манзилни кўрсатади. Шу нарсани айтиш керакки, агар ихтиёрий асосда банк тутатилаётган бўлса, мазкур банк акциядорлари тутатувчини мустакил равищда тайинлашга ҳақлидир.

Амалдаги хукукий хужжатларга мувофик, банкни мажбурий усулда тутатиш икки йўл билан амалга оширилади. Банк фаолиятини тутатиш суддан ташкари тартибда ва иккинчиси суд қарорига кўра амалга оширилади.

Банкларни судсиз мажбурий тутатиш Марказий банкнинг куйидаги асосларига кўра лицензияни қайташиб олиш ҳақидаги қарорига биноан амалга оширилади. Жумладан:

1. Банк тўлов қобилиятини йўқотиши.
2. Лицензия беришда асос бўлган маълумотлар нотўғри бўлиб чикиши.
3. Банк ўз омонатчилари ва бошқа кредиторлар олдида-ги мажбуриятларини бажара олмай колиши.
4. Ҳисбот маълумотлари мунтазам равищда бузиб кўрса-тилиши.
5. Конунларга ва лицензия шартларига зид бўлган банк операциялари ўтказилиши.
6. Лицензия берилган вактдан бошлаб, бир йилдан кўп давр мобайнида банк операциялари билан шуғулланишнинг кечиктирилиши.
7. Якка ҳокимликка карши талаблар бузилиши.
8. Ўзбекистон Республикасида шўъба банк ташкил этган хорижий давлат банки лицензиядан маҳрум бўлиши мумкин.

Банкларни тутатиш суд қарорига кўра, мажбурий равишида ва Марказий банк бошқарувининг банк фаолияти билан шуғулланиш учун берилган лицензияни қайташиб олиш

тўғрисидаги карори билан бекор килинади. Шундай ҳолларда Марказий банк камида икки марказий газетада банк тугатилиши тўғрисидаги хабарни эълон килади. Хабарда кредиторлар умумий йиғилиши ўтказиладиган жой ва муддат кўрсатилади.

Марказий банк бошқаруви банкни мажбурий равишда тутатиш тўғрисида карор чиқарган санадан бошлаб, банкни тутатиш жараёни нихоясига етказилгунча куйидаги чеклашлар белгиланади:

— мажбурий равишда тутатилаётган банк акциядорлар умумий йиғилиши, бошқа органлар ҳамда мансабдор шахсларнинг ваколатлари, жумладан, мулкни тасарруф этиш ва мажбуриятларини тўлаш ваколатлари, шунингдек уларнинг банкни бошқаришга доир хукуклари амал қилиши тўхтатиб кўйилади;

— тутатилаётган банк номидан ёки унинг ҳисобидан қилинадиган хатти-харакатлар тутатувчи томонидан амалга оширилган такдирдагина юридик кучга эга бўлиши мумкин;

— банк олган барча қарз мажбуриятлари муддати тутаган ҳисобланади;

— тутатилаётган банк карзларининг барча турлари бўйича пениялар ҳамда фоизлар тўхтатилади;

— тутатилаётган банк иштирокида кўриб чиқилаётган мулк билан боғлик тортишувлар, агар улар юзасидан қабул килинган қарорлар ҳали қонуний кучга кирмаган бўлса тўхтатилади;

— банкка тегишли мулк билан боғлик барча талаблар факат тутатувчи номига билдирилиши ҳамда амалдаги қонунларда кўзда тутилган тартибда кўриб чиқилиши мумкин;

— тутатилаётган банк мулкини сотиб пул ундириш борасида қонуний йўл билан белгилантган барча чеклашлар бекор килинади;

— судлар тутатиш жараёни бошлангунча қабул килинган ҳамда тутатилаётган банкка мулкий талаблар билан боғлик қарорлар бўйича ижро хужжатлари Конунда белгилантган тартибда тутатиш комиссиясига ижро этиш учун берилади.

Ҳаракатдаги хукукий хужжатларга мувофик, банкни тутатиш жараёни куйидаги босқичлардан иборат бўлади:

- моддий назорат ва йўклама;
- активларни текшириш;
- активларни баҳолаш ва сотиш;
- сотувдан тушган маблағларни жойлаштириш.

Банкни тугатиш жараёнини амалга оширишда моддий назорат ва йўклама мухим аҳамиятта эга. Бунда банк ёпилиши Марказий банк учун аниқ маълумот бўлиб қолган вактдан бошлаб, лицензияни кайтариб олиш ва банкни тугатиш тўғрисидаги қарор қабул қилингувича, бу банкка назорат бўйича инспектор биритирилиб қўйилади ва у бевосита банкнинг ўзида назорат олиб боради. Бу ерда, айниқса, чет эл хисоб ракамларида гайриконуний фаолиятни сезса, инспектор банкни ёпиш ҳаракатларини аввалроқ бошлиш учун дарҳол бу ҳакда Марказий банкка хабар бериши зарур.

Банкни ёпиш тўғрисида Марказий банк бошкарувининг қарори қабул қилинган вактдан бошлаб, банк активлари устидан жисмоний назорат ўрнатилишини тутатувчи таъминлаши керак. Бу қуйидагиларни билдиради:

- хавфсизлик хизмати, ички ишлар органи ва бошка воситалардан фойдаланиб, банк биноси ҳамда ускуналари бут сақланишини таъминлаш;
- тутатувчи қимматбаҳо буюмлар, жумладан нақд пул, қимматли қофозлар, автомобиллар ва санъат асарларини ўз тасарруфига олиши;
- эшиклар кулфларини алмаштириш;
- банк хужжатлари ва мулк олиниши устидан назорат ўрнатиш максадида қўриқчиларни алмаштириш каби зарур ишларни кўриши лозим.

Тутатиш бошланган вактдан эътиборан, банк активларига эгалик қилиш ва улар устидан назорат олиб бориш ҳукуки банк раҳбарлари ва акциядориларидан тутатувчига ўтади. Келиб тушаётган барча депозитлар ва гаров ҳаклари ижро этилмасдан жўнатувчига кайтарилиши ҳамда уларга банк тутатилаётганлиги маълум килиниши лозим.

Банкдаги барча ишлар, жумладан ишлов берилмаган депозитлар ҳамда тутатиш жараёни бошлангунча карзни узиш учун келиб тушган маблағлар охирига етказилиши ва умумий бухгалтерия дафтори ҳамда умумий бухгалтерия хисоб варакларига киритилиши, банк ишлаган охирги кундаги ҳолатта кўра якунловчи баланс тайёрланиши зарур.

Тутатувчи банк жойлашган ерга қаровчи Марказий банк хисоб-китоб, касса марказида «Банк X тутатилади» шаклида маҳсус тутатиш хисоб вараги очади. Чет эл валютаси шундай валюталар учун очиладиган алоҳида тутатиш хисоб варакларида туриши лозим. Банк ресурслари шу хисоб варакларга ўтказилади. Тутатиш хисоб варакларидан фойдаланиш ҳукукига факат тутатувчи эгадир. Активларни сотишдан тушган барча маблағлар тутатиш хисоб вараклари-

да туради. Аввалги акциядорлар бу ҳисоб варагидан олишолмайди.

Тугатувчи банкнинг вакиллик ҳисоб вараклари, айникоса, чет эл банкларидағи вакиллик ҳисоб вараклари устидан алохидаги назорат ўрнатиши лозим. Чунки бу ҳисоб вараклари ликвид бўлиб, улардан ғайри-конуний равишда маблағ олиниши эҳтимоли бор. Бунинг учун банк маблағларини саклаётган республикамиздаги ва чет эллардаги барча молия муассасаларига бу маблағлар тугатиш ҳисоб варагида тургани ва маблағлар олиниши ёки жўнатилиши учун тугатувчининг рухсати бўлиши шартлиги хакида хабар килиниши зарур. Бундай хабарлар шошилинч тартибда юборилиши керак. Ёзма хабарлар юборилишидан олдин оловчиларни бу хакда телефон оркали огохлантириб қўйиш лозим. Агар ҳисоб вараклари банк филиалларида очилган ёки маблағлар хорижий ҳисоб варакларда турган бўлса, бу маблағлар телеграф оркали «Банк X тугатилади» тугатиш ҳисоб варагига ўтказилиши зарур.

Амалдаги қонун хужжатларига кўра, тугатилаётган банк фаолияти муносабатлари тутатувчи томонидан активларни текшириб, зарур хабарларни юборгандан кейин қуидаги асосда тугатиш ҳисботи тайёрлаши керак:

- якуний баланс;
- вакиллик ҳисоб варакларининг холати тўғрисидаги ҳисботлар киёси;
- пул маблағлари ва валюта ҳисоби;
- банк йўклама рўйхатлари бўйича машина ускуналар текшируви;
- баланс ва кредит портфели бўйича кредиторлик карзлари текшируви.

«Банкларни тугатиш тартиби тўғрисида»ги Низомга асосан, тутатувчи ваколатлари банкнинг ўз активларига ҳам, унинг филиаллари актиъларига ҳам таалуклидир. Чунки банк ва унинг филиаллари ўтасида юридик тафовут йўқ. Банкларнинг барча филиаллари (бўлимлари)нинг активлари тугатиш ҳисботи ишлаб чиқилган кундан бошлаб бирлаштирилиши керак. Ўзбекистон худудида банклар фаолиятининг тугатиш тартиби тўғрисидаги хукукий хужжатга асосан ва активларни баҳолаш, сотиш тартиби молиявий активлар банкнинг қуидагиларга қўйилган маблағларини ўз ичига олади:

- пул маблағлари;
- карзлари;
- қимматли коғозлар;
- валюта бўйликлари.

Шу нарсаны глохида айтиш керакки, миллий ва чет эл валютасида ифодаланган банкнотлар, тангалар ва банк вакиллик ҳисоб вараклари кўринишидаги молиявий активлар номинал қиймат бўйича баҳоланади. Кимматли қоғозлар кўринишидаги активлар эса, қимматли қоғозлар бозоридаги ахволга караб баҳоланади. Банк кредитлари портфели берилган кредитларни учинчи томонга сотиш орқали ёки бу карзлар бўйича маблағларни қайтариб олиш имконини берадиган бошқа йўл билан тутатилади. «Яхши» деб топилган кредитлар бозор қийматида сотилиши керак. Бундай кредитлар ўз номиналидан паст бўлган кредит ҳамда сотув кунигача қўщилган фоизлар суммасидан таркиб топувчи нарҳда сотилган хар бир холатда тутатувчи тутатиш тўғрисидаги ҳисоботда буни асослаб бериши лозим.

Муаммоли карзлар сотилаётганда тутатувчи қуйидаги тавсияларга амал килиши лозим:

1. Карз қиймати унинг номинал қийматига тенглаштирилади. Бундай карзларни, коида тарикасида банклар ва бошқа молиявий компаниялар сотиб олади

2. Муаммоли карзларни сотишла якка харидорларга шартномавий сотиш, танлаб олинган иштироқчилар грухига орасида хусусий ракобатли савдо, шунингдек давлат аукционлари каби усувлардан фойдаланилади.

3. Карзни бошқа харидорларга сотишининг иложи бўлмаганида у карз олувчининг ўзига номиналдан пастрок нарҳда сотилиши мумкин. Тутатувчи хар бир шундай холатни тутатиш тўғрисидаги ҳисоботда асослаб бериши кўзда тутилади.

4. Муаммоли кредитларни сотишининг имкони бўлмаганда, тутатувчи гаровга кўйилган мулкни сотиш чораларини кўради ёки карз олувчи тўловга лаёқатсиз иги тўғрисидаги дъяво билан судга мурожаат қиласи.

Низомга кўра номолиявий активларга қуйидагилар киради:

- бино ва иншоотлар;
- транспорт воситалари;
- санъат асарлари;
- ёргтехника;
- банкка карашли мебел, машина-ускуналар ва бошқа мулклар.

«Банкларни тутатиш тартиби тўғрисида»ги Низомга мувофиқ тутатувчи номолиявий активларни малакали баҳоловчи ёрдамида баҳолайди. Тутатувчи барча маълумотларни ҳамда номолиявий активлар нархига таъсир кўрсатадиган омилларни ўрганиди ва шу асосда дастлабки сотув нар-

хини белгилайди. Банк номолиявий активларни дастлабки сотув нархи кредиторлар комиссияси билан келишилиши лозим. Номолиявий активлар баҳоланганидан кейин тугатувчи потенциал харидорларга активлар сотилиши мүлжалланыётганлиги хусусида хабар бериси даркор. Харидорлар билан музокарадар давомида сотиладиган молиявий активлар дастлабки нархи ўзгариши мумкин. Агар актив мүлжалдаги қийматидан анча ҷаст нарҳда сотиладиган бўлса, тугатувчи нима сабабдан шундай бўлганлигини ёзма равища хужжатлаштирмоғи керак. Бундай хужжатлар ҳисоботда акс эттирилади ва унга илова килинади.

Сотувдан тушган маблағларни жойлаштириш деганда, банк тугатилаётганда унинг кредиторлари талаблари амалдаги конунларда белгиланган тартибда қондирилиши билан бир қаторда тугатувчи жараёни билан боғлик харажатлар биринчи навбатда амалга оширилади. Агар тугатилаётган банк мулки биринчи навбатдаги барча талабларни тўлик қондириш учун етмаса, мавжуд маблағлар тегишли навбат кредиторлари ўртасида уларнинг қондирилиши керак бўлган талаб суммаларига мутаносиб равища таксимланади.

Кредиторларнинг талабларини қондиришдан бош тортилиши мумкин, агар уларнинг талаблари:

- белгиланган муддат тугаганидан сўнг олинган бўлса;
- тугатувчи ва кредиторлар комиссияси томонидан асосиз деб топилса.

Агар кредитор талаблари қондиришдан бош тортилган ёки уларни кўриб чиқищдан бўйин товлаган ҳолларда кредитор тугатувчига даъво билдириб, судга мурожаат қилиши мумкин. Кредиторларни тугатилаётган банк мулки етмаганилиги туфайли қондирилмаган талаблари қаноатлантирилган ҳисобланади. Бундан ташкари, агар кредитор судга даъво билан мурожаат қилмаган бўлса, тугатувчи тан олмаган талаблар, шунингдек суд карорига кўра кредиторларнинг рад этилган талаблари ҳам қондирилган ҳисобланади.

Тугатилаёттан банкнинг кредиторлар талаблари қондирилганидан кейин қолган мулки амалдаги конунларга мувоғик мулкдорлар ўртасида таксимланади. Фаолиятни таомомлагач, тугатувчи якуний ҳисобот ва баланс тузади. Бу хужжатлар Марказий банк ҳамда кредиторлар комиссияси томонидан тасдиқланиши биланок, 10 кун мобайнида Марказий банк, Молия вазирлиги ҳамда Макроиктисод ва статистика вазирлигига, уларнинг банк жойлашган ерга қаровчи органларига банк тугатилганини хабар киласи. Банк Марказий банкда давлат рўйхатига олиш дафтаридан ўчирилган вактдан бошлиб тугатилган ҳисобланади.

И БОБ

БАНК ҲУКУКИ СУБЪЕКТЛАРИ ВА ОБЪЕКТЛАРИ

1 – §. Банк ҳукуки субъекти сифатида фуқаролар

Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётнинг самарали амалга оширилиши, пул, кредит, валюта муносабатларининг фуқаролар билан банклар ўртасида тўхтовсиз ривожлантиришга ва халқ фаровонлигини ўсишига ёрдам берадиган ҳар қандай шаклдаги мулкчилик бўлишига рухсат берилиб, банклардан кенг фойдаланишига ҳар томонлама йўл очилди. Мулкчиликнинг ҳамма шакллари дахлизиз бўлишига ва уларнинг ривожланиши, банкларда сакланиши, сир сакланиши учун кенг шароит яратилишига Конунлар орқали давлат кафолат беради. Пуллор ўз мулкига нисбатан Конунга зид бўлмаган ҳар қандай ҳаракатларни қилишга ҳаклидир. У ўз маблағидан Конун билан тақиқланмаган ҳар қандай хўжалик ёки бошка фаолиятни амалга оширишга, кичик ва ўрта тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга ҳаклидир. Пул эгаси ўзига карашли сармояга нисбатан Конунга кўра эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, лозим кўрган хисоб-китоб счёtlарини очишга эгадир.

Фуқаролар банклардан кредит пулларини олиш йўли билан тадбиркорлик кобилиятини бутун чоралар билан ишга солиш, ўзларининг ишбилармонлигини ошириш, тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳукукий кафолатларини белгилаш асосида бозор муносабатларини шакллантириш ва ривожлантириш жараёнларини жадаллаштиришга асослангандир. Фуқаролар ҳукукий мулкий муносабатларини амалга оширишда банк қоидаларига риоя қилиш билан бир қаторда, хилма-хил ҳукуқ принципларидан фойдаланишлари мумкин. Чунончи, банкка пул кўйган шахс ўзи лозим кўрган ютукли ёки фоизли, ўзига, бошка шахс номига, фарзандига маълум муддатга ёки доимий счёtlарининг бирига пул

Кўйиб бориши бир неча жойлардаги банклардан фойдаланишларига рухсат этилади.

Банк хукукий муносабатларда корхоналар, фирмалар, концернлар, ташкилотлар, бирлашмалар билан бир каторда фукаролар ҳам кент иштирок этадилар. Хукуқ субъектларини характерлайдиган асосий хусусият — бу хукуқ лаёқати ва муомала лаёқатидир. Бундай қоидалар «Ўзбекистон Республикасининг фукаролиги тўғрисида»ги 1992 йил 2 июля Олий Кенгаш томонидан тасдиқланган Конун ва Ўзбекистон Фукаролик кодексининг 9-моддасига кўра эмалга оширилади. Ҳар бир шахс фукаролик хукуклари ва бурчларига эга бўлиш лаёқатига эга бўлмасдан туриб, банк хукукининг субъекти бўла олмайди. Фукаронинг банкка оид хукуқ лаёқати у ўзининг моддий ва маданий эҳтиёжларини қондириш мақсадида хилма-хил хукукий муносабатларини амалга оширишнинг юридик имкониятини яратиб беради. Шундай килиб, фукаронинг хукуқ лаёқати унинг туғилиши билан вужудга келади ва вафот этиши билан тамом бўлади.

Шу нарсани яхши билиш керакки, агар фукаронинг хукуқ лаёқати унинг туғилиши билан вужудга келса, муомала лаёқати «Ўзбекистон Республикасининг фукаролиги тўғрисида»ги Конуннинг 34-моддасига мувофиқ ва Ўзбекистон Фукаролик кодексининг 28-22-моддаларига кўра амалга оширилади. Фукаронинг ўз характерлари билан фукаролик хукуқиарини олиш ва ўзига фукаролик бурчлар туғдириш лаёқати (фукаролик муомала лаёқати) унинг вояга етиши, яъни 18 ёшга тўлиши билан тўла ҳажмда вужудга келади. 14 ёшга тўлган шахслар банк хизматларидан тўла фойдаланишлари мумкин. Мазкур шахс ўз номидан мулкий ва мулкий характерда бўлмаган шахсий хукуқларга эга бўла олади ҳамда мажбуриятларни мустакил ўтай олади, судда ёки хўжалик судида даъвогар ва жавобгар бўлиб катнашади. Амалдаги Конунларга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси халқ тижорат банкларидағи омонат пулларига нисбатан даъво муддати жорий қилинмайди. Даъво деб, хукуки бузилган шахс олдинги ёки бузилган хукукни олдинги ҳолатига келтириш учун судга мурожаат қилишига айтилади.

«Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Конунга кўра Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатларнинг фукаролари, шунингдек, фукаролиги бўлмаган шахслар омонат кўювчи сифатида банк хукуки муносабатларининг субъекти хисобланали. Республика худудидаги банклардан

Ўзбекистон фукаролари, чет давлатлар фукаролари ва фукаролиги бўлмаган шахслар келиб чиқишиларидан, ижтимоий ва мулкий ҳолатидан, ирки ва миллатидан, жинси, маълумоти, тили, динга муносабатидан, сиёсий ва бошқа эътиқодларидан, машғулотининг тури ва савияси ҳамда бошқа ҳоллардан қатъи назар банк хизматларидан бир хил фойдаланишлари ва ёш болалар номига пул счётларини очишлари мумкин.

Амалдаги Конунларга мувофик, барча фукаролар ва фукаролиги бўлмаган шахслар республика ҳудудицаги пай, акция асосида, шунингдек тижорат банкларида, уларнинг филиалиларида, кооператив ва хусусий банкларда, Ташки иктисадий фаолият Миллий банкидан, Республика акцияли-тижорат саноат қурилиш банкидан, Республика акцияли-тижорат аграрсаноат банкидан, Ҳалқ банкидан ва бошқа турли банк муассасаларидан кенг фойдаланадилар. «Ўзбекистон Республикасининг Фукаролариги тўғрисида»ги Конун, Фукаролик кодекси қоидалари, «Банк ва банк фаолияти тўғрисида»ги Конун ва бошқа қатор хукукий хужжатларда ҳар бир фукаро ёки хўжалик юритувчи юридик шахс ўз фаолиятини шартнома тузиш йўли билан амалга оширилиши баён этилган. Чунки, тарафлар ўртасида тузилган шартнома уларнинг хукуқ ва мажбуриятларини ўзида акс эттирувчи далилий ашё хисобланади.

«Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Конуннинг 31-моддасида банклар ва уларнинг мижозлари ўртасидаги муносабатлар шартномалар асосида амалга оширилиши, мижозлар исталган банкда хисоб-китоб вараклари ва бошқа хисоб вараклар очишнинг Марказий банк белгилаган тартибига риоя қилишларининг шартлиги, банкларнинг барча хизматлари банк акциядорлари ва бошқа мижозларга тенг шартшароитлар кўрсатилади, дейилган.

Хукукий демократик давлат принципларига кўра, Ўзбекистон фукароларининг шахсий ва мулкий хукукларини химоялашга кафолат беради. Масалан, Конституциянинг 36-моддасида ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳакли, банкка кўйилган омонатлар сир тутилиши ва мерос хукуки Конун билан кафолатланади, дейилган. Шунингдек, 2-моддада давлат ҳалқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қиласи, давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фукаролар олдида масъулдирлар деб таъкидланган. Ушбу конун-қоидаларни амалга ошириш максадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ахолининг омонатлардаги

ва давлат сугуртаси бўйича пул маблағларини индексация қилиш тўғрисида» 1995 йил 20 декабрдаги Фармони муҳим аҳамият касб этади. Мазкур Фармонни бажариш юзасидан Базирлар Махкамаси «Аҳолининг омонатлардаги ва давлат сугуртаси бўйича пул маблағларини индексация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 1996 йил 12 февралда қарор қабул қилди. Унда 1992-1995 йилларда нархлар индексациясининг ўсганилигини хисобга олиб, шунингдек, аҳолининг омонатлардаги ва давлат сугуртаси бўйича пул маблағларини харид қобилиятини саклаб қолиш мақсадида аҳолининг кўрсатиб ўтилган пул маблағларини индексация қилиш микдори 4000 баробар қилиб белгиланган.

Мазкур қарорнинг бажарилиши учун Ўзбекистон Республикаси Халқ банки ва тижорат банклари:

— Ўзбекистон фуқаролари ва республика ҳудудида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахслар мурожаат қилишганда, уларга 1996 йил 15 февралдан 30 июнгача Ўзбекистон Республикаси банк муассасаларидаги 1992 йил 1 январдаги ҳолатига кўра ва 1996 йил 1 январидан амалда бўлган омонатлар бўйича «индексация» маҳсус счёtlар очиша индексация қилинган суммага омонат дафтарчалари бериш;

— 1996 йил 1 июлдан бошлаб маҳсус очилган «индексация» счёtlаридан тегишли белгиланган индексация суммалари босқичма-босқич тўланилишини таъминлаш;

— ҳар йили индексация счёtlари бўйича йўқлаб олинадиган омонатларига белгиланган амалдаги фоиз ставкаларидан келиб чикиб, ўтган давр учун 1 январдаги ҳолатига кўра фоизлар кўшиб олинади. Инфляция даражасини хисобга олган холда ҳар йили фоиз ставкаларида микдорларини кайта кўриб чикиш белгиланган;

— Базирлар Махкамасининг 1996 йил 12 феврал «Аҳолининг омонатлардаги ва давлат сугуртаси бўйича пул маблағларини индексация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг З-бандида Молия вазирлиги хузуридаги давлат сугурта Бош бошқармасига 1996 йил 15 февралдан 31 марта-ча 1992 йил 1 январдаги ҳолатига кўра;

— Ўзбекистон Марказий банки бошқарувининг 1996 йил 27 авгуstdаги қарорига мувофиқ, омонатлар бўйича банклар расмийлаштирадиган шартномалар юзасидан кўйила-диган талаблар «Марказий банк тўғрисида»ги ва «Банклар за банк фаолияти тўғрисида»ги Конунларга асосланган холда, омонатчилар манфаатларини химоялаш мақсадида ишлаб чиқилган. Уларга:

1. Омонат — биринчи талабга кўра ёки тўлов берадиган шахс билан тўлов оладиган шахс ёхуд уларнинг қонуний вакиллари ўртасида келишилган муддатда фоизлар ёки устама кўшиб ёхуд кўшмасдан тўлик қайтарилиш шарти билан бериладиган пул суммаси. Омонатлар муддатли ва талаб қилиб олингунча сакланадиган бўлиши кўзда тутилади.

2. Агар муддатли омонатлар банкка аник муддатга берилса ва шу муддат тутаганидан кейин банк омонат суммасини ҳамда унинг фоизларини қайтарилиши шарт қилиб кўйилган бўлса, талаб қилиб олингунча сакланадиган омонат (фоизлари билан бирга омонатчига унинг биринчи талаби биланок қайтарилади).

3. Омонат тўғрисида шартнома тузиш ҳар бир омонатчининг мажбурий шарти бўлиб, банк бундай шартномани омонатчи билан ёзма шаклда тузишга мажбур. Омонат тўғрисидаги шартнома икки нусхада тузилади ҳамда банк ва омонатчи томонидан имзоланади. Шартноманинг бир нусхаси омонатчига берилади, иккинчиси эса банкда қолади. Бунда ҳар бир нусха бир хил кучга эга бўлади.

4. Шартномада қўйидаги маълумотлар бўлиши лозим:

- омонат ҳажми;
- қўйиш тартиби ва муддати;
- омонат тури;
- банк фоиз кўшиши ва омонатчига тўлаш мажбуриятини олган фоизлар ҳажми ҳамда уларни тўлаш тартиби;
- омонатни қайтариш тартиби ва муддати.

5. Банклар муддатли омонат бўйича шартнома шартларини бир томонлама тартибда ўзгартириш ва уларнинг фоизларини камайтириш хукукига эга эмас.

6. Банклар факат талаб қилиб олингунча сакланадиган омонатлар юзасидан тўланадиган фоизлар ҳажмини, агар бу шартномада кўрсатилган бўлса, ўз ташабbusи билан ўзгартириши мумкин.

7. Омонат тўғрисидаги шартномада уни гегишлича бажармаганик учун банк жавобгарлиги белгилантан бўлиши лозим:

— қайтарилмаслик; омонатни қайтариш кечикирилиши; фоизлар тўланмаслиги; фоизларни тўлаш кечикирилиши мумкин эмас.

8. Омонатчи банкдан ўз хоҳиши билан омонатининг қайтариш муддати тутамасидан олдин қайтарилишини талаб қилишга ҳакли. Бундай ҳолларда, агар шартномада бошқа нарса кўзда тутилмаган бўлса, омонат фоизлари талаб қилиб олингунча сакланадиган омонатлар фоизларига тўғри келадиган ҳажмда тўланиши мумкин.

Ўзбекистон Президентининг «Жисмоний шахсларнинг хорижий валютадаги омонатларини рағбатлантириш бўйича чора-тадбир тўғрисида»ги Фармонида фуқароларнинг банклар билан бўладиган хорижий валютадаги муносабатларда прокурор назоратини кучайтириш хам баён этилган.

2-§. Банклар — банк хукуки субъекти сифатида

Ватанимизда хукукий давлатни шакллантириш ва демократик давлат сари ривожланиш, мулкдорларнинг мулкини ва уларнинг қонуний хукукларини ҳамда манфаатларини химоя килиш, тадбиркорлик ва ишбилармонлик каби бизнес фаолиятини чукурлаштириш мақсадида Ўзбекистон Президенти томонидан 1994 йил 21 январда «Иқтисодий ислохотларни янада чукурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини химоя килиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармоннинг кабул килиниши мамлакат иқтисодиётининг ривожланишига ва мулкдорларнинг шаклланишига хукукий асос солди.

Ўзбекистон Президентининг хўжалик юритувчи кичик ва ўрта хусусий бизнес фаолиятини янада чукурлаштиришни кўллаб-куватлаш бўйича ихтисослаштирилган акционерлик тижорат банкларини ташкил этиш тўғрисидаги 1994 йил 18 мартағи Фармонини ижро этишни таъминлаш мақсадида Вазирлар Мажкамаси 1994 йил 13 июля «Банк тизимини ривожлантиришни молиявий кўллаб-куватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги карори давлатта тегишли банк муассасаларини хусусийлаштириш, банк тизимида иқтисодий ислохотларни кенг жорий этишда давлат бош ислоҳотчи ва раҳбарлик фаолиятини амалга ошириш, уларнинг молмулкини химоя килиш банкларни мустакил мулк субъектлари деб тан олиш кўзда тутилган.

Агар «Марказий банк тўғрисида»ги Қонуннинг 1,2,5 ва 13-моддаларида, Марказий банкнинг хукукий мақоми, ташкил этилиши ва фаолият принциплари, у юридик шахс эканлиги, Марказий банк ва унинг муассасалари Ўзбекистон Давлат герби тасвири туширилган ва номи ёзилган мухрга эга эканлиги, Марказий банкнинг хисобот даври 1 январ — 31 декабр килиб белгиланганлиги, йиллик хисобот 15 майдан кечикирилмай Олий Мажлисда кўриб чикиш учун такдим этилади деган бўлса, «Банклар ва банк фао-

лияти тўғрисида»ги Конуннинг 2-моддасида «Ўзбекистон Республикасида ташкил этилган ҳамма банклар банк фаолиятининг субъектлариди», дейилган.

Хозирги кунда Марказий банк томонидан рўйхатта олинган ва улар фаолияти лицензияланган ҳамда ҳалқ хўжалигининг барча тармокларида банк хизматларини амалга ошираётган хилма-хил ҳалкаро банклар, чет эл банклари, Ўзбекистон хукуматининг хукуқий ҳужжатларига мувофик ташкил этилган Саноат-курилиш банки, тижорат Ҳалқ банки, «Пахта» банки, «Тадбиркор» банки, «Савдогар» банки, «Авиа» банки, «Ўзтрансбанки», «Ғалла» банки, «Турон» банки, «Алоқа» банки каби қатор банклар, пул, кредит, валютага оид иктисодий муносабатлардан келиб чикадиган хўжаликлараро дебиторлик, кредиторлик қарзларни тўлаш, ҳисоб-китоб ва касса операцияларига доир фаолиятларда мустакил субъект сифатида банк хизматларини амалга оширадилар.

Иктисодий тараккиётнинг асосий негизи ҳисобланган Давлат мулкини хусусийлаштиришга муҳим зътибор картилмоқда. Шу муносабат туфайли хусусий тижорат банкларини ташкил қилиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши учун куладай шарт-шароитлар яратиш, хусусий сармояни жалб этиш ва ундан хўжалик оборотида самарали фойдаланиш мақсадида 1997 йил 24 апрелда Ўзбекистон Президенти томонидан «Хусусий тижорат банкларини ташкил қилишни разбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги маҳсус Фармон қабул қилинди. Суверен ва демократик хукуқий давлатимизда ҳалқ хўжалигининг барча соҳаларида ҳаракат килувчи хўжалик юритувчи субъектлар каби банкларнинг ҳам молиявий жихатдан мустакиллигига эришилиб, уларнинг ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш, ўзини-ўзи бошқаришни кенг йўлга қўйиш ва шу усулларда жаҳон цивилизацияси тараккиётида рўй берастган ижтимоий-иктисодий тараккиёт сари ривожланиш кўзда тутилмоқда.

Давлат мулкини хусусийлаштиришга, хусусан тижорат банкларини ташкил этишга ва хусусийлаштиришга Жаҳон банки ялли хусусийлаштириш механизмини ишлаб чикишга катта ёрдам кўрсатди. Чунончи, унинг мутахассислари тавсиясига кўра, банкларни акциядорликка ўtkазиш чоғида давлатнинг мулкка бўлган якка эгалигини бартараф этиш учун акцияларнинг тўрт хилини шакллантириш йўли билан амалга оширилиши режалаштирилган. Улар қуйидагича:

- 25 фоизгача — меҳнат жамоасига;
- 25 фоизгача — давлатга (давлат билан меҳнат жамоасининг хиссаси 49 фоиздан ошмаслиги керак), камида 50 фоизи эркин сотувга.

Шу жумладан,

— 25 фоизи ва ундан ортиги — хорижий инвесторларга сотилиши белгиланган.

Ўзбекистонда иқтисодий ислохотлар дастурининг изчилик билан амалга оширилиши ихтисослаштирилган акционерлик-тижорат банкларинич, Ўзбекистон Халқаро банки — «Ўзприватбанк»ларининг молиявий қўллаб-куватлашлари асосида кенг жорий этилмокда. Хусусийлаштириш ва инвестициялар бўйича хукук субъектлари хисобланган барча банклар ичida «Ўзприватбанк» айни шу вазифаларни халқилишга даъват этилгандир. У кичик ва ўрта бизнес корхоналари учун халқаро молия фаолиятига йўл очиб берди ва чет эл инвесторларининг Ўрта Осиёда янги бўлган иқтисодий вазиятда ўзларини қулай ва хотиржам хис этишлари учун қатор хукукий хужожатлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Президентининг «Хорижий инвестициялар иштироқидаги корхоналарни ташкил этишни ва уларнинг фаолиятини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони мухим аҳамият касб этмокда. Мазкур Фармон қоидаларига кўра, Ўзбекистон худудида хорижий инвестициялар иштироқидаги ишлаб чиқариш корхоналарининг ташкил этилиши ва улар республиканинг иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаш ҳамда жаҳон иқтисиёти интеграциялашишга қўшадиган ҳиссасини ошириш кўзда тутилган. Шунинг учун ҳам, Ўзбекистон худудида пул, кредит, кимматли қофозлар, валота каби бозор иқтисоди шароитида банк хизматларини амалга оширувчи Марказий банк, Ташки иқтисодий фаолият Миллий банки, халқаро, қўшма, акциядорлик тижорат ва хусусий тижорат банкларининг барчаси банк хукуки субъектларидир.

Тижорат банклари ўзларига карашли барча мол-мулкни мустақил ва эркинлик принципларига кўра фойдаланади, зғалиқ килишлари ёки тасарруф этишлари мумкин. Шунинг учун ҳам банкнинг ўз маблағлари куйидагилар хисобланади:

1. Устав фонди.

2. Резервлари ва фойда хисобига вужудга келадиган ҳамда банкнинг балансида турадиган бошқа фондлари.

3. Таксимланган фойда, акциячилар ёки пайчилар ўртасида акцияларни таксимлаш хисобига ёхуд пай микдорини ошириш хисобига олинган маблағ.

Юрида баён этилган банклар тўғрисидаги конунларга кўра, куйидагилар банк активлари хисобланади:

1. Юридик ва жисмоний шахсларга бериладиган қарзлар.

2. Кимматли коғозларга инвестициялар.
3. Кўчмас мол-мулкка инвестициялар.
4. Бошка активлар.

Банклар фаолиятида йўл кўйилиши мумкин бўлган йўқотишлар ўрнини қоплаш деганимизда, тижорат банклари мумкин бўлган барча ҳолларда йўқотишлар ўрнини қоплаш учун олинадиган фойдадан Марказий банк томонидан белгилаб кўйилган тартибда суғурта ва резерв фондлари ташкил этишлари мумкин. Мана шу ташкил этилган резерв ва суғурта фондлари асосида ҳар қандай хатарли заарнинг ёки йўқотишларнинг олдини олиш мумкин.

3-§. Корхоналар, фирмалар ва ташкилотлар – банк ҳукуки субъектлари сифатида

Ўзбекистоннинг ҳалқ ҳўжалиги фаолиятини корхоналар, бирлашмалар ва бошка юридик шахслар амалга оширади. Улар ўзларининг ташкилий туэилиш жихатидан, катта ёки кичиклиги жихатидан қатъи назар корхоналар ҳар хил турда бўлишига қарамай, ҳўжалик фаолиятини амалга оширишга қаратилган. Корхоналар ишлаб чиқариш билан муассасалар ва ташкилотлардан тубдан фарқланади. Муассасалар ва ташкилотлар давлат бюджетида турадиган ва мустакил сметага эга бўлган, буларнинг раҳбарлари мустакил кредит таҳсиловчилар бўлиб, ҳеч қандай ишонч коғозларисиз ўзларининг раҳбарлик фаолиятини амалга оширадилар. Давлат бюджетида турадиган, банкда ўзининг мустакил ҳисобкитоб счётига эга бўлган, лекин ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган фаолиятини, чунончи, маъмурий идора этиш ёки ижтимоий-маданий, илмий-фан, диний, сиёсат билан шуғулланувчи институтлар, университетлар, вазирликлар, касалхоналар, олий ўқув юртлари, суд-прокуратура, адлия ва бошка маъмурий, социал-маданий ва ҳалқ депутатларининг олий ва маҳаллий органлари, ташкилотлар ёки муассасалар деб номланади ва мустакил банк ҳукуки субъекти бўлиб ҳисобланади.

Банкларга оид ҳукукий, иқтисодий муносабатларда корхоналар, фирмалар, концернлар, ишлаб чиқариш бирлашмалари, корхоналарнинг юкори ташкилотлари, корхона ташкилотини амалга оширувчи деҳкон ҳўжаликлари банк субъектлари ҳисобланади. Ишлаб чиқариш борасидаги

фаолият юритувчи ва банкларда хисоб-китобларни амалга оширувчи бирлашмалар, комбинатлар, фирмалар, саноат корхоналари, заводлар, фабрикалар, кичик ва ўрта хусусий корхоналар, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни етказиб бериш билан машғул бўладиган темир йўл, автотранспорт корхоналари, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни саклаш, сотиш билан шуғулланувчи савдо ташкилотлари, йирик дўконлар, курилиш трестлари, пул, кредит ва валютага оид хукукий муносабатларни мустакил амалга оширувчи субъектлардир. Амалдаги Қонунларга кўра, барча банк муассасалари шартномага мувофик корхоналарнинг, бирлашмаларнинг, фирмаларнинг, ташкилотларнинг, кичик ва ўрта корхоналарнинг, шу билан бир каторда чет эл хукукий щахсларнинг, кўшма корхоналарнинг пул, валютага оид иқтисодий муносабатларини амалга оширишни ўз зиммаларига оладилар. Ўзбекистон Президентининг «Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожланишни янада рағбатлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармонида мулкдорларнинг манфаатларини мустаҳкамлаш, тегишли мулк эгалари хисобланган субъект институтлари тизимини ташкил этиш, кичик ва ўрта тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги кредит ресурсларини кенг жалб қилиш ва хорижий сармояларни бевосита олиб кириш учун кулай шароитлар яратиб бериш кўзда тутилган. Банк хукуки субъектларининг мулкий манфаатларини химоялаш, мулкдор ўз ихтиёрига кўра, ўзига тегишли мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш каби иқтисодий муносабатларни щакллантириш мақсадида 1993 йил 27 октябрда Парижда Ўзбекистон хукумати билан Франция хукумати ўртасида «Сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва химоялаш тўғрисида»ги битим имзоланди. Битимнинг 2-моддасида «Ҳар бир аҳдлашувчи томон, ўз ҳудудида амал қилинаётган Қонунлар асосида ва ушбу хужжат қоидаларига таянган ҳолда, аҳдлашувчи томонлар инвесторларнинг сармояларини тан олади ва рағбатлантиради», дейилган. Битим 10 йил муддатга тузилган бўлиб, амал қилиш муддати тугагани билан унга амал қилиш даврида жорий қилинган сармоялар қўшимча яна 20 йил давомида битимнинг химояга оид бандларидан фойдаланадилар. Агар аҳдлашувчи томонлар ўртасида келишмовчиликлар бойича ичидаги дипломатик йўллар билан ҳал этилиши ёки томонларнинг бирининг талабига биноан ҳакамлик суди муҳокамасига берилади. Ҳакамлик суди кўпчилик овоз билан карор қабул киласи. Битимнинг 11-моддасида ушбу карор тарафлар учун бир хил хукуқ ва мажбурият бўйича қатъийдир, дейилган.

1994 йилнинг январ ойидаги статистик маълумотлар Ўзбекистон Республикаси худудининг барча вилоят, шаҳар, шаҳарчалар, кишлоп ва овуллар таркибидаги корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ракамлари шуни кўрсатдиги, яъни Бухоро вилоятида — 50, Жиззахда — 69, Наманганда — 55, Самарканда — 17, Сирдарёда — 68 хўжалик энг кўп зарар кўрган. Факат кишлоп хўжалигида 1993 йили 588 хўжалик 6,6 миллиард сўм зарар кўрган*. Шунинг учун ҳам мулкни ўз эгасига топшириш максадида «Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармон асосан, кишлоп хўжалигидаги давлат тасарруфидаги мулкни хусусийлаштириш, иктисадий ислохотларни кишлоп хўжалигидан бошлиш, кишлокларда кичик ва хусусий фермерлар, дехқон хўжалик институтлар тизимини ташкил этиш, кичик ва хусусий тадбиркорлик фаолияти соҳасига кредит ресурсларини кенг жалб қилиш ва хорижий сармояларни бевосита олиб кириш учун қулай шароитлар яратиб бериш ва буларга хизмат кўрсатадиган тижорат, чет эл ва хусусий банклар фаолиятини рағбатлантириш чора-тадбирлари давлат томонидан амалга оширилмокда. Кичик ва ўрта бизнес корхоналари ўзлари ташкил этаётган ишлаб чиқариш учун хорижий технологияни олиб киришда божхона тўловларидан озод қилиниши ҳам баён этилган.

Мазкур Фармонга мувофик, кишлоп ва овулларда янгидан барпо этилаётган ишлаб чиқариш техникаси соҳадаги маҳсулотлар, қурилиш материалларини ишлаб чиқарадиган, шунингдек, қурилиш фаолияти билан шуғулланадиган, таъмирлаш-қурилиш, майший ва коммунал хизмат кўрсатадиган хусусий корхоналарга Солик кодекси 31-моддасининг 18-банди татбиқ этилиши кўзда тутилган ёки мазкур бандда кўрсатилган имтиёзлар факт товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасига, дехқон ва фермер хўжаликлари уюшмасига аъзо бўлган кичик ва ўрта бизнес корхоналаригагина тегишилдири. Шундай қилиб, ишлаб чиқаришдан ташқари соҳаларда 5 нафаргача иш билан банд ходимга эга бўлган микро фирмалар асосида ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган 100 нафаргача иш билан банд ходимлар ишлайдиган корхоналар кичик ва ўрта корхоналар деб номланади.

Субъектив хукук деганимизда фукаролар, корхоналар, ташкилотлар ва банклар хукукий муносабатда катнашуви

* «Халқ сўзи» газетаси, 1994 йил 22 январ.

хукукий (юридик) шахс ёки жисмоний шахсга тегишли бўлган хукукни тушунамиз. Субъектив хукуклар объектив хукук нормалари, яъни Ўзбекистон мустақил давлати томонидан белгиланган умумий коидалар асосида вужудга келади ва уларга мувофик равишда амалга оширилади. Субъектив хукуклар жисмоний шахснинг ёки юридик шахснинг қонун билан йўл кўйилган доираларда ўз хохиши ва ихтиёри билан банклар фаолиятида ҳаракат килиш имкониятини беради. Бошкacha қилиб айтганда, пул эгаси бўлган субъект ўзининг субъектив хукукини эркин амалга ошириш ва ўзи лозим кўрган, яъни Қонунга хилоф бўлмаган ҳаракатлар қилиши мумкин ва шу билан ўз манфаатларини, имкониятини берадиган ижтимоий-иктисодий муносабатларни амалга ошириш лозим.

Мустақил давлатимизда мулкдор юридик шахс ёки жисмоний шахс шу мулкдан ёки ашёдан ўз эҳтиёжларини қондириш учун фойдаланишга, бу республика Қонунларига ва жамият коидаларига хилоф бўлмаган ҳаракатлар билан ўз ихтиёрича тасарруф қилишга йўл қўяди. Пул эгаси бўлиб ҳисобланган субъект банк хукукига мувофик ўзи лозим деб ҳисоблаган ва қонунларга хилоф бўлмаган иктисодий муносабатларни амалга оширишда меъёрий актлар билан кафолатланган субъектив хукуклардан кенг фойдаланади. Шуни уктириб ўтиш лозимки, субъектив мажбуриятлар билан чамбарчас боғланган. Чунки пул эгаси банк хукукига мувофик олинган фойдадан ўз ихтиёри билан Қонунларга асосан, солик тўлаб туриш мажбуриятини ҳам эсидан чиқармаслиги лозим.

Мажбуриятнинг хукукий максади шундан иборатки, бунда мулк эгаси ёки пул субъекти хукукий тартибининг талаби бўйича, фойда олиш билан бир қаторда у ўз зиммасига олган мажбуриятини ҳам кўшиб адо этади.

Банк тўғрисидаги Қонунларга кўра, юридик шахслар ўзларининг ҳисоб-китоб счётларидағи пул, кредит, валюта ва маҳсулотлар етказиб берганликлари, кўрсатган хизматлари тўғрисидаги барча маълумотларни тўғри олиб бориши юридик шахсларнинг мажбуриятларини ташкил этади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистондаги банклар ўз мижозлари ҳисоб-китоб ракамлари бўйича операциялар юзасидан хилма-хил хукук ва мажбуриятлар орқали бир-бирлари билан узвий боғлиkdir.

4-§. Ўзбекистон банк ҳукуки объектлари

Амалдаги қонунларга асосан, барча ишлаб чиқарилган, сотиб олинган, қонуний актларга кўра вужудга келган моддий бойликлар, ашёлар, мулк ҳукуқ объектлари хисобланиб, унинг эгалари ёки мулк ҳукуқ субъектлари томонидан амалга оширилади. Мулкдор ҳар вакт ўзига тегишли мол-мулкса нисбатан эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳукукига эга. Чунки мулкнинг мутлак эгаси хисобланган субъект томонидан мазкур объектлар жорий этилади. «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунга кўра, банк ҳукуки объектлари Ўзбекистон фуқаролик ҳукуқ объектларидан фарқланади. Агар Ўзбекистон фуқаролик ҳукуқ объектларига мулк билан боғлик бўлган, шунингдек шахсий номулкий мұносабатлар ва бошқа моддий ҳамда номоддий бойликлар кирса, Ўзбекистон банк ҳукуки объектларига:

- Ўзбекистон қонунларига мувофиқ фуқароларнинг кўчар ва кўчмас мол-мулки;
- кичик ва ўрта хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи корхоналарнинг кўчмас ва кўчар мол-мулки;
- гаровга кўйилган ва қонун билан тақиқланмаган барча мол-мулки;
- корхоналарнинг, дехкон хўжаликларининг, фирмаларнинг экспортга мўлжалланган ва импорт ўринини босувчи товар маҳсулотлари;
- корхоналарнинг сўмдаги ҳамда чет эл валютасидаги хом ашё ва материаллари, бутловчи буюмлар ҳамда технологик асбоб-ускуналар;
- чет эллик фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг кўшма корхоналарнинг кўчмас ва кўчар мол-мулки;
- хорижий инвесторларнинг иштирокидаги корхоналар, иншоотлар технологик асбоб-ускуналар, улар томонидан ишлаб чиқилган товарлар, маҳсулотлар, транспорт во-ситалари;
- Марказий банкдан ташқари, барча хусусий тижорат банкларининг кўчмас ва кўчар мол-мулки банк ҳукуки объектларига киради.

Ўзбекистон иктисадий, сиёсий ва маънавий йўналишларга чиқиш учун бозор иктисади йўлини тантади. Дунёдаги иктисадиёти тараккий этган давлатларнинг тажрибасига кўра, маъмурий-буйруқбозлик йўли билан иктисадиётни

ривожлантириб бўлмас экан. Шунинг учун Ўзбекистон хукумати мулк объектларини хусусийлаштиришга алоҳида эътибор бермокда. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 2 июлдаги қарорига мувофик, давлат тасарруфидан чикарилган холда хусусийлаштирилиши, сотиб олиниши ва ижарага топширилиши мумкин бўлмаган корхоналар ва мол-мулк турлари ҳамда гурухлари тўғрисидаги 33 та объектлардан ташкари барча мол-мулк объектлари хусусийлаштирилиши мумкин. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тасарруфидан чикариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Қонунига мувофик ва бозор муносабатларини кенг жорий этиш ташаббускорлик ва тадбиркорликни ривожлантириш, давлатта қарашли мулк объектларини тасарруфдан чикариш ва мазкур объектларни жамоа ва хусусий турларини шакллантириш максадида Ўзбекистон Вазирлар Махкамасининг 1992 йил 23 сентябрда қарори кабул қилинди. Ушбу хукукий хужжатга мувофик давлат мулкини унинг тасарруфидан чикариш ва хусусийлаштириш бўйича комиссияни ташкил килиш тартиби, унинг асосий вазифалари ва хукуклари, таркиби ва ишни ташкил килиш тартибини белгилайди. Комиссия:

- республика мулки объектлари бўйича — Давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш кўмитаси томонидан;
- Коракалпогистон Республикаси мулки объектлари ва маъмурий-худудий тузилмалар мулки объектлари бўйича — Давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш кўмитасининг худудий бошқармалари томонидан тузилади.

Амалдаги хукукий хужжатга асосан, комиссия мажлиси заруратга қараб, лекин ҳар хафтада бир марта ўтказилиши, комиссия қарор қабул килиш хукукига, унинг аъзоларининг камида учдан икки кисми катнашган тақдирдагина эга бўлиши, комиссия аъзоларининг кўпчилиги қарор бўйича овоз бериш очик ёки ёпик ўтказилади. Комиссиянинг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлиб, кўпчилик овоз билан қабул килинган қарор комиссия раиси ва котиби томонидан имзолангандан баённома билан расмийлаштирилади.

Мулкни давлат тасарруфидан чикариш ва хусусийлаштиришга ариза давлат корхоналари ва меҳнат жамоалари, шунингдек мулкнинг аралаш шаклидаги корхоналар, уларнинг бўлинмалари, нодавлат юридик шахслар, Ўзбекистон фукаролари ва фукаролиги бўлмаган шахслар, хорижий юридик ва жисмоний шахсларнинг аризаларига кўра амалга оширилади.

Давлат мулкини унинг тасарруфидан чикариш ва хусусийлаштириш учун аризачи томонидан:

— Республика мулки объектлари бўйича — Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитасига;

— Коммунал мулк объектлари бўйича — Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитасининг худудий бошкармаларига ариза бериш йўли билан амалга оширилади.

Ушбу мулк объектларини сотиб олиш бўйича хужжатларни қараб чикиш харажатларини қоплаш учун аризачи банк муассасалари орқали ариза берилган орган хисоб-китоб ракамига (счётига) куйидаги (индексация бўйича) микдорларда маҳсус тўлов тўлайди:

— Ўзбекистон Республикасидаги давлат корхоналари меҳнат жамоалари, аралаш мулк корхоналари уларнинг бўлинмалари, нодавлат юридик шахслар учун — 5000 сўм;

— хорижий юридик шахслар учун — 100 доллар;

— Ўзбекистон фукаролари ва фукаролиги бўлмаган шахслар учун — 1000 сўм;

— Ажнабий жисмоний шахслар учун — 50 доллар.

Маҳсус тўловни тўлаганлик ҳақидаги патта (квитанция) аризага илова қилинади. Тўланган сумма аризани кўриб чикиш натижаларидан қатъи назар аризачига қайтарилмаслиги мазкур хукукий хужжатда баён этилган. Ушбу хукукий хужжат қоидаларига мувофик, устав фонди 5 млн. сўм ва ундан юкори бўлган корхоналарни бошқа мулк шакларига айлантириш Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси, 5 млн. сўмдан кам бўлган корхоналар эса унинг худудий бошкармалари қарорига биноан амалга оширилиши белгилаб кўйилган. Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарорига кўра, давлат корхоналарини ким ощи савдосида хусусийлаштириш ва танлов асосида хусусийлаштириш тўғрисидаги вақтинчалик Низомга биноан амалга ошириш кўзда тутилган.

VII БОБ

КИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР ОПЕРАЦИЯЛАРИ

1 – 8. Кимматли қоғозларга доир умумий қойдалар

Ўзбекистоннинг бозор иктисадига ўтиши Ватанимиз фукаролари манфаатларидан келиб чикади. Мустақиллик дегани шуки, бизлар асрлар оша бирорларнинг оғзига караб, уларкинг кўрсатмалари бўйича яшаб келганмиз. Мана энди тақдиримизни, хәётимизни, келажагимизни ўз кўлимизга олдик. Энг муқаддас вазифа — шу, буюк неъматни кўлдан бермаслик*. Давлат мустақиллигининг асосий белгиларидан бири — бозор муносабатлари, хусусан мулк эркинлиги, унинг давлат ҳимоясида бўлиши, товар бозорининг шактланиши ва шу орқали миллий пулнинг қадрини кўтариш, валютага ўхшаган кимматга эга бўлган кимматли қоғозлар бозорини яратиш жамиятимиз тарихий тақдирни билан боғлиқ ва эркин бозорни ривожлантириш усусларидан бири-дир. Кимматли қоғозлар тўғрисида хукукий адабиётларда, олимларнинг фикрлари, кимматли қоғозлар эгаси хисобланган шахснинг қонунда белгиланган хукуқидир, холос. Кимматли қоғознинг бошқа бирорларнинг кўлига ўтиши, шу кимматли қоғозни фойдаланиш хукукининг ўтишидир. Кимматли қоғозлар — бу пулдир, кимматли қоғоз эгасининг мулкий хукукини исодаловчи асосий хужожатдир. Кимматли қоғоз бу маҳсус форма билан асослантирилган хужжат ёки хисоб-китоб счётига ўтказилган пул ролини ўйнаши ҳам мумкин.

Кимматли қоғоз эгалари ёки уларни сотиб олувчило ҳар мулкка эгалик килиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш хукуқига эга бўладилар. Кимматли қоғозлар — бланкалар, сертификатлар шаклида ёки хисоб-китоб счёtlаридаги ёзув шаклида бўлиши ва хисоб-китоб қилишда, шу-

* И.А. Каримов. Иктисадий ислохот: масъулиятли босқич. Т., «Ўзбекистон», 1994, 4-бет.

нингдек кредитлар бўйича гаров сифатида фойдаланиш мумкин. Қимматли қоғозлар жисмоний ва юридик шахслар ўртасида ихтиёрийлик принципи асосида тарқатилади. Киритилган улуш шаклидан катъи назар, қимматли қоғозларнинг киймати Ўзбекистон Республикаси пул бирлигига, уларни чиқариш шартларида назарда тутилган ҳолларда эса, чет эл валютасида акциялар бўйича — мулкни ўтказиб бериш йўли билан хам ифодаланади ва тўланади.

Мамлакатимизда қимматли қоғозлар чиқариш ва уларни муомалада юритиш қондадари, қимматли қоғозлар бозори катнашчиларининг фаолияти билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида»ги Конуни ва бошқа хукукий хужжатлари билан тартибга солиб турилади. Мазкур хукукий хужжатта мувофик, қимматли қоғозларнинг куйидаги турлари амал қилади:

- акциялар;
- облигациялар;
- хазина мажбуриятлари;
- депозит сертификатлар ва векселлардан иборатdir.

Амалдаги хукукий хужжатларга кўра, мазкур қимматли қоғозларни белгилаш тартиби Молия вазирлиги билан Марказий банк зиммасига юклатилган. Акциялар, облигациялар ва хазина мажбуриятларида акс эттириладиган реквизиторларни (омонатларни) Молия вазирлиги, депозит (омонат) сертификатлари билан векселларда акс эттириладиган реквизитларни (омонатларни) эса Марказий банк белгилайди.

Молия вазирлиги мамлакатимизда рўйхатта олинадиган қимматли қоғозлар ягона давлат реестрини юритади хамда уларнинг рўйхатини мунтазам эълон қилиб боради. Шу нарсани айтиб ўтиш зарурки, қимматли қоғозлар эгаси ёзилган ва тақдим этувчига тегишли бўлиши мумкин. Қимматли қоғозлар, бащарти мулкий хукукларни уларга эгалик қилиш билан боғлиқ ҳолда рўебга чиқариш учун элемент (қимматли қоғозни чиқарувчи) томонидан ёки унинг топшириғига биноан қимматли қоғозлар борасида касб фаолиятини амалга ошираётган ташкилот томонидан эгасининг номини қайд этиш зарур бўлсагина, эгаси ёзилган бўлади. Эгаси ёзилган қимматли қоғозни биридач иккинчисига бериш хисоб-китобидаги тегишли ёзувларни ўзгартиришда акс эттирилади.

Мамлакатимиз ички заёмларининг ва маҳаллий заёмларининг облигациялари тақдим этувчига тегишли қилиб чиқарилади. Республика ички заёмларининг ва маҳаллий заёмларининг (облигацияларини) чиқариш тўғрисидаги қа-

пор тегишлича Вазирлар Маҳкамаси ва давлат хокимияти маҳаллий органлари томонидан кабул қилинади. Карорда облигацияларни чикиш шартлари ва уларни таркатиш тартиби хам белгилаб қўйилиши лозим. Корхоналарнинг қимматли қоғозлари мулкчиликнинг барча шаклларига мансуб корхоналар томонидан чикарилиши мумкин. Корхоналар ва акциядорлик жамиятларининг қимматли қоғозларни чикариш тўғрисидаги карори тегишлича маъмурият ва ижроия органи (бошкаруви) томонидан кабул қилинади ҳамда баённома билан расмийлаштиради.

Корхоналар қимматли қоғозлар эмитентларининг устав фондини шакллантириш ва тўлдириш учун, шунингдек уларнинг хўжалик фаолияти билан боғлиқ заарларини қоплаш учун чикаришга амалдаги ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ йўл қўйилмайди.

Акциядорлик жамиятлари чикарган барча акциялар ҳаки тўлик тўланганидан кейингина устав фонди миқдорининг 20 фоизидан кўп бўлмаган суммада облигациялар чикаришлари Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида»ги Конуни 5-моддасида баён этилган. Мулкчиликнинг бошқа шаклларига мачруб корхоналарда облигациялар чикариш суммасининг миқдорини Молия вазирлиги белгилаб беради.

Жаҳон цивилизацияси тараккиётида рўй берадиган иқтисодий жараёнлардан бири бу қимматли қоғозлар бозори эканлигини хис қилган Ўзбекистон ҳукумати, ушбу масалани ривожлантириш ва янада чуқурлаштиришни ўз олдига устувор вазифа қилиб, катор ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси ҳалқ ҳўжалигига векселларни кўллаш тўғрисида»ги карори, «Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш ва республиканинг фонд бозорида хорижий инвесторлар иштирокини кенгайтириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 31 март Фармони, «Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида»ги ҳамда «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳукукларини химоя қилиш тўғрисида»ги Конунларнинг Олий Мажлис томонидан кабул қилиниши қимматли қоғозлар бозорининг ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Мазкур ҳуқуқий ҳужжатлар инвесторлар фаолиятини, фонд биржалари, акциядорлар, қимматли қоғозларнинг барча иштирокчилари мулк билан боғлиқ ҳукукларини мустахкамлаш, мулкни давлат тасарруфидан чикариш ва хусусийлаштириш, иқти-

содий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ҳамда кенгайтиришда қимматли қоғозлардан кент фойдаланиш хозирги замон талабларидан биридир.

Қимматли қоғозлар бозори — жисмоний ва юридик шахсларнинг қимматли қоғозлар чиқариш, уларнинг муоммалада бўлиши ва хақини тўлаш билан боғлик муносабатлар тизимиdir. Қимматли қоғозлар бозори катнашчилари — қимматли қоғозларнинг эмитентлари, инвесторлар, инвестиция институтлари, шунингдек уларнинг бирлашмали (уюшмалари) фонд биржалари (биржаларнинг фонд бўлимлари), «Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида»ги Конун билан белгиланган давлат томонидан қимматли қоғозлар бозорини бошқариш ва мувофикалаштириш ваколати берилган органлар ва бошқалардан иборатdir.

Қимматли қоғозлар бозорида инвестиция институтларининг қуйидаги турлари фаолият кўрсатишлари мумкин:

- инвестиция воситачиси (молия брокери ва дилери);
- инвестиция маслаҳатчиси;
- инвестиция компанияси;
- инвестиция фонди;
- бошқарувчи компания;
- депозитарий;
- ҳисоб-китоб клиринг палатаси (ташкилоти);
- қимматли қоғозлар реестрини сакловчи;
- қимматли қоғозларни номинал сакловчи ва инвестиция институтларининг бошка турлари.

Қимматли қоғозлар бозорида савдо килишнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

- барча потенциал инвесторлар ўз маблағларини фойдали тарзда жойлаштиришлари учун уларга шарт-шароитлар яратиб бериш;
- қимматли қоғозлар бозорида тузиладиган битимларнинг ихтиёрийлиги;
- эркин рақобат йўлидаги тўсикларни бартараф этиш;
- нархларни реал таркиб топадиган талаб ва таклифлар асосида белгилаш;
- қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги Конун хужжатларига унинг барча катнашчиларининг катъий риоя этиши;
- биржа ва биржадан ташқари операциялар, котировкалар, эмитентларнинг молиявий ҳолати тўғрисидаги ахборот ошкор этилишининг шартлиги;

— ўз фаолиятини Конун хужжатларига мувофиқ амалга ошираётган барча инвесторлар ва эмитентлар учун бозордан фойдаланиш мумкинлиги;

— қимматли қоғозлар ва уларнинг эмитентларига доир ахборотнинг тўла ошкор этилишини, ошкораликни ва бу ахборотдан барча қатнашчилар фойдалана олишини таъминлаш;

— инвесторлар ва эмитентларнинг манфаатларини ҳимоя килиш;

— қимматли қоғозлар бозорида товламачилик ва бошка ноконуний фаолиятни тақиқлаш кўзда тутилади ва давлат томонидан тартибга солинади.

Инвесторлар томонидан сотиб олинган қимматли қоғозлар биржа бозорлари ва биржадан ташкари бозорларда қайта сотилиши мумкин. Инвесторлар олди-сотдиларни инвестиция институтлари орқали ҳам, мустакил ҳолда ҳам амалга оширишлари мумкин. Эгаси ёзилган ва эгаси ёзилмаган қимматли қоғозлар олди-сотдисига доир битимлар томонларнинг ўз ҳоҳиш иродаларини изҳор этганликларини қайд этиш имконини берадиган хужжат шаклида амалга оширилади, воситачисиз тузиладиган ва тузилган пайтда бажариладиган битимлар бундан мустасно.

Давлат мулкини бошкаришга вакил қилинган орган томонидан акциялар олди-сотдисига доир битимлар биржадан ташкари бозорда мустакил суръатда, инвестиция воситачилари иштирокисиз Ўзбекистон хукумати белгилайдиган тартибда амалга оширилиши мумкин. Қимматли қоғозлар бозорини ва унинг иштирокчиларини тахлил этиш ва истиқболини аниглаш, молиявий воситаларни (молиявий мажбуриятларни) экспертиза қилиш, ишлаб чиқариш ва тавсия этиш бўйича хизматлар кўрсатиш, қимматли қоғозлар чиқариш, уларни жойлаштириш ва муомалага киритиш, мутахассисларни қайта тайёрлаш, шунингдек юридик ва жисмоний шахслар инвестиция сиёсатини амалга оширишлари хусусида маслаҳатлар бериш борасидаги хизматлар маслаҳат бериш хусусидаги фаолият дейилади.

Қимматли қоғозларни саклаш ёки бу қимматли қоғозларга бўлган хукукларни хисобга олиб бориш бўйича хизматлар кўрсатиш депозитор фаолият, деб хисобланади. Депозитор фаолият билан шугууланадиган инвестиция институти депозитарий деб аталади. Факат юридик шахсина депозитарий бўла олади. Депозитарийнинг қимматли қоғозларни саклаш ёки бу қимматли қоғозларга бўлган хукуларни хисобга олиб бориш соҳасидаги хизматлардан фой-

даланувчи шахс депонент деб аталади. Ўзаро мажбуриятларни белгилаш, аниклаш ва ҳисобга олишга доир ахборотни тўплаш, солиштириш, унга тузатиш киритиш ҳамда кимматли қофозларга доир фукаровий-хукукий битимларни изжро этиш учун бухгалтерия хужжатларини тайёрлаш операцияларини назарда тутади. Кимматли қофозларга оид битимлар бўйича ҳисоб-китоб операцияларини амалга оширувчи инвестиция институтлари ҳисоб-китоб клиринг палатаси (ташкилоти) деб аталади.

Бозор щаройтида мулкий муносабатларни ривожлантириш ва хусусийлаштиришни янада чукурлаш ва бу жараёнларда иқтисодий ислохотларни кенгайтириш даврида кимматли қофозларни амалга оширишда хазина мажбуриятлари ҳам мухим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасининг хазина мажбуриятлари — уларнинг эгалари бюджетга пул маблағлари берганликларини тасдиқловчи ҳамда бу кимматли қофозларга эгалик қилишнинг бутун муддати давомида қайд этилган даромадни олиш хукукини берувчи, тақдим этувчига тегишли кимматли қофозлар туридир.

Хазина мажбуриятларининг қўйидаги турлари чиқарилади:

- узок муддатли — беш йил ва ундан кўпроқ муддатга мўлжалланган хазина мажбуриятлари;
- ўртacha муддатли — бир йилдан беш йилгача муддатга мўлжалланган хазина мажбуриятлари;
- қисқа муддатли — бир йилгача бўлган муддатга мўлжалланган хазина мажбуриятлари.

Узок муддатли ва ўртача муддатли хазина мажбуриятларини чиқариш тўғрисидаги қарор Ғазирлар Махкамаси томонидан қабул қилинади. Қисқа муддатли хазина мажбуриятларини чиқариш тўғрисидаги қарор Мөлия вазирлиги томонидан қабул қилинади. Хазина мажбуриятларини чиқариш тўғрисидаги қарорларда даромадларни ҳамда мажбурият қарзларини тўлаш шартлари белгилаб қўйилади. Мулкий муносабатлар фаолиятини ўзида акс эттирувчи кимматли қофозлардан бири — бу депозит сертификатлари. Депозит сертификатлари — бу пул маблағлари — омонат қўйилганлиги тўғрисидаги, омонатчи ёки унинг хукукий ворисининг белгиланган муддат тутаганидан кейин омонат суммасини ва унга тегишли фоизларни олишга бўлган хукукини тасдиқловчи банк — эмитент гувохномасидир. Омонат сертификатни тутувчи субъект факатгина фукаролар ҳисобланса, депозит сертификат тутувчилари факатгина хукукий (юридик) шахслар ҳисобланади.

Кимматли қоғозларга оид депозит сертификатларини чиқариш ва рўйхатдан ўтказиш коидаларини Марказий банк «Кимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида»ги Конуннинг З ва б-моддасига кўра белгилайди. Давлат ёки тижорат банкларига кўйилган пулларни юридик ва жисмоний шахслар томонидан ўтказилганда ёки уларни олганда сертификатлар асосий хужжат ҳисобланади.

2-§. Вексел операцияларига оид ҳукукий муносабатлар тушунчаси

Ватанимизда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларни юксак боскичга кўтаришда, хусусан молия, кредит, валюта операцияларини амалга оширишдаги Давлат сиёсатининг банклар томонидан изчиллик билан ривожлантиришда вексел — кимматли қоғозларнинг аҳамияти ниҳоят каттадир. Вексел — бу кимматли қоғоз бўлиб, ёзма шаклда тузиладиган мажбурият вексел эгасининг (тутувчининг) векселда кўрсатилган муддатда қарздордан (вексел берувчидан) кўрсатилган пул суммасини талаб қилувчи ҳукукий хужжатга айтилади.

Векселнинг икки тури: оддии ва ўтказувчи векселлар мавжуд.

1. *Оддий вексел* — бу вексел берган шахснинг мажбурияти бўлиб, вексел тутувчига белгиланган муддатда, белгиланган суммани тўлашга айтилади.

2. *Ўтказувчи вексел* ёки *тратта* шундай маънони билдирадики, яъни вексел тутувчига (трассанта)га белгиланган суммани тўловчи ўзи олган тўлов мажбурияти бўйича учинчи шахсга акцепланган пул суммасини тўлаш тушунилади.

Ўтказувчи вексел икки хилга: 1 — тижорат, 2 — хазина векселига бўлинади. Тижорат вексели — бу ўтказувчи векселнинг бир тури бўлиб, асосан савдо соҳасида ишлатилади. Тижорат векселлар ҳозирги бозор иқтисоди шароитида жуда катта аҳамиятга эга, яъни чет эл инвесторларини жалб этишда фойдаланади. Хазина векселлар асосан 2 ой, 4 ой, 6 ой ва энг узоғи билан 9 ойга берилади. Хазина векселлари банкда бўш турган пул маблағларини оборотта кўйишдан иборат бўлади.

Бозор шароитларига боскичма-боскич ўтишда, хусусан тижорат банкларининг турли-туман битимларни чунончи: олиш-сотиш, эмиссия, ҳисоб-китоб, гаров каби усувларда иқтисодий муносабатларни амалга оширишда вексел ко-

юзларини чиқариш ва улардан көнг фойдаланиш түғрисидеги умумий қоидалар, «Кимматли қоозлар ва фонд биржаси түғрисида»ги Конунда көнг ва хар томонлама баён этилган. Мазкур Конун қоидаларига асосан векселларни ҳисобга олиш мұхим ахамият касб этади. Бозор муносабаттарига босқичма-босқич үтиш, иқтисодий ислохотларни шакллантириш ва ривожланиши пайтида чет давлатлар нинг валюта-молия соҳасида чет эл векселларидан көнг фойдаланиш ва жағдай этишимиз лозим. Халқаро иқтисодий муносабатларда ҳисоб-китоб реквизитларидан ва векселлардан фойдаланишга оид қоидалар 1930 йилда Женевада қабул қилинген векселлар хақидаги умумий қонунчилек түғрисидаги халқаро конвенцияда белгилаб қўйилган.

Хукуматимиз томонидан қабул қилинген қатор векселлар түғрисидаги ҳукукий ҳужжатларда ҳалқ ҳўжжалигида бозор муносабатларини шакллантириш билан боғлик иқтисодий ривожланишдаги ҳисоб-китобларни жадаллаштириш, тўлов интизомини мустаҳкамлаш, ҳўжалик юритувчи субъектлар ўртасида етказиб берилган товарлар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китоб воситаси сифатида вексел ҳўжалик оборотига жорий этилаганини кўрсатилган, бу эса ҳукукий ҳимоялаш демакдир. Мазкур ҳукукий ҳужжатларга мувофиқ, векселларни чиқариш ҳукуки тижорат банклариға факат Марказий банк рухсати бўйича амалга оширилиши кўрсатилган. Кўрсатиб үтилган тижорат банклари улар учун белгиланган муддатларда Марказий банкка тегишли ҳисбот ҳужжатларини топширишлари лозим. Векселларни чиқариш ҳукукини бериш, уларнинг муомалада бўлиши ва ўз вақтида тўланиши тартибига риоя этиш каби назорат муносабатларини юритиш мажбуриятлари Ватанимиз Марказий банкига юклатилган. «Ҳалқ ҳўжжалигида векселларни қўллаш түғрисида»ги карорнинг 2-моддасида белгиланишича:

- ваколатли тижорат банклари билан бирга, векселларнинг ликвидлигини таъминлашга кодир бўлган корхоналар векселлар эмитентлари бўлишлари мумкин;
- корхоналар мамлакатимизнинг ваколатли тижорат банклари векселларни белгиланган тартибда шартномалар асосида сотиб олишлари;
- ваколатли тижорат банклари томонидан вексел кредити беришда пул кредитлари беришдаги каби қоидалар қўлланилади;
- вексел пулинин тўлаш (вексел мажбурияти бўйича тўлов) қоидага кўра, эмитент томонидан вексел эгасининг

аризасига биноан векселни кўрсаттган ҳолларда амалга оширилади, алоҳида ҳолларда, тарафларнинг ўзаро келишувига кўра, тўлов бунинг учун банк томонидан эмитентнинг маблағлари ҳисобига амалга оширилиши;

— ваколатли тижорат банкларига корхоналарнинг векселлари эмиссияси бўйича таклифларни кўриб чиқиш, хизматлар кўрсатиладиган эмитент — корхоналарнинг тўлов кобилиятини аниқлаш ва тасдиқлаш, векселларнинг ликвидлик даражасини баҳолаш ҳамда уларни рўйхатдан ўтказиши каби мажбуриятлар харакатдаги ҳукукий хужжатларга мувофиқ амалга оширилади.

Амалдаги ҳукукий хужжатларга кўра, векселлар чиқариш, сотищ ва уларни ҳисобга олиш тарафлар ўртасида ҳукук ва мажбуриятларни келтириб чиқаради, уларни ўзгартиради ёки бекор қилади. Вексел муносабатларида индоссамент ҳукуки катта аҳамиятга эга. Индоссамент деб, шундай ҳукукка айтилалики, яъни бунга кўра векселда баён этилган, бошка шахсга ўтган ёзувга айтилади. Бозор шароитида тижорат банклари мижозларга векселлар асосида ҳисобни амалга ошириш муносабати билан вексел кредитини беради. Векселни ҳисобга олиш асосида бериладиган кредитлар икки турли, яъни вексел берувчиларга ва вексел тутувчига бўлинади.

Биринчиси вексел тутувчи номига очилиб, векселни кўрсатиши билан ҳисоб учётига олинади. Бундай векселни ҳисобга олиш унда берилган кредит суммасини ўзида акс эттирган бўлади. Бундай вексел кредитлари мижозларга (клиент)га шартномага мувофиқ маҳсулотлар етказиб бериш, ишларини бажариш, хизматлар кўрсатилганлиги учун берилади. Тўлов муддатининг тугаши билан вексел тутувчи уни банкига тақдим этади ва ҳисобга олинади. Вексел кредитини бериш ёки бермаслик масаласини банк кўриб, ҳал этишда мижознинг (клиент)нинг мулкий ахволини ҳисобга олиши лозим. Мижоз кредитни олгандан сўнг, векселни ҳисобга олиш учун банкка мурожаат этади. Агар банк векселнинг нотўғри ёзилганлиги, нотўғри тузилганлигини сезса ёки ўзбекларсанса, ундаи векселни банк қабул килмасликка ҳақлидир.

Хорижий давлатларда, масалан, Россия Федерациясида тижорат банкларига берган таклифга (рекомендацияга) кўра, векселларни ҳисобга ўтказиш факат товарлар бериш тўғрисидаги битимларга асосланган бўлиши, вексел тутувчи ва уни олувчиларнинг камида икки имзоси талаб қилиниши кўзда тутилган.

фузига эга бўлиши мумкин. Ўзбекистон Республикасининг пул тизими расмий пул бирлигини, пул муомаласи ташкил этилишини ҳамда уни тартибга солишни ўз ичига олиш билан бир каторда пул бирлиги амалдаги қонунларга мувофик ягона, чекланмаган ва қонуний тўлов воситаси сўм хисобланади. Бир сўм юз тийиндан иборат.

Пул тизими ва пул муомаласини ташкил этиш, пул белгиларини чиқариш, пул белгиларини тайёрлаш, саклаш, шикастланган пул белгиларини алмаштириш тартиби, накд пул маблағларини муомалага чиқариш ёки муомаладан қайтариб олиш тўғрисидаги умумий қоидалар «Марказий банк тўғрисида»ги Қонуннинг 32-39-моддаларига мувофик амалга оширилади. Ушбу Қонунга кўра, Марказий банк республика худудида қонуний тўлов воситаси сифатида банкноталар ва тангалар кўринишидаги пул белгиларини муомалага чиқаришда мутлак хукукга эга. Уларни қалбакилаштириш ва ноқонуний тарзда тайёрлаш Ўзбекистон Жиноят кодексига мувофик жавобгарликка сабаб бўлади. «Марказий банк тўғрисида»ги Қонунга асосан муомалада бўлган банкнотлар ва тангалар Марказий банкнинг катъий мажбуриятлари хисобланади ва унинг жамики активлари билан таъминланади. Мазкур Қонун қоидаларига мувофик Марказий банк йўқ килиб юборилган, йўқотилган, қалбаки, ясама ва қонуний кучини йўқотган банкнотлар ва тангаларнинг ўрнини копламайди. Марказий банк банкнотлар ва тангаларнинг намуналарини, шунингдек уларнинг дизайнини Олий Мажлис билан келишган ҳолда тасдиклайди. Банкнот ва тангаларнинг дизайнини Марказий банкнинг мулки хисобланади. Марказий банк янги намуналаридаги банкнот ва тангалар муомалага чиқарилиши тўғрисидаги ахборотни, шунингдек уларнинг тавсифини оммавий ахборот воситаларида эълон килиши лозим. Амалдаги қонун хужжатлари қоидаларига кўра, Марказий банк ва у ваколат берган банклар талабига мувофик, бир номинал қийматдаги банкнот ва тангаларни бошқасига хеч кандай тўловсиз ёки зоситачилик ҳақисиз алмаштириб бериши кўзда тутилади.

Марказий банк ўз ваколати доирасида банкнотлар бошлиши ва тангалар зарб килиниши, муомалага чиқарилмаган пул белгилари сакланишини, шунингдек босма колиплар ва бўёклар сакланиши ҳамда йўқ килинишини таъминлаш, накд пулларни саклаш, ташиб ва инкасса килиш, шунингдек уларни йўқ килиб юбориш қоидаларини мустакил белгилаш хукукига эгадир. Накд пул маблағларини муомалага чиқариш ва кайтариб олишни фактат Марказий

банк томонидан амалга оширилиши билан бир каторда, у пул белгиларининг фойдаланишга яроқлигини аниглаш ҳамда путур етган банкнотлар ва танталарни алмаштириш тартибини белгилайди. Марказий банк республика худудида ҳар қандай банкнот ва танталарни улар ўрнига, албатта, тенг ҳажмдаги банкнот ва танталар чиқарган ҳолда муомаладан қайтариб олишга ҳақли. Бунга Марказий банкнинг айирбошлиш тартиби ва муддати кўрсатилган норматив хужжати асос бўлиб хизмат килиши керак. Шуни айтиш керакки, айирбошлиш учун белгиланган муддат тугаганица айирбошлиш керак бўлган банкнот ва танталар конуний тўлов воситаси сифатидаги ўз кучини йўкотади. Шунинг учун ҳам Конунда муддатларга эътибор берилади.

Ўзбекистон хукумати накд пул маблағларини муомалага чиқаришни камайтириш, накд пулсиз хисоб-китоб операцияларини шакллантиришни тури ҳил шаклларини ривожлантириш ва жорий этишни амалга ошириш йўлларини режаларини қидирмокда.

2-§. Кредитта оид хукукий муносабатлар

Ўзбекистон товар бозорини барқарорлаштириш, ҳом ашё ресурсларидан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш, маҳсулотларнинг сифатини жаҳон товар бозорига жавоб берадиган даражада ишлаб чиқариш ва уни экспорт қилишда товарлар, маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи хусусий, кўшма давлат тасарруфидаги корхоналарни замонавий техника, технология ҳамда асбоб-ускуналар билан таъминлашда ва бозор механизмини мустаҳкамлашда иқтисодий институт хисобланган кредит ресурслари мухим аҳамият касб этади.

«Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Конуннинг 28 ва 34-моддаларига мувофик корхоналарни, ташкилотларни, муассасаларни, хусусан кичик, ўрта бизнес фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорларни кредитлаш тижорат банкларининг асосий вазифаларидан бири бўлиб хисобланади. Муддатлик ва қайтарилиш ҳамда пуллик шартлари асосидаги пул ёки товар шаклидаги кредит ресурслари берувчи билан кредит олувчи ўргасида иқтисодий муносабатларни амалга ошириш бўйича икки томонлама ёзма шартномага мувофик амалга оширилади.

ланади. Чунки пул тизими, пул муомаласи қонунлар, фармонлар, қарорлар ва бошқа ҳукукий хужжатлар асосида гартибга солиниб борилади.

1993 йил ноябр ойининг бошида Ўзбекистон ва Козоғистон Президентларининг Олмаотадаги учрушуvida қабул килинган икки томонлама шартномада Ўрта Осиё минтакасидаги икки йирик давлатнинг миллий валютага бир вактнинг ўзида ўтиш ҳақидаги битимнинг имзоланиши, ҳар бир мустакил давлатнинг миллий валютасини жорий этилишига ҳукукий асос солинди. Мазкур қўшма хужжатга қўра, Козоғистонда — танга, Ўзбекистонда эса сўм жорий этилди. Факат фарки шундаки, Козоғистон Республикаси бирданига рублни чеклаган усулда (500 рубль — 1 тангага алмаштириш йўли билан ўтган бўлса, Ўзбекистон босқичма-босқич принципларига асосланган ҳолда, яъни 10 ой мобайнида) 1993 йил 15 ноябрдан то 1994 йил 1 августтacha пул ислохотларини амалга ошириди. Мамлакатимиз Президенти И. Каримов томонидан бозор муносабатларига ўтиш иктисадий дастурининг асосий мазмуни босқичма-босқич ўтишнинг амалиётда қанчалик тўғри эканлиги миллий валютанинг хаётга жорий этилишида исботланди.

Козоғистон билан Ўзбекистон ўртасидаги қўшма битимга асосланган ҳолда 1993 йилнинг 12 ноябрида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси сўм-купонларни муомалага киритиш тўғрисида маҳсус қарор қабул килди. Ушбу ҳукукий хужжатга қўра, 1993 йилнинг 15 ноябрдан бошлаб миллий валюта жорий этилиши муносабати билан собиқ СССР ва Россия Федерацияси томонидан чиқарилган 1961-1992 йил намуналаридағи рубллар босқичма-босқич, биринчи навбатда 10 000 ва 5 000 қийматидаги, кейинчалик эса колган банкнотлар ва металл-комплектлар муомаладан чиқарила бошланди.

Ўзбекистон Конституциясининг 122-моддасига, «Ўзбекистон Республикаси давлат мустакиллигининг асослари тўғрисида»ги Конуннинг 11-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 3 сентябридаги қарорига мувоғик, 1994 йил 16 июня Ўзбекистон Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасини муомалага киритиш тўғрисида»ги Фармони эълон килиниб, сўмни жорий этиш бўйича 21 кишидан иборат республика комиссияси ташкил этилди. Фармонга асосан 1994 йилнинг 1 июлидан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг худудида 1000 сўм-купонга бир сўм нисбати билан Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси — «Сўм» муомалага киритилди.

Миллий валютани жорий этиш бўйича республика комиссиясининг таркиби, асосий хукуқ ва мажбуриятлари, пул ислохотларини босқичма-босқич амалга оширишда накд пулларни алмаштиришга ҳамда пул муомаласига оид барча тезкор ва жорий масалаларни ҳал килиш комиссияси зиммасига юқлатилди. Ушбу хукукий хужжатларга мувофик, миллий валютанинг жорий этилиши муносабати билан Коракалпогистон Республикаси, вилоятлар, туманлар, корхона, ташкилотлар ва муассасаларда пул ислохотларининг босқичма-босқич принципларига кўра маҳсус комиссиялар ташкил этилган.

Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси — «сўм» Марказий банкнинг киймати 1, 3, 5, 10, 25, 50, 100, 200, 500 «сўм» билан банк коғоз пуллари (банкнотлар) ва 1, 3, 5, 10, 20, 50 «тийин», 5, 10, 25 «сўм» бўлган металл накд пул муомалага чиқарилган.

Президентимизнинг 1994 йил 16 июндаги Фармонига мувофик, Вазирлар Махкамаси 1994 йил 20 июня «Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасини жорий этишга оид ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» қарор қабул килди. Ушбу хукукий хужжатга кўра, Марказий банк 1994 йил 1 июлдан бошлаб республика ҳудудида Ўзбекистоннинг миллий валютаси — «сўм» муомалага чиқарилишини ва 1994 йилнинг 1 августига қадар сўм-купонларнинг муомаладан тўлик йиғишириб олинишини таъминлаш кўрсатилган.

Амалдаги хукукий хужжатга асосан, 1994 йил 1 июлдан бошлаб маҳсулетлар (ишлар)га «сўм-купонларда» бўлган амалдаги нархларнинг барча турлари ва хизматларининг тарифлари белгиланган қоидаларини ҳисобга олган ҳолда «сўм-купонга» «сўм» нисбати билан муомалага киритилди. Бунда товарларни қайта ҳисоблаб чиқилган чакана нархлари ва хизматларнинг тарифлари нархномаларда, албатта, акс эттирилиши ҳамда харидорларга кўринанинг жойга кўйи лиши шарт эканлиги кўрсатилган. Ушбу қарорга мувофик, 1994 йилнинг 1 июлидан бошлаб мулкчиликнинг шаклларидан қатъи назар, барча хўжалик юритувчи субъектлар учун меҳнат ҳакини тўлашта бериладиган маблағларни давлат йўли билан тартибга солиш жорий этилган.

Ўзбекистон ҳудудида «Сўм» бирдан-бир тўлов воситаси сифатида ҳаётга татбик этилди. Шунинг учун ҳам 1994 йилнинг 1 июли Ўзбекистоннинг миллий валютаси жорий этилган кун сифатида тарихдан ўрин олди.

Маълумки, ўз миллий пулимиз республика маҳсулоти билан таъминлангандағина ўзининг муайян кучига ва ну-

зиммаларига олмай туриб, қимматли қоғозларни эмитент номидан чет инвесторларига сотиш тўғрисида эмитент билан шартномалар тузишлари мумкин.

Кимматли қоғозларни чикарувчи эмитентлар, инвесторлар ва инвестиция муассасалари кимматли қоғозлар бозори ҳатнашчилари хисобланади. Кимматли қоғозлар эмитенти — кимматли қоғозлар чикарувчи ва улар юзасидан кимматли қоғозларнинг эгалари олдида ўз номидан мажбуриятли бўлган юридик шахс ёки давлат органидир. Инвестор — кимматли қоғозларни ўз номидан ва ўз хисобидан сотиб олувчи жисмоний ёки юридик шахсадир. «Ажнабий фукаролар ва юридик шахслар чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунига мувофик, қимматли қоғозлар бозорида инвесторлар сифатида иштирок этишлари мумкин.

4-§. Фонд биржасининг хукукий фаолияти

Мустақилликнинг асосий хусусиятлари — бу иқтисодий муносабатлар билан боғланган бўлиб, бозор шароитида пул, кредит, валюта ва кимматли қоғозларни муомалага чиқаришда улардан унумли фодаланишни давр такозо этмокда. Шу муносабат билан фонд биржаси — кимматли қоғозлар бир маромда муомалада бўлишнинг зарур шарт-шароитини таъминлаш, уларнинг бозор баҳосини (кимматли қоғозлар талаб ва таклифи ўргасидаги мувозанатни акс эттирувчи нархларни) белгилаш ва үларга доир маълумотларни керагича таркатиш, кимматли қоғозлар бозори катнашчиларининг қасб маҳоратини юкори даражада саклаб бориш фаолиятининг алоҳида соҳаси бўлган ташкилотдир. Фонд биржаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конунларига, биржа уставига ҳамда кимматли қоғозлар билан боғлиқ юмушларни амалга оширишнинг ички қоидаларига амал килиши кўзда тутилади.

Фонд биржаси (мол-фонд биржасининг ёки валюта биржасининг фонд бўлими) Ўзбекистон Республикаси Конунларига мувофик рўйхатдан ўтказилади ва у кимматли қоғозларга доир биржа фаолияти юритиш учун Молия вазирлигидан лицензия олади. Кимматли қоғозларга доир биржа фаолияти юритиш учун лицензия олмаган ташкилот бундай фаолият юритишга чакти эмас. Мол-фонд биржалари ва валю-

та таркибий бўлинма ва мустакил бўлмаган таркибий бўлинма сифатида фонд бўлимлари ташкил этишлари мумкин. Фонд бўлимлари ўз фаолиятларида фонд биржаларига кўйиладиган барча талабларга амал килишлари лозим.

Биржада брокерлик ўрнини сотиб олган юридик (хукукий) ва жисмоний шахслар, шу жумладан, ажнабий юридик ва жисмоний шахслар фонд биржасининг (мол-фонд биржаси ёки валюта биржаси фонд бўлимининг) аъзолари бўлишлари мумкин. Фонд биржаси аъзоларининг микдорини биржанинг бошқарув органлари тартибга солиб туради. «Кимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида»ги Конунга мувофиқ, давлат ҳокимияти ва бошқарув, прокуратура, суд органлари, уларнинг мансабдор шахслари ва мутахассислари фонд биржаси аъзолари бўлишига ҳақли эмас. Фонд биржаси аъзолари кимматли қоғозлар муомаласини амалга ошириш учун рухсатномаларга эга бўлган ҳамда инвестиция муассасалари мақомини олган тақдирдагина олди-сотдига кўйилади. Брокерлик ўрнини сотиб олган жисмоний шахс уни маҳаллий органларда рўйхатдан ўтказиб, банкда хисобкитоб счёти очганидан кейингина олди-сотдига кўйилиши мумкин. Кимматли қоғозларга доир биржа амалларини биржанинг юкори бошқарув органи тасдиклайди.

Коидаларда кўйидагилар назарда тутилмоғи лозим:

- мазкур биржада кимматли қоғозлар олди-сотдиси принциплари;
- биржа олди-сотди қатнашчиларининг таркиби ва уларга кўйиладиган талаблар мажмуи;
- биржа йиғилишлари ўтказиладиган жой ва вакт тўғрисидаги ахборот;
- кимматли қоғозларни биржа олди-сотдисига чиқариш тартиби;
- биржа битимларининг тавсифи;
- мижозлар брокерларга берадиган топширик (буйрук) турлари;
- олди-сотдини ташкил этиш;
- битимларни рўйхатдан ўтказиш ва расмийлаштириш тартиби;
- кимматли қоғозлар муомаласини амалга оширища фойдаланадиган шартнома, хисбот, буюртма ва хабарномалар ҳамда биржага оид бошқа хужжатлар намуналари.

Амалдаги хукукий хужжатларга асосан фонд биржаси олди-сотдиси вактида битимлар тузиш, битимларни текшириб кўриш ва улар юзасидан хисоб-китоб тартибини мустакил равища ишлаб чиқади ва тасдиклайди. Фонд биржалари ва фонд бўлимлари Молия вазирлиги билан ке-

лишган холда кимматли қоғозлар муомаласи битимларини амалга ошириш низомлари ва ички қоидалари, фонд оиржаси устави (фонд бўлими тўғрисидаги низом) асосида иштутадилар. Фонд биржасида амалларни унинг аъзоларигин амалга ошира оладилар.

Фонд биржасининг асосий хукуқ ва мажбуриятларига куйидагилар:

— инвестиция муассасаларининг биржа аъзолигига киришда уларга кўйиладиган энг кам мажбурий талаобларни белгилаш;

— биржа йиғилишларини чикариш ва ўтказиш;

— эксперт, малака ва баҳолаш комиссиялари таъсис этиш;

— ўз уставига мувофик биржа аъзолари тўлайдиган кириш ва жорий бадалларини белгилаб, ундириб олиш, битимларни рўйхатга олганлик;

— техник хизмат кўрсатганлик учун, доимий ва бир галлик миёзлардан биржада бўлганлик учун ҳақ белгилаб, ундириб олиш, шунингдек биржа уставини, биржа йиғилишлари қоидаларини бузганлик, рўйхатдан ўтказиш йиғимини вактида тўламаганлик учун жарима ва пениялар ундириб олиш;

— биржа билетлари, маълумотлари, тўпламларини чоп этиш;

-- назорат қилувчи органларининг Конунга хилоф хотти-харакатлари устидан суд тартибида шикоят қилишга ҳаклидир.

Бозор шароити даврида фонд биржаси фаолиятини пул билан таъминлаш мухим аҳамият касб этади. Фонд биржаси фаолиятининг пул таъминоти:

— фонд биржаси акциялари ва пайларни сотиш;

— фонд биржасидаги брокерлик ўринларини сотиш;

— фонд биржаси аъзолари мунтазам тўлаб борадиган аъзолик бадаллари;

— биржа битимларини рўйхатдан ўтказишда олинадиган йиғимлар;

— кимматли қоғозлар муомаласида воситачилик қилишда олинадиган комиссацион ҳақ;

— биржа уставида назарда тутилган ахборот хизмати ва бошқа хил хизматлар кўрсатишдан келадиган даромадлар хисобидан амалга оширилиши мумкин.

Кимматли қоғозлар тўғрисидаги Конунларни бузганлиги учун фонд биржаси икки йўл билан: муассисларнинг умумий қарорига биноан ёки суд қарорига мувофик тўхтатилиши мумкин.

ИШ БОБ

ПУЛ, КРЕДИТ ВА КАССА ОПЕРАЦИЯЛАРИГА ОИД ҲУҚУКИЙ МУНОСАБАТЛАР

1-§. Ўзбекистонда пул тизими ҳамда пул мумаласини ташкил этишининг ҳуқукий масалалари

Мамлакатимиз иктисадий-сиёсий мустақилитининг асосий белгиларидан бири хисобланган миллий валютанинг жорий этилиши, чет давлатлар инвесторларининг ва уларнинг валюталарининг тўғридан-тўғри бозор шароитларида ҳарасатда бўлиши, кредит, кимматли көвазлар, дебиторлик ва кредиторлик қарз тўловлари пул усулида амалга оширилади.

Ўзбекистон Президенти ўзининг «Ижобий ишларимизни охирiga етказайлик» асарида пул-кредит, молия сиёсатини изчил ўтказишнинг шарт эканлиги, биз ўз молиявий кувватларимиздан тежаб-тергаб, хисобдонлик билан фойдаланишни ўрганайлик, пулнинг сочилиб кетишига йўл кўймайлик. Халқ ҳўжалигига сарфланган ҳар бир сўм катта фойда билан қайтиши ва республикамизнинг эртаги куни учун, келажаги учун ишлаши шарт^{*} эканлигини айтиб ўтган.

Шунингдек «Ўзбекистон келажаги буюк давлат» асарида миллий пул олтин захирани билангина эмас, айни пайдада етарли даражада мусахкамланиши ҳам зарур. Бундай валюта ўз маҳсулотларимизни четга сотишимиз натижасидагина вужудга келиши мүмкин**.

Мълумки, пул тизими ҳамда пул мумаласи иктисадий ва моддий муносабатлар категорияси хисобланиб, меҳнаткаш омманинг ҳамда ҳўжалик юритувчи субъектларининг моддий бойликлар фаолияти ўлчови, тўлов воситаси хисобланиши билан бир қаторда ҳуқукий категория ҳам хисоб-

* И.А.Каримов. Ижобий ишларимизни охирiga етказайлик. Г., «Ўзбекистон», 1994, 22-23-остлар.

** И.А.Каримов. Ўзбекистон келажаги буюк давлат, Т., «Ўзбекистон», 1992, 33-бет.

лиш бошланишидан камида ўн кун олдин матбуотда, шунингдек фонд биржасининг маҳсус нашрида, албатта, эълон килиниши керак. Очик сотузга ҳавола этилаётган акцияларни, корхоналарнинг облигацияларини чиқаришга оид ахборотларда бирон бир ўзгаришлар юзага келган ҳолларда кимматли қоғозларни чиқарувчи эмитент содир бўлган ўзгаришлар тўғрисидаги хабарни мазкур кимматли қоғозларга ёзилиш бошлангунга қадар эълон килемоғи керак.

Акциялар, корхоналарнинг облигацияларини чиқаришга оид эълон килинган ахборотдаги маълумотлар нотўғрилиги аникланган тақдирда рўйхатга олуви молия органи бу кимматли қоғозларни чиқарувчи эмитент мазкур ахборотга тегишли ўзгаришилар киритмагунига қадар уларни тўхтатиб туриш хукуқига эга. Эмиссияни рўйхатга олиш учун тақдим этиладиган эмиссия рисоласидаги маълумотларнинг тўғрилиги юзасидан жавобгарлик эмитентнинг зиммасида бўлади. «Кимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида»ги Конунга кўра, кимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги эмиссия рисолалари рўйхатга олинмагунига қадар кимматли қоғозларни оммавий воситарадиа реклама килиш тақиқланади. Эмитент ўзининг молия-хўжалик ахволи ва фаолиятининг натижалари тўғрисида жамоатчиликка ҳар йили камида бир марта ахборот бериши шарт Йиллик хисоботда эмитент тўғрисида куйидаги маълумотлар келтирилиши керак:

- унинг олдинги йилги хўжалик фаолияти натижаларидағи ахборот;
- молиявий ахволи тўғрисидаги аудитор тасдиқлаган маълумотлар, шунингдек олдинги йилги баланслар ва аудиторнинг хисоботи;
- қўшимча чиқарилган қимматли қоғозлар тўғрисидағи асосий маълумотлар;
- мансабдор шахслар шахсий таржибидағи ўзгаришиларга доир масалалар.

Эмитент ўз хўжалик фаолиятида содир бўлган ҳамда кимматли қоғозларнинг кийматига ёки улар юзасидан олинидиган даромадлар микдорига таъсир этувчи ўзгаришлар, хусусан:

- кимматли қоғозларга бўлган хукуклар ўзгарганлиги;
- мансабдор шахслар таржибидаги ўзгаришлар рўй берганлиги;
- эмитентнинг банқдаги счёtlари хатланганлиги;
- соғломлаштириш! (эмитентнинг молиявий ҳолатини соғломлаштиришга қаратилган тадбирлар мажмuinи амалга ошириш) харакатлари бошланганлиги;

- эмитент фаолияти кайта ташкил этилганлиги, тўхтабиб қўйилганлиги ёки тугатилганлиги;

- фавқулодда холатлар оқибатида эмитент мол-мулкининг камидаги 10 фоизи нобуд бўлганлиги;

- эмитент мол-мулкининг 10 фоизидан ортиқ микдорда эмитентга нисбатан даъво қўзғатилганлиги;

- устав фонди ёки эмитент асосини ва муомаладаги маблағлари кийматининг 50 фоизидан ортиқ микдорда карз олинганлиги ёки кимматли коғозлар эмиссия қилинганлиги тўғрисидаги ахборотларни икки кун ичидаги рўйхатга олувчи молия органига юбориши, шунингдек мазкур ўзгаришларга оид ахборотларни эълон қилиши шартлиги кўрсатилган.

Башарти, эмитент акциялари фонд биржасида муомала-да юрса, мазкур ахборотларни биржага кўрсатилган муддатда тақдим этилиши амалдаги хукукий хужжатларга кўра шарт эканлиги. Эмитент ўзи хакида кимматли коғозлар кийматига ёки улар юзасидан олинадиган даромад микдорига таъсир этиши мумкин бўлган нотўри маълумотлар эълон қилинган тақдирда беш иш куни мобайнида бу маълумотларни тузатиш чораларини кўриши шарт.

Бозор шароитларини янада чукурлаштириш ва инвесторларнинг мулкий мустақиллигини ҳимоялашда кимматли коғозлардан кенг фойдаланиш давлат сиёсаларидан биридир. Ҳар бир олди-сотди битими вактида томонларнинг ҳар биридан давлат божи олинади. Йифим ва бож микдорлари ҳамда уларни тўлаш тартиби харакатдаги хукукий хужжатлар асосида амалга оширилади. Бошқа бирон-бир йифим ва бож (биржа йифимлари ва божларидан ташкари) ундириб олишга йўл қўйилмайди.

Эмитентлар ўзи чиқарган кимматли коғозларни мустақил равища, комиссион ҳак эвазига банклар, инвестиция компаниялари, молия брокерлари орқали сотиш хукукига эгадир. Инвестиция компаниялари эмитент билан келишиб туриб, кимматли коғозларни куйидаги щартлар асосида чиқаришга кафил ва ташкилотчи бўлишлари мумкин:

- кейинчалик бошқа инвесторларга сотиб юбориш максадида барча чиқарилган кимматли коғозларни кайд этилган баҳосида ўз хисобларидан сотиб олишлари;

- чиқарилган кимматли коғозларнинг белгиланган муддат давомида чет инвесторлар ўртасида жойлаштирилмай колган кисмларини ўз хисобларидан сотиб олишлари;

- инвестиция компаниялари ва молия брокерлари тарқатилмай колган кисмларини сотиб олиш мажбуриятини

3-§. Кимматли қоғозларни рўйхатга олиш ва уларни муомалага чиқаришнинг хукукий асослари

Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла хукукли субъекти бўлиши билан бир каторда ички бозорни шакллантириш, мамлакатимизда ташкил этилган ва ташкил этилаётган кўшма ташкилотларнинг иқтисодий, сиёсий ва бошқа конуний хукукларини химоялаш, молия, кредит ва банк тизимини ривожлантириш бозор ислохотларни мустаҳкамлаш, пулнинг кадрини кўтариш учун жаҳон бозорига жавоб берадиган сифатли маҳсулотлар билан бозорларни тўлдириш, мулкий муносабатлар ролини ўйнайдиган кимматли қоғозлар чиқариш, уларни сотиш, муомалага чиқариш, давлат рўйхатига олиш, муомалага чиқарилган кимматли қоғозларнинг харакатини кузатиб бориш каби катор ишлар амалдаги хукукий хужожатларга кўра амалга оширилмоғи лозим.

Кимматли қоғозлар муомаласи деганда уларни сотиб олиш ва сотиш, шунингдек Қонунларда назарда тутилган, кимматли қоғозлар эгаси алмашувидаги олиб келадиган бошка харакатлар тушунилади. Ўзбекистон Республикаси худудида кимматли қоғозлар чиқарилишига ва муомалада бўлишига йўл кўйилади. Давлат рўйхатидан ўтказилмаган кимматли қоғозларни чиқариш амалдаги Қонунларга кўра гайриқонуний хисобланади.

Бирон-бир эмитент чиқарган акциялар 35 ёки ундан ортиқ фоизнинг ёхуд 50 фоиздан ортиқ акциядорлар овозини таъминловчи акцияларнинг бир шахс томонидан ёки бир-бирининг мол-мulkини назорат қилувчи шахслар гурӯхи томонидан сотиб олиниши Ўзбекистон Республикасининг монополияга қарши сиёсатини амалга оширувчи ваколатли органи субъектларнинг бир-бирлари мол-мulkини назорат қилувчилар деб эътироф этилиши тартиби ва қоидаларни белгилаб кўяди. Кимматли қоғозларнинг эгалари саклаб туриш мақсадида уларни пул ўтказиш йўли билан хисобга олиш ва сотиш учун компьютерли телекоммуникацион тизими бор ихтисослашган муассасаларга (депозитарийларга) ишониб кўйишлари мумкин.

Вазирлар Маҳкамаси республика сарҳадларидан ташқаридаги эмитентлар чиқарган кимматли қоғозларни Ўзбекистон Республикаси худудида муомалага киритишининг умумий қоидалари, ҳар йилти меъёрлари ва тартибини белгилаб кўяди. Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистоннинг давлат-

лааро шартномалар бўйича мажбуриятларини хисобга олган ҳолда Ватанимиз тасарруфидаги эмитентлар томонидан чикарилган ёки чикарилиши мўлжалланётган кимматли қоғозларни мустакил давлатимиз худудидан ташкарида муомалага чикаришнинг ҳар йилги меъёрлари ва рухсат тартибини белгилаб қўйишга ҳаклидир.

Кимматли қоғозлар эмиссияси деганда уларни дастлабки эгалари (инвесторлар) — юридик ва жисмоний шахсларга сотиш йўли билан кимматли қоғозларни муомалага чикариш тушунилади.

Эмиссия:

- акциядорлик жамияти таъсис этилиб, акциялар унинг муассислари ўртасида тарқатилган тақдирда;
- акциядорлик жамиятининг дастлабки устав сармояси (фонди) микдори акциялар чикариш йўли билан кўпайтирилган тақдирда;
- хукукий (юридик) шахслар, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан облигациялар ва бошка қарз мажбуриятлари чикариш йўли билан жалб этилган тақдирда амалга оширилиши мумкин.

Эмиссия тўғрисидаги ахборот деганда, кимматли қоғозларни чикарувчи эмитент, шунингдек у билан келишиб туриб кимматли қоғозларни дастлабки эгаларига сотувчи инвестиция муомаласи ҳар бир харидорга мазкур қоғозларни харид килиш пайтига қадар сотиш шартлари ва эмиссия рисоласи билан танишиб чикиш имкониятини таъминлашлари шарт эканлиги «Кимматли қоғозлар ва фонди биржаси тўғрисида»ги Конуннинг 2-моддасида кўрсатиб қўйилган. Эмиссия рисоласи эмитент тўғрисидаги сотишга ҳавола этилаётган кимматли қоғозлар ҳакицаги, кимматли қоғозларни чикариш тартиби тўғрисидаги маълумотларни ҳамда харидорнинг мазкур кимматли қоғозларни сотиб олиш ёки бундай хариддан воз кечишига карор килишга таъсир этиши мумкин бўлган бошка хил ахборотларни акс эттиради. Эмиссия рисоласини чикариш, уни рўйхатта олиш тартибини, шунингдек эмиссия рисоласида эълон қилиниши шарт бўлган маълумотлар рўйхатини Молия вазирлиги белгилайди. Банклар учун уларнинг эмиссия рисоласида кайтариб олиниши лозим бўлган маълумотлар рўйхатини Молия вазирлиги Марказий банк билан келишган ҳолда белгилайди. Очик ёзилиши учун ҳавола этилаётган кимматли қоғозларнинг эмиссия рисоласини эмитент кимматли қоғозларни рўйхатта оловчи органга тақдим этади ва у рўйхатга олингандан сўнг, мазкур кимматли қоғозларга ёзи-

Марказий банк бошқарувининг «Хўжалик юритувчи субъектларга киска муддатли кредитлар бериш тўғрисида»-ги кўлланмасига ҳамда республикамизда 1997 йилда жорий килинган бухгалтерлик ҳисобининг янги тизимига мувофик ва мақсадларга қараб, киска муддатли (1 йилгача), ўрта муддатли (1 йилдан 5 йилгача) ва узок муддатли (5 йилдан ортиқ) кредитлар бериш билан амалга оширилади.

Кредит операциялари ўзининг харакатлари ва хусусиятларига асосан, агар банк кредит ресурсини берувчи сифатида харакат қилса кредитор, яъни актив ёки кредит, (маблағ) қарз жалб қилганда эса ёки дебитор бўлганда пассив бўлиши кўзда тутилади. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти шу нарсани бухгалтерлик ҳисблари аникладики, яъни киска муддатли кредитлар анча унумли ёки ликвидроқдир. Тижорат банклари киска муддатли кредитларни аник мақсадларни амалга ошириш, жорий заруратлар учун ва айланма маблағлар етишмаганлиги сабабли киска муддатли эҳтиёжлари бўлган хўжалик юритувчи субъектларнинг ва мулк шаклларидан катъи назар, жисмоний ва юридик шахсларга берилади. 1 йилдан 5 йилгача, яъни ўрта муддатли кредитлар кўп ҳолларда маҳсулотнинг янги турлари ва янги техника, технология жараёнларини ўзлаштириш билан боғлиқ бўлган, ўзини тез молиявий жихатдан қоплайдиган ва юкори самарали тадбирларни амалга ошириш мақсадларда берилади. Узок муддатли кредитлар, умуман қурилиш иншотларини, техник қайта жихозлаш ва қайта тиклаш учун инвестициявий мақсадларда берилади, яъни узокни кўзлаб берилади.

Амалдаги банкларга оид Конунларга мувофик, банкларнинг кредит ставкалари ва воситачилик ҳаки микдорини белгилаш хукуклари банк операциялари бўйича фоиз ставкалари ва воситачилик ҳаки, унинг микдори банклар томонидан мустақил белгиланиши «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Конуннинг 28-моддасида баён этилган. Банклар, корхоналар, ташкилотлар, дехкон хўжаликлари, кичик ва ўрта хусусий бизнес фаолияти билан ўзгурулувчи жисмоний ва юридик шахслар ўз мол-мулкини тасарруф этиш, тижорат банклари билан мустақил субъект сифатида тенглик, мулкий мустақиллик, эркинлик принципларига асосланган ҳолда кредит шартномасини тузиш хукукига эга. Давлат дастурларини молиялаш учун банкларга бериладиган кредитлар бўйича Марказий банк ушбу банклар карздордан ундириб оладиган фоиз ставкаларининг энг кўп микдорини белгилаши мумкин. Бунда марказлаштирилган ре-

сурслар учун тўлов ва банкларнинг харажатларини ўрнини коплаш хисобга олинади.

Кредит билан боғлик гаров мажбуриятлари кенг маънода мол-мулк хукуқ субъектлари хисобланган хўжалик юритувчи жисмоний ва хукукий шахслар билан банклар ўртасида тузиладиган ёзма шаклдаги гаров шартномасига кўра, тарафларо хукук ҳамда мажбуриятлар вужудга келади ҳамда юридик факт деб номланади. Гаров мажбуриятининг бажарилишини таъминлаш талаб килиш хукукини бирорга ўтказиш ва кредитни кўчириш, мажбуриятни бажармаслик учун айбор шахс ёки юридик шахс Конунларга кўра моддий ва бошқа жавобгарликка ва нихоят, гаров шартномасининг бекор бўлишига сабаб бўлади. Тижорат банкида мажбурий резервлар хисобига ўтказиш учун ликвид фондлар вактинча етишмай турган ҳолларда Марказий банк унга кредит бериши амалдаги Конунларда кўзда тутилган. Бундай кредит бериш шартлари ва муддатлари кредит шартномасида белгилаб кўйилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Дехкон хўжалиги тўғрисида»ги 1998 йил 30 апрелда қабул килинган Конунининг 24-моддасига мувофиқ, дехкон хўжалиги кредитдан кенг фойдаланиши кўзда тутилган. Мазкур модда юридик шахс зашкил этилган ҳолда дехкон хўжаликлари фаолиятини замалга ошириш учун кредит олишлари, бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки ва пул маблағларини имтиёзийлик асосида ва шартнома шартларида, шу жумладан дехкон хўжаликлари кредитни ўзининг зарур гаров, сурта ҳамда бошқа кафолатларини таъминлаган ҳолда имтиёзли кредитлашга жалб этишлари, шунингдек хусусий кичик тадбиркорлик учун қонун хужокатларида белгиланган имтиёзларнинг барча турларидан фойдаланишлари мумкин.

Дехкон хўжалигига ишлаб чиқариш ахамиятига молик обьектлар курилиши, асосий ишлаб чиқариш воситаларини харид этиш учун узок муддатли кредитлаш ва жорий ишлаб чиқариш фаолияти учун қисқа муддатли кредитлаш кредит шартномаси асосида амалга оширилади.

Марказий банк томонидан 1996 йилнинг май ойида тасдиқлаган «Такрор молиялаш кредитлари бериш тартиби тўғрисида»ги Низомга мувофиқ, такрор молиялаш Марказий банк амалга оширадиган пул-кредит сиёсати воситаларидан бири бўлиб, у иккинчи даражадаги банкларни ликвид ҳолатда ушлаб туришга қаратилади. 1997 йил республика банклари томонидан берилган кредитлар умумий

суммасининг 56 фоизини ташки иктисадий фаолият Миллий банки ташкил килган. Шунинг учун 1998 йилнинг 1 январи холатида ташки иктисадий фаолият Миллий банки биринчи ўринда, иккинчи ўринда «Пахтабанк» и 20 фоиз тўғри келади, кейинги ўринларни «Саноатқурилиш банки», «Фаллабанк» и 8 фоизни, «Асакабанк» ҳам ўзининг кредит ресурсларини кўпайтирмокда.

Пул — кредит сиёсатини амалга ошираёттанды Марказий банк тижорат банкларининг кредит потенциали (ресурс имкониятлари) жорий холатини доимий кузатиб турди. Бунинг учун жорий мониторинглар ўтказади, улар вакильлик хисоб варакларини таҳлил килади ва асосан ўзи кредитларни жойлаштириш (сотиш) ва жалб этиш (сотиб олиш) учун катнашадиган банклараро кредит бозори — Ўзбекистон Республикаси валюта биржаси ҳузуридаги кредит ресурслари аукционини кузатиб боради.

Тижорат банкларининг ликвид ҳолатини саклашга йўналтириладиган, уларни такрор молиялаш учун бериладиган кредитлар миқдори, шунингдек такрор молиялаш ставкаси Марказий банк пул-кредит сиёсатини шу вактдаги аниқ вазифаларга мувофик, пул-кредит сиёсатининг асосий йўналишлари коидаларини хисобга олган ҳолда белгиланади. Бунда такрор молиялаш ставкаси пул қадрсизланиши даражасига караб ўзгартирилиши мумкин. Марказий банк белгиланган иктисадий меъёрларга риоя этувчи ҳамда мажбурий резерв талабларини бажарувчи тижорат банклари шундай кредит олиш хукукига эга. Айни пайтда, уларда кредит хатари мутлако бўлмаслиги, яъни мазкур кредит ва унинг фоизлари белгиланган муддатда кайтарилиши шарт.

Бозор иктисадига боскичма-боскич ўтилаётган даврда, иктисадий ислохотларни ривожлантириш ва янада чукурлаштириш, кичик ва ўрта хусусий бизнес фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорларни халқ хўжалигининг барча тармокларида молиявий қўллаб-қувватлашда кредит ресурсларининг аҳамияти каттадир. Амалдаги конун хужжатларига кўра, Ўзбекистон хукумати келгуси молия йилида кредитлашнинг ички ва ташки манбаларидан карз ажратиш, шу жумладан ушбу карз доирасида тўланадиган суммаларини бериш режалари, шунингдек кредит беришнинг тақлиф этилаётган муддатлари ва шартлари тўғрисида Марказий банк билан маслаҳатлашади. Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси ва унинг давлат органлари олаётган барча карзлар тўғрисида Марказий банкка хабар беради. Чунки Марказий банк Ўзбекистон хукумати банкири, маслаҳатчи-

си ва фискал агенти (хазина вакилч) сифатида иш тутади. Шунинг учун ҳам Марказий банк Молия вазирлиги билан келишилган шартларда иш тутиб, Ўзбекистон хукумати ва давлат органларининг фискал агенти сифатида:

— Молия вазирлиги ва бошка давлат органлари чикарган қарз мажбуриятларини жойлаштириш, бу жойлаштиришларни рўйхатта олиш ва уларни топширишда агент ролини бажариш;

— кўрсатиб ўтилган қимматли қоғозларнинг кийматини, улар бўйича фоизлар ва бошка тўловларни тўлаш;

— кўрсатиб ўтилган қимматли қоғозлар бўйича ҳисоб вараклари юритиш ва уларга доир тўлов операцияларини бажариш;

— юкорида баён этилган қимматли қоғозлар бўйича бошка операцияларни амалга ошириш борасида фаолият кўрсатиши мумкин.

Алоҳида ҳолларда Марказий банк хукуматга кредитларни Олий Мажлис тасдиклаган микдорда, эркин муомалада бўладиган ва олти ойлик муддат ичидаги киймати тўланадиган карз мажбуриятлари кўринишида, тасдиклаган давлат қимматли қоғозлари гаровга кўйилиши шарти билан берилади. Бундай қимматли қоғозлар Молия вазирлиги томонидан чиқарилади, бозор ставкаси бўйича тўланадиган даромад манбаига эга бўлиб, Марказий банкка топширилади. Кредит муддатлари эркин муомалада карз мажбуриятларини тўлаш муддатларига мувофик келиши лозим.

Кредит бериш хукумат ва Марказий банк ўртасида алоҳида кредит шартномаси тузиш билан расмийлаштирилди, унда кредитнинг микдори, қайтарилиш муддатлари, тўланадиган фоизлар нормаси ва ссудани узиш тартиби келишиб олинади. Марказий банк хукуматга обуна бўйича бадаллар учун ёки республиканинг у ёки бу ҳалқаро ташкилотга аъзолигидан келиб чиқувчи бошка тўловлар учун анча узок муддатли кредитлар беришга хақли.

3-§. Касса операцияларига онд хукукий муносабатлар

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йилнинг биринчи ярмида иктиносидий ислохотлар устувор йўналишларининг амалга оширилиши ва Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иктиносидий ривожланишига бағишлиланган мажлисда сўзлаган

нуткида ўтган ярим йиллик мобайнида ислоҳотларни амалга ошириш ҳамда мамлакатимизнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиш якунларини баҳолар экан, «энг аввало, сўнгги вакъларда иқтисодиётимизда, жамиятнинг ташкилий ва бошкарув тизимида, умуман кундалик ҳаётимизда рўй берадиган муайян ижобий ўзгаришларни сезмаслик мумкин эмас», деди. Мамлакатимиз Президенти таъкидлаганидек, иқтисодий ўсиш молиявий ва пул айланишининг барқарорлигига етиш билан бир каторда, инфляция даражасининг пасайдига эришилмокда. Биринчи ярим йилликда инфляция даражаси ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,3 марта пасайди ва ойига ўртача ҳисоблагандан 1,5 фоизни ташкил этди. Бу шу йил учун мўлжал қилинган кўрсаткичларга тўла мос келади. Накд пул эмиссияси эса 8,7 фоиз даражасида мўлжалланган бўлса-да, амалда бор-йўғи 2,6 фоиз бўлди деб, молия ва пул алмашинишининг барқарорлигини янада ривожлантириш, касса фаолиятини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилди*.

Юртбошимиз кўйган вазифаларга биноан куйидагилар:

— тижорат банкларининг туман, шаҳар муассасаларида хизмат кўрсатувчи ҳар қайси корхона, ташкилот ва савдо дўконларидан тушган тушумларининг ҳар куни инкассация қилишни таъминлаш;

— туман, шаҳарнинг инкассация қилинадиган ҳар қайси корхонаси, муассаса ва ташкилотидан тушган сўм тушумларини тезкорлик билан ҳисобга олиш ва таҳлил қилиш;

— инкассация қилинадиган ҳар қайси объектдан — дўкондан, савдо марказидан, хизмат кўрсатиш соҳаси корхонасидан ҳар куни тушадиган суммасини уларнинг 10—15 кун олдин ҳар куни топширган тушум суммаси билан киёслаб таҳлил қилишни амалга ошириш;

— тушган пул тушумини қабул қилиб олиш, шунингдек, сотилган товарлар ва кўрсатилган хизматларнинг тақдим этилган суммага мувофиқ келишини тезкорлик билан текшириб кўриш;

— тушумларни инкассация қилишнинг белгиланган тартибини бузиш ҳоллари аникланган тақдирда амалдаги қонунларга мувофиқ чоралар кўришдан иборатdir.

«Марказий банки тўғрисида»ги Конуннинг 46-моддасида депозитарий ва кассирнинг вазифалари баён этилган. Мазкур моддага мувофиқ, Марказий банк ҳукуматининг, шунингдек Молия вазирлигининг рухсатномаси бўлган тақ-

* И.А. Каримов. Халқ фаровонлиги — фаолиятимиз мезони. «Тошкент очшоми» газетаси. 1998 йил 24 июл.

дирда, бошқа давлат органларининг пул маблағларини депозитта қабул килиши мумкин. Марказий банк депозитарий сифатида пул маблағларини олади ва беради, уларнинг хисобини юритади. Марказий банк кўрсатиб ўтилган депозитлар юзасидан фоизлар тўлаши мумкин. Марказий банк тўғрисидаги хукукий хужжатга мувофик, республикадаги тижорат банклари касса операциялари бўйича хизмат кўрсатиш бўлимларини очиш учун ўзининг биноларидан ва ижарага олган биноларидан шартнома асосида Марказий банкка жой бериши кўрсатилаган. Юкорида баён этилган коидаларга кўра, мустакил давлатимиз жаҳон бозорига чиқиши ва ички бозорни хукукий давлат принциплари асосида бошқариш учун накд пул ҳамда иқтисодий муносабатларни амалга оширишда касса операцияларига алоҳида эътибор бериш кераклиги таъкидлаб ўтилган.

Вазирлар Махкамасининг 1995 йил 12 май ва кейинчалик қабул қилинган катор карорларида савдо корхоналари ҳамда аҳолига хизмат кўрсатиш жойларида касса аппаратлари ўрнатилишининг зарурлиги, касса аппаратлари ўрнатилмаган савдо дўконлари ва аҳолига хизмат кўрсатиш жойларидағи фаолиятни тўхтатиш назоратини кучайтиришни олиб бориш солик идораларига топширилган. Ўзбекистон мустакиллигининг биринчи босқичларида, яъни бозор шароитларига тўғридан-тўғри ўтиш, иқтисодий ислоҳотларни ривожлантириш ва янада чукурлаштириш, давлат мулкини хусусийлаштириш билан бир каторла накд пул маблағларини тартибга солиш максадида Вазирлар Махкамасининг «Республика касса операцияларини тартибга солишга доир кечикитириб бўлмайдиган тадбирлар тўғрисида»ги 1992 йил 24 июл катори мухим ахамиятта эга бўлиб, зарурий механизм ролини ўйнади.

Ўзбекистон жаҳон бозорига чиқиши за ички бозорни хукукий, демократик давлат принципларига мос келадиган асосларда бошқариш учун накд пул ва валютага оид иқтисодий муносабатларда касса операцияларига алоҳида эътибор бериш кўзда тутилмокда. Корхоналар, ташкилотлар бошликлари, банк муассасаларининг раҳбарлари касса операцияларига мухим эътибор беришлари, касса операцияси бўйича ички интизомни кучайтириш ва улар устидан назорат фаолиятини яхшилаш хозирги замон талабларидан биридир. Накд пул маблағлари эмиссияси даражасини пасайтириш, республика минтақаларида пул муомаласини яхшилаш учун раҳбарлар ва мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини ошириш максадида Вазирлар Махкамасининг «Накд пул маблағлари эмиссиясини кискартириш

чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1996 йил 2 июл карори алоҳида ахамиятга эгадир.

Мазкур карорда «Ўзбексавдо» давлат уюшмасига, «Ўзмайшийхизматуюшма»га, «Ўзбекбирлашув»га, «Ўзавтотранс» корпорациясига, Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигига, «Тошшаҳарийўловчитранс» давлат уюшмасига, Ўзбекистон Республикасининг ахолига пулли хизматлар кўрсатувчи бошқа вазирликлари ва идоралари, ҳокимлари билан биргаликда жойларда хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтириш, касса режалари бажарилишини таъминлаш учун мансабдор шахслар ва мутахассисларнинг моддий жавобгарлиги ва уларни рағбатлантириш шакллари кенг кўлланиши юзасидан аник чора-тадбирларни амалга оширишлари, коллеғиал органлар мажлисларида ишларнинг ахволини ҳар ойда кўриб чикиш баён этилган. Хукукий хужжатга мувофик, Давлат солик кўмитаси ва банк муассасалари Марказий банк бошқаруви томонидан 1996 йил 20 апрелда тасдиқланган мулкчилик шаклларидан катъи назар хўжалик юритувчи субъектлар томонидан касса операцияларини юритиш тартибига риоя этилиши устидан назоратни кучайтириш, алоҳида холларда эса амалдаги тартиб бузилиши аникланган тақдирда республика прокуратураси томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг айбор рахбарларига нисбатан Маъмурий жавобгарлик кодексининг 175 ва 264-моддалари кўлланилиши кўзда тутилган.

Амалдаги касса операцияларига оид хукукий хужжатларга асосан, Марказий банк, Ташки иктисадий фаолият Миллий банки ҳамда барча тижорат банклари зиммасига мулкчиликнинг барча шаклларидағи корхоналар, ташкилотлар ва муассасалардан накд пулга оид касса операцияларини яхшилаш ва улар фаолиятини мустаҳкамлаш, банк уставига мувофик ҳамда ички тартиб коидаларига кўра белгиланган графикларга асосланиб, корхоналарга, ташкилотларга ва муассасаларга банк жадвалига амал қилган холда ҳар ойнинг биринчи ярмида ва охирида бериладиган накд пуллар касса операцияларига кўра амалга оширилади. Вазирлар Махкамасининг «Республика минтақаларида накд пул маблағлари эмиссияси даражасини пасайтириш прогнозлари ва касса режалари бажарилиши учун рахбарлар ва мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини ошириш ва уларни рағбатлантириш тартиби тўғрисида»ги 1996 йил 2 июл карорига мувофик кабул килинган Низом мухим ахамиятга эга.

1. Ушбу Низомга кўра рағбатлантириш ва моддий жавобгарлик тизими куйидаги рахбарлар ва мансабдор шахслар учун белгиланади:

— Қоракалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, шаҳарлар ва туманларнинг ҳокимлари, шунингдек уларнинг минтақаларни иктисадий ривожлантириш ва истеъмол моллари, савдо ва пулли хизмат бўйича ўринбосарлари;

— тижорат банкларининг республика (Қоракалпоғистон Республикаси), вилоят, шаҳар, туман бўлинмалари ва филиалларининг раҳбарлари ва пул муомаласи ҳамда касса операциялари бўлинмаларининг бошликлари, пул муомаласи бўйича мутахассислари;

— Марказий банкнинг худудий бошқармалари раҳбарлари ва пул муомаласи бўлинмаларининг бошликлари;

— Республика (Қоракалпоғистон Республикаси), вилоят, шаҳар, туман солик органларининг раҳбарлари ҳамда савдо корхоналари ва хизмат кўрсатиш соҳасини назорат килиш бўлинмалари бошликлари ва мутахассислари учун касса режаларининг бажарилиш қисми бўйича.

2. Накд пул маблағлари эмиссияси даражаси прогнозлари ва касса режалари ўз вактида бажарилганлиги ва ошириб бажарилганлиги учун мазкур Низомнинг 1-бандида тутилган мансабдор шахслар:

— ойлик прогнозлар бажарилганлиги ва ошириб бажарилганлиги учун — лавозим маошининг 30 фоизигача микдорда;

— йил чораги прогнозлари бажарилганлиги ва ошириб бажарилганлиги учун — лавозим маошининг 50 фоизигача микдорда мукофотланади.

3. Накд пул маблағлари эмиссияси даражасининг белгиланган прогнозлари ва касса режалари бажарилмаганлиги учун мазкур Низомнинг 1-бандида кўрсатиб ўтилган мансабдор шахсларга Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодексининг 181-моддасига мувофиқ:

— белгиланган ойлик ва йиллик чораги прогнозлари бажарилмаганлиги учун — ўртacha ойлик иш ҳакининг 10 фоизидан 50 фоизигача микдорда жарима солинади.

4. Мазкур Низомнинг бажарилишини пул-кредит сиёсати бўйича республика комиссияси назорат килади ва у ҳар ойдаги мажлисда ушбу карор талабларига мувофик, республика минтақаларидаги ишларнинг ахволини кўриб чикади ва Вазирлар Маҳкамасига тегишли таклифлар киритади.

Қоракалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раисига ва унга тегишли ўринбосарларига — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг карори билан:

— вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига ва уларнинг тегишли ўринбосарларига — Вазирлар Маҳкамасининг карори билан;

— шаҳарлар ва туманларнинг ҳокимларига ва уларнинг ўринбосарларига тегишли равишда Коракалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ёки юқори турувчи ҳокимиятнинг қарори билан;

— банк муассасалари ҳамда солик органларининг раҳбарларига ва тегишли бўлинмаларнинг бошликлари ҳамда мутахассисларига — уларнинг юқори турувчи органлари томонидан жарима солинади.

Жарималар Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодексининг 182-моддасида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон пул, кредит, валюта (монетар сиёсатни) амалга ошириш натижасида вужудга келадиган ҳисоб-китоб билан боғлик касса операцияларини тартибга солиш, ривожлантириш мустаҳкамлаш каби барча хукукий муносабатларни ҳал этиш Марказий банк фаолиятига киради. Касса операцияларини амалга оширишда жаҳон цивилизациясида кенг тарқалган накд пулсиз молиявий пластик карточкалардан фойдаланиш Ўзбекистон Республикасида ҳаркат қилувчи банк муассасалари билан мижозлар ўртасида ги иктисодий муносабатларда ҳам кенг тарқалмокда. Касса орқали амалга ошириладиган накд пулсиз, яъни молиявий пластик карточкалар очиш бўйича тузиладиган иски томонлама шартномага мувофик, банк чиқарган ва амалда ишлатилаётган молиявий карточкалар ёрдамида ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш юзасидан кўрсатадиган хизматлар ва товарлар учун карточкани тўлов воситаси сифатида қабул қилинаётган ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахс «Трансакция» (карточка) ёрдамида ҳал қилинадиган ҳар қандай гўлов ёки накд пул олиш кўзда тутилади.

Амалдаги хукукий хужжатларга кўра, банқдан шартномага асосан молиявий пластик олувчи одатда «эга» ҳисобланади. Шартнома банкнинг молиявий карточкалар ёрдамида ўзаро ҳисоб-китобларнинг амалга ошириш юзасидан кўрсатадигач хизматлари, тарафларнинг хукук ҳамда мажбуриятлари, карточкани йўқотиб кўйгани ҳакида дарҳол банкка хабар бериши, банк молиявий пластик карточкаларга киритилган ўзгартиришлар бўлганида бир ой олдин унинг эгасини ёзма тарзда хабардор қилиши лозим. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари аста-секин бозор иктисоли сари ривожланиб, шаклланиб ва чукурлашиб, жаҳон цивилизациясига кириб борар экан, накд пулсиз ҳисоб-китобларга ўтиш иктисодий ҳамда маданий тараккиётнинг асосий шарти эканлигини англаш етмоқдалар.

IX БОБ

БАНКЛАРГА ОИД ХУКУКИЙ МУНОСАБАТЛАРДА ХАЛҚАРО ХАМКОРЛИК, РАМОНА ВА ЧЕРТ ЭЛ ИНВЕСТОРЛАРИНИНГ ХУКУКИЙ ФАСИИТИ

1 - §. Банкларга оид хукукий муносабатлар- да халқаро ҳамкорлик

Ватанимиз Конституциясининг 17-моддаси, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Устави ва бошка қатор халқаро хукукий хужжатларда суверен давлатларнинг ҳеч кандай чеклашлароиз ўзаро иктисодий, савдо-сотик, техника-технология, кадрлар тайёрлаш ва бошка муносабатларга киришлари мумкинлиги, бундай ҳамкорлик жаҳон цивилизациясида янти тартиботнинг карор топишига, тинчлик, эркинлик принципларининг мустаҳкамланишига, жаҳон тараққиётининг янада ривожланишига имкон яратиши таъқидлаб ўтилган. Хусусан, 1992 йилнинг 19-21 сентябр кунлари Тошкентда «Халқаро хусусий хукук ва бизнес» мавзусидаги биринчи Ўзбек-Америка анжумани «Туркестанконсульт» иктисодий-хукукий маслаҳат маркази, «Сангзор» Ўзбек-Америка қўшма корхонаси ҳамда Тошкент молия институти, Фанлар академияси, Адлия вазирлиги, ИСТ-ВЭСТ-Иновейшн, ИНК, АҚШ ташкилотчиларининг таклифига кўра ўтказди. Ушбу илмий симпозиумда АҚШнинг Ўзбекистон Республикасидаги элчиси жаноб Генри Лии Кларк, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти миллатлараро корпорациялар ва бошқариш программасининг директори жаноб Эмден Бинесса, ИСТ-ВЭСТ Иновейшн корпорациясининг президенти Ханум Тахмина Рощания, Мерр-Браун-Плат (МПБ) фирмаси Лондон қароргохи директори жаноб Жеффри Гордон, Умумжаҳон банки дастурининг иктисадчиси Ханум Сальвина Ватник, Умумжаҳон банки дастур раҳбари жаноб Клаус Лорч, АҚШ федерал резерв банкининг маслаҳатчиси жаноб Гарри Йоргенсон, Голденгейт университетининг профессори, «Адвонс Май Продивастенс» фирмасининг хукумат ишлари бўйича ди-

ректори жаноб Клиффорд Жерниган, иктисодиётнинг хусусий сектори бўйича мутахассис жаноб Жозеф Седл, Сидор-Синай Госпитал Лос-Анжелес компанияси маслаҳатчиси жаноб Хома Махмуди ва бошқа олимлар, мутахассислар иштирок этишди.

Ўзбекистон томонидан эса Тошкент Молия институтининг ректори, Ўзбекистон Фанлар акаемиясининг академиги М.Шарифхўжаев, Вазирлар Маҳкамасининг эксперт-консультантлар гурухи бошлигининг ўринбосари, юридик фанлари доктори М.Рахмонкулов. Ўзбекистон Фанлар акаемияси фалсафа ва хукук институтининг директори, юридик фанлари доктори, профессор А.Сайдов ва бошқа кўзга кўринган иктисадчилар, хукуқшунослар, молия-банк соҳасидаги олимлар ва мутахассислар иштирок этишди. Олимларнинг, мутахассисларнинг биргаликдаги фаолияти натижасида Ўзбекистон Жаҳон банкига аъзо бўлишига, Ўрта Осиё минтақасига молиявий ёрдам кўрсатувчи Жаҳон банкининг Тошкентдаги ваколатхонаси томонидан 379 миллион доллар микдорда кредит берилиши*, Ватанимизнинг иктисадий ривожланиши учун хизмат қиласди.

Уч кун мобайнида «Бозор иктисадига кириш жараёнида молиявий баркарорлик масаласини хал этишда тармоқларо моделлаштиришнинг имкониятлари, Умумжаҳон дастурининг максади, вазифаси, кандай қилиб Farbий инвестициялар учун кулай шароит ва юридик асос яратиш мумкин», «Иктисадий ислохотни хукукий жиҳатдан тъминланиши», «Бизнесни бошカリшнинг молиявий муаммолари», «Инвестиция фаолиятини хукукий тартибланиши» каби иктисадиётта, молия, банк, кредит, пул муомаласига ҳамда валютага оид хилма-хил маъruzалар атрофлича мухокама этилиб, фикрлар ва таклифлар кўрилиб чикилди.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 21 сентябрда Халкаро тикланиш ва тараккиёт банкига (ХТТБ) аъзо бўлиши, мамлакатимиз вакили АҚШ давлат маҳкамасида банк Низоми билан танишиши, тегишли хужжатларнинг тантанали имзоланиши туфайли юртимизда молия, банк, кимматли қофозлар бозорини шакллантириш, пул-кредит соҳасидаги монетар ва фиксал сиёsatни ривожлантириш, чукурлаштириш бўйича ҳар йили қатор Халкаро симпозиумлар, анжуманлар, семинарлар аматга оширилмоқда. Халкаро тикланиш ва тараккиёт банки — хиссазорлик тамойиллари асосида ташкил топган ва унга аъзо давлатларга кредит берадиган хал-

* «Халқ сўзи» газетаси. 1998 йил 25 июн.

каро уюшма бўлиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг махсус маҳкамаси макомига эга. Унга 1944 йилда Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) билан биргаликда асос солинган эди. Банк 1946 йилдан бошлаб фаолият кўрсатмокда. Шу вактгача унга дунёнинг 170 давлати аъзо бўлган. Ўзбекистон 171-аъзо сифатида қабул килинди. Банкнинг икки тармоғи мавжуд: халқаро тараққиёт уюшмаси ва халқаро молиявий корпорация.

Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки низомига кўра, унга аъзо мамлакатларга, шунингдек, иқтисодиёти заиф давлатларга молиявий мадад беради, турли илмий-амалий тавсиялар таклиф этади. Уларнинг бирортасида иқтисодий қийинчиликлар кескинлашгудек бўлса, халқаро ҳамжамиятнинг ёрдамини уюштиради. АҚШ, Япония, Буюк Британия, Италия, Германия, Франция сингари саноати юксак даражада ривожланган давлатлар банкда етакчи мавқега эга. Чунончи, олтин қазиш саноати ривожланган мамлакатлар ҳам бир қанча устунликларга молик ҳисобланади.

Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкига аъзо бўлиш Ўзбекистон саноатига чет эл сармоясининг кириб келишига, хорижлик ҳамкорларнинг сармоя қўйишига, пул бирлигининг мустаҳкамланишига, янги технологияларнинг тезрок ўзлаштиришига замин яратади. Юқорида санаб ўтилган кенг кўламли жараёнларнинг амалга ошиши учун давлат тузуми демократия конун-коидаларига зид бўлмаслиги шарт. Ўзбекистон Республикасининг Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкидаги бошлангич улуши 140 миллион доллар микдорида белгиланади. Катта микдордаги бу улуш яқин келажакда халқаро обрў-эътибор ва ҳамкорлар ишончи тарзida юртимизга қайтажак.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти уставининг 2-моддаси, 4-бандида таъкидланганидек, БМТнинг барча аъзолари халқаро муносабатларда ҳар қандай давлатнинг худудий дахлсизлиги ёки сиёсий мустақиллигига қарши, шунингдек БМТнинг мақсадларига тўғри келмайдиган бошка бирон тарзда куч билан таҳдид килиш ёки куч ишлатишдан сакланадилар. Дипломатия алоқалари тўғрисидаги 1961 йилги, Консуллик алоқалари тўғрисидаги 1963 йилги Вена Конвенциялари ва бошка қатор халқаро хукукий хужжатларда давлат иммунитетининг таркибий кисми бўлган дипломатия, консуллик ва банк ваколатхоналари ҳамда уларнинг ходимлари иммунитети ва имтиёзларини назарда тутади.

БМТнинг уставига мувоғик, халқаро ташкилотга аъзо бўлган давлатлар ўзининг маъмурий-худудий тузилишининг катта-кичиклигидан қаъти назар тенг иммунитет ва имтиёз-

лардан фойдаланади. Лекин халқаро ташкилотлар иммунитет ва имтиёзлари ҳажми унинг максад ҳамда мажбуриятларига кўра, мазкур ташкилотнинг уставида ва бошқа тавсия хужжатларида белгиланиб кўйилади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг уставига мувофик, ташки иқтисодий алокаларни ташкил этиш шаклларини танлашда ҳар бир суверен давлатнинг эркин эканлиги халқаро иқтисодий муносабатларнинг асосий принципларидан биридир. Ушбу принципларга мувофик равишда 1974 йил 9 декабрдаги БМТ Бош Ассамблеяси XXIX сессияси томонидан қабул килинган давлатларнинг иқтисодий ҳукук ва мажбуриятларига, халқаро иқтисодий ҳамкорлик манфаатларига мос келувчи икки томонлама ёки кўп томонлама шартномалар тузиш мумкинлиги ушбу хужжатнинг 4-моддасида баён этилган.

«Марказий банк тўғрисида»ги Конуннинг 4-моддасида Марказий банк ўз номидан ёки ҳукумат топшириғига кўра, Ўзбекистон Республикаси номидан чет элда жойлашган клиринг муссасалари билан клиринг ҳамда тўлов битимлари, шунингдек ҳар кандай шартнома тузишга ҳактидир, дейилган. Ташки иқтисодий алокаларни ташкил этиш ва уларни ривожлантиришни мустаҳкамлаш максадида 1992 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикасининг «Халқаро валюта фонди, Реконструкциялаш ва ривожланиш халқаро банки, ривожланиш халқаро Ассоциацияси, халқаро Молия корпорацияси, кўп томонлама сармоя ажратишини кафолатловчи агентликка аъзолиги тўғрисида»ги Конуни қабул килиниши мамлакатимиз жаҳон ҳамжамияти таркибига тенг ҳукукли субъект сифатида фаолият кўрсатишига ҳукукий асос солинди.

2-§. Валютани тартибга солишга оид ҳукукий масалалар

Ўзбекистон мустакил давлат сифатида ўзининг ташки алокаларини, биринчи навбатда савдо-сотик, коммуникация, техника, технология ва бошқа иқтисодий алокаларни тобора кенгайтириб боришининг асосий максади чет эл давлатларининг, ҳусусан жаҳонда кенг иқтисодий жихатдан тараккий этган мамлакатларнинг миллий пулларидан, яъни валютасидан кенг фойдаланиш кўзда тутилади.

Мамлакатимизнинг ички хўжалик обороти ва халқаро кредит — хисоб-китоб муносабатларидан валюта опера-

цияларини амалга ошириш принциплари валютани тартибга солиш ва валюта ресурсларини бошқаришда давлат идораларининг ваколатлари, юридик ва жисмоний шахслар хамда хорижий давлатларнинг валюта бойликларига эгалик килиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этишдаги хукуклари ва бурчлари, валютани назорат килиш масалаларини амалга ошириш ва мустаҳкамлаш максадида Олий Мажлис томонидан 1993 йил 7 майда қабул қилинган «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Конун муҳим аҳамиятта эгадир.

Ушбу Конуннинг «Валюта бойликлари»га куйидагилар киради:

- чет эл валютаси;
- чет эл валютасидаги кимматли қоғозлар – фонд бойликлари (акциялар, облигациялар ва бошқалар);
- чет эл валютасидаги тўлов хужжатлари (чеклар, векселлар, аккредитлар ва бошқалар);
- кимматбаҳо металлар – ҳар қандай кўриниш ва ҳолатдаги олтин, кумуш, платина ҳамда платина гурухига кирувчи (палланций, иридий, родий, рутений ва осмий) металлар, шундай металлардан ишланган заргарлик ва бошқа рўзгор буюмлари ҳамда уларнинг парчалари бундан мустасно;
- табиий кимматбаҳо тошлар – сайкал берилган ва сайкал берилмаган шаклдаги олмос, лаъл, зумрад, ёқут ҳамда александрит, шунингдек марварид, шундай тошлардан ишланган заргарлик ва бошқа рўзгор буюмлари ҳамда уларнинг парчалари бундан мустасно.

«Чет эл валютаси» жумласига:

- тегишли ажнабий давлатда муоммада бўлган ва конуний тўлов носитаси хисобланган бенкнот кўричишдаги чет эл пул бирликлари, шунингдек муоммада чиқарилган ёки чиқарилаётган, аммо Ўзбекистон Республикаси пул бирликларига алмаштисилици лозим бўлган чет эл тул бирликлари;
- счёtlарда ва омоматларда бўлган хорижий давлатларнинг пул бирликларидағи ва ҳалқаро хисоб-китоб бирликларидағи маблағлардан иборатdir.

Амалдаги Конун хужжатларига мувоғик, чет эл валютаси иштирокчилари «Резидентлар ва норезидентлар» гурӯхларига бўлинади. «Резидентлар»га Ўзбекистон Республикасида муқим яшаш жойи бўлган, шу жумладан:

- ватанимиз худудидан ташқари турган жисмоний шахслар;

- Ўзбекистон худудида жойлашган бўлиб, Конунларга кўра тузилган ва рўйхатдан ўттан юридик шахслар, шу жумладан чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналар;

- Ўзбекистоннинг иммунитетта ва дипломатия имтиёзларига эга бўлган хориждаги дипломатия, савдо ва бошқа расмий ваколатхоналари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси корхона ва ташкилотларнинг чет элдаги хўжалик ёки бошқа тижорат фаолияти билан шуғулланмайдиган ўзга ваколатхоналари киради.

Чет эл валюта муносабатларини амалга оширишда «Норезидентлар» ҳам кенг иштирок этадилар. Улар жумласига:

- хорижда муким яшаш жойи бўлган, шу жумладан вактинча Ўзбекистонда турган жисмоний шахслар;

- Ўзбекистоннинг ташкарисида жойлашган бўлиб, ажнабий давлатларнинг қонунларига мувофиқ ташкил этилган ва шу қонунлар асосида фаолият кўрсатувчи юридик шахслар, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг корхона ва ташкилотлари иштирокидаги юридик шахслар;

- Ўзбекистон худудида жойлашган бўлиб, иммунитетта ва дипломатия имтиёзларига эга бўлган чет эл дипломатия, савдо ва бошқа расмий ваколатхоналари, халқаро ташкилотлар ва уларнинг филиаллари, шунингдек хўжалик ёки бошқа тижорат фаолияти билан шуғулланмайдиган ўзга ташкилот ва фирмаларнинг ваколатхоналари киради.

«Ўзбекистон Республикасининг валютани тартибга солиш тўгрисида»ги Конуни қоидаларига кўра валюта операциялари:

- валюта бойликларига эга бўлган ва эгалик хукукининг ўтиши билан боғлик операциялар, шу жумладан ташки иқтисодий фаолиятни амалга оширишда чет эл валютасидан, шунингдек Ўзбекистоннинг пул бирлигидан тўлов воситаси сифатида фойдаланиш билан боғлик операциялар;

- валюта бойликларини хориждан Ўзбекистонга олиб кириш ва жўнатиш ёки хорижга олиб чиқиши ёки жўнатиш;

- халқаро кўламда пул ўtkазиш ишларини амалга ошириш.

Валюта бойликлари жорий операциялар ва капиталнинг ҳаракати билан боғлик бўлган операцияларга бўлинади. Жорий валюта операциялар жумласига:

- молларни экспорт ва импорт қилиш, валюта бойликларини олди-сотди бўйича хисоб-китобларни амалга ошириш, интеллектуал мулкка бўлгизн хукукини рўёбга чиқариш билан боғлик хисоб-китоблари, тўлов муддатини кечиктирмаслик шарти билан амалга ошириладиган, заём маблағлари берилиши ёки жалб этилишини назарда тутадиган операциялар;

- банк омонатлари, кредитлари, инвестициялар ва бошқа молия операцияларидан фоизлар, дивидентлар ҳамда ўзга даромадларни хорижга ва хориждан ўтказиш;

- савдо билан боғлик бўлмаган маблағларни, шу жумладан иш хаки, пенсия, алимент, мерос пулларини ўтказиш, шунингдек шунга ўхшаш бошқа операциялар киради.

Ўзбекистон Республикаси ташки мамлакатлар билан иктиносабатларни мустахкамлашга, уларни тобора ривожлантириш, янада шакллантириш ва чукурлаштиришга муҳим аҳамият бермокда. Шунинг учун ҳам Вазирлар Махкамаси томонидан 2000 йилнинг 24 марта «Биржадан ташқари валюта бозорини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарор қабул қилиниши ташки валюта бозорини чукурлаштиришда алоҳида аҳамият касб этмокда. Ушбу хукукий хужжатга мувофик, 2000 йил I апрелдан бошлаб республика корхоналари, ташкилотлари ва муассасалари пулли хизматлар кўрсатилганлиги учун тўлов Ўзбекистон Республикаси норезидентлари бўлган жисмоний шахслардан факат эркин алмаштириладиган валютада үндирилиши кўрсатилган. Мазкур қарор коидаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси норезидентлари бўлган жисмоний шахслар корхоналари, муассасалар ва ташкилотларнинг хизматлари учун тўловни (авиация, темир йўл орқали ташибиши ва халқаро автоташишлар хизматларига ҳақ тўлаш бундан мустасно) ташки иктиносабати фаолият Миллий банки, «Асака» банки ва «Ўзсаноаткурилишбанк»ининг бўлимлари орқали тўлайдилар.

Тўлов норезидент жисмоний шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ваколатли банкларида ёки хорижий банкларда очилган валюта хисоб варакларидан пул ўтказиш йўли билан, шунингдек дебет-кредит пластик карточкалардан фойдаланган холда нақд эркин муомаладаги валютада тўланиши мумкин. Кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тўлаш хисобига кўрсатиб ўтилган банклар муассасасига тушувчи валюта тушумининг 50 фоизи Марказий банкка мажбурий сотилиши, колган 50 фоизи эса — норезидент жисмоний шахсларга пулли хизматлар кўрсатувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг маҳсус валюта хисоб ракамларига ўтказилиши керак. Валюта тушумини мажбурий сотишга тенг сўмни, шунингдек норезидент жисмоний шахсларга пулли хизматлар кўрсатувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ихтиёрида колувчи валютани хисоб-китоб ракамига ўтказиш билан боғлик операциялар банклар томонидан учиш куни мобайнида амалга оширилади.

Мазкур карорнинг тўргинчи банди қоидаларига мувофик, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акционерлик компанияси ва «Ўзавтотранс» корпорацияси томонидан, валюта тушумини ваколатли банкка ҳар куни албатта, инкассация қилган ҳолда норезидент жисмоний шахсларга маҳсус кассалар орқали хизмат кўрсатишнинг мавжуд тартиби саклаб колиниши таъкидланган. Хорижий авиакорхоналарга, уларнинг ваколатхоналарига ҳамда авиаация хизматлари ва улар билан боғлик хизматлар кўрсатиш бўйича агентларга норезидент жисмоний шахсларга ҳалкаро йўловчилар ташувлар бўйича читталарни эркин алмаштириладиган валютага сотиш хукуки берилиши, бунинг учун, валюта тушумини ваколатли банкка ҳар куни, албатта, инкассация қилган ҳолда маҳсус кассалар очилган.

«Капитал ҳаракати билан боғлик валюта операцияри» жумласига эса:

- инвестициялар, шу жумладан қимматли қоғозларни сотиб олиш ва сотиш;
- кредитлар бериш ва олиш, маблағларни жалб этиш ҳамда уларни счёtlар ва омонатларга кўйиш;
- тўловлар амалга ошириладиган ёки эгалик хукуки муайян муддатдан кейин валюта бойликларига ўтадиган молиявий операциялар киради.

Вакил килинган банклар жумласига: Ўзбекистон Республикасининг Ташки иқтисодий фаолият Миллий банки, акциядорлик - тижорат, кооператив ва хусусий банклар, шу жумладан чет эл капитали иштирокидаги банклар, валюта операцияларини ўtkазиш учун Ўзбекистон Марказий банкининг рухсатномасини олган чет эл банклари (филиаллари, ваколатхоналари) киради.

«Марказий банк тўғрисида»ги Конуннинг 40-43-моддаларида валютани тартибга солиш ва ҳалкаро резервларни бошкариш Марказий банк томонидан амалга оширилиши баён этилган. Ушбу конун қоидаларига мувофик, Марказий банк валютани тартибга солиш ва валютани назорат килиш давлат органи хисобланади. Мамлакатимизда чет эл валютасидаги операцияларни амалга оширишда чет эл валютасидаги тўлов хужжатларидан фойдаланиш тартибини Марказий банк Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда белгилайди. Амалдаги, конун хужжатларига асоссан, жисмоний шахс бўлмиш резидентларга Ўзбекистонда иш ҳажи ва бошка рағбатлантириш тўловларини чет эл валютасида тўлаш такиқланади. Валютани тартибга солиш тўғрисидаги

1993 йил 7 май Конунининг 1-моддасининг 4-бандида сабаб ўтилган резидентлар, шунингдек Марказий банк белгилайдиган ҳоллар бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикаси монетар сиёсатининг асосий мақсади ички ва ташки бозорларни кенгайтириш, чет эл валютасининг Ўзбекистон Республикасида кенг жорий этилишини таъминлаш, фукароларнинг ва юридик шахсларнинг чет эл валютасига бўлган эхтиёжини кондиришдан иборатdir. Чет эл валютасини сотиш валюта бозорида амалга оширилади. Хорижий валютанинг Ўзбекистон пул бирлигига нисбатан курсини аниклаш тартиби Марказий банк томонидан белгиланади. Валюта бозоридаги операциялар ваколат берилган банклар оркали чет эл валютасининг мамлакатимиз пул бирлигига нисбатан бўлган талаб ва таклифнинг кундалик эхтиёжи асосида қарор топадиган бозор курси бўйича амалга оширилади.

Резидентлар ўртасида, шунингдек резидентлар ва норезидентлар ўртасида ваколат берилган банкларни четлаб ўтган ҳолда чет эл валютасини сотиб олиш ва сотишга доир битимлар ҳакикий хисобланмаслиги Қонунда баён этилган. «Ички валюта бозорини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга, уни конвертациялаш учун кулагай шарт-шароитлар яратилди. Республика валюта бозорида реализация килинган хорижий валютанинг умумий ҳажми 3,5 миллиард АҚШ долларидан ошиб кетди. Ҳозирги пайтда 27 га ваколатли банк биржа ва биржадан ташкари валюта бозорларида хорижий валюта сотиб олиш ва сотишни амалга оширмокда», деб таъкидлаган эди юргбошимиз.

Ўзбекистон Республикасида валюта бозорининг ҳам эркинлашувини таъминлаш, фукароларнинг валюта омонатларини очишга бўлган, талабларини кондириш, банк хизматларининг халкаро амалиёт талабларига мос замонавий турларини ривожлантириш борасида Ўзбекистон Президентининг «Жисмоний шахсларнинг хорижий валютадаги омонатларини рағбатлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонининг ахамияти каттадир. Ушбу Фармон Ватанимизнинг ташки иқтисодий фаолият Миллий банкига Ўзбекистон резидентлари ва норезидентлари бўлган жисмоний шахсларга мижознинг исм-шарифи сўралмайдиган усулда эркин муомаладаги хорижий валютада хисоб очишга рухсат берилди. Ваколатли банкларга жисмоний шахслар эркин муомаладаги омонат хисоби бўйича операциялар

* И.А.Каримовнинг 1998 йил 25 Февралда Вазирлар Маҳкамасида сўзлаган нутки. «Тошкент оқшоми» газетаси, 1998 йил 27 феврал.

ўтказгани учун омонат хисобидаги валютада воситачилик хаки ундириб олиш хукуки берилган.

Ушбу Фармонга мувофик ваколатли банкларга:

- эркин муомаладаги валюта омонатларини саклаш ва уларни хеч бир шартсиз кайтариб бериш ҳамда омонат хисобидаги валютага кўшиладиган фоизларни тўлаш бўйича тегишли кафолатлар бериш;

- жисмоний шахсларнинг эркин муомаладаги валютада омонатлари бўйича ўзаро фойдали шартлардаги фоиз ставкаларининг янги, ошиб борадиган шаклларини жорий этиш;

- амалдаги қонунчиликка биноан, шахсий омонатлар, улар бўйича амалга ошириладиган операциялар банкда сир сакланишига қатъий риоя килинишини таъминлаш;

- эркин муомаладаги валютада омонатлар очишнинг кулайлиги ва фойдали эканлигини ахолига етказиш мақсадида зарур тушунтириш ишлари ва реклама тадбирларини ўтказиши ташкил этиш тавсия қилинган.

«Жисмоний шахсларнинг хорижий валютадаги омонатларини рағбатлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонда Марказий банк Ташқи иктисадий фаолият Миллий банкининг 1998 йил якунлари бўйича мижознинг исмшарифи сўралмайдиган усулда эркин муомаладаги валютада хисоб очиш ва уларга хизмат кўрсатиш борасидаги тажрибасини умумлаштириб, уни бошқа ваколатли банклар ўртасида оммалаштириш билан бир каторда Республика Прокуратураси, Давлат Солик кўмитаси ва бошқа хукукни муҳофаза қилувчи органлар Конунда белгиланган тартибда резидент ва норезидентларнинг омонатлари ҳамда бу омонатларнинг очилишига олиб келадиган ғайриконуний ахборот олишга уринишларнинг олдини олиш ҳам кўрсатилган.

Валютани тартибга солиш ҳамда валюта ресурсларини бошкаришда молия ва банк тизимида Молия вазирлиги валюта молия сиёсатининг асосий принципларини шакллантиришда иштирок этади. Республика тўлов балансини, республика валюта фонди, валюта маблағлари киrimi ва чиқимининг истиқболига оид таҳминларини ишлаб чиқади, валюта бойликларининг оқилона тақсимланишини таъминлайди ҳамда улардан самарали ва мақсадга мувофик фойдаланиши устидан назорат килади, шунингдек хукумат топшириғига биноан Ўзбекистон Республикасининг олтин, валюта захираларини бошқаради. Шунинг учун ҳам Молия вазирлигининг валюта муносабатлари соҳасидаги ваколат вазифалари муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимизнинг пул, кредит, касса, хисоб-китоб ҳамда валюта муносабатига

оид иктисодий операцияларни амалга ошириш түғрисида-
ги Конун хужжатларига мувофик, Марказий банк давлат
органи бўлиб, у ўз ваколатлари доирасида:

— Ўзбекистон худудида барча шахслар учун ижро этиш
мажбурий бўлган валютани назорат килишга доир норма-
тив хужжатлар чикариш;

— банклар, бошка юридик ва жисмоний шахсларга чет
эл валютасида операциялар ўтказиш учун лицензиялар бе-
риш ва лицензияларни кайтариб олиш, уларнинг фаолия-
тини назорат килиш ва тартибга солиб бериш;

— банклар учун очиқ валюта мавқеи лимитларини ва
бошка иктиносий нормативларни белгилаш;

— миллий валютанинг чет эл валютасига нисбатан курсини
аниклаш тартибини белгилаш;

— халкаро резервларни тасарруф этиш ва бошқариш;

— ўз номидан ёки хукумат топшириғига кўра Ўзбекис-
тон Республикаси номидан чет элда жойлашган клиринг
муассасалари билан клиринг хамда тўлов битимлари, шу-
нингдек ҳар кандай шартномалар тузиш;

— ўзининг баланс хисоб варакларида Ўзбекистон Респу-
бликасининг халкаро резервларини шакллантириш;

— валюта ресурсларини шакллантириш ва ўз балансида
бўлган валюта ресурсларини, накд чет эл валютасини, ол-
тин ва бошка кимматбаҳо металларни, олтин-валюта захи-
раларини бошқариш;

— чет эл банкларида, халкаро молия ташкилотларида
хисоб вараклар ва депозитларда бўлган чет эл валютаси
колдикларини аниклаш;

— чет эл хукуматлари, банкларида халкаро молия таш-
килотлари чиқарган ёки кафолатланган чет эл валютаси-
даги кимматли қоғозларни олиш;

— Ўзбекистон Республикасининг монетар хамда валю-
та сиёсатини амалга ошириш учун, шунингдек халкаро опе-
рациялар бўйича хисоб-китобларни таъминлаш учун етар-
ли бўлган даражада халкаро резервлар саклаб туриш бора-
сида иш тутади.

Фақат 1998 йилнинг биринчи ярим йиллигига ташки
савдо оборотининг сальдо қолдиги ижобий бўлиб, у 200 млн.
АҚШ долларидан ортди. Айни вактда олтин-валюта захи-
раларимиз сакланиб қолди. Мамлакатнинг тўлов баланси
мустахкамланди*.

* И.А.Каримов. Халк фаровонлиги — фаолият мезони. «Тошкент оқ-
шоми» газетаси, 1998 йил 24 июл.

Мустакилликнинг афзалиги шундаки, яъни хорижий валютадаги фуқароларнинг мулкий эркинлиги ва ундан фойдаланиш, уни тасарруф этиш давлат томонидан химоя этилади. Собиқ СССРнинг тоталитар - буйрукбозлик даврида одамлар чет эл валютасини кўришга зор эди. Хорижий валютадан фойдаланган фуқаролар жиной жазога тортиларди.

Давлат статистик маълумотлари шу нарсани кўрсатади - ки, яъни хом ашё ресурслари қайта ишлашни чуқурлашириш, экспорт товарларини кўпайтиришга алоҳида эътибор берилаяпти. Агар 1991 йилда 677 млн. долларни ташкил этган бўлса, 1993 йилнинг охирига келиб, экспорт ҳажми салкам бир ярим миллиард долларни ташкил этди*.

3-§. Чет эл инвесторларининг хукукий фаолияти

Бозор иқтисоди шароитида тўла хўжалик асосида товар-пул муносабатларини бошқарилиши ижтимоий зарурний меҳнат сарфи шаклланишининг режа механизмини тақозо қилади. Унинг моҳияти банклар билан корхоналар, ташкилотлар, концернлар ўртасидаги хисоб-китоб ва касса операциясини демократик принципларга асосан бажарилишини таъминлайди. Бундай демократик принциплар асосида Ўзбекистон худудидаги банкларнинг хисоб-китоб ва касса операциялари «Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 14 июнда қабул қилган Конунига ва шу Конунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳакидаги 1992 йил 2 июл Конунига мувофиқ амалга оширилади. Мазкур Конуннинг 3-моддасига кўра корхоналар, банклар, суғурта компаниялари мустакил равишда ёки юридик ва жисмоний шахслар иштироқида мулкий хукуларини, шу жумладан ёрдам ва табиий ресурслардан фойдаланиш, шунингдек ижара асосида фойдаланиш хукуларини сотиб олиш йўли билан инвестицияларни амалга ошириш мумкин, дейилган.

Чет эл инвесторларининг мулк билан боғлиқ хўжалик олиб бориш фаолияти давлатнинг хукукий химояси билан таъминланиши «Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Конуннинг 3-моддасида баён этилган. Яъни унда «Чет эл инвестицияларининг хукукий хола-

* «Иқтисод ва хисобот» журнали, 1993 йил, № 11.

ти Ўзбекистон Республикасида шунга ўхшаш корхоналар, ташкилотлар ва фуқаролар учун белгиланган тегишли ҳолатга қараганда нокулай бўлиши мумкин эмас», дейилган. Бозор муносабатларининг шаклланиши, давлатга тегишли мулкий объектларнинг босқичма-босқич хусусийлаштирилиши, иқтисодий ислоҳотларнинг давлат раҳбарлигига амалга оширилиши, чет эл инвестицияларининг тобора кўпайиши «Ўзбекистон Республикасида чет эл инвесторлари тўғрисида»ги Конуни 1993 йилнинг охирига келиб, замон талабларига жавоб беролмай қолиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ушбу Конуннинг ўрнига янги, яъни «Чет эл инвестициялари ва чет эллик инвесторлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Конунни амалга киритди.

Мазкур конун Ўзбекистон худудида чет эл инвестицияларини амалга оширилишини хуқукий, ташкилий-иктисодий асосларини ҳамда тартибини белгилаб беради. Шунингдек чет эллик инвесторлар самарали фаолият юритишининг кафолатларини таъминлаш кўзда тутилган. Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожлантириш, унинг жаҳон иқтисодий тизимига қўшилишига кўмаклашиш мақсадида чет эллинг молиявий, моддий, интеллектуал ва бошка ресурсларини, хорижнинг замонавий технологияси ва бошкарув соҳасидаги тажрибасини жалб этишга ва улардан омилкорлик билан фойдаланишга қаратилгандир.

Ўзбекистон Республикасида чет эллик инвесторлар:

- хорижий давлат, ажнабий юридик шахслар, халқаро ташкилотлар, банклар, ажнабий фуқаролар, фуқароларнинг уюшмалари, фуқаролиги бўлмаган шахслар;
- чет элда доимий яшайдиган Ўзбекистон фуқаролари ҳам чет эллик инвесторлар бўлишлари мумкин.

Чет эллик инвесторлар фойда (даромад) олиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти ва бошка турдаги фаолият объектларига қўшаётган мулкий бойликларининг ва уларга нисбатан хукукларнинг, шунингдек банк хизматлари ҳамда интеллектуал мулкка нисбатан хукукларнинг барча турлари чет эл инвестициялари ҳисобланади.

Чет эл инвестицияларининг амалга ошириш шакллари Ўзбекистон худудида:

- Ўзбекистоннинг юридик ва жисмоний шахслари билан биргаликда барпо этилган хўжалик жамиятлари ва ширкатларида, банклар, сугурта ташкилотлари ва бошка корхоналарда улуш қўшиб қатнашиш;

— бутунлай инвесторларга карашли бўлган хўжалик жамиятлари ва ширкатлари, банклар, сурурта ташкилотлари ва бошқа корхоналарни ташкил қилиш;

— мол-мулҳ, акциялар ва бошқа кимматли қоғозлар сотиб олиш бўлиши мумкин.

Мустакил равишда ёки юридик ва жисмоний шахслар иштирокида мулкий ҳуқуқлаони, шу жумладан ерга (хусусан, ижара асосида) ва табиий ресурсларга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқларини эгаллаш йўли билан инвестицияларни амалга оширишлари мумкин. Ўзбекистон ҳудудида чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар деганда акциялар (улушлар, пайлар) ёки устав фондинг камидаги 10 фоизини хорижий инвестицияларя таџикистондаги корхоналар тушунилади. Улар Ўзбекистон Конунларига зид келмайдиган ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклларда амал қиласди. Агар республиканинг ҳалқаро шартномалари ёки битимларида чет эл инвестициялари тўғрисидаги Ўзбекистон Конунларидагидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, ҳалқаро шартноманинг ёки битимнинг қоидалари кўлланилади. Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона Молия вазирлигига рўйхатдан ўтмоғи лозим ва рўйхатга олинган дақиқадан бошлаб, юридик шахс ҳуқуқига эга бўлиш билан ўз фаолиятини амалга ошириш мумкин. Иктисодий нуфузли тармокларга йўлланадиган чет эл инвестициялари учун Вазирлар Махкамаси томонидан кўчимча имтиёзлар белгилаши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конунларига мувофик, лицензия олиш, керак бўлган фаолият турлари билан шуғулланиш учун чет эллик инвесторлар Вазирлар Махкамаси белгилаб берадиган тартибда лицензия олиши шарт қилиб кўйилган. Амалдаги чет эл инвестициялари тўғрисидаги Конунларга асосан давлат идоралари ва уларнинг мансабдор шахслари чет эллик инвесторларнинг Ўзбекистон Республикасида амалга ошираётган хўжалик фаолиятига аралашшига хакли эмас.

Республика ҳудудидаги норматив актларига кўра, хорижий инвесторларга уларнинг конуний фаолият натижасида олган фойдаси ва бошқа пулларнинг чет элга ўтказилиши давлат томонидан кафолатланиши зарур ва конуний холатdir. Уларнинг Ўзбекистон Республикасида олган фойдаси республика ҳудудида такрор инвестиция қилиниши ёки мулк эгасининг ихтиёрига кўра ўзгача фойдаланиши мумкин. Инвесторлар республика банкларида исталган валютада юритиладиган хисоб ракамларига ҳеч қандай чекланишсиз эга бўлишлари мумкин.

«Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Конун ва чет эл инвестициялари ҳақидаги қонуний актларга кўра, пул ёки мулк субъектлари сифатида бир ёки бир нечта чет эл инвесторлари Ўзбекистон худудида чет эл корхонасини очиши мумкин. Очилган қўшма ёки шахсий корхоналар ушбу Конунлар талабларига риоя этган ҳолда хўжалик фаолиятини амалга ошириши кўзда тутилган.

Ўзбекистон мустакил давлат сифатида ҳалкаро шартномаларга риоя қилиш ва жаҳон демократик принципларини кўллаб-куватлаб, республика худудида чет эл инвестиляри иштирокидаги корхона ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни лицензиясиз (руҳсатномасиз) экспорт қилишга ва ўзининг ишлаб чиқариш эҳтиёжлари ҳамда ички бозорда реализация қилиш учун маҳсулотни импорт қилишга ҳаклидир. Ўзи ишлаб чиқарган экспортта етказиб бериладиган маҳсулотни ҳамда ўзининг эҳтиёжлари учун корхона томонидан импорт қилинадиган маҳсулотни аниклаш тартибини, товар яратилишини жаҳон амалиётига хос қоидлари асосида белгилаб бериши мумкин. Чет эллик инвесторлар республика худудида очган корхонаси ишлаб чиқарган маҳсулотларини сотиш ва бу маҳсулотдан олинган фойдани сўм ёки валюта асосида республика банкларида саклаш ва пул, валюта ҳисобкитоб операцияларида республика корхоналари, фирмалари ва ташкилотлари билан бир хил хукукларда фойдаланадилар. Соликларга доир конунларда назарда тутилган имтиёзлардан ташкири уларга Вазирлар Махкамаси солик соҳасида кўшимча имтиёзлар бериши ҳам мумкин.

Чет эллик инвесторларнинг республика худудида корхона очиб ёки қўшма корхонада хукукий (юридик) шахс ташкил этиш йўли билан маҳсулот ишлаб чиқарган ҳолда олинган фойдани янги юридик шахс оладиган иш ҳақи ва қонуний тартибда топилган бошқа даромадларни чет эл банкларига ўтказишлари ҳамда республика банкларида исталган валютадаги ҳисоб ракамларига, касса операцияларига ҳеч қандай чекланишсиз юритишлари кўзда тутилади. Чет эллик инвестор қўшма корхонадан бутунлай чикканда ёки бу корхона тутатилган такдирда корхона мол-мулкидаги ўз улушини бозор қийматига мувофик пул ёки товар шаклида кайтариб олиш хукуқига эга бўлади. Бунда бошқа катнашчиларга қўшма корхонадан чиқаётган ажнабий катнашчиларнинг улушкини сотиб олиш хукуки берилади.

Чет эллик инвесторлар билан давлат органлари ўртасидаги низолар, агар Ўзбекистоннинг ҳалкаро шартномалари ва битимларида бошкacha тартиб назарда тутилмаган бўлса, маҳаллий судларда кўрилиши лозим. Чет эллик инвестор-

дар ва инвестициялар иштирокидаги корхоналар билан Ўзбекистон корхоналари, жамоат бирлашмалари ҳамда бошқа юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги, инвесторлар билан чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар ўртасидаги уларнинг фаолияти билан боғлиқ масалаларга доир низолар Ўзбекистон Хўжалик судларида, шунингдек томонларнинг келишувига мувофиқ, ҳакамлар ва холислар текшируви тартибида чет элда караб чиқилиши кераклиги қонунда баён этилган. Чет эллик инвесторлар учун бундай демократик шароитларнинг вужудга келтирилиши уларнинг янада кўпроқ кириб келишига ҳукукий асос ва имкониятлар яратилди. Ҳозирги вактда республикада мева-сабзавот маҳсулотлари, узум, пилла, кора кўл тери, мато, пайпок, адёл, гилам маҳсулотлари ва табиий бойликларни шериклик йўли билан ўзлаштириш соҳасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш учун шу кунларда дунёнинг 80 мамлакати сармоядорлари иштирокида тузилган 3200 дан ортик кўшма корхона рўйхатга олинган*.

Юқорида баён этилган ўзаро манфаатли ҳамкорликка асосан Бухоро, Андижон, Тошкент ва Фарғона шаҳарларида тўртта йирик тўқимачилик комбинатининг ишга туширилиши, фосфоритларнинг хўжалик оборотига жалб этилишини таъминлаш, 5 та ош тузи конини ишга тушириш, Ўзбекистон-Жанубий Корея ўртасидаги «Асака» банки, 30 дан ортик ип йигириув - тўкув фабрикаси, қиймати 220 млн. АҚШ долларига тенг бўлган «Зарафшон-Ньюмонт» Ўзбекистон-Америка Мурунтов кони ағдармаларининг минераллашган ўюмидан олтин ажратиб олиш заводи курилиши 1993 йил октябрдан бошлаб ва бор-йўғи 18 ойда, яъни 1995 йилнинг майида олтиннинг биринчи туркумини ишлаб чикарди. Хорижий инвестицияни бевосита жалб этиш туфайли чет давлатлар билан 57 лойиха бўйича иш бошланган бўлса, шунинг 23 таси 1997 йилда инвестиция ва кредитлар хисобидан амалга оширилди. 1998 йилда эса 25 та лойиха бўйича иш нихоясига етказилди**.

1998 йилда чет эллик сармоялар етказиб беришни жадаллаштириш йўли билан 270 млрд. сўмдан ортик капитал маблағ ўзлаштирилди, яъни 1996 йилга нисбатан 17 фоиз ўсди. Инвестициялашнинг бундай юксак суръати кейинги

* И.А. Каримов. Баркарор тараккиётта эришиш – устувор вазифа. «Тошкент оқшоми» газетаси, 1998 йил 27 феврал.

** И.А. Каримов. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, баркарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари». Т., «Ўзбекистон» 1997, 244-246-бетлар.

Үн йилда деярлик кузатылган эмас. Европадаги иқтисоди ривожланган Германия, Франция, Италия каби II давлатда амалга киритилган «Евро» Ўзбекистон ривожланиши учун катта ахамиятта эгадир. «Евро» жорий этилишининг асосий сабаби АҚШ долларининг жаҳон бозоридаги хукмронлигини пасайтиришга қаратылғандир.

X БОБ

ХИСОБ-КИТОБГА ОИД МУНОСАБАТЛАР

1 - §. Хисоб-китобга оид хукукий муносабатлар тушунчаси ва аҳамияти

Хўжалик юритувчи жисмоний ва юридик шахслар иктиносидан келиб чиқадиган хисоб-китоб муносабатларини банк хукукига оид, чунончи, тулларни банкларга ўтказишдан, хизматлар кўрсатишлардан, кредитлар олишдан ва валюта операцияларини бажариш каби катор хукук ва мажбуриятларни ўз ичига олади. Яъни, бу шундай киммат белгисига эга бўлган мажбуриятдирки, бунга асосан бир томон ҳақ тўловчи, маълум микдордаги суммани, олинган маҳсулот, бажарилган иш, кўрсатилган хизмат ва бошқалар учун иккинчи томонга — ҳақ олувчига кредит ташкилотлари орқали тўлаш мажбуриятини олади.

Банклараро, улар билан юридик ёки жисмоний шахслар ўртасида бўладиган хисоб-китоб мажбуриятлари кўп жиҳатдан хилма-хил хукукий фактлар билан ёки шартномалар билан боғлиkdir. Бундай мажбуриятларга: маҳсулот етказиб бериш, капитал курилиш килиш, юк ташини, мулкни ижарага бериш ёки саклаб бериш каби ишлар, хизматлар юзасидан бир қанча шартномалар тузилишида давлатлараро, чет эл юридик жисмоний шахслари билан Ўзбекистон Республикаси худудидаги корхоналар, ташкилотлар, фирмалар, концернлар, дехкон хўжаликлари, бирлашмалари ва бошка муассасалар ўртасидаги банклар орқали бўладиган хисоб-китоб муносабатлари катта аҳамиятга эгадир. Хисоб-китоб муносабатлари факатгина банклараро ёки банклар билан юридик ёки жисмоний шахслар ўртасидагина бўлмасдан балки, бригадалараро, бўлимлараро, цехлараро, университетларнинг, институтларнинг факультетлараро бўладиган ижтимоий-иктисодий муносабатларини ҳам ўз ичига олади.

Аксарият холларда хисоб-китобга оил хукукий муносабатлар пул мажбуриятлари шаклида вўжудга келади. Пул мажбуриятлари деб шундай хукукий муносабатларга айтиладики, бунга асосан бир тараф қарздор, бошка бир тараф —

кредитор фойдасига маълум пул суммасини тўлашга мажбур бўлади, кредитор эса қарздорлардан мазкур мажбуриятнинг ижро этилишини талаб қилишга ҳакли бўлади. Банк ҳукукига оид хисоб-китоблар деб шартномадан ёки бошка ҳукукий хужжатлардан келиб чиккан пул мажбуриятини тўлашга қаратилган ҳаракатга айтилади. Бундай пул мажбуриятларини, чунончи, бир нарса сотиб олган ёки бирон бир товарни буортма килинган ёхуд мулкни ижарага олган юридик ёки жисмоний шахснинг маълум муддатда пул кўришида мажбуриятни бажаришига айтилади. Амалдаги Конунларга кўра, хисоб-китобга оид ҳукукий фаолиятлар асосан давлат банклари, тижорат банклари ва хусусий банклар томонидан амалга оширилади. Марказий банк хисоб-китобга оид операцияларни бажарища корхона, ташкилот, муассаса ва дехкон хўжаликларининг молия ҳамда шартномага оид интизомларига риоя қилишлари устидан назорат ишларини олиб боришлари лозим.

Бозор иктисади шароитида хўжалик юритишининг янги механизмини, яъни хўжалик юритувчи субъектларга тўғридан-тўғри хўжалик хисобига ўтиш ва ўзини маблағ билан тъминлаш, уларнинг хўжалик фаолиятидаги мулкий мустақиллигини давлат томонидан ҳимоялаш, хўжалик юритувчи субъектлар билан банклар ўргасидаги ташаббускорлик, ҳамкорлик принципларига катъий риоя килиш, банкларда бухгалтерия хисоби юритиш ва хисобот коидалари Марказий банк томонидан Ўзбекистон Конун хужжатлари ва ҳалқаро стандартларга мувофик амалга оширилиши, бухгалтерия хисоби юритиш ва хисобот коидалари бузилганилиги учун банк раҳбарлари конун хужжатларига мувофик жавобгарликка тортилиши “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Конуннинг 41-моддасида ҳамда “Бухгалтерия хисоби тўғрисида”ги Конуннинг 24-моддасида баён этилган.

Бухгалтерия хисобини ташкил этишда асосий ва жорий активлар, мажбуриятлар, хусусий капитал, захиралар, даромадлар ва харажатлар, фойда, заарлар ҳамда уларнинг ҳаракати билан боғлиқ хўжалик операциялари бухгалтерия хисобининг обьектлариидир. Бухгалтерия хисобининг обьектлари жамлама хисоб варакларида акс этирилади. Тахлилий хисобни юритиш тартиби бухгалтерия хисоби субъекти томонидан мустақил равишда белгиланади. “Бухгалтерия хисоби тўғрисида”ги Конуннинг 5-моддасига кўра, мамлакатимиз худудида бухгалтерия хисоби ва хисоботини тартибга солиш, бухгалтерия хисоби стандартларини ишлаб чикиш ва тасдиқлаш Молия вазирлиги зиммасига юкланди. Амалдаги конун коидаларига мувофик пул, товар, мод-

дий ва бошқа бойликларни қабул килиш ва бериш учун асос бўлиб хизмат қиладиган ҳужжатлар, корхона, муассаса ва ташкилотнинг кредит ва ҳисоб-китоб мажбуриятлари, шунингдек бухгалтерия ҳисботлари ва баланслари раҳбар ёки у белгилайдиган шахслар томонидан имзоланади. Раҳбар имзолаш хукукига эга бўлган шахсларнинг икки рўйхатини тасдиқлайди. Биринчи рўйхатга раҳбарлик вазифалини амалга оширувчи шахслар, иккинчисига эса бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ишларга маъсул шахслар киради.

Ҳўжалик юритувчи субъектларнинг йиллик молиявий ҳисботи манфаатдор банклар, биржалар, инвесторлар, кредиторлар ва бошқалар учун ошкоралик принциплари асосида амалга оширилади. Марказий банк банкларга, банклараро тўловларга ҳисоб-китоб — клиринг хизматини, шу жумладан чеклар ва бошқа тўлов ҳужжатлари орқали ҳак тўлашни ташкил этишда ёрдам кўрсатиш, шундай операцияларни ўтказиш тартибини ўз ихтиёрига кўра белгилаш ва тегишли кўрсатмалар беришга ҳаклидир.

2-§. Ҳисоб-китоб шакллари

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонуний ҳужжатларига мувофик, ҳисоб-китоб счёти шартномасининг иштирокчилари бир томондан банк муассасалари ва иккичи томондан ҳўжалик ҳисобида ишлайдиган юридик ва хуссий (жисмоний) шахслар, ўзларига бириктирилган асосий оборот маблағлари ҳамда мустакил баланси бўлган давлат ташкилотлари, муассасалари ёки кўшма, чет эл юридик ёки жисмоний шахслар бўлиши мумкин. Ҳисоб-китоб счёти шартномаси бўйича тарафлар ўртасида бир хил хукуқ ва мажбуриятларга эга бўлади. Чунончи, мижоз бўлиб ҳисобланган ҳўжалик ташкилотлари ёки жисмоний шахсларнинг мажбуриятлари: биринчидан, ўзининг пул маблағларини банкдаги счётига қўйиш ва саклашдан; иккинчидан, бошқа юридик ёки жисмоний шахслар билан бўладиган ҳисоб-китобларни банк орқали юргизишдан; учинчидан, банк томонидан белгиланган кредит ва ҳисоб-китобга оид коилаларга риоя қилишдан иборат бўлса, банк мажбуриятларига эса:

- а) мижознинг ўзидан, шунингдек, унинг контрагентларидан тушган пул маблағларини счётга ўтказишдан;
- б) мижоз томонидан тўланиши лозим бўлган пулларни счёт ҳисобидан тўлашлардан;

в) мижознинг талаби бўйича счёт ҳисобидан накд пул беришдан;

г) счётдаги пул маблағларини факат унинг эгаси розилиги билан тўлашдан ва мижознинг розилигини олмасдан туриб, кредит муассасаларидаги счётлардан пул маблағларининг факат Қонунда назарда тутилган ҳоллардагина олиниши мумкин.

“Бухгалтерия тўғрисида”ги Қонуннинг 10-14-моддаларида кўрсатилганидек, юридик, жисмоний шахслар ўртасидаги мажбуриятлар юзасидан тўловлар мазкур қонунга мувофиқ, ўз пул маблағларини саклайдиган кредит муассасалари орқали накд пулсиз ҳисоб-китоб тартибида амалга оширилади. Ҳисоб-китоб тартиби ва шакллари мамлакатимизнинг хукукий хужжатлари билан белгиланади.

Жорий счёт шартномаси бўйича бир тараф мижоз (юридик ёки жисмоний шахс, хўжалик ҳисоби асосида иш олиб бормайдиган ташкилот) пул маблағларини банкда саклашта ва мазкур кредит муассасаси орқали ўз ҳисоб-китобини юргизишга мажбур бўлади. Иккинчи тараф банк муассасаси эса, мижоз счётига тушган пулнинг ҳисобини олиб боришига ва умумий коида бўйича унинг розилигини ёки буругига мувофиқ счёт ҳисобидан пул тўлашга ҳамда сакланётган пуллар юзасидан белгиланган ва шартномага кўра, унга фоизлар тўлашга мажбур бўлган.

Мамлакатимизнинг амалдаги Қонунларига кўра, юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги ҳисоб-китоблар куйидагича белгилар билан амалга оширилади:

— пул тўлаш билан бўғлиқ бўлган мажбуриятлар банк муассасалари орқали ижро этилиши;

— бундай мажбуриятларнинг хукукий хусусияти шундан иборатки, асосан накд пулсиз ҳисоб-китоб килишидир. Факат республика қонунлари билан белгиланган ҳолларда ва доирадагина накд пул билан ҳисоблашишга йўл кўйилади;

— ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун мижозлар кредит муассасаларидаги ҳисоб-китоб счётларида сакланадиган пул маблағларини, бу маблағлар қандай мақсадга мўлжалланган бўлса, шу мақсадга, яъни мулкдорнинг ихтиёрига мувофиқ тасарруф қиласидар;

— ҳисоб-китоб банк муассасаси томонидан юридик ёки жисмоний шахс счётидан пул маблағларининг кўчирилиш йўли билан амалга оширилади;

— пул, кредит, валюта ва бошка иктисодий мажбуриятлар ва уларнинг ижро этилиши тегишли шартномага, буортма ёки бошка хукукий фактга асосланган бўлиши лозим;

— банк муассасаси мажбуриятларининг тўланиш асосларини, маблағларнинг тўғри сарфланишини, пул тўлаш ва шартнома шартларига риоя килинишини текширади ва молия интизомини бузувчи мижозларга нисбатан хисоб-китоб ва кредитга оид мажбурий санкцияларни қўллади.

Юридик, жисмоний шахслар ўртасида олиб бориладиган хисоб-китоблар шакллари хусусида шу нарсани айтиб ўтиш керакки, етказиб берилган маҳсулотлар, товарлар, кўрсатилган хизматлар, бажарилган турли-туман ва бошқа банк операциялари юзасидан накд пулсиз хисоб-китоблар амалдаги Конунлар билан белгиланган тартибда тубандаги шаклларда: акцепт, ўзаро талабларни хисобга ўтказиш, аккредитивлар, тўлов топшириклари (переводлар) алоқа ташкилотлари орқали пул маблағларининг кўчирилиши, режали тўловлар, чеклар билан хисоб-китоб килиш амалга оширилади. Хисоб-китобнинг бирон-бир шаклини қўлланishi тарафлар ўртасида тузилган шартномага асосан, яъни уларнинг ўзаро келишуви билан белгиланади. Баъзи ҳолларда қўлланishi лозим бўлган хисоб-китоб шакли Конун билан белгиланиши ҳам мумкин. Хисоб-китоблар бир шаҳар ичida, шунингдек, шахарлараро бўлиши мумкин.

1. Ўзаро хисоб-китобларнинг акцепт формаси деб юридик шахсларнинг бир-бирларига етказиб берган товар бойликлари, кўрсатган хизматлари, бажарган ишлари учун килинадиган хисоб-китоб шаклидир. Хисоб-китобнинг акцепт шаклидан таъминловчи юридик шахс товар жўнатиш билан биргаликда тўлов талабномасини ёзиб, уни ўзига хизмат киладиган банк муассасасининг инкассациясига топширади. Бу талабномалар пул тўловчи юридик шахснинг розилиги (акцепт килиши) билан унинг банкдаги хисоб-китоб счётидан тўланади.

Буюртмачининг пул тўлашга (акцепт) розилик билдириши икки хил, яъни салбий ва ижобий шаклларда бўлиши лозим. Агар буюртмачи (пул тўловчи) счётни — тўлов талабномасини олтанидан сўнг шахарлараро уч иш куни, бир шахарнинг ўзидан икки иш куни давомида индамаси — пул тўлашга рози бўлганлиги фараз қилиниб, салбий акцепт дейилади. Пул тўлашга розилик билдириш тўғрисида ги ёзма равишда билдирган хабари ижобий акцепт учун пул тўловчининг барча ҳолларда розилигини билдиради. Жумладан, кишлоқ оксоколининг номига келган тўлов талабномаси бўйича пул тўлаш учун, албатта, ижобий акцепт бўлиши шарт қилиб белгиланган.

Хисоб-китобнинг акцепт шакли дастлабки ва кейинги тартибда талабномаларга бўлиниши мумкин. Дастлабки ак-

цепт тўғрисидаги ҳисоб-китобда агар буюртмачи ўзига хизмат килаётган банкка шаҳарлараро ҳисоб-китоб бўйича счётини акцептлашдан тўла ёки қисман воз кечганилиги тўғрисида уч иш куни давомида бир шаҳарнинг ўзида эса ҳисоб-китоблар – икки иш куни ичида хабар қилмаса, талабномани банк олган кундан бошлаб, у акцептланган деб ҳисобланади ва счёт ҳисобидан керакли суммалар акцепт куни тугандан сўнг кейинги кундан олинади.

Ҳисоб-китобнинг кейинги акцепт тартибидаги талабномалар юзасидан керакли ҳақ уни тўловчига хизмат кўрсатувчи банк муассасасига келиши биланок тўланишига айтилади. Шу нарсани айтиб ўтиш керакки, карздор талабномаларни акцептлашдан шаҳарлараро уч иш куни, бир шаҳарда эса икки иш куни ичида асосли воз кечиши хусусидаги ариза амалдаги конуний ҳужжатларга кўра ҳақли бўлали. Агар тўловчи томонидан бундай ариза берилмаса, рози эканлиги ҳисобга олинади ва кейинги акцепт бўлган ҳисобланади.

Амалдаги қонунларга кўра карзлар (ҳақ тўловчи) қўйидаги ҳолларда талабноманинг акцептлашдан бутунлай бош тортиш хукукига эгадир:

- маҳсулот ёки товар тегишли манзилгоҳга тайинланниши бўйича юборилмаганида;
- маҳсулотлар (товарлар) буюртмачининг (харидорнинг) розилигисиз муддатдан аввал етказиб берилганида;
- етказиб берилган маҳсулотнинг (товарнинг) барчasi сифатсиз, комплектсиз, стандарт техника шартларига зид бўлганида;
- буюртма қилинмаган маҳсулотлар, товарлар ёки шартномада назарда тутилмаган хизматлар учун талабнома юборилганида;
- ишгари қисман тўланган товар ёки хизмат учун яна кайта талабнома такдим этилса;
- талабномага юборилган товар қийматига буюртмачига (харидорга) юборилмаган ва топширилмаган товар қиймати қўшиб қўйилган бўлса, ҳақ тўловчи юридик шахс талабноманинг акцептлашдан (тасдиқлашдан) бутунлай ёки қисман воз кечишга ҳақлидир.

Акцептдан тўла ёки қисман воз кечиш амалдаги хукукий ҳужжатларга кўра тартибга солинади.

2. Акцептлашдан асосиз бош тортишга йўл қўйилмайди. Бунда барча низомлар сул ёки ҳўжалик судида батафсил кўрилиб ҳал этилиши лозим.

3. Ҳўжаликлар ўртасида ўзаро талабларни ҳисобга ўтказишга асосланган ҳисоб-китоблар ҳозирги бозор иқтисо-

дий шароитида алохида ахамиятга эгадир. Хўжаликлар ўртасидаги хисоб-китобнинг вактида бўлишини таъминлаш ва маблағлар айланишини тезлаштириш мақсадида банк муассасаси хўжалик органларининг ўзаро талабларини хисобга ўтказишга асосланган хисоб-китобни амалга оширади.

Хисоб-китобнинг ўзаро талабларни хисобга ўтказиш шакли, яъни счёт катнашчиларига нисбатан биринчи навбатда кондириладиган талаблар бўлиш бўлмаслигидан катъи назар амалга оширилади. Ўзаро талабларни хисобга ўтказишга асосланган хисоб-китоб шакли тегишли равишда қилинган хизматлар, мажбуриятни бажариш ёки мажбуриятнинг хисобга ўтказиш йўли билан бекор бўлиши каби муносабатлар “Бухгалтерия тўғрисида”ги Конунда назарда тутилган шартлар, яъни хисобга ўтказиш учун бир томоннинг арзи кифоя килади.

Юридик шахслар ўртасидаги хўжалик муносабатларида ўзаро талабларни хисобга ўтказишга асосланган хисоб-китоблар доимий ва бир мартали хисобга ўтказиш йўли билан амалга оширилиши мумкин. Доимо харакатда бўладиган ўзаро хисоб-китоблар жумласига хўжалик ташкилотларининг хисоб-китоб счётлари бўлган банкларда ўзаро талабларни марказлаштирилган тартибда хисобга ўтказишлари киради.

Амалдаги хукукий хужжатларга кўра, тарафлар (хукукий шахслар) ўртасида тузилган шартномага мувофик, амалга ошириладиган хисоб-китоб шакли бўйича, буюргачи (кредитор) белгиланган муддатларда, белгиланган пул суммасини, келишилган шартлар асосида, келишувда кўрсатилган банк муассасаси оркали маҳсулот (товар) етказиб берувчи юридик шахснинг хисоб-китоб счётига ўтказади. Пулнинг борлигига ишонган пудратчи (маҳсулот етказиб берувчи) кўрсатилган маҳсулотни (товарни) етказиб беради. Буюргачи (харидор) маҳсулот етказиб берувчи билан хисоб-китоб қилиш ҳакида ўзига хизмат кўрсатувчи банк муассасига ўзидан тегишли пулни тўлаш тўғрисида топширик беради, шу билан бирга аккредитив топшириги – мажбурият деб аталади.

Мажбуриятда қуйидаги маълумотлар, чунончи, маҳсулот (товар) етказиб берувчининг номи, аккредитив шакли ҳақ тўланиши лозим бўлган товар номи, аккредитивнинг суммаси, муддати ҳамда етказиб берувчининг счёт-фактурасига мувофик пул тўлаш тартиби ва бошқа келишув қоидалири ҳамда аниқ кўрсатма буйруғи албатта, кўрсатилиши шарт. Амалдаги Конунларга мувофик хисоб-китобларининг аккредитив шакли тегишли пулларни ўз вактида тўламаган хўжа-

ликларға нисбатан кўлланилади. Ҳисоб-китобнинг аккредитив шакли асосан қўйидаги ҳолларда:

— халқ хўжалигининг айрим тармоклари учун ҳукумат қарорлари ёки таъминотнинг алохидат шартлари билан назарда тутилган бўлса;

— маҳсулот (товар) етказиб берувчи (пудратчи), таъминотчи билан буюртмачи (харидор) ўртасидаги шартнома ёки келишувда назарда тутилган бўлса ёки улар орасидаги хўжалик муносабатлари доимий ҳаракатда бўлмаса;

— товар буюртмачи (харидор) томонидан пудратчининг (таъминотчининг) жойлашган жойида қабул қилиниши лозим бўлса;

— ҳисоб-китобнинг акцепт шакли бўйича тўловни кечкитираётган буюртмачига (харидорга) пудратчи (таъминотчи) санкция кўлласа ва шунга ўхшаган бошка ҳолларда аккредитив ҳисоб-китоб шакли кўлланилади.

Аkkредитив топшириғида буюртмачининг (харидорнинг) бошка талаблари масалан, счёт-фактурага, албатта, товарнинг сифати ҳакидаги акт кўшилиши кераклиги ҳам кўрсатилиши мумкин. Ҳисоб-китобнинг аккредитив шакли бўйича товар учун пул тўланганида бу талаблар, албатта, бажарилиши керак. Пудратчи (таъминловчи) ҳисоб-китобнинг аккредитивдан белгиланган муддатда фойдаланилмаса, буюртмачи (хақ тўловчи) ташкилот фойдасига жарима тўлайди ва ҳисоб-китоб қилинишининг бошка шаклига кўчирилиши мумкин.

4. Тўлов топшириклари (перевод) асосида ҳисоб-китоб шакли бу тўлов топшириғи (корхона, муассаса ёки ташкилотниш ўзига хизмат килаётган банкка ўз счётидан маълум суммани қилинган хизматлар, бажарилган ишлар, олинган маълумотлар учун бошка юридик шахснинг ўша шаҳардаги ёки бошка шаҳардги банкда бўлган счётига кўчириш тўрисидаги буйругига айтилади).

Ҳисоб-китобнинг тўлов топшириклари (переводлар) тўлов талабномаси ҳисоб-китоби шу билан фарқ килиндики, агар тўлов талабномаси кредитор томонидан, яъни маҳсулот олган юридик шахс томонидан берилади.

5. Алоқа муассасалари орқали пул маблағларини кўчириш (переводлар) ҳакида шуни айтиш керакки, барча фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ва юридик шахслар ўзларининг ҳисоб-китоб счёгларидан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Конуний хужжатларида белгиланган қоидаларига асосан, Почта ва телекоммуникация агентлигининг уставига ва у тасдиқлаган қоидаларга кўра амалга оширадилар. Шу нарсани айтиб ўтиш керакки,

чет давлатларга ёки бизнинг давлатимизга чет давлат фука-роларидан жўнатиладиган пуллар, ташки савдодан тушган пуллар, солик тўловлари ва кредит муассасаларининг счётига ёзиш учун факат суммалар кўчирилиши мумкин.

6. Режали тўловлар тартибида хисоб-китоб килиш, асосан, тарафлар ўртасида тузилган шартномага кўра товар, маҳсулотларни бир хилда (меъёрда) узлуксиз (доимий) равища етказиб берища ёки доимий равища хизматлар кўрсатища юридик, жисмоний шахслар ёки факат корхоналар ўз пудратчилари (тъминотчилари) ёки буюртмачилари билан режали тўловлар тартибида хисоб-китоблар олиб боришлари мумкин.

Амалдаги конуний хужжатларга кўра, бундай хисоб-китоб шаклини амалга оширишда бир тараф қарздор ва иккинчи тараф эса — факат кредитор бўлиб кўринади. Масалан, озиқ-овкат дўконига сотиш учун доимий равища нон етказиб турган нон заводи кредитор бўлиб, савдо ташкилоти эса қарздор бўлиб кўринади. Хисоб-китобнинг бу режали тўловлар шакли тарафларнинг ўзаро келишув шартномаси бўйича ҳар куни, маълум бир кунда ёки ҳар ойда камида бир марта аниқлаб хисоблашадилар. Буни жамоат корхоналари, дехкон хўжаликларидан доимий равища озиқ-овкат маҳсулотлари олинишида татбик этиш мумкин.

7. Ҳозирги бозор шароитида жуда кам ривожланган хисоб-китоб шаклларидан бири чеклар билан хисоб-китобларни амалга оширилмоқда. Бундай хисоб-китоб хусусан, савдо ташкилотлари билан фуқаролар, юридик шахслар ўртасида амалга оширилмоқда. Чек деб, муайян сумма пулнинг чекни тақдим қилувчига тўланиши тўғрисида, чек берувчининг пул тўловчига берган ёзма буйруғига айтилади. Чекда унинг кимга берилганлиги, вакти, жойи, канча сўм тўланганлиги (тўланиши) ва бошка маълумотлар кўрсатилади.

Хисоб-китобнинг чек шакли шундай турларга:

- банк томонидан акцептланган чеклар;
- банк томонидан акцептланмаган чеклар;
- лимитланган дафтарчалар бўйича олинадиган чеклар;
- лимитлаимаган дафтарчалар бўйича олинадиган чекларга айтилади.

Хисоб-китоб чекларининг бланклари Марказий банк томонидан тайёрланади ва “Расчетный” белгиси хам бўлиши мумкин. Агар банк муассасаси пул тўлашга розилигини билдиrsa, яъни пул тўлаш мажбуриятини олса (чекни акцептласа), бундай чек акцептланган чек бўлиб хисобланади. Мазкур чеклар бюджет хисобида турган юридик шахслар (ташкилотлар) томонидан олинган товарлар, уларга қилин-

ган хизматлар, бажарилган ишлар учун бир шаҳар ичидаги хисоб-китобни олиб боришида кўлланилади.

Банк муассасаси томонидан акцептланмаган (банк розилиги олинмаган) чеклар билан хисоб-китоб қилиш, асосан, савдо ташкилотлари билан фукаролар ўртасида, хўжалик ташкилотлари ўртасида, яъни олинган товарлар, килинган ишлар, кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тўлашда кент кўлланилади. Амалдаги банк қонуний хужжатларга кўра, лимитланган чек дафтарчалари хўжалик ташкилотлари томонидан банк муассасасидан олинади. Лимитланган чек деб, мазкур чек дафтарчадан бериладиган, яъни шу чекда кўрсастилиши мумкин бўлган умумий суммага айтилади.

Лимитланмаган чеклар транспорт корхоналари ва алоқа ташкилотлари хизматларидан фойдаланганлик учун ҳақ тўлашда кўлланилади. Лимитланмаган дафтарчалар факат кредит асосида банк томонидан олти ой муддатга берилиши мумкин. Лимитланган ва лимитланмаган чек дафтарчалари хўжаликлараро бир шаҳарнинг ичидаги алоҳида ҳолларда шаҳарлараро доимий хисоб-китобларни олиб боришида, хизматлар кўрсатишда, товарлар етказиб боришида кўлланилиши мумкин. Чеклардан нотўри фойдаланганлиги учун айблор моддий жавобгар бўлади. Лимитланган ва лимитланмаган чек дафтарчаларининг эгаси ҳар қачон ўз вакилларининг (вакилининг) дафтарчаларидан чекларнинг тўғри фойдаланаётганларини текшириб турмоғи керак. Мазкур текширици ҳакила берилган чекнинг орка томонига бош бухгалтер ёки унинг ўринбосарининг имзоси билан белги кўйиш лозим.

“Бухгалтерия хисоби тўғрисида”ги Конуннинг қабул қилинини, бухгалтерия хисобининг максади ва вазифалари, бухгалтерия хисоби субъектларининг асосий ҳуқук ҳамда мажбуриятлари, бухгалтерия хисоби ва хисботни тартибга солишининг асосий қоидалари, бухгалтерия хисобини ташкил этиш, бошланғич хисоб хужжатлари, активлар ва мажбуриятларни инвентаризация қилиш, даромадлар ва харожатларни хисобга олиш, молиявий хисботни тақдим этиш ва эълон қилиш, бухгалтерия хужжатларини саклаш муддатлари ҳамда «Бухгалтерия хисоботи тўғрисиша»ги Конун хужжатларини бузганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги барча бухгалтерия қоидаларини ўзида акс эттирган.

XI БОБ

БАНК ХУКУКИ МУНОСАБАТЛАРИДА АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИ ВА БАНК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

1 - §. Аудиторлик фаолиятининг бозор шароитида туттган ўрни ҳамда унинг максади

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон халқ хўжалигининг барча тармокларида давлат мулкини хусусийлаштириш ислоҳотларини янада чукурлаштириш, мулкдорлар синфини жорий этиш, кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва уларнинг мулкий манфаатларини ҳимоялашга кўмаклашувчи мустақил молиявий назорат тизимининг хукукий асосларини белгилаб берувчи хужожатлар қабул қилинди. Олий Мажлис томонидан қабул қилинган “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Конун, Ўзбекистон Президентининг “Республика банк тизимининг аудиторлик фаолиятини ривожлантириш тўғрисида”ги Фармон Марказий банк бошқаруви карори билан тасдикланган “Ўзбекистон банк фаолиятида аудиторликни амалга ошириш тўғрисида”ги йўрикнома шулар жумласига киради.

“Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Конуннинг 43-моддасига мувофик, аудиторлик текширувлари лицензияга эта бўлган аудиторлар томонидан ҳар йили ўтказиб турилиши лозим. Аудит, хусусан, капиталнинг етарлигини баҳолаш, корхоналар, ташкилотлар, муассасаларнинг товарларини, маҳсулотларини аниглаш ва баҳолаш, ссудаларни максадга мувофик сарфланишини аниглаш, ссудалар бўйича заараларни коплаш, таваккалчиларни ва ликвидликни ўлчашни ўз ичига олади. Аудиторлик фаолият амалдаги хукукий хужожатларга асосан, мазкур банкда 5 йилгача ўз хulosалари, хисоб-китоблари бўйича фаолият кўрсатиши мумкин.

Аудит — муайян ваколатлар берилган шахслар, аудиторлар, аудиторлик фирмалар томонидан хўжалик юритаётган субъектларнинг молиявий хисботлари тўғрилигини, улар амалга оширган молиявий ва хўжалик операциялари Ўзбе-

кистон Республикасининг Конунлари ҳамда бошқа месъёрий хужжатларга қай даражада мувофикалигини, шунингдек мукаммаллиги ва асослигигини, бухгалтерия хисоб-китоби ва бошқа молиявий хисобот юритишга доир талабларга қай даражада мувофикалигини текшириш мақсадида ўтказиладиган молия хужжатларининг экспертизаси ва таҳтилидир. Аудит, шунингдек, консалтингчи — мижоз билан шартнома асосида хизматлар кўрсатишни ўз ичига олади.

Амандаги хукукий хужжатларга ва мамлакатчизининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Конунига мувофик, текширувларни ўтказиш вакодати берилганд аудитор ташкилотлари тижорат банкларнинг фаолиятларини текшириш кераклиги кўрсатиб хўйилган. Аудитор деб белгиланган тартибда аудиторлик фаолияти билан шуғулланиш хукукини олган ва аудиторларнинг касбкор рўйхатига киритилган мутахассисларга айтилади.

Мамлакатда аудиторлик фирмаси “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган Конуннинг 2-моддасига кўра, юридик ёки жисмоний шахс томонидан тузилиб, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ва ўз уставига мувофик фаолият соҳасида аудиторлик хизматлари кўрсатишдан иборат бўлган муассасага айтидан.

Бозор муносабатларини щакллантириш ва эркин нархларнинг жорий этилиши, пул, Кредит, хисоб-китоб, валюта муносабатларини тартибга солиш шароитларида аудиторлик хукукий фаолиятининг аҳамияти каттадир. Аудиторлик фирмалари, кичик корхоналар, хўжалик, ширкат жамиятлари ва бошқа ташкилий-хукукий щаклдаги корхоналар тарзida тузилишига конун рухсат этади. “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Конунга кўра, аудиторлар ва аудиторлик фирмалари давлат рўйхатидан ўтиб, лицензия олганидан кейин ўз фаолиятини бошлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш, Конунларда белгилаб кўйилган тартибда Адлия вазирлигига амалга ошириш баён этилган. Аудиторлик фаолиятига доир лицензиялар бериш тартиби Вазирлар Махкамаси томонидан белгиланиши мазкур Конун билан белгиланган.

Аудиторлик холосаси — бухгалтерия хисоб-китобини юритишга ҳамда ошкор қилинадиган йиллик молиявий хисоб хужжатлари тайёрлашга доир талабларга хўжалик юритаётган субъектларнинг ёки банкларнинг хисобот хужжатлари қай даражада мувофикалиги хусусидаги аудиторлик фикри баён қилинган, имзоси кўйилган ва муҳр билан

тасдиқланган хужжатдир. Аудиторлик фирмасининг хукуклари ва вазифалари мазкур қонуннинг иккинчи бўлимида баён қилиниб, Ўзбекистон Республикасининг бошка қонун ва меъёрий хужжатлари талабларига асосланиб, текширишнинг шакли ва услубларини мустакил белгилаш учун:

— ўзи текшираётган, хўжалик юритаётган субъектнинг ёки банкнинг мулкий ҳолати ва фаолиятини кўрсатувчи, текширилаётган обьектда ҳам, учинчи шахсларда ҳам бўлган хужжатлар билан эркин танишиш;

— ўтказилаётган текширув ёки аудиторлик хизмати кўрсатиш муносабати билан текширилаётган хўжалик субъекти раҳбари ва бошка ходимларидан, шунингдек учинчи шахслардан оғзаки ёки ёзма шаклда зарур тушунишишлар олиш;

— аудиторлик текширувларини сифатли ўтказишни, текширишлар ўтказиш билан боғлик бошка аудиторлик хизматлари кўрсатиш;

— ўзи текшираётган хўжалик юритиш субъектларининг ёки банкларнинг раҳбариятига текширув чоғида аникланган бухгалтерия хисоб-китоби юритиш ҳамда молиявий хисобот хужжатлари тайёрлашга доир талаблар ва қонунлар бузилганини маълум килиши мумкин.

Аудиторни тайинлаш ва чакириб олишга оид қоидалар аудиторлик фаолияти тўғрисидаги Қонунга мувофиқ, аудиторлик хизмати кўрсатиш борасида шартнома тузган аудиторлик фирмаси билан хўжалик юритаётган субъект келишилган ҳолда амалга оширилади ва тайинланади. Аудиторни чикариб олиш факатгина хўжалик юритаётган субъект мулкдорларнинг ёки аудиторни тайинлаган юридик (хукукий) шахснинг қарорига биноан амалга оширилиш мумкин. Бу хақда аудитор олдиндан унинг хизматидан норозилик сабаблари кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда хабардор килиши лозим. Буюртма асосида ўтказилаётган текшириш ёки бошка ишларни амалга ошириш чоғида аудитор хизматидан воз кечилса, хўжалик юритаётган субъектнинг мулкдори аудиторнинг хизмат ҳакини тўлаши шарт.

Мазкур қонунга кўра, суриштирув идораси, прокурор, терговчи ва суднинг топшириғига биноан ўтказилган аудиторлик текширувига кеттан харажатлар текширилаётган хўжалик юритаётган субъект хисобидан, унинг етарли маблағи бўлмаган тақдирда эса, текширишни тайинлаган идора хисобидан сарфланади. Башарти, хўжалик юритаётган субъект текширув ўтказиш учун кетадиган харажатларни тўлашга етарли маблағга эга бўлса-ю, аммо тўловдан бош тортса, проку-

рор аудитор ёки аудиторлик фирмасининг мулкий манфаатларини ҳимоя қилиш учун тегишли судга мурожаат этиши мазкур қонунда шарт этилган. Амалдаги қонунга кўра лицензиядан (рухсатномадан) маҳрум этишга доир қарор устидан судга шикоят қилиш хукукига эгадир.

Хўжалик юритаётган субъектларнинг ёки банкларнинг раҳбарлари ва мансабдор шахслар аудиторнинг талабига биноан:

- молия-хўжалик фаолиятига доир хужжатлар такдим этишлари;
- ёзма ёки оғзаки шаклда зарур тушунтиришлар беришлари;
- текширилаётган объектнинг молия-хўжалик фаолиятини экспертизасидан сифатли ўтказиш учун бошқа зарур шарт-шароит яратиб беришлари шарт қилиб кўрсатилган.

Аудитор ва аудиторлик фирмаси аудиторлик текширувлари ўтказиш чоғида мазкур Конуннинг 12-моддасига мувофиқ ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун қоидаларини бузганилик учун;

- Ўзбекистон Республикасининг қонунларига кўра мулкий ва маъмурий жавобгарликка;
- лицензия берган идоранинг қарорига мувофиқ аудиторлик фаолияти билан шуғуланиш хукукини берувчи лицензиянинг амал қилиниши тўхталишига ёки лицензиядан маҳрум этишгача бўлган интизомий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Бозор шароитида иқтисодий ва хукукий муносабатларни ривожлантиришда мазкур қонунда аудитор палатасига катта ахамият берилган, яъни аудитор палатаси мамлакат худудида иш олиб борувчи аудиторларни ихтиёрий асосида бирлаштириб, аудиторлик фаолиятини ривожлантиришга, такомиллаштиришга ва мустаҳкамлашга даъват этилган мустакил жамоат ташкилотидир.

Аудиторлик палатаси Молия вазирлиги билан биргаликда:

- аудитор лицензия олиш хукукини кўлга киритиш учун ўтказиладиган малака имтиҳонлари дастурини ва тартибини ишлаб чикади ҳамда тасдиклайди;
- аудиторлик текширувлари ўтказишнинг қоидаларини ишлаб чикади;
- аудиторлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил қиласди;
- аудиторлик фаолияти билан боғлиқ, қонунларга зид келмайдиган бошқа хатти-харакатларни амалга оширади;

— аудиторлар палатаси давлатнинг бошқа идоралари, мамлакатдаги ва хориждаги аудиторлар ҳамда бухгалтерлар ташкилотлари билан ҳамкорликни амалга оширишлари мумкин.

Аудиторлар палатаси Адлия вазирлиги билан биргаликда:

— аудиторлик фирмалари тузиш масалаларини қараб чиқиши;

— бошқа давлатларнинг аудиторлик палаталари ёки шундай ишни бажариш ваколати берилган идоралари билан тегишли худудларда Ўзбекистон Республикаси аудиторларининг лицензияларини ўзаро эътироф этиши тўғрисидаги шартнома тузишлари мумкин.

Амалдаги конунга кўра, хўжалик юритаёттан субъектларнинг эълон қилинадиган молиявий ҳисобот хужжатлари — аудиторлик хулосасини, балансини, фойда ва зарар тўғрисидаги ҳисоботни ёки даромадларига доир декларацияни ҳамда бухгалтерияга оид бошқа маълумотларни ўз ичига олади. Бундай маълумотлар ташқаридағи фойдаланувчилар учун такдим этилиши шарт килиб қўйилган.

Дастлабки тарзда аудитор текширувидан ўтган молиявий ҳисобот хужжатлари:

- ташкилий-хукукий шакли мулкдорларнинг мулкий жавобгарлиги чекланишини кўзда тутадиган хўжалик юритаётган субъектлар;

- акциядорлар, фонд биржаларида кимматга эга бўлган хўжалик юритаётган субъектлар;

- мулк шаклидан қатъи назар банклар;

- мулк шаклидан қатъи назар суурта компаниялари;

- фаолият соҳаси учинчи шахсларнинг маблағларини акциялар, облигациялар ёки бошқа кимматбаҳо коғозларга жойлаштиришдан иборат бўлган инвестиция, молия компаниялари;

- биржалар;

- чет эл инвестицияларига эга бўлган корхоналар;

- доирасини ҳар йили Вазирлар Махкамаси белгилаб берадиган бошқа субъектлар томонидан эълон қилиши шарт деб қўйилган.

“Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Конун қоидаларига кўра, йиллик молиявий ҳисобот хужжатлари тегишли молия йили тутагандан кейин узоги билан 5 ой ичida эълон қилиниши баён этилган. Йқтисодий муносабатларни амалга оширишда хўжалик юритаёттан субъектларнинг иш фаолиятини аудиторлик текшируви:

- текширилаётган хўжалик юритиш субъекти раҳбари ва мансабдор шахслардан биронтаси билан бевосита қариндош;
- текширилаётган хўжалик юритиш субъектида шахсий мулкий манфаатлари бўлган шахс;
- хўжалик юритаётган субъектнинг раҳбарлари, муассасалари ёки мулкдорлари;
- текширилаётган хўжалик юритиш субъект ёки унинг филиали ходими;
- давлат хокимияти ва бошқарув идораларининг мансабдор шахслари;
- кредиторлар, инвесторлар ва бошка манфаатдор шахслар томонидан ўтказилиши ман этилади.

Аудиторлар ва аудиторлик фирмалари ўртасидаги ўзаро низолар, шунингдек улар билан юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги низолар Ўзбекистон Республикаси Конуналарида белгиланган тартибда қараб чиқилади.

2-§. Банкларга оид мажбурият қоидала- рини бузганлик учун тарафларнинг жавобгарлиги

Бозор шароитларига ўтиш, давлат мулкини хусусийлаштириш, тижорат ва хусусий банк тизимини шакллантириш, иқтисодий ислоҳотларни боскичма-боскич ўтказиш, кичик, ўрта хусусий бизнес, тадбиркорлик фаолиятини шакллантиришга алоҳида эътибор бермокда. Ўзбекистон Конституциясининг 53-54-моддаларига кўра, хилма-хил мулк шакллари ташкил этилиши билан бирга улар хукукий жихатдан баб-баравар давлат томонидан муҳофаза этилиши кафолатланган. Банклар фаолиятига оид пул, кредит, кимматли коғозлар, валюта объектлари, дебиторлик ва кредиторлик карзларни тўлаш, товарлар, маҳсулотлар етказиб бериш, хизматлар кўрсатиш каби банклар билан фукаролар, корхоналар, концернлар, фирмалар, жамоат ташкилотлари, муассасалар ва ташкилотлар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар юридик фактлар асосида, яъни шартномаларга, конуний хужатларга мувоғиқ амалга оширилади.

Вазирлар Махкамасининг 1995 йил 26 январдаги “Халқ ўжалигидаги хисоб-китобларни меъёrlаштириш, уларнинг ўз вактида ўтказилиши юзасидан масъулиятни мустаҳкамлаш бўйича чора-талбирлар тўғрисида”ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майда-

ги “Халқ хўжалигида хисоб-китобларнинг ўз вактида амалга оширилиши учун корхоналар ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони корхоналарнинг молиявий ахволини мустаҳкамлашга йўналтирилди. Мазкур хужжатларга мувофик, Марказий банк ва Республика прокуратурасига дебиторлик-кредиторлик қарзларни ўз вактида тўлашдан бўйин товлаган мансабдор шахслар ва бош бухгалтерларни, хатто жиной жавобгарликка тортиш кўзда тутилган.

Амалдаги хукукий хужжатларга кўра, тижорат банки мажбурий резервлар фондида маблағларни депонентлаш юзасидан белгиланган муддатлар ва меъёрларни бузган тадирда Марказий банк вакиллик хисоб вараги бўйича операциялар бажариш тўғрисидаги Низомда кўзда тутилган тартибда, унда кўйилган маблағларнинг етмаган қисмини, шунингдек тегишли жаримани ундиради. Мазкур жарима кам ўтказилган бадалнинг тўланмаган ҳар бир куни учун такрор молиялаш ставкасининг икки баравари микдорида хисобланиб чиқилади ва ундирилган жарима суммаси “Марказий банк олган жарималар, пенялар, бокимандалар” 969-баланс хисоб варагига киритилади.

Бундан ташқари, маблағларнинг мажбурий резервлар фондига ўз вактида ва тўла ўтказиш тўғрисидаги талаблар бир неча маротаба (ярим йил давомида икки ва ундан кўп марта) бажарилмаган ҳолларда Марказий банк куйидаги чораларни кўришга хакли:

- бундай банкларга такрор молиялаш тартибида Марказий банк кредитлар берилишини тўхтатиш;
- банк (митакавий филиал) кредит ресурслари ким ошди савдосида иштирок этишига рухсат бермаслик.

Марказий банкда депонентланиши керак бўлган мажбурий резервлар меъёрини ошириш 9, кўпи билан 10 банд ва конунларда кўзда тутилган бошқа жазо чоралари кўлланилиши мумкин. Марказий банк бошқарувининг карорига кўра, шундай жазо чоралари кўлланилиши мумкин. Марказий банк жазо чоралари кўлланилиши мумкинлиги хусусида тижорат банки камида бир ҳафта олдин огохлантирилиши лозим.

Ўзбекистон демократик хукукий давлатида барча хўжалик юритувчи юридик ва жисмоний субъектлар учун қонун олдида уларнинг тенглик, эркинлик ва мулкий мустақиллик принциплари кенг жорий этилади. Шунинг учун ҳам Марказий банк тижорат банки мажбурий резервлари фондида ортиқча кўйилган маблағларни ўз вактида қайтармаган ҳолларда Марказий банк муассасаси тижорат бан-

кига жарима тўлайди. Жарима суммаси мажбурий резервлар фондидан банкка қайтарилиши керак бўлган сумма кечиккан ҳар бир кун учун қайта молиялаш ставкасининг икки баравари микдорида хисобланади.

Марказий банк Бошқаруви томонидан 1995 йил 19 авгуистда тасдикланган “Тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш қоидалари”га кўра, тижорат банкининг Марказий банклардаги мажбурий резервлар фонди билан боғлиқ операцияларга доир маблағлари харакати хисоби тижорат банкида “Тижорат банкларининг банк тизими кредит ресурсларини тартибга солиш фондига ўтказилган маблағлари” 816- баланс хисоб варагида юритилади. Бу хисоб вараги шу банклар балансида очилади. Марказий банкда мажбурий резервлар фондига келиб тушаётган ва ундан қайтарилаётган маблағлар хисоби “Банк тизими кредит ресурсларини тартибга солиш фондига” 815-баланс хисоб варагида ҳар бир банк учун алохида шахсий хисоб вараклар бўйича юритилади,

Марказий банк бошқаруви томонидан жорий этилган “Тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш тўғрисида”ги қоидаларнинг 13-бандига кўра, Марказий банкнинг тижорат банкларини рўйхатга олиш комиссияси қарори асосида банк операцияларини бажариш учун лицензия қайтариб олинган холларда Марказий банк тижорат банки илгари 815-баланс хисоб варакка тижорат банки мажбуриятлари юзасидан хисоб-китоб қилиши учун қайтаради.

Маълумки, хўжалик юритувчи юридик ва жисмоний шахсларнинг пул, кредит, қимматли қоғозлар, валюта операцияларига оид иқтисодий-ижтимоий муносабатлари, юридик фактларга (шартномаларга, қонун хужжатларига) мувофиқ вужудга келади, ўзгаради ёки бекор бўлади. Ана шундай юридик фактнинг бекор бўлишига мисол тариқасида мустакилликнинг дастлабки йилларида ташкил этилган хусусий “Нур Анварбек” ҳамда Усмоновлар оиласи томонидан очилган хусусий “Рустамбанк” фаолияти Марказий банкнинг тижорат банкларини рўйхатга олиш комиссияси қарорига мувофиқ, уларга берилган лицензиянинг олиб кўйилиши муносабати билан тугатилган. Бозор иқтисоди шароитида хўжалик юритишининг янги механизмини такомиллаштириш, корхоналар билан банклар, солиқ органлари ўртасидаги ташаббускорлик, корхоналарнинг хўжалик хисобига ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш, қонун қоидаларига катъий риоя қилиш ҳар бир хўжалик юритувчи жисмоний ва юридик, мансабдор шахсларнинг солиқ қонунларини бузиш натижасида тўланмай колган бир миллиард

сўмдан кўпроқ солик ва бошқа тўловлар ундириб олинди. Жумладан, Навоий вилояти бўйича 525,2 миллион сўм, Тошкент вилоятида 245,2 миллион сўм, Самарканд вилоятида 46,2 миллион сўм, Жиззах вилоятида 11,2 миллион сўм* маъмурий асосда олинди.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини химоя қилиш тўғрисида”ги Конунининг 117-118-моддаларида ҳамда “Кимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида”ги Конунининг 31-моддасига мувофиқ, кимматли қоғозлар тўғрисидаги конун хужжатлари бузилган тақдирда давлат томонидан ваколат берилган орган:

— эмитентлар ва кимматли қоғозлар тўғрисидаги ахборотни, хисоботларни Эълон қилмаганлиги ёки ўз вактида Эълон қилмаганлиги, шунингдек давлат назорати органларига хисоботлар ёки ахборот тақдим этмаганлиги ёки ўз вактида тақдим этмаганлиги учун — энг кам иш ҳакининг 70 баравари микдорида;

— қоида бузарликларни тўхтатиш тўғрисидаги кўрсатмаларни бажаришдан бўйин товлаганлик ёки ўз вактида бажармаганлик учун — энг кам иш ҳакининг 100 баравари микдорида;

— эмитентлар томонидан кимматли қоғозлар чиқариш ва уларни муомалага киритишнинг белгиланган тартиби бузилганлиги, кимматли қоғозлар бозорининг профессионал қатнашчилари кимматли қоғозларга доир битимларни тузиш ва уларни рўйхатдан ўтказишининг белгиланган тартибини бузганликлари учун — энг кам иш ҳакининг 200 баравари микдорида;

— инвесторлар, кимматли қоғозлар юзасидан операциялар, харажатлар ва даромадлар хисобини юритиш ва улар ҳакида хисбот юритиш тартибини бузганлик учун — энг кам иш ҳакининг 600 баравари микдорида;

— активлар билан мустаҳкамланмаган кимматли қоғозларни эмиссия қилганлик, айrim инвесторларга асоссиз мулкий хукуклар белгиланганлик, уларнинг мулкий хукукларига риоя этмаганлик ҳамда инвесторларга тегишли даромадларни тўламаганлик учун — энг кам иш ҳакининг 700 баравари микдорида;

— атайин нотўри маълумотларни тарқатиш (тақдим этиш) йўли билан инвесторлар ва назорат органларини чалғитганлик, инвестиция институтлари томонидан киммат-

* “Иктисад ва хисбот” журнали, 1993, № 11-12.

ли қоғозларни яширинча сотганлик, кимматли қоғозлар бозорида нархларга доир алдамчилик қилғанлик учун – энг кам иш ҳақининг 800 баравари микдорида жарима солишдан иборат иктисодий жазо чораларини кўллашга ҳақлидир.

Кимматли қоғозлар бозорида нархларга доир алдамчилик фактлари (нархларни сунъий равищда ошириш ёки тушириш) суд тартибида эътироф этилади. Кимматли қоғозлар бозори қатнашчиларининг қонунсиз фаолият турлари оркали ёки қонун хужжатларида белгиланган холларда маҳсус рухсатнома (лицензия) олмасдан ортирган даромадлари қонунсиз (лицензияланмаган) фаолиятдан олган даромадлари суммасида жарима солинган холда давлат бюджети хисобига олиб қўйилиши мазкур қонунда баён этилган. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатлари пул, кредит, кимматли қоғозлар, валюта операцияларини ғайриқонуний харакатлар билан амалга оширган жисмоний, юридик ва мансабдор шахсларниң интизомий, моддий, маъмурий ва жиноий жавобгарлиги баён этилган.

Агар Ўзбекистон Жиноят кодексининг 176-моддасида калбаки пул ёки кимматли қоғозлар ясаш, уларни ўтказиш уч йилгача ахлоқ тузатишдан то мол-мулки мусодара килиниб, беш йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум килиниши кўрсатилган бўлса, 177-178-моддаларида эса, фукараларнинг қонунга ҳилоф равищда валюта қимматликларини олиш ёки ўтказиш, корхоналар, муассасалар ёки ташкилотларда валюта операцияларини амалга оширувчи ходимлар томонидан Ўзбекистон Республикасининг ваколат берилган банклари хисобига ўтказилиши лозим бўлган чет эл валютасининг қасдан яшириб колиниши – энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача микдорда жарима ёки уч йилдан беш йилгача муважиҳатдан маҳрум килиш ёхуд мол-мулки мусодара килиниб, уч йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум килиш билан жазоланади, дейилган.

Соҳта тадбиркорлик, яъни уставида кўрсатилган фаолиятни амалга ошириш мақсадини кўзламасдан ссудалар (кредит) олиш, фойдани (даромадни) соликлардан озод килиш (соликларни камайтириш) ёки бошқа мулкий манфат кўриш мақсадида корхоналар ва бошқа тадбиркорлик ташкилотлари тузиш ёки соҳта банкротлик, яъни хўжалик юритувчи субъектларниң ўз мажбуриятларини иктисодий жихатдан бажара олмаслигини била туриб, ҳакиқатга тўғри

келмайдиган эълон бериши кредиторларга кўп микдорда моддий заарар етказишга сабаб бўлса, бухгалтерия ҳисоботларини бузиб кўрсатиш йўли билан иктиносидий жихатдан ўзининг тўлов қобилиятини йўқотганлигини ёки иктиносидий начорлигини бошқача тарзда касдан яшириш натижасида кредиторларга катта микдорда моддий заарар етказишга сабаб бўлса, божхона назоратидан яшириб, божхона хужжатлари ва воситаларига ўхшатиб ясалган хужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланган ҳолда ёки декларациясиз ёхуд бошка номга ёзилган декларациядан фойдаланиб, товар ёки бошка кимматликларни божхона чегарасидан утказиш, солик ва бошка тўловларни тўлашдан бўйин товлаш, Жиноят кодексининг 179-184-моддаларида баён этилган жазоларга тортилиши кўзда тутилган.

ҚОНУНЛАР • ФАРМОНЛАР • ҚАРОРЛАР

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги (1991 йил 19 ноябр) Конуни. «Қонунлар ва Фармонлар». Т., «Ўзбекистон», 1992.

Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги (1992 йил 9 декабр) Конуни. Ўзбекистоннинг янги конунлари. Т., Адолат, №7, 1994.

Ўзбекистон Республикасининг «Сугурта тўғрисида»ги Конуни. Ўзбекистоннинг янги конунлари, Т., «Адолат», №8, 1994.

Ўзбекистон Республикасининг «Валютани тартибга со- лиш тўғрисида»ги 1993 йил 7 май Конуни. Ўзбекистоннинг янги конунлари, Т., «Адолат», №8, 1994.

Ўзбекистон Республикасининг «Кимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида»ги (1993 йил 2 сентябр) Конуни. Ўзбекистоннинг янги конунлари, Т., «Адолат», №8, 1994.

Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестицияла-ри ва чет эллик инвесторлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги 1994 йил 5 май Конуни. Ўзбекистоннинг янги конунлари, Т., «Адолат», №10, 1995.

Ўзбекистон Республикасининг «Марказий банк тўғри-сида»ги (1995 йил 21 декабр) Конуни. Т., «Шарқ» НМК, 1996.

Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фао-лияти тўғрисида»ги (1996 йил 25 апрел) Конуни. Ўзбекис-тоннинг янги конунлари, Т., «Адолат», №13, 1996.

Ўзбекистон Республикасининг «Кимматли қоғозлар бо-зорининг фаолият кўрсатиш мёханизми тўғрисида»ги (1996 йил 25 апрел) Конуни. Ўзбекистоннинг янги конунлари, Т., «Адолат», №13, 1996.

Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамият-лари ва акциядорларнинг хукукларини химоя килиш тўғ-рисида»ги (1996 25 апрел) Конуни. Ўзбекистоннинг янги конунлари, Т., «Адолат», №13, 1996.

Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчиларнинг хукукларини химоя килиш тўғрисида»ги (1996 йил 26 апрел) Конуни. Ўзбекистоннинг янги конунлари, Т., «Адолат», №13, 1996.

Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия хисоби тўғрисида»ги (1996 йил 30 август) Конуни. Ўзбекистоннинг янги конунлари. Т., «Адолат», №14, 1996.

Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги (1999 йил 14 апрел) Конуни. «Халқ сўзи» газетаси, 1999 йил 29 апрел.

Ўзбекистон Президентининг «Ўзбекистон Ташки иктисадий фаолият Миллий банкини ташкил этиш тўғрисида»ги (1991 йил 7 сентябр) Фармони. «Тошкент оқшоми» газетаси, 1996 йил 8 сентябр.

Ўзбекистон Президентининг «Иктисадий ислоҳотларни янада чукурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини химоя килиш тўғрисида»ги (1994 йил 21 январ) Фармони. Фармонлар ва қарорлар, Т., «Ўзбекистон», 1994.

Ўзбекистон Президентининг «Савдога ва тижоратга кўмаклашувчи «Савдогар» ихтисослаштирилган акционерлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида»ги (1994 йил 18 марта) Фармони. Фармонлар ва қарорлар, Т., «Ўзбекистон», 1994.

«Банк тизимини такомиллаштириш. Пул-кредит муносабатларини баркарорлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (1994 йил 18 марта) қарори. Фармонлар ва қарорлар. Т., «Ўзбекистон», 1994.

Вазирлар Маҳкамасининг «Ташқи савдо операцияларини тартибга солишга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги (1994 йил 25 марта) қарори. Фармонлар ва қарорлар. Т., «Ўзбекистон», 1994.

Ўзбекистон Президентининг «Экспорт-импорт операциялари бўйича валюта назоратини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (1994 йил 20 апрел) Фармони. Фармонлар ва қарорлар, Иккинчи китоб, Т., «Ўзбекистон», 1994.

Вазирлар Маҳкамасининг «Банк тизимини ривожлантиришни молиявий қўллаб-куватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (1994 йил 13 июл) қарори. Фармонлар ва қарорлар. Иккинчи китоб. Т., «Ўзбекистон», 1994.

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасини жорий этишга оид ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги (1994 йил 20 июн) қарори. Фармонлар ва қарорлар. Иккинчи китоб. Т., «Ўзбекистон», 1994.

Вазирлар Маҳкамасининг «Республика банк тизимини бошқарувчи тузилмасини ва унинг амалий фаолиятини та-комиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (1994 йил 3 май) қарори. Фармонлар ва қарорлар. Иккинчи китоб. Т., «Ўзбекистон», 1994.

Вазирлар Маҳкамасининг «Дебит ва кредит карточкаларини муомалага чиқаришни жадаллаштириш тўғрисида»ги (1994 йил 26 май) қарори. Фармонлар ва қарорлар. Иккинчи китоб. Т., «Ўзбекистон», 1994.

Вазирлар Маҳкамасининг «Республика корхоналари, ташкилотлари ва муассасаларидан пул тушуми тушиши устидан назоратни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (1994 йил 29 июн) қарори. Фармонлар ва қарорлар. Иккинчи китоб. Т., «Ўзбекистон», 1994.

Вазирлар Маҳкамасининг «Мевасабзавотбанк» Ихтисослашган Акционерлик-тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида»ги (1994 йил 18 август) қарори. Фармонлар ва қарорлар. Учинчи китоб. Т., «Ўзбекистон», 1995.

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида валюта бозорини ривожлантиришнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги (1994 йил 7 октябр) қарори. Фармонлар ва қарорлар. Учинчи китоб. Т., «Ўзбекистон», 1995.

Вазирлар Маҳкамасининг «Халқ хўжалигида хисоб-китобларни нормаллаштириш, уларнинг ўз вақтида амалга оширилиши учун масъулиятни ошириш ва тўлов интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (1995 йил 26 январ) қарори. Фармонлар ва қарорлар. Учинчи китоб. Т., «Ўзбекистон», 1995.

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалигида векселларни кўллаш тўғрисида»ги (1995 йил 2 июн) қарори. «Халқ сўзи» газетаси, 1995 йил 6 июн.

Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳолининг омонатлардаги ва давлат суғуртаси бўйича пул маблағларини индексация килиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (1996 йил 12 феврал) қарори. «Халқ сўзи» газетаси, 1996 йил 13 феврал.

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш, давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларнинг фаолияти тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги (1996 йил 12 феврал) қарори. «Халқ сўзи» газетаси, 1996 йил 13 феврал.

Вазирлар Маҳкамасининг «Бизнес фондининг хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни кўллаб-куватлашга доир

ташаббуси тўғрисида»ги (1996 йил 9 июл) қарори. «Халқ сўзи» газетаси, 1996 йил 10 июл.

Ўзбекистон Президентининг «Кимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш ва республиканинг фонд бозорида хорижий инвесторлар иштирокини кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги (1997 йил 31 март) Фармони. «Халқ сўзи» газетаси, 1997 йил 1 апрел.

Ўзбекистон Президентининг «Хусусий тижорат банкларини ташкил қилишни рафбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (1997 йил 24 апрел) Фармони. «Халқ сўзи» газетаси, 1997 йил 25 апрел.

Ўзбекистон Президентининг «Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рафбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (1998 йил 9 апрел) Фармони. «Халқ сўзи» газетаси, 1998 йил 10 апрел.

Ўзбекистон Президентининг «Жисмоний шахсларнинг хорижий валютадаги омонатларни рафбатлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги (1998 йил 23 сентябр) Фармони. «Халқ сўзи» газетаси, 1998 йил 24 сентябр.

Вазирлар Махкамасининг «Банк тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (1999 йил 15 январ) қарори. «Халқ сўзи» газетаси, 1999 йил 16 январ.

Вазирлар Махкамасининг «Биржадан ташқари валюта бозорини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги (2000 йил 24 март) қарори. «Тошкент оқшоми» газетаси, 2000 йил 27 март.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқолол ва тараккиёт йўли. Т., “Ўзбекистон”, 1992.

Каримов И.А. Ўзбекистон келажаги буюк давлат. Т., “Ўзбекистон”, 1992.

Каримов И.А. Янги уй курмай туриб, эскисини бузманг. Т., “Ўзбекистон”, 1993.

Каримов И.А. Иктисадий ислоҳот: масъулиятли босқич. Т., “Ўзбекистон”, 1994.

Каримов И.А. Ижобий ишларимизни охирига етказалик. Т., “Ўзбекистон”, 1994.

Каримов И.А. Ўзбекистон иктисадий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида. Т., “Ўзбекистон”, 1995.

Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, баркарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари, Т., “Ўзбекистон”, 1997.

Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т., “Ўзбекистон”, 1998.

Каримов И.А. Хавфсизлик ва баркарор тараккиёт йўлида. Т., “Ўзбекистон” 1998.

Агарков М.М. Учение о ценных бумагах. М., 1927.

Агарков М.М. Основы банковского права. Курс лекций. М., 1929.

Гуревич И.С. Очерки советского банковского права. Л.Г.У. 1952.

Гуревич И.С. Очерки советского банковского права. Л.Г.У. 1959.

Рахманкулов Х.А., Зульяров А., Игамбердиев Э. Ответственность за нарушения обязательств. Т., “Фан”, 1980.

Роде Э. Банки, биржи, валюты современного капитализма. М., 1986.

Жалилов И., Зульяров А. Правовое регулирование кредитных отношений в сельском хозяйстве. Т., “Фан”, 1986.

Ухтуев Г.А. Банковское право: учебное пособие. М., 1990.

Кадыров А. Сущность банков и их хозрасчёчная деятельность (часть I. Сущность банков) Т., 1991.

Эркаев Б., Хакимов Р. Международное банковское дело. Т., “Ўзбекистон”, 1993.

Эркаев Р., Расулов Т. Банки: банковское дело. Т., “Ўзбекистон”, 1993.

“Банковская система Узбекистана в годы независимости”, Т., “Ўзбекистон”, 1996.

Чжен В.А. Хусусийлаштириш асослари. Т., “Шарқ” НМК Бош таҳририяти, 1996.

Бозор қонунияти асослари. Т., “Шарқ” НМК Бош таҳририяти, 1996.

Пул ва молия бозорлари. Т., “Шарқ” НМК Бош таҳририяти, 1996.

Абдуллаев Ё., Коралиев Т. Пул: 100 савол ва жавоб. Т., “Мехнат”, 1996.

Ефимова Л.Г. Банковское право, (учебное практическое пособие), М., 1994.

Додонов В.Н. Финансовое и банковское право (словарь-справочник) ИНФРА-М, 1997.

Зуляров А. Социалистик кооператив ташкилотларнинг ривожланишида банк кредитининг туттан ўрни. «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар», Т., 1981, № 8.

Зуляров А. Денхон хўжалиги банк хукуки субъекти сифатида. “Иқтисод ва ҳисобот”, 1993, № 2.

Зуляров А. Банкларга оид хукукий муносабатлар. “Иқтисод ва ҳисобот”. 1993, № 11-12.

Зуляров А. Банк хукуки асослари курси бўйича ўқув дастури. Т., 1995.

Зуляров А. Правовое регулирование кредитных отношений, “Экономика и статистика”, 1995, № 5-6.

Зуляров А. Ответственности за нарушения в кредитно-расчетной сфере. “Экономика и статистика”, 1996, № 3-4.

Зуляров А. Банкрот бўлишдан сакланинг. “Иқтисод ва ҳисобот”, 1996, № 6.

Зуляров А. Виды и формы кредитных правоотношений. “Экономика и статистика”, 1998. № 2.

Зуляров А. Валютага оид хукукий муносабатлар. “Ўзбекистон иқтисодиёт ахборотномаси”, Т., 1999, № 4.

Каримов Ф. Валютные операции коммерческих банков. Т., “Ўқитувчи”, 1996.

Жабборов Э. Пластик карточкаларни кўллаш оркали накд пулсиз ҳисоб-китобларнинг миллий тизимини яратиш йўллари. “Бозор, пул ва кредит”, 1997, № 5.

Муллахажонов Ф. Банк тизимидағи ислоҳотлар ва Ўзбекистон Марказий банкининг монетар сиёсати. “Бозор, пул ва кредит”, 1998, № 1.

Султонова Л., Чернова О. Ўзбекистон тижорат банклари қимматли коғозлар бозори субъектлари сифатида. “Бозор, пул ва кредит”, 1998, № 1.

Меденцев Е., Маъмуроев А. Лизинг операциялари ҳамда уларни татбиқ этиш босқичлари. “Бозор, пул ва кредит”, 1998, № 2.

МУНДАРИЖА

Сўз боши ўрнида	3
Кириш	5

БИРИНЧИ БОБ

Ўзбекистон Республикасининг банк хукуки тушунчаси, принциплари ва унинг тизими

1-§. Ўзбекистон банк хукуки тушунчаси ва унинг мақсади	8
2-§. Ўзбекистон Республикаси банк хукуки принциплари	13
3-§. Ўзбекистон банк хукукининг молия хукуқидан фарқи	19
4-§. Бозор шароитида Ўзбекистон банклари тизимининг хукуюй масалалари	22

ИККИНЧИ БОБ

Ўзбекистонинг монетар ва фискал сиёсати, банк хукуки манбалари ҳамда уларининг турлари

1-§. Монетар ва фискал сиёсатининг хукукий асослари	26
2-§. Банклар фаолиятида Конституция ва конунларнинг туттан ўрни	31
3-§. Ўзбекистон худудидаги банкларга оид Фармонлар ва карорлар тушунчаси	37
4-§. Банк устави хукуқ манбаи сифатида	41

УЧИНЧИ БОБ

Банклар фаолиятини шакллантиришда шартномаларнинг аҳамияти

1-§. Шартномаларнинг умумий коидалари	44
2-§. Тижорат банклари билан ижара шартномаси тузиш тартиби	47
3-§. Бозорни ривожлантиришда гаров шартномасининг аҳамияти	50
4-§. Банклар фаолиятида лизинг шартномаси	54

5-§. Кредит шартномаси тушунчаси ва унинг мақсади	56
---	----

ТҮРТИНЧИ БОБ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки фаолияти

1-§. Марказий банк тушунчаси	58
2-§. Марказий банкнинг мулкий даҳлсизлиги, мақсади ва асосий вазифалари	62
3-§. Марказий банкнинг банк операцияларини амалга ошириш борасидаги фаолияти	67

БЕШИНЧИ БОБ

Ўзбекистон Республикасида банклар ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини тутатиш тартиби

1-§. Банклар ташкил этишнинг хукукий асослари	70
2-§. Банкларни рўйхатга олиш ва уларнинг фаолиятини лицензиялаш тартиби	73
3-§. Ўзбекистонда чет эл банкларини рўйхатдан ўтказишнинг хукукий асослари	75
4-§. Ўзбекистон Республикасининг Ташки иқтисодий фаолият Миллий банки тушунчаси ва унинг мақсади	78
5-§. Банклар фаолиятини тўхтатиш ва уларни тутатишнинг умумий коидалари	81

ОЛТИНЧИ БОБ

Банк хукуки субъектлари ва объектлари

1-§. Банк хукуки субъекти сифатида фуқаролар	91
2-§. Банклар — банк хукуки субъекти сифатида	96
3-§. Корхоналар, фирма ёз'я ташкилотлар — банк хукуки субъектлари сифатида	99
4-§. Ўзбекистон банк хукуки объектлари	103

ЕТТИНЧИ БОБ

Қимматли қоғозлар операциялари

1-§. Қимматли қоғозларга доир умумий коидалар	106
2-§. Вексел операцияларига оид хукукий муносабатлар тушунчаси ..	112
3-§. Қимматли қоғозларни рўйхатга олиш ва уларни муомалага чикаришнинг хукукий асослари	115
4-§. Фонд биржасининг хукукий фаолияти	119

САККИЗИНЧИ БОБ

Пул, кредит ва касса операцияларига оид хукукий муносабатлар

1-§. Ўзбекистонда пул тизими хамда пул муомаласини ташкил этишининг хукукий масалалари	122
2-§. Кредитга оид хукукий муносабатлар	126
3-§. Касса операцияларига оид хукукий муносабатлар	130

ТЎҚКИЗИНЧИ БОБ

Банкларга оид хукукий муносабатларда халқаро хамкорлик, валюта ва чет эл инвесторларининг хукукий фаолияти

1-§. Банкларга оид хукукий муносабатларда халқаро хамкорлик	136
2-§. Валютани тартибга солишга оиш хукукий масалалар	139
3-§. Чет эл инвесторларининг хукукий фаолияти	147

ҮНИНЧИ БОБ

Хисоб-китобга оид муносабатлар

1-§. Хисоб-китобга оид хукукий муносабатлар тушунчаси ва ахамияти	153
2-§. Хисоб-китоб шакллари	155

ҮН БИРИНЧИ БОБ

Банк хукуки муносабатларида аудиторлик фаолияти ва банк субъектларининг жавобгарлиги

1-§. Аудиторлик фаолиятининг бозор шароитида туттан ўрни хамда унинг максади	163
2-§. Банкларга оид мажбурият коидаларини бузганлик учун тарафларнинг жавобгарлиги	168

Қонунлар • Фармонлар • Қарорлар 174

Фойдаланилган адабиётлар 178

А.ЗУЛЯРОВ
БАНК ҲУҚУҚИ
(ўкув қўллаима)

«Тошкент ислом университети» нашриёти
Тошкент – 2001

Бадий мухаррир Ш.Ҳасанов
Техник мухаррир Ж.Бекиева
Мусаххиха Ҳ.Хўжаева

2001 йил 20 февралда босишига руҳсат этилди. Бичими 84x108^{1/32}.
№1 қоғозга “Таймс” ҳарфида офсет усулида босилди.
Шартли босма табори 10,7. Нашр табори 11,5. 3000 нусха.
Буюртма № . Баҳоси шартнома асосида.

«Тошкент ислом университети» нашриёти, 700011, Тошкент,
А.Кодирий кўчаси, 11. Шартнома № 0708-2001.

МЧЖ «NOSHIR» босмахонасида чол этилди. Тошкент тумани,
Келес шаҳри, генерал К.Фофуров кўчаси.

67.4
3 937



Ўзбекистон Республикасининг
банк ҳуқуқи тушунчаси,
принциплари ва унинг тизими

Банклар фаолиятини
шакллантиришда
шартномаларнинг аҳамияти

Банк ҳуқуқи субъектлари ва
объектлари

Қимматли қоғозлар
операциялари

Пул, кредит ва касса
операцияларига оид ҳуқуқий
муносабатлар

Ҳисоб-китобга оид
муносабатлар